

УДК 373.167.1

ББК 67.0я72

И15

Муаллифлар:

А.С.Ибраева, Л.К. Еркинбаева, Л.Т. Назаркулова, Г.Т. Ишанова,
А.К. Бекишин, Д.А. Турсинкулова, С.Б. Гончаров,
А.Н. Баданова, А.А. Касимжанова

Таржимон Н. Анарметова

Шартлы белгилар:



— бұз қызық



— эсда сақтайтын



— назорат саволлари



— биргаликта мүхокама қыламыз



— вазиятлы вазифалар



— ўйлаб күринг

Хуқуқ асоғлари. Үмумтағым мактабларининг ижтимоий-гуманитар
И15 йұналишдаги 11-сынфи учун дарслық. 1-қисм /А. Ибраева, Л. Еркинбаева,
Л. Назаркулова, за б. – Алматы: Мектеп, 2020. – 208 б., расм.

ISBN 978-601-07-1553-0

и **4306020700-170**
404(05)-20

УДК 373.167.1
ББК 67.0я72

© Ибраева А.С., Еркинбаева Л.К.,
Назаркулова Л.Т., Ишанова Г.Т.,
Бекишин А.К., Турсинкулова Д.А.,
Гончаров С.Б., Баданова А.Н.,
Касимжанова А.А., 2020

© Таржимон Анарметова Н., 2020
© "Мектеп" нашриети, бадий безак
берган, 2020

Барча хуқуқтар химояланған
Нашрға оид мулкий хуқуқтар
"Мектеп" нашриётіга тегишли

ISBN 978-601-07-1553-0

ХУҚУҚ АСОСЛАРИ 11

1-ҚИСМ

Умумтаълим мактабларининг ижтимоий-
гуманитар йўналишдаги 11-синфи
учун дарслик

*Қозогистон Республикаси Таълим ва фан
министрлиги тасдиқлаган*



Алмати «Мектеп» 2020

КИРИШ

Қадрлы ўқыучилар!

Сиз “Хуқуқ асослари” фанини ўрганишнинг якунловчи босқичини бошлаяпсиз.

9 ва 10-синфларда сиз давлат ҳуқуқининг хусусиятларини ижтимоий ҳодиса сифатида ўргандингиз; давлат ва ҳуқуқнинг асосий вазифаси жамиятда тартиб ўрнатиш, Қозоғистон Республикаси ҳудудида яшаётган одамларни бирлаштириш, инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш эканлигини билиб олдингиз.

11-синфда давлат ва ҳуқуқни амалий жиҳатдан ўрганишни давом эттирамиз. Ушбу дарсликнинг мақсади – давлат ва ҳуқуққа алоқадор назарий билимларни мустаҳкамлаш; ҳуқуқий меъёрларни қўллаш учун амалий кўникмаларни шакллантириш.

Дарслик қўйидаги вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган:

- ҳуқуқий тизим ва давлат тизими тўғрисида кучли ҳуқуқий билимларни шакллантириш;
- ўқувчиларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражасини ошириш;
- оммавий ва хусусий ҳуқуққа тегишли масалаларни очиб бериш;
- муайян ҳаётий вазиятларга асосланган ҳуқуқий меъёрларни қўллаш амалиётини баҳолаш;
- турли ҳаётий вазиятларда ҳуқуқий билимларни қўллаш кўникмаларни шакллантириш.

Дарслик икки қисмдан иборат. Биринчи қисмида ҳуқуқ ва давлатнинг умумий масалалари очиб берилган. Қозоғистон Республикасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмига алоҳида эътибор қаратилган. Унда жамоат ҳуқуқининг энг муҳим масалалари кўриб чиқилади. Сиз фуқаролик тушунчалари, сайлов ҳуқуқи институтлари, маъмурий ва жиноий ҳуқукбузарлик турлари, ер ҳуқуқининг асослари билан танишасиз.

Дарсликнинг иккинчи қисмида сиз хусусий ҳуқуқ асосларини ўрганасиз. Ушбу мавзуни ўрганиш натижасида сиз мамлакат қонунлари, процессуал ҳуқуқ, ер ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи каби ҳуқуқ соҳаларининг аҳамияти ва қонун устуворлигини шакллантириш назарияси ва амалиёти ҳақида кўп янги нарсаларни билиб оласиз.

Сиз ҳуқуқий меъёрлар қандай ишлашини, нима учун ҳуқуқни хусусий ва жамоат даражасига бўлиш кераклигини, ҳуқуқ ва давлат қандай вазифаларни бажаришини тушунтира оласиз.


Сиз ушбу билимларни муайян ҳуқуқий вазиятларни ҳал қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича давлат органларининг ҳаракатларини баҳолаш учун қўллашингиз мумкин.

Ушбу мавзуни ўрганиш жараёнида сиз жамоада ишлашни ўрганасиз, қабул қилинган қарор учун жавобгарликни ўз зиммангизга оласиз ва шахсий ташаббусни намоён этасиз.

Ушбу дарслик 10-11-синфлар учун “Хуқуқ асослари” фани учун намунавий ўқув дастури асосида янгиланган мазмунда тайёрланган.

Ҳурмат билан дарслик муаллифлари

**I бўлим
ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ**



**II бўлим
ОММАВИЙ ҲУҚУҚ**



Лугат

- Меъерий ҳуқуқий ҳужжатлар иерархияси** – күйи даражадаги актларни юқори босқычдаги актларга бўйсуниш тартиби
- Қонунчилик тизими** – бу давлатда амал қиласидиган қонунчилик тизимида Қозоғистон Республикаси ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами.
- Қонун** – бу юқори юридик кучга эга бўлган меъерий ҳуқуқий ҳужжат.

монидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинади ва алоҳида белгиланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга оширади. Буларга қуйидагилар киради: меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий тушунириш актлари; якка тартибда қўлланадиган ҳуқуқий ҳужжатлар; давлат режалаштириш тизими соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатлар. Масалан, суд қарори, раҳбарларнинг буйруқлари, ижро ҳокимияти органларининг тушуниришлари, ҳокимларнинг қарорлари ва бошқалар.

Меъерий-ҳуқуқий ҳужжат – қонун устуворлигини белгилайдиган, қонунийликни ўзгартирадиган, тўлдирадиган, бекор қиласидиган ёки тўхтатиб турувчи расмий ҳужжат. Бундай ҳужжатларнинг ҳар хил турлари мавжуд (2-чизма).

2-чизма

Меъерий-ҳуқуқий ҳужжат турлари**Асосий (ҳужжатлар)**

- Конституция
- Кодекс
- Қонун
- Президент фармони
- Ҳукумат қарорлари ва бошқалар

Тартибга солинган

- Вазият
- Техник иш тартиби
- Қоидалар
- Йўриқномалар
- Давлат хизматлари стандартлари

Меъерий-ҳуқуқий ҳужжат ва номеъерий-ҳуқуқий ҳужжат ўртасидаги тафовутларга мурожаат қиласи. Шундай қилиб, меъерий бўлмаган ҳуқуқий ҳужжат алоҳида субъектга қаратилган ва фақат маълум бир иш учун амал қиласиди. Меъерий ҳуқуқий ҳужжат барча субъектларга қаратилган, у кўп маротаба қўлланилади. Масалан, суд қарори ёки ҳукми фақат маълум бир иш учун қўлланилади ва кодекс ёки қонун эса бир неча бор қўлланилади.

Кодекс алоҳида аҳамиятга эга. *Кодекс* – яхлит, бирлаштирилган, қонуний ва мантиқий ягона, ички мувофиқлаштирилган қонундир. Ушбу қонун маълум ижтимоий муносабатлар гурухини тўлиқ, умумлаштирилган ва тизимли тартибга солишни таъминлайди. Масалан, Жиноят кодекси, Фуқаролик кодекси, Ер кодекси.

Ҳозирги вақтда янги тушунча – *консолидацияланган қонун* қўлланилади. Бу қонунда назарда тутилган соҳаларда (доираларда) ҳу-

I бўлим. ҲУҚУҚ ВА ДАВЛАТ

1-боб. ҚОНУНЧИЛИК, ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИК, ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБ

1-§. Қонунчилик тизими. Ҳуқуқий актларнинг тузилиши

Бугунги дарсда:

қонунчилик тизимини кўриб чиқамиз; ҳуқуқий актлар тушунчасини аниқлаймиз; меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар иерархияси тўғрисида билиб оламиз.

Қонунчилик тизими. Қозоғистон Республикасининг қонунчилиги – бу белгиланган тартибда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг йиғиндиси. Қозоғистон Республикасида 2016 йил 6 апрелда қабул қилинган “Ҳуқуқий актлар тўғрисида” ги қонунга амал қилинади. Ушбу қонун ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш тартиби билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Давлатимиз қонунчилиги тизими Қозоғистон Республикаси Конституцияси, тегишли қонуний ҳужжатлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан Қозоғистон Республикаси Конституциявий Кенгаши ва Қозоғистон Республикаси Олий судининг норматив қарорлари билан ташкил этилган.

Қонунчилик тизимида Қозоғистон Республикаси Конституцияси асосий роль ўйнайди. Конституция нормалари тўғридан-тўғри амалда қўлланилади.

Ҳуқуқий ҳужжатлар қўйидаги турларга бўлинади (1-чизма).

Таянч сўзлар:

- иерархия
- ҳуқуқий актлар
- меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар
- қонунчилик тизим

1-чизма

Ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари

Меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар (МХХ)

Барча субъектларга йўналтирилган

Меъёрий бўлмаган ҳуқуқий ҳужжатлар

Индивидуал субъектларга йўналтирилган

Меъёрий бўлмаган ҳуқуқий ҳужжат – ёзма расмий ҳужжат, қонун нормаларини ўз ичига олмайди. Ушбу ҳужжат ваколатли орган то-

хуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларида қарама-қаршиликтар мавжуд бўлса, кейинчалик кучга кирган акт нормалари қўлланилади.

Меъёрий-хуқуқий ҳужжатнинг тузилиши. Меъёрий-хуқуқий ҳужжатнинг асосий таркибий элементлари абзац, қисм, кичик банд, банд ва қонун нормаларини ўз ичига олган моддадир. Ҳажми бўйича муҳим хуқуқий ҳужжатларнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ моддалари (бандлари) бобларга бирлаштирилиши мумкин. Мазмунан ўхшаш бир нечта бобларни меъёрий-хуқуқий ҳужжат қисмларига, қисмларини эса бўлимларга бирлаштириш мумкин. Катта боб ва бўлимларда параграфлар ва кичик бўлимларни мос равишда ажратиб кўрсатиш мумкин. Кодексларда ички тузилишнинг бошқа белгиларидан фойдаланишлари мумкин.

Марказий ижроия ва бошқа марказий давлат органларининг, уларнинг идораларининг, шунингдек, Маслихатлар, ҳокимиятлар ва ҳокимларнинг барча меъёрий-хуқуқий ҳужжатлари Қозоғистон Республикаси адлия органларида рўйхатдан ўtkазилиши шарт. Бундай рўйхатга олиш уларнинг кучга кириши учун зарур шартдир. Прокуратура органлари меъёрий-хуқуқий ҳужжатларнинг Қозоғистон Республикаси адлия органларида рўйхатдан ўtkазилиши учун умумий назоратни амалга оширадилар. Агар меъёрий-хуқуқий ҳужжат адлия органларида рўйхатдан ўtkазилмаган бўлса, унда амалиётда қўлланилмаслиги керак.

Шундай қилиб, қонунчилик тизими меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар тўпламидир. Ушбу ҳаракатларнинг барчаси давлат томонидан таъминланади ва унинг ижроси барча субъектлар учун мажбурийдир.



- Хуқуқий ҳужжатлар турларини санаб беринг. Меъёрий-хуқуқий ҳужжат билан номеъёрий хуқуқий ҳужжат ўртасидаги фарқни тушунтиринг. Ушбу актлар қайси субъектларга мўлжалланган?
- Кодекслар ва бирлаштирилган актларнинг маъносини тушунтиринг. Сизга Қозоғистон Республикасининг қайси кодекслари таниш?
- Меъёрий-хуқуқий ҳужжатларнинг иерархиясини ўрганинг. Иерархиянинг мақсадини тушунтиринг. Икки эквивалент актлар бир-бирига зид бўлса, қайси актнинг бажарилишини тушунтиринг.



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Гуруҳда ишлаш

Дарсда меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўtkазиш нима учун зарурлигини муҳокама қилинг. Хуқуқий актлар тўғрисидаги Қозоғистон Республикаси Қонунининг 44-моддасига мурожаат қилинг. Агар меъёрий-хуқуқий ҳужжат рўйхатдан ўтмаган бўлса, у кучга кирадими? Қайси орган меъёрий-хуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини назорат қиласди?

сусиятига күра мураккаб бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга соловчи жиддий бирлаштирилган қонун. Масалан, 2001 йил 16 июлдаги “Қозоғистон Республикасида меъморчилик, шаҳарсозлик ва қурилиш фаолияти тўғриси”даги Қонун Қозоғистон Республикасининг 2007 йил 27 июлдаги “Таълим тўғрисидаги” Қонуни.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иерархияси. Меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар иерархиясига алоҳида эътибор қаратиш лозим. *Иерархия* қуий бўғинларни энг юқори даражага бўйсуниш тартибини, шунингдек, актларни даражаларга: юқори ва қуий басқичларга бўлиш тартибини англатади. Барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Қозоғистон Республикаси Конституциясига зид бўлмаслиги керак.

● Қўшимча маълумотлар

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иерархияси қуидаги:

- 1) Қозоғистон Республикаси Конституцияси;
- 2) Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритадиган қонунлар;
- 3) Қозоғистон Республикасининг конституциявий қонунлари;
- 4) Қозоғистон Республикаси кодекслари;
- 5) Бирлаштирилган қонунлар, Қозоғистон Республикаси қонунлари;
- 6) Қозоғистон Республикаси Парламенти ва Палаталарининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари;
- 7) Қозоғистон Республикаси Президентининг меъёрий-ҳуқуқий фармонлари;
- 8) Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг меъёрий-ҳуқуқий қарорлари;
- 9) Қозоғистон Республикаси министрлари ва бошқа давлат ҳокимиюти органлари раҳбарларининг меъёрий-ҳуқуқий буйруқлари, Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг меъёрий-ҳуқуқий қарорлари, Қозоғистон Республикаси республика бюджетининг ижросини назорат қилиш бўйича Саноқ – ҳисоб қўмитаси, Қозоғистон Республикаси Миллий Банки ва бошқа марказий давлат органлари;
- 10) Марказий давлат органлари бўлимлари раҳбарларининг меъёрий-ҳуқуқий буйруқлари;
- 11) Маслихатларнинг меъёрий-ҳуқуқий қарорлари, ҳокимиётларнинг меъёрий- ҳуқуқий қарорлари, ҳокимликларнинг меъёрий-ҳуқуқий қарорлари ва тафтиш комиссияларининг меъёрий-ҳуқуқий қарорлари.

Қуий даражадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар бири юқори даражадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга зид бўлмаслиги керак.

Ҳуқуқий амалиётда “Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўғридан-тўғри жорий қилиниши” тушунчаси катта аҳамиятга эга. Агар меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзларида ёки уларнинг кучга кириши тўғрисида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, барча меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар тўғридан-тўғри жорий қилинади. Жорий этилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш учун қўшимча кўрсатмалар талаб қилинмайди. Агар турли даражадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларида қарама-қаршиликлар мавжуд бўлса, юқори даражадаги акт нормалари қўлланилади. Агар бир хил даражадаги меъёрий-

Иккинчи босқыч – давлат иродасини қонун нормаларида мустаҳкамлайди. Бу ерда норматив ҳужжат лойиҳаси қабул қилинади ва у ҳуқуқий актга айланади. Субъектларга боғлиқ ҳолда ҳуқуқ ижодкорлиги қуидаги турларга бўлинади:

- ҳалқнинг ҳуқуқ ижодкорлиги. Бу ерда қонунлар референдум йўли билан, яъни умумхалқ овози билан қабул қилинади;
- ваколатли давлат органларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича фаолияти;
- давлат органларининг урф-одатларни ёки нодавлат ташкилотларининг нормаларни тасдиқлаши.

Масалан, 1991 йил 15 марта Қозоғистон ССР Президентининг “Миллий баҳор байрами тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. 2001 йилдан бери қадимги Наврӯзни нишонлаш одат тусига кирган.

● Қўшимча маълумотлар

Қозоғистонда референдум икки марта ўтказилди:

- 1) 1995 йил 29 апрелда Қозоғистон Республикаси Президентининг ваколати референдум йўли билан 2000 йилгача узайтирилди;
- 2) 1995 йил 30 августда референдум орқали Қозоғистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

Ҳуқуқ ижодкорлиги аҳамиятига қараб қуидагиларга бўлинади:

а) қонун ижодкорлиги – олий юридик кучга эга бўлган ҳужжатлар қабул қилинадиган парламентнинг ҳуқуқ ижодкорлиги. Бунда маҳсус иш тартиби қўлланилади;

б) ваколатли ҳуқуқ ижодкорлиги – ижро этувчи органларнинг, айниқса, ҳукуматнинг қонун ижодкорлиги фаолияти. Бу парламент



1-расм. Қозоғистон Республикасининг Парламенти

2-§. Қонун ижодкорлиги, қонун ижодкорлиги босқичлари.

Хуқуқий техника ва унинг меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни тайёрлашдаги аҳамияти

Бугунги дарсда:

қонун ижодкорлиги ва қонун ижодкорлиги босқичлари тушунчаси, хуқуқий техниканинг меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни тайёрлашдаги аҳамияти күриб чиқилади.

Хуқуқ ижодкорлиги, қонун ижодкорлиги, қонун ижодкорлиги босқичлари . Хуқуқ ижодкорлиги давлат фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Хуқуқшуносликда ҳуқуқ ижодкорлиги икки жиҳатдан тушунилади. Тор маънода ҳуқуқ ижодкорлиги бевосита ваколатли органлар томонидан ҳуқуқий меъёларни яратиш жараёни сифатида тушунилади. Кенг маънода – ҳуқуқ ижодкорлиги бу қонун чиқариш фикри пайдо бўлган пайтдан бошлаб ва ҳуқуқий норманинг амалга оширилиши гача бўлган (тайёрлаш, қабул қилиш, эълон қилиш ва ҳ.к.) жараён. Ҳуқуқ ижодкорлигини тушунишда ёндашувлар турлича бўлишига қарамай, бу доимо ваколатли органларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қайта ишлаш ва нашр этишдаги фаолияти ҳисобланади.

Ҳуқуқ ижодкорлиги икки асосий қисмдан иборат: биринчиси – ҳуқуқ ижодкорлигининг ташкилий масалалари (меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш тўғрисида қарор, уни мухокама қилиш ва бошқалар), иккинчиси – меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш.

Иккала қисм ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва умумий нуқтаи назардан ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлаш, расмий мухокама қилиш, қабул қилиш ва нашр этишнинг яхлит тартибини акс эттиради. Шунга кўра, қонун ижодкорлиги жараёнида иккита асосий босқичга ажратилади.

Биринчи босқич норматив ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда давлат иродасини олдиндан шакллантиришни назарда тутади. Ушбу босқичдаги барча ҳаракатлар тайёргарлик характеристига эга ва ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди.

Таянч сўзлар:

- ҳуқуқ ижодкорлиги
- қонун ижодкорлиги
- ҳуқуқий техника

Лутат

- **Ҳуқуқ ижодкорлиги** – меъёрий-ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни.
- **Ҳуқуқий техника** – ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш қоидалари, усуллари ва талаблари тўплами.
- **Кодекс** – йирик қонун бўлиб, унда ягона ва муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ меъёлари бирлаштирилиб, тизимлаштирилади.
- **Конституциявий қонун** – Қозогистон Республикаси Конституциясида кўзда тутилган масалалар бўйича қабул қилинган қонун.

3-чизма

Тизимлаштириш натижалари

Зарур ҳужжатни тезда топиш, унинг ўзгаришини, түлдирилишини ёки бекор қилинишини кузатиб бориш

Меъёрий материалдаги камчиликларни, зиддиятларни, бошқа номувофиқликларни аниклаш

Амалдаги қонунчилик тизимини такомиллаштириш

Замонавий ҳуқуқий амалиёт меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг тўртта усулидан фойдаланади (4-чизма).

Ҳисобга олиш – тўплаш, сақлаш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишчи ҳолатда сақлаш. Тизимлаштиришдаги бу турнинг асосий вазифаси – зарур ҳуқуқий маълумотни тезкорлик билан топиш имкониятидир.

4-чизма

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш усуллари

ҳисобга олиш

тўплаш

бирлаштириш

кодекс тузиш

Тўплаш – тизимлаштиришнинг ички шакли. Тўплаш натижасида субъектларнинг кенг доираси учун тўпламлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуалари нашр қилинади.

Бирлаштириш – кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни битта яхлитлашган ҳужжатга бирлаштириш. Янги ҳужжат ўз ичига кирган бошқа ҳужжатларнинг ўрнини босади. Бирлаштиришда аввал қабул қилинган ҳужжатлар янгисида ўзгаришсиз ёки таҳлилий такомиллаштирилган, масалан, зиддиятлар, такрорлар, ўхшаш меъёрлар бартараф қилинган ҳолда бирлаштирилади. Бирлаштирилган ҳужжатлар ўз кучини йўқотади, унинг ўрнига эса янги ҳужжат қўлланилади. Масалан, бирлаштирилган қонун таълим ва фан, тураг жой масалалари, транспорт, меъморчилик ва бошқа соҳаларни тартибга солиш учун қабул қилинади.

Кодекс тузиш – меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимининг асосий мазмуний шакли. Бунда бир нечта ҳужжатлар ягона кодекс ҳужжатига бирлаштирилади.

Ҳуқуқий техника ва унинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашдаги аҳамияти. Ҳуқуқий техника – бу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда қўлланиладиган услублар, воситалар, усуллар. Қонунда жамоатчиликка тушунарсиз бўлган сўзлар ва атамалар ишлатилиши мумкин эмас. Қонуннинг ҳар бир сўзи жамият учун аҳамиятга эга, шунинг учун қонунни баён қилиш услуби жуда муҳим. Қонун матни

күрсатмасига биноан меъерий-хуқуқий ҳужжатларнинг айрим муаммоларини тезкор ҳал этиш мақсадида қабул қилинади;

в) қонунга тегишли ҳуқуқ ижодкорлиги – ижро этувчи ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан қонун нормалари қабул қилинади. Бу Президент, ҳукумат, вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқаларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги. Қонунга тегишли ҳуқуқ ижодкорлиги уни амалга оширувчи муайян субъектларнинг кўпроқ ваколатлари билан ажралиб туради.

Қонун ижодкорлиги ҳуқуқ ижодкорлигининг ажралмас қисми ҳисобланади. Қонун ижодкорлигининг моҳияти олий қонуний орган (Парламент) томонидан олий юридик кучга эга бўлган меъерий-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилишдир (1-расм). У тўртта асосий босқичдан иборат:

- 1) қонун лойиҳасини ёки қонунчилик ташаббусини киритиш;
- 2) қонун лойиҳасини киритиш ёки муҳокама қилиш;
- 3) қонунни қабул қилиш;
- 4) қонунни эълон қилиш.

Ушбу фикрларнинг барчаси Қозоғистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топган.

Келинг, ҳар бир босқични қисқача кўриб чиқайлик.

Қонунчилик ташаббуси субъектларнинг Қозоғистон Республикаси Парламентига қонун қабул қилиш масаласини қўйиш ҳуқуқини англатади. Бундай ташаббусга Қозоғистон Республикаси Президенти, Қозоғистон Республикаси Парламенти депутатлари, Қозоғистон Республикаси ҳукумати эга. Қонунчилик ташаббуси фақат Олий Мажлисда амалга оширилади. *Қонун лойиҳаси муҳокамаси* Олий Мажлисда ўтказилади, сўнгра Сенат муҳокамасига юборилади.

Қонун Мажлис томонидан кўпчилик овоз билан, сўнгра Сенат томонидан қабул қилинади. Қонун қабул қилинганидан кейин у имзо қўйиш учун Қозоғистон Республикаси Президентига юборилади. Қонун ижодкорлигининг бутун жараёни Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 61 ва 62 моддасида акс этган.

Қонун Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан имзолangan кундан бошлаб 7 кун ичida расмий манбаларда эълон қилинади. Қонунлар расмий эълон қилинган кундан 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

Меъерий-хуқуқий ҳужжатларни тизимлашириш. Ҳар бир давлат турли хил меъерий-хуқуқий ҳужжатларга эга. Бундай ҳаракатлар кетма-кетлигини бошқариш қийин бўлгани учун уларни тизимлашириш зарур, яъни уларни ягона тизимга келтириб, тартибга солиш керак. Меъерий-хуқуқий ҳужжатларни тизимлашириш қўйидаги натижаларга эришишга имкон беради (3-чизма).

Шархлаш турлари

Шархлаш – аниқ билиб олиш

Бу аниқ билиб олиш ўзи учун ва ўз ичида, шунинг учун у ифоданинг ташки шаклига эга эмас.

Шархлаш – изоҳлаш

Ўзига эмас, балки муносабатдаги бошқа иштирокчиларга қаратилган.

Лугат

- **Хуқуқий меъёр талқини** – ихтиёрий жараён, унинг мақсади хуқуқ меъерининг аниқ маъносини белгилашдир.
- **Талқин аниқ билиб олиш** – ички фикрлаш жараёни, хуқуқ меъерларини қўллаётган субъект онгидаги кечади.
- **Талқин-изоҳлаш** – қонуннинг ёзма шаклда тушунтирилган ифодаси. Бу расмий акт, ҳужжат бўлиши мумкин.

Изоҳлашда натижалар ёзма шаклда ифодаланади: расмий акт, ҳужжат, ҳуқуқий ҳужжат ёки оғзаки: маслаҳат, тавсия.

Аниқ билиб олиш – бу қонунни барча шаклларда амалга ошириш учун зарурый шарт: риоя қилиниши, ижро этилиши, фойдаланилишида. У ҳар доим изоҳлашдан олдин юз беради.

Барча қонунлар нашр этилади. Ҳар бир инсон қонун нормалари билан танишиши мумкин, шу билан ушбу қонун талқинининг мақсади ва вазифаларини билиб олади; бу хуқуқ нормаларини муайян вазиятда амалга оширади. Қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қиласлигини, яъни мамлакатнинг ҳар бир фуқароси мамлакат қонунларини билиши ва ҳурмат қилиши кераклигини эслатиб ўтамиш.

Мисол

Прокурор жиноят қонунининг изоҳини беради ва фуқароларни ноқонуний ҳаракатлар қилишдан огоҳлантириши мумкин.

Қозоғистон Республикаси Олий суди қонунларни қўллаш юзасидан тушунтиришларни берадиган норматив қарорларни қабул қиласди. Бу қонунни Қозоғистон Республикаси судлари томонидан бир хилда қўллаш учун зарурдир.

Адвокат мижозга жабрланувчи ёки гумон қилинувчи сифатида унинг хуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида жиноят қонуни ва жиноий процессуал қонун изоҳларини беради. Биз адвокатлар малакали хуқуқий ёрдам кўрсатадиган мансабдор шахслар эканлигини таъкидлаймиз.

Нотариус мулк олди-сотди битимини тузишда томонларга олди-сотди шартномасининг моҳияти ва мазмунини тушунтиради.

Кредит олишда хуқуқшунос банкдаги қонунни, шунингдек, кредит олган фуқаронинг хуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириши мумкин.

Бўлажак хуқуқшунослар хуқуқшунослик мактабларида ўқитилади ва бу ерда хуқуқ меъерлари изоҳланади.

Шундай қилиб, қонунни тушунтириш – бу меъерий-хуқуқий ҳужжатларда давлат иродасининг маъносини тушунтириш ва баён қилиш.

түлиқ ва аниқ, қисқа баёнда бўлиши керак. Қонун – бу давлат иродаси, қонунни давлат органи қабул қиласи. Қонун олдида барча баробар ва ҳар ким қонунни билиши, ҳурмат қилиши ва қонун талабларини бажариши керак.

Шундай қилиб, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳуқуқ ижодкорлиги дейилади. Ҳуқуқ ижодкорлиги билан ваколатли органлар шугулланади. Қонунлар сифатли бўлиши учун ҳуқуқий техникадан фойдаланилади.



1. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнини жамият учун аҳамияти нуқтаи назаридан баҳоланг. Ҳуқуқ ижодкорлиги босқичларини тавсифланг.
2. Қонун ижодкорлигининг хусусиятлари ва босқичларини аниқланг. Қандай субъектлар қонун ташаббусига эга?
3. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг жамият ривожи учун аҳамиятини муҳокама қилинг.

3-§. Қонун талқини

Бугун дарсда:

қонун талқинини кўриб чиқамиз ва амалиёт учун унинг аҳамиятини аниқлаймиз.

Ҳуқуқни шарҳлаш тушунчаси ва унинг турлари. Ҳуқуқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моддаларида мустаҳкамланган ҳамма учун мажбурий бўлган нормалардан иборатdir. Қонун нормалари қисқа ифода этилади. Ҳуқуқий норманинг аниқ маъносини тушуниш учун уни изоҳлаш керак. Ушбу жараён қонун талқини деб аталади.

Таянч сўзлар:

- қонун талқини
- ҳуқуқни аниқ билиб олиш
- ҳуқуқни изоҳлаш



Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 72-моддасида Конституциявий Кенгаш Конституция нормаларига расмий изоҳ беради. Бу фаолият Асосий қонунни ҳимоя қилишга, ҳуқуқни амалга оширишнинг барча шакларини таъминлашга, ҳуқуқбузарликнинг барча турларининг олдини олишга қаратилган. Конституциявий Кенгашда талқин қилиш жараёни бошқа процессуал фаолият турларидан кескин фарқ қиласи. Бунда эксперталар, ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар жалб қилинади. Конституциявий талқин – бу юқори юридик даражадаги ҳуқуқий фаолият тури. Конституция ва қонунларни шарҳлаш тўғрисидаги ҳужжатлар юридик амалиётда, қонун талабларига амал қилиниши, бажарилиши ва ижро этилишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳуқуқий нормаларни талқин қилиш – мураккаб ихтиёрий жараён, унинг мақсади қонун устуворлигининг аниқ маъносини аниқлашdir. Тушунтириш объектлари қонунлар ва қонунга тегишли ҳужжатлардир. Шарҳ икки қисмдан иборат – аниқ билиб олиш ва изоҳлаш (5-чизма).

Мисол

Фуқаро С. Жиной хуқуқбұзарлық содир этғанлиги учун 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига хукм қилинди. Бироқ иккі йил ўтгач, у муддатидан олдин жазодан озод қилинди. Фуқаро С.нинг сұрови суд томонидан күриб чиқилиб, қаноатлантирилди. Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазиригининг Жиноят-ижроия тизими құмитаси фуқаро С.нинг шартли равишда муддатидан олдин озод қилиш ҳақидағи сұровини қондириш сабабини тушунтируди. Негаки, фуқаро С. үз айбины түлиқ тан олди, содир этған жинояты учун тавба қилды ва даъвони түлиқ қоплади. Жазони ўташ даврида у ижобий тавсифномага эга эди.

Хақиқий талқин деганда амалдаги қоидаларнинг маъносини тушунтириш уларни қабул қылған орган томонидан амалга оширилишини аңглатади. Масалан, Қозоғистон Республикаси Парламенти қонун қабул қиласы, сүнгра ўзи тартибга солувчи қарорлар шаклида қонунга шарҳ беради.

Хуқуқий талқин унга топширилған шахслар томонидан амалга оширилади. *Хуқуқий талқин* қонунга оид хусусиятта эга.

Масалан, Қозоғистон Республикаси Конституцияси 1995 йил 30 августда бўлиб ўтган референдумда қабул қилинган. Қозоғистон Республикаси Конституциявий Кенгаши тартибга солувчи қарорлар кўринишида Қозоғистон Республикаси Конституциясининг қоидаларига расмий изоҳ беради.

Норасмий талқин – бу ваколатсиз шахслар томонидан берилған ҳуқуқий қоидаларни тушунтириш. У одатда мажбурий эмас ва юридик аҳамиятта эга эмас, ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди. Норасмий талқин одатий, профессионал, доктринал (илмий)га бўлинади. Профессионал тушунтириш адвокатлар, адлия маслаҳатчилари ва нотариуслар томонидан берилади. Илмий изоҳ ҳуқуқшунос олимлар томонидан берилади. Масалан, Конституция, кодекслар, қонунлар бўйича илмий — амалий изоҳлар (2-расм). Бундай шарҳлар ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда, ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганишда, қарорлар қабул қилишда ва бошқа ҳуқуқий ҳаракатларни амалга оширишда қўлланилади.

Шунингдек, газета ва журналлардаги ҳуқуқий мавзудаги илмий мақолалар ҳам шу тоифага киритилади.

Усулларга кўра талқиннинг қўйидаги турлари фарқланади (7-чизма).

Шундай қилиб, ҳуқуқий норманинг маъноси ва мазмунини тушуниш учун талқин қилиш зарур. Қонунни шарҳлаш мураккаб фикр юритиш жараёни бўлиб, натижада субъектлар қонун ёки алоҳида ҳуқуқий нормани аниқлайдилар ёки ёритиб берадилар. Қонун нормалари қисқалигига, маҳсус ҳуқуқий тили билан ажралиб туришига эътибор беришимиз лозим.



2-расм. ҚР Конституцияси-
га илмий-амалий изоҳлар

Шархлаш жараёнида норманинг маъноси бузилмаслиги кераклигини яна бир бор таъкидлаймиз. Ҳуқуқни изоҳлаш қонун чиқарувчининг истагини очиб бериш учун зарурдир.

Субъектлар бўйича талқин турларини кўриб чиқамиз (6-чизма).

6-чизма

Субъектлар бўйича талқин қилиш

Расмий – ваколатли давлат органлари томонидан берилади

Норасмий – олимлар, амалиётчилар, ҳуқуқшунослар томонидан берилади

- Норматив
- Тасодифий
- Ҳақиқий
- Қонуний

- Илмий
- Касбий
- Одатий

Расмий – ваколатли органлар томонидан берилади: давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари. Расмий талқин юридик аҳамиятга эга бўлиб, ҳуқуқий оқибатларга олиб келади.

Мисол

Прокурорнинг тушунтиришлари барча фуқаролар учун мажбурийдир.
Олий суднинг изоҳлари судлар учун мажбурийдир.

Қозоғистон Республикаси Конституциявий Кенгашининг изоҳлари барча шахслар – жисмоний ва юридик шахслар учун мажбурийдир.

Ижтимоий муносабатлар иштирокчилари учун вазирликлар томонидан қабул қилинган кўрсатмалар мажбурийдир. Ҳар йили Қозоғистон Республикаси Парламенти давлат бюджети тўғрисида қонун қабул қиласи. Қонун ишлаши учун баъзи талқин актлари талаб қилинади. Буларга давлат бюджетини қандай сарфлашни тушунтирадиган кўрсатмалар, қоидалар киради.

Расмий талқин норматив ва тасодифий, ҳақиқий ва қонуний бўлади.

Норматив талқин янги ҳуқуқий нормаларнинг яратилишига олиб келмайди, факт мавжудларининг маъносини очиб беради. У умумий характерга эга ва қонун устуворлигини тушуниш ва қўллашда бир хилликни таъминлаш учун яратилган.

Тасодифий “казус” (сўзидан – “чигал иш”) талқин қилиши умумий хусусиятга эга эмас ва алоҳида иш учун мўлжалланган. Бу ерда ҳуқуқий нормани шархлаш унинг муайян ишда қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Масалан, маҳкумга нисбатан жазо чораларини асослайдиган суд ҳукми. Суд бу ёки бошқа қарорни қабул қилиш сабабини тушунтириши мумкин.



Муракабликнинг 3-даражасидаги топшириқ. Якка тартибда ишлаш

Қарзни ундириш түғрисидаги фуқаролик ишини ҳал қилиш учун фуқаро С. Қозоғистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг нормаларини тушунтириш учун юридик маслаҳатхонага мурожаат қилди. Ҳукуқ маслаҳатчиси Қозоғистон Республикаси Фуқаролик Кодекси нормаларининг маъносини тушунтирди. Шунингдек, у ишни кўриб чиқди, далилларнинг тўлиқлигини аниқлади. Ҳукуқшунос томонидан қандай талқин қўлланилган? Агар фуқаро С. даъвони ютиб чиқмаса, ҳукуқшунос жавобгар бўладими?

4-§. Ҳуқуқий онг

Бугунги дарсда:

"ҳуқуқий онг" тушунчасини, ҳуқуқий онгнинг вазифалари ва турларини кўриб чиқамиз.

Таянч сўзлар:

- ҳуқуқий онг
- ҳуқуқий мафкура
- ҳуқуқий психология

Луғат

- **Мафкура** – ижтимий гурӯҳ, ижтимоий ҳамжамият ёки жамият манбаатларини ифода этадиган фикрлар, қарашлар, ғоялар тизими.
- **Ҳуқуқий мафкура** – ҳукуқшунос олимлар томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуққа оид илмий ғоялар, қарашлар.
- **Ҳуқуқий онг** – ҳукукка нисбатан қарашлар, ғоялар, туйғулар, кайфиятлар тўплами.
- **Ҳуқуқий психология** – ҳуқуқий ҳиссиёт, кечинмаларга асосланган, амалий ҳуқуқий онгdir.

Ҳуқуқий онгнинг тузилиши. Ҳар бир инсон ўз онгига эга, яъни жамиятдаги ўз ўрнини англаши, ўз ҳаракатларининг оқибатларини баҳолаши мумкин. Ҳуқуқий онг – бу ижтимоий онгнинг таркибий қисми, ҳуқуқ ҳақидаги билим, амалдаги ҳуқуқ ва фикрни баҳолаш, ҳуқуқдаги исталган ўзгартиришлар түғрисидаги ғоялардир.

Ҳуқуқий онгнинг тузилиши ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий психологиядан иборат.

Ҳуқуқий мафкура – бу жамиятнинг, ижтимоий гурӯҳнинг, давлатнинг ҳуқуқий қарашлари, талаблари, ғояларининг тизимли, илмий ифодаси. Ҳуқуқий мафкуруни ишлаб чиқиша ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқ муассасаларининг амалиётчи ходимлари иштирок этишади, яъни ҳуқуқий мафкура мутахассислар томонидан ишлаб чиқилади ва ривожлантирилади.

Хозирги кунда Қозоғистон Республикаси ҳуқуқий мафкурасининг асосини ҳуқуқий давлат ғояси ташкил этади. Асосий ғоялар Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 1 ва 2- моддаларида белгилаб берилган. Шундай қилиб, Қозоғистон Республикаси – президентлик бошқарувига эга бўлган ҳуқуқий, ижтимоий, демократик, унитар, дунёвий давлатdir. Ҳукуматнинг ягона манбайи ҳалқdir.

Ҳар бир давлат ўзининг ҳуқуқий мафкурасини ишлаб чиқади. Таянчлаш жоизки, сиёсий-ҳуқуқий мафкурасиз замонавий цивилизация-

Усуларга күра талқин турлари

- а) грамматик – меъерий ҳужжат матнини тақлил қилиш, ҳукуқий атамаларнинг маъносини тушунтириш;
- б) мантикий – қонуннинг айрим қоидаларининг мантиқ қоидалари билан мантикий алоқаси ўрганилади;
- в) тизимли – ҳукуқий нормаларнинг мазмунини ўзаро боғлиқликда, ушбу норматив актда, институтда, умуман ҳуқук соҳасидаги ўрни ва аҳамияти билан тушунтириш;
- г) махсус юридик – юридик фан ва қонунчилик технологияларининг касбий билимларига асосланади;
- д) тарихий-сиёсий – акт нашр этилишининг тарихий ҳолати, сиёсий кучларнинг жой-жойига қўйилиши ва бошқаларга боғлиқ ҳолда қонуний хошишга аниқлик киритилади.



1. Ҳуқук талқинининг маъносини очиб беринг. Қонунни талқин қилиш турларини ажратиб кўрсатинг.
2. Изоҳ-тушунтиришнинг моҳияти нимада? Қайси субъектлар расмий талқинни бериши мумкин? Расмий ва норасмий талқинларнинг фарқларини айтинг.
3. "Қозоғистон Республикаси Конституциявий Кенгаши Қозоғистон Республикаси Конституцияси нормаларига расмий изоҳ беради" деган иборани қандай тушунасиз?



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Якка тартибда ишлаш

Ушбу жадвални тўлдиринг, қуйидаги ҳукуқий ибораларни изоҳланг. Қозоғистон Республикаси Конституциясининг шарҳидан фойдаланинг. "Ҳамма ҳаммага ўргатади" усулидан фойдаланиш мумкин. Инсоннинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳакида оғзаки ҳикоя тузинг. Берилган иборалардан фойдаланинг.

№	Ҳукуқий иборалар	Ҳукуқий ибораларнинг маъноси
1	Инсоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	
2	Яшаш ҳуқуқи	
3	Ўлим жазоси	
4	Қонун устуворлиги	



Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Қуйидаги саволларни ўйлаб кўринг ва уларга жавоб беринг.

1. Ўз келажагингизни қандай тасаввур қиласиз? 2. Сиз қайси касбни танламоқчисиз? 3. Сизнинг минтақангиз қандай касб эгаларига муҳтож? Сиз ватаннинг ривожланишига қандай ёрдам бера оласиз? Саволларга жавоб беришда Таълим тўғрисидаги Қонуннинг 1-моддасида кўрсатилган сўзлар ва иборалардан фойдаланинг: ҳарбий, махсус ўқув муассасалари; бакалавр; "Болашақ" халқаро стипендияси; таълим, таълим гранти, таълим кредити; институт; касб-хунар таълими; стипендия, талаба. Ушбу сўзлар ва ибораларни шарҳланг.

күринишидаги ҳуқуқий онг муайян хатти-харакатларга турткы сифатида ҳаракат қиласы.

Ҳуқуқий онгнинг тартибга солиш вазифасини амалға оширишда қонуний асос алоқида ақамияттаға эга. Бу субъектнинг қонуний ёки ноконуний хатти-харакатларга тайёрлиги, майиллиги. Ҳуқуқий муносабат қатор ижтимоий ва психофизиологик омиллар таъсирида юзага келади. Давлат ва жамият фуқароларда стандарт, илгари дуч келган вазиятларда барқарор ижобий ҳуқуқий мұхит шаклланишидан манфаатдор. Масалан, автомобиль рулидаги ҳар бир ҳайдовчи хавфсизлик камарини тақади ва йўловчи ҳам хавфсизлик камарини тақиши шарт. Пиёдалар светофорнинг яшил чироғида ёки қатъий белгиланған жойда йўлдан ўтиши керак. Ҳар бир фуқаро солиқ тұлаши керак. Ўқувчилар мактабға боришилари ва мактаб талабларига риоя қилишлари шарт. Ушбу ҳаракатларнинг барчаси фуқаролар томонидан қонуний асосда амалға оширилади.

Ҳуқуқий онг турлари. Ҳуқуқий онг ҳар хил бўлиши мумкин (9-чизма).

9-чизма

Ҳуқуқий онгнинг турлари

Субъектларга боғлиқ ҳолда:
якка шахс, груп, жамоат

Ҳуқуқий вәкеликтің маъноси бўйича: оддий, касбий, илмий

Одатий ҳуқуқий онг – одамларнинг оммавий тасавурлари, уларнинг ҳис-туйғулари, ҳуқук ва қонунийлик түғрисидаги кайфият. Бу ҳис-туйғулар одамларнинг бевосита ҳаёт шароитлари, уларнинг амалий тажрибаси таъсири остида юзага келади.

Касбий-ҳуқуқий онг – профессионал ҳуқуқшунослар вужудга келадиган тушунчалар, тасавурлар, ғоялар, эътиқодлар, анъаналар, стереотиплар. Бу полиция ходимлари, адвокатлар, прокурорлар, судьялар, нотариусларнинг ҳуқуқий онги.

Илмий ҳуқуқий онг – қонуннинг тизимли, назарий ривожланишини ифодаловчи ғоялар, тушунчалар, қараашлар. Замонавий жамиятларда ҳуқук, қонунчилик, сиёсий ва конституциявий муносабатларнинг ривожланиш йўлини кўрсатадиган илмий ҳуқуқий онг устувор ақамият касб этади. Ҳуқуқий ҳодисаларни акс эттиришнинг ушбу турини тақдим этувчилар ва юзага келтирувчилар ҳуқуқшунос олимлардир.

Шундай қилиб, ҳуқуқий онг шахснинг ҳуқуқий хатти-харакатларининг асосидир. Ҳуқуқий онг орқали жамиятда субъектларнинг муайян қадрият йўналишлари ўзлаштирилади, шунинг учун давлат жамиятнинг ва ҳар бир шахснинг ҳуқуқий онгини ривожлантиришга интилади.

лашган жамиятни тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай қилиб, ҳуқуқий мафкура – ҳуқуқий ғоялар, назариялар, қарашларнинг йиғиндисидир, улар концептуал, тизимли равишда ҳуқуқий воқеликни акс эттиради ва баҳолайди. Ҳуқуқий онг ҳуқуқقا, қонунга ва ҳуқуқий муассасаларга бўлган ҳурмат туйғусига асосланган бўлиши керак.

Жамият ва давлат фуқароларнинг қонунга бўйсунадиган, яхши хулқли ва қонуний хатти-ҳаракатларга эга бўлишидан манфаатдор. Бу кучли қонун устуворлигининг, қонунчиликнинг барқарор тартибининг асосидир. Фуқароларда, шунингдек, бошқаларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш туйғуси шаклланган бўлиши керак. Ҳуқуқий онги ривожланган инсоннинг, айниқса унинг психологик мұхитида, ҳуқуқбузарлик учун айборлик ҳисси, айниқса, жиноят учун айборлигидан ташвишланиши характерлидир.

Ҳуқуқий психология ҳуқуқий ҳиссиёт, кечинмаларга асосланган амалий ҳуқуқий онгдир. Бу оддий ҳуқуқий фактлар, ҳодисаларни билиш, ҳуқуқий ҳиссиётни ифодалайдиган баҳолар ва ҳуқуқий кўникмалар, одатлар билан боғлиқ. Ҳуқуқий туйғулар, қонун, ҳуқуқ тўғрисидаги тасаввурлар, ҳуқуқий кўникмалар, одатлар ҳақида гапирганда, биз юридик психологияни назарда тутамиз. Ҳуқуқий мафкурадан фарқли ўлароқ, ҳуқуқий психология кўпроқ индивидуал, амалийдир.

Ҳуқуқий онгнинг вазифалари. Ҳуқуқий тартибга солишда ҳуқуқий онг турли вазифаларни бажаради (8-чизма):

8-чизма

Ҳуқуқий онгнинг вазифалари

билишга оид

баҳоловчи

тартибга солувчи

Ҳуқуқий онгнинг билишга оид вазифаси. Ҳуқуқий ҳодисаларни идрок этиш ва тушуниш орқали моҳиятига кўра ҳаёт тўғрисидаги ижтимоий ва табиий шаклланади. Бундай билишнинг вазифалари ҳуқуқий воқелик билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни, ҳаракатларни, шарт-шароитларни, белгиларни ва бошқаларни ўрнатишдир. Бу билишнинг субъекти ҳам қонун чиқарувчилар, ҳам фуқаролардир. Уларнинг ҳар бири ҳуқуқий тартибга солишдаги ўз вазифаларини бажаришда мавжуд ва тегишли ҳуқуқ ҳақидаги тасаввурларидан фойдаланадилар.

Ҳуқуқий онгни баҳолаш вазифаси. Ҳуқуқий онг ёрдамида қонуний аҳамиятга эга бўлган муайян ҳаётий шароитлар баҳоланади.

Ҳуқуқий онгни тартибга солиши вазифаси. Ҳуқуқий маълумотлар ҳуқуқ субъектларида туйғулар, ҳиссиётлар, ташвишлар каби психологик реакциялар мажмуйини келтириб чиқаради. Бу ҳис-туйғулар ва руҳий кечинмалар хатти-ҳаракатлар учун маълум бир мотивациянинг пайдо бўлиши учун асосдир, яъни бу ерда юридик психология

5-§. Ҳуқуқий маданият. Қонуний хатти-ҳаракатлар

Бугунги дарсда:

ҳуқуқий маданият түшүнчесини күриб чиқамиз, қонуний хатти-ҳаракатлар турларини аниклаймиз.

Таянч сұзлар:

- ҳуқуқий маданият
- ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар
- ҳуқуқий нигилизм

Ҳуқуқий маданият. Ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси, уни барпо этишнинг зарурий шарти умуман шахснинг, жамиятнинг, давлат органларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг юқори даражасидир.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият үзаро боғлиқ ҳодисалардир. Умуман олганда, бу ҳодисалар фикрлаш тарзини, хулқ-автор нормалари ва меъёрларини акс эттиради. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқ соҳасида одамлар томонидан қадриятларни үз ичига олади. У узлуксизлик тамойили асосида ривожланади ва бойитилади. Замонавий ҳуқуқий маданиятнинг буюк қадриятлари қадимги Римда машхур ҳуқуқшунослар томонидан яратилған. Ҳуқуқий қадриятлар қозоқ одатий ҳуқуқининг институтлари бўлиб, “Жеті Жарғы” – қонунлар тўпламида мустаҳкамланган. Бу ерда энг юқори қадриятлар сифатида яшаш ҳуқуқи, шахснинг дахлсизлиги ва шахснинг қадр-қиммати тан олинган. Шуни таъкидлаш керакки, “Жеті Жарғы” меъёрлари қозоқ халқининг умумий урф-одатлари, анъаналари, дунёқараши ва эътиқодлари билан чамбарчас боғлиқ эди, шунинг учун кодексда мустаҳкамланган қадриятларни ҳимоя қилиш, одатда, үзини миллат ва миллий яхлитлигининг ҳимояси билан боғлиқ эди. “Жеті Жарғы”нинг меъёрлари инсонпарварликка асосланган эди. Унда одамга зарар етказишга қаратилған ва бошқа мамлакатларнинг жиноят қонунларида қабул қилинган шафқатсиз жазолар мавжуд эмас эди. Озодликдан маҳрум қилиш ҳам қўлланилмаган. Асосий жазо чоралари “құн” ва “айып” эди.



“Жеті Жарғы” күйидаги асосий бўлимларни үз ичига олади:

- ер тўғрисидаги қонун. Ерлардан фойдаланиши тартибга солиш ва яйловлар ҳамда суғориш жойлари бўйича низоларни ҳал қилиш;
- оиласи никоҳ қонунчилиги. Никоҳ ва ажрашиб тартиби, эр-хотиннинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, оила аъзоларининг мулкий ҳуқуқлари;
- ҳарбий қонунчилик. Ҳарбий хизматни ўташ тартиби тартибга солинади;
- қонуннинг процессуал нормалари. Судда ишларни кўриб чиқиш тартибга солинган;
- жиноий ҳуқуқ. Қотилликдан ташқари ҳар хил турдаги жиноятлар учун жазо тайинлаш тартибга солинган;
- құн ҳақидаги ҳуқуқ меъёрлари – қотиллик ва оғир танжароҳати учун тўлов;
- бева аёллар тўғрисидаги қонун – бу бева ва етимларнинг мулкий ва шахсий ҳуқуқларини, шунингдек, жамият ва мархумнинг қариндошлари олдидаги мажбуриятларини тартибга солувчи ижтимоий ҳимоя ҳуқуқининг бир тури.

Хуқуқий онгнинг асоси қонунни билиш ва қонунни ҳурмат қилиш, қонунни ижтимоий қадрият сифатида тан олишдир. Хуқуқий онг ахлоқ билан чамбарчас боғлиқ. Инсоннинг ҳаётдаги барқарор ахлоқий позицияси қонуний хатти-харакатларнинг асосидир. Айтиш мүмкінки, хуқуқий онг хулқ — авторни ижтимоий тартибга солишининг ва унинг устидан ижтимоий-хуқуқий назорат қилишнинг кучли воситасидир.



1. Хуқуқий онг түшунчасини очиб беринг.
2. Хуқуқий мағкура ва хуқуқий психология үртасида фарқлар борми?
3. Хуқуқий онг турларини күриб чиқинг. Хуқуқий онгнинг вазифаларини анықланг.



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Жұфтлиқда ишлаш

Күйидеги ибораларнинг маъносини муҳокама қилинг ва очинг. Ушбу иборалар муаллифларининг хуқуқий онги даражасини баҳоланг. Уларда қандай фикрлар акс этган?

- "Мени халқа хизмат қилишим учун танлашди" (Түле бий).
- "Менинг ҳаётим одамларга тегишли ва фақат менинг ўлимим ўзимга тегишли". (Айтеке би).
- "Судда, ҳақиқий бийнинг қариндошлари бўлмайди ва агар у судга келганларни ўзиникига ва бирорларга бўлса, у ахлоқсиздир" ("Жеті Жарғы" Даشت қонунининг қоидалари).

Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Академик С.З. Зимановнинг "Қозоқларнинг бийлар суди – ноёб суд тизими" асаридан парчалар үқинг ва муҳокама қилинг. Қозоқ халқи бийларининг ҳуқуқий онги шаклланишига қандай нормалар таъсир кўрсатди? Буюк бийларнинг адолати учун қандай ғоялар асос бўлган?

"Бийларнинг отаси" номини олган таникли Тўле би (1663-1756) болалигидан касбий ва ахлоқий камолот йўлини босиб ўтган. 9 ёшидан бошлаб Тўле суд муҳокамаларида иштирок эта бошлади ва 15 ёшида у машҳур бий бўлди. У "оқ фотиҳа" ни 90 ёшли дошишманд оқсоқол Жетес бийдан, деярли юз ёшли машҳур Анет бободан олади. Бу воқеа одамларнинг хотирасида шундай тасвирланган: "Анет бобо бир боғлам хивчин келтириб: "Ўғлим, буни синдириб кўрчи", – дебди. Тўле боғланган хивчинларни у ёқбу ёққа эгиб синдира олмайди. "Энди шу боғламдаги хивчинларни биттадан синдиричи", – дебди Анет бобо. Тўле бу ишни бажарибди. Шунда оқсоқол: "Ўғлим, бундан нимани уқдинг?" – деб сўрабди. "Бир бутун бўлиб бирлашган халқни ташқи душман ҳам, ички можаро ҳам енга олмаслигини тушундим, бобо", – деб жавоб берибди Тўле. Шунда Анет бобо: "Тўғри топдинг, ўғлим! Ёдинга бўлсин, бошқаришда энг асосий нарса бу халқни бирдамликка ўргатиш ва ҳамжиҳатликка эришишдир. Халқда шундай барқанот ибора бор: "Қаерга кетяпсан, Бахт?", – деб сўрашганида: "Мен бирдамлик деб аталган овлуга кетяпман", – деб жавоб берган экан. Анет бобо сўзини шундай тугатиб, йигитга оқ фотиҳасини берибди.



З-раем. Академик С.З.Зимановнинг китоби

Лугат

- **Хуқуқий маданият** – жамият хуқуқий ҳәти-нинг сифатлы ҳолати.
- **Шахснинг ҳуқуқий маданияти** – қонунни билиш, тушуниш ва ҳурмат қилиш, шахс томонидан қонунлар талабарини онгли равища бажариши билан намоён бўлади.
- **Ҳуқуқий нигилизм** – қонунни билмасликда намоён бўладиган салбий ҳодиса

хуқуқбузарликлар ва айниқса, коррупцион жиноятларнинг кўпайиши. Қайд этиш керакки, коррупция – бу мансабдор шахсларнинг ваколатини суистеъмол қилишидир. Коррупция тенглик ва ижтимоий адолат тамойилини бузади, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига тўсқинлик қиласди. Коррупция ахоли орасида ҳокимиият идораларига ишончсизликни келтириб чиқаради.

Ҳуқуқий нигилизмни бартараф этишнинг асосий усуллари фуқароларнинг умумий ва ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий ва ахлоқий онгини ошириш; қонунчиликни такомиллаштириш; ҳуқуқбузарликлар ва энг аввало, жиноятларнинг олдини олиш; қонунийликни, давлат интизомини мустаҳкамлаш; шахс ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш; ахолининг оммавий таълими ва ҳуқуқий маърифати; юқори малакали кадрлар – ҳуқуқшуносларни тайёрлаш.

Қонуний хатти-ҳаракатлар. Ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар – бу шахснинг қонун меъёrlари ва талабарини онгли равища бажаришга асосланган фаолиятидир. Қонуний хулқ-атворнинг қўйидаги белгиларини таъкидлаш мумкин:

- қонун билан белгиланган доирада бўлиши (расмий жиҳат);
- ижтимоий фойдали, жамоат манфаати ва мақсадларига зид бўлмаган, унинг объектив томонини ташкил этиши (моҳиятли жиҳати);
- унинг субъектив томони нимадан иборат эканлигини билиши.

Ижтимоий аҳамият даражасига кўра қонуний хатти-ҳаракатлар қўйидагиларга бўлинади:

- 1) зарурый (ҳарбий хизмат, солиқ тўлаш, қонунларнинг ижро этилиши ва бошқалар);
- 2) исталган (илмий ва бадиий ижод, олий маълумот ва бошқалар);
- 3) йўл қўйиладиган (диний ибодатларни адо этиш ва бошқалар).

Фаоллиги даражаси бўйича қонуний хатти-ҳаракатларнинг қўйидаги турлари ажрагиб туради.

Ижтимоий фаол хулқ. Бу ҳуқуқий соҳада давлат ва жамият томонидан тасдиқланган, ижтимоий фойдали бўлган, ўзини намоён қиласиган қонуний хулқ-атворнинг энг юқори даражасини англатади. Бу ривожланган ҳуқуқий онг билан белгиланадиган, ташаббускор ҳаракатларда намоён бўлади.

Ижтимоий фаол қонуний хатти-ҳаракатлар – бу, қонуннинг зарурийлиги, аҳамияти ва қонунни ҳурмат қилишининг чукур эътиқодига асосланган хатти-ҳаракатлардир. Агар керак бўлса, бундай қонуний

Тарихдан

"Жеті Жарғы" да оқсоқолларни ҳурмат қилишга алоҳида әътибор қаратилған. Отаоналарига жисмоний ёки маңавий зарап етказған болалар қаттық жазоланған. "Отаонаси ҳақида ёмон гап айтишга ёки калтаклашга журъат этган үғил, қора сигирнинг дум томонига қаратиб ётқизилған, бүйніга эски намат боғлашған ва овул оралатиб олиб юришған, у кишини қамчи билан уришған, қызни эса боғлашған ва онасига ихтиёрига күра жазо бериш учун топширишған" (Кляшторний С.Г., Султанов Т. И. Казахстан. Трехтысячилетная летопись. Алматы: Рауан, 1992).

Даштда бундай ҳуқуқбұзарлайлар камдан кам содир бўлғанлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу жазо турлари тарбиявий ва огоҳлантирувчи хусусиятга эга эди.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти – бу кўрсатмаларни онгли равища бажаришида намоён бўладиган қонунларни билиши, тушуниши ва ҳурмат қилишидир. Шахснинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий билим асосларини ўзлаштиришида, қонунни, ҳуқуқни ҳурмат қилишида, қонун меъёрларига риоя қилишида, ижтимоий ва ҳуқуқий жавобгарликни англашида, ҳуқуқбұзарлайларга муросасизлигида, уларга қарши курашишида намоён бўлади. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари, шунингдек, давлат ва жамият олдидаги мажбуриятлари тўғрисидаги билимлари ҳуқуқий маданиятнинг ажралмас қисмидир.

Эътибор беринг!

Шахснинг ҳуқуқий онги унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда давлат ва унинг органларидан ёрдам олишига ишонч ҳиссини ўз ичига олади. Бошқа томондан, шахснинг ҳуқуқий онгига давлат ундан ўз вазифаларини бажаришиниadolatli талаб қилиши, бошқа фуқаролар билан тенг ҳуқуқлилиги, қонун ва суд олдида ҳамма билан тенг эканлигига ишонч ҳисси шаклланади.

Ҳуқуқий онг сингари ҳуқуқий маданият ҳам жамият, гурӯҳ (жамоа) ва индивидуал (якка шахс) ҳуқуқий маданиятига бўлинади. Ҳуқуқий маданият маданиятнинг сиёсий, ахлоқий (этик), эстетик, диний ва бошқа соҳалари билан боғлиқ. Ҳуқуқий ва ахлоқий маданият элементларининг ўзаро таъсири, айниқса, муҳимдир.

Ҳуқуқий нигилизм. Ҳуқуқий маданиятнинг тескариси – ҳуқуқий нигилизм. Бу қонунни билмаслик, қонунни ҳурмат қилмаслик, ҳуқуқий меъёрларни бузишда ифодаланған салбий ҳолат.

Ҳуқуқий нигилизмнинг турли шакллари мавжуд:

- қонуннинг роли ва аҳамиятига бефарқлик, бефарқ муносабат;
- қонуннинг имкониятларига шубҳа билан қарааш;
- қонунга тўлиқ ишонмаслик ва унга нисбатан салбий муносабат;
- қонун меъёрларини қасдан бузиш.

Афсуски, бугунги кунда ҳуқуқий нигилизмнинг ўсиши кузатилмоқда. Сабаблари турлича. Бу жамият ривожланишининг паст иқтисодий даражаси, қонунларнинг такомиллашмаганлиги ва номувофиқлиги,



1. "Хуқуқий маданият" атамасини қандай тушунасиз? Хуқуқий маданият ва хуқуқий давлат үртасида қандай боғлиқлик бор?
2. Хуқуқий нигилизм турларини күрсатинг. Жамият ва давлат учун хуқуқий нигилизмнинг хавфи нимада? Хуқуқий нигилизм даражасини пасайтириш учун қандай чоралар күриш керак? Ўз фикрингизни билдириңг.
3. Хуқуқий хатти-харакатларнинг турлари ва хусусиятларини аниқланг. Хулкнинг хуқуқийлиги күпроқ нимага боғлиқ?



Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Ўқинг ва саволларга жавоб беринг. Қозоқ халқининг одатий қонунчилигида қандай жазолар қўлланилган? Нега озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмаган эди? Қозоқ халқининг одатий ҳуқуқининг инсонпарварлигини қандай тушунасиз? Ҳозирги вақтда қозоқ одатий ҳуқуқининг қайси меъёрлари ёки ғояларини қўллаш мумкин? Бизнинг давримизда құн каби жазо турини қўллаш мумкинми?

Жазоларнинг асосий турлари – бу "сургун", "айып", "құн", "дүре" салу ва ўлим жазоси. Иккінчи турдаги жазо камдан кам ишлатилган.

Айып – бу қилинган жиноят учун жарима. Оғир жиноят содир этганлар "тўққиз" (қорамол) айып тўлаганлар. "Тўққизта қорамол түя билан" – бу 3 та түя, 3 та сигир, 3 та қўчкор. Ўғрилик билан қўлга тушганлар уч мартадан 9 бош қорамол тўлаганлар.

"Құн – одамни ўлдирғанлик ёки майиб қилғанлик учун тўлов. Эркак кишини ўлдирғанлик учун құннинг ҳажми 1000 кўй ёки 200 от ёки 50 та түя эди. Аёл кишини ўлдирғанлик учун" құннинг ярми тўланиши керак эди. Номусга тегиш қотилликка тенглаштирилган эди.

Ножўя иш қилған кишига қамчи ёки дарра билан савалаш жазоси қўлланилган – дүре салу. Айбор қонунбузарлик даражасига қараб 25, 50, 100 марта савалашга ҳукм қилинган. Масалан, заарли ва ёлғон миш-мишларни тарқатган киши дарра уриш билан жазоланган.

6-§. Ҳуқуқбузарлик

Бугунги дарсда:

ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва турларини кўриб чиқамиз, ҳуқуқбузарликларнинг таркибини аниқлаймиз.

Таянч сўзлар:

- ҳуқуқбузарлик
- жиноятлар
- айборлик
- ҳуқуқий жавобгарлик

Ҳуқуқбузарлик ва унинг белгилари. Ҳуқуқбузарлик – бу ҳуқуқий талабларни бузган ёки уларга риоя қилмайдиган шахснинг хатти-харакати. Шахснинг ҳар бир хатти-харакати унинг ижтимоий хавфлилигидан келиб чиққан ҳолда жиноят сифатида баҳоланади. Агар бирор шахснинг ҳаракати (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) жамият учун хавф туғдирмаса, уни жиноятлар сафига қўшиб бўлмайди. Хатти-харакатнинг ижтимоий хавфлилиги тушунчаси иккита жиҳатни ўз ичига олади: заарнинг мавжудлиги ва унинг ижтимоий баҳоси. 10-чизма ҳуқуқбузарлик белгилари кўрсатилган.


VI бўлим. “Конституциявий кенгаш” (71-74-моддалар).	72-модда. “Конституциявий Кенгаш Конституция нормаларига расмий изоҳ беради”.
VII бўлим “Судлар ва адлия” (75-84-моддалар).	75-модда. “Қозоғистон Республикасида одил судлов факат суд томонидан амалга оширилади.”
VIII бўлим. “Маҳаллий давлат бошқаруви ўзини ўзи бошқариш” (85-89-моддалар).	85-модда. “Маҳаллий давлат бошқаруви тегишли худудда ишларнинг ҳолати учун масъул бўлган маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари томонидан амалга оширилади”.
IX бўлим. “Якуний ва ўтиш ҳолатлари” (90-98-моддалар).	91-модда. 2-банд. “Конституция билан белгиланган давлатнинг мустақиллиги, республиканинг яхлитлиги ва худудий бутунлиги, унинг бошқарув шакли, шунингдек, мустақил Қозоғистон асосчиси, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши томонидан белгилаб қўйилган республика фаолиятининг асосий принциплари ва унинг мақоми деярли ўзгармасдир”.

Эътибор беринг!

Барча конституциявий нормалар амалда бажарилади. Юқори ҳокимият ва бошқарув органларининг барча ҳаракатлари Қозоғистон Республикаси Конституциясига асосланиши керак. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Қозоғистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган ва давлат томонидан ҳимоя қилинади.

Қозоғистон Республикаси Конституциясига 1998, 2007, 2011, 2017 ва 2019 йилларда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жамоатчилик алоқаларини ривожлантириш Конституция нормаларини ўзгартириш ва тўлдиришни талаб қиласди. Конституциявий нормаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш жараёни жаҳон амалиётидир. Қозоғистон Республикасида давлат ҳокимиятининг ягона манбаи халқдир. Халқ ҳокимиятни тўғридан-тўғри республика референдуми ва эркин сайловлар орқали амалга оширади. Халқ ўз кучидан фойдаланишни давлат органларига топширади. Ҳеч ким Қозоғистон Республикасида ҳокимиятни эгаллаб олишга ҳақли эмас. Халқ ва давлат номидан сўзлашиб ҳуқуки Президентга, шунингдек, Қозоғистон Республикаси Парламентига, унинг конституциявий ваколатлари доирасида тегишлидир (Қозоғистон Республикаси Конституциясининг З-моддаси).

Қозоғистон Республикасида ҳокимиятни учта тармоқса – қонун чиқарувчи, суд ва ижро ҳокимиятига бўлиш тамойили мавжуд. Давлат ҳокимиятининг ушбу учта тармоғи бир-биридан мустақил, ўзаро

Эътибор беринг!

Хукуқий давлатнинг мақсади – инсон ва фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликларини тұлық таъминлаш учун шароит яратиш, шунингдек, суистеъмолликларга йўл қўймаслик мақсадида хукуматнинг ҳаракат хукуқини чеклашdir.

Қозғистон Республикаси Конституциясига умумий тавсиф. Қозғистон Республикасининг Конституцияси Асосий қонундир. У 9 бўлим, 98 та моддадан иборат (2-жадвал).

2-жадвал

I бўлим. “Умумий қоидалар” (1-9-моддалар).	Бу ерда бутун давлат ва жамият таянадиган асосий ғоялар белгиланган. 1-модда. “Қозғистон Республикаси ўзини инсон, унинг ҳаёти, хукуқлари ва эркинликлари олий қадриятлари бўлган демократик, дунёвий, хукуқий ва ижтимоий давлат сифатида тасдиқлайди.” 2 –модда. “Қозғистон Республикаси президент бошқаруви шаклига эга бўлган унитар давлатdir.”
II бўлим “Инсон ва фуқаро” (10–39-моддалар)	Бу ерда инсоннинг асосий хукуқлари, эркинлиги ва мажбуриятлари мустаҳкамланиб қўйилган. 12-модда. “Хукуқ ва эркинлик инсонга туғилганидан бошлаб тегишлидир, мутлақ ва ўзиники деб тан олинади, қонунлар ва бошқа хукуқий-меъёрий актларнинг мазмуни ва қабул қилинишини аниклайдилар”. 15-модда. “Ҳар ким яшаш хукуқига эгадир. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан одамнинг ҳаётини тортиб олишга ҳақли эмас”. 16-модда. “Ҳар бир инсон шахсий эркинликка эга”. 18-модда. “Ҳар бир инсон шахсий ҳаёти, шахсий ва оиласиий сирлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш хукуқига эгадир”. 20-модда. “Сўз ва ижод эркинлиги кафолатланган. Цензура тақиқланади”. 36-модда. “Қозғистон Республикасини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи ва мажбуриятидир.”
III бўлим “Президент” (40–48-моддалар).	40-модда. “Қозғистон Республикаси Президенти давлат раҳбари, унинг олий мансабдор шахси, давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгиловчи, Қозғистоннинг мамлакат ичидаги ва халқаро муносабатлардаги вакилидир.
IV бўлим “Парламент” (49–63-моддалар).	49-модда. “Қозғистон Республикаси Парламенти қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи республиканинг энг юқори вакиллик органидир.”
V бўлим “Хукумат” (64–70-моддалар).	64-модда. “Хукумат Қозғистон Республикаси ижро ҳокимиятини амалга оширади, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимини бошқаради ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади”.

● Құшимча маълумотлар

Вето – тақиқ, давлат раҳбарининг қонун чиқарувчи орган томонидан қабул қилинган қонунни тұхтатиб қўйиш ёки олдини олиш ҳуқуқи.

Овоз бериш – овоз бериш орқали билдирилган фикр. Парламент ҳукуматта ишонч-сизлик овозини эълон қилиши мумкин.

Импичмент – ишончсизлик, давлат раҳбари – Президентни лавозимидан четлаштириш, уни қонуний жавобгарликка тортиш.

Қозоғистон Республикаси Конституцияси инсонни, унинг ҳаётини, ҳуқуқлари ва эркинликларини энг юқори қадрият деб тан олади. Шу билан бирга, ўзаро масъулият инсон ва давлат муносабатларидаги устувор вазифага айланади. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари фақат қонулар билан чекланиши мумкин. Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасыда инсон ҳуқуқлари чекланган қўйидаги ҳолатлар кўрсатилган:

- Конституциявий тузумни ҳимоя қилиш;
- тартибни сақлаш;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш;
- аҳоли саломатлиги ва ахлоқини ҳимоя қилиш. 9-расмда ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари кўрсатилган.

Ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя қилинади. Ҳар ким бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиши мумкин. Одил судловни амалга оширишда судья мустақилдир ҳамда фақат Конституция ва қонунга бўйсунади. Суднинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига ҳар қандай аралашувга йўл қўйилмайди ва қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Қозоғистон Республикаси фуқаролари шахсан мурожаат қилиш, шунингдек, давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига шахсий ва жамоавий мурожаатларни юбориш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, улар ўз ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилишига боғлиқ ариза ва шикоятлар билан судга мурожаат қилишлари мумкин. Қозоғистон Республикасида 2007 йил 12 январда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида” ги қонунга амал қиласи.

Ҳуқуқий давлатда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига чекловлар мавжуд. Ушбу чекловлар ҚР Конституциясининг

Лутфат

- **Демократия** – халқ ҳокимияти.
- **Давлат** – сиёсий ҳокимиятнинг маҳсус аппарати бўлиб, унинг асосий вазифаси жамиятни бошқаришдир.
- **Конституция** – давлатнинг асосий қонуни бўлиб, давлат ва жамият ҳаётининг асосий ғоялари ва тамойилларини ўзида мужассам этган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамлайди.
- **Ҳуқуқий давлат** – шахс, унинг ҳаёти, ҳуқуқлари ва эркинликлари унинг асосий қадрияти бўлган давлатdir.

боғлиқлик ва мувозанат тизими асосида иш олиб борадилар. Давлат хизматчилари бир вақтнинг ўзида давлатнинг турли тармоқларидағи ла-возимларни әгаллашга ҳақли әмас. Шунингдек, давлат хизматчилариға тижорат билан шуғулланиш тақиқланган. Ҳокимиятнинг битта тармоғи бошқасининг ваколатига аралашишига йўл қўйилмайди. “Чекловлар ва қарама-қаршиликлар” тизими – бу Конституцияда муайян давлат ҳокимиятига нисбатан ўрнатилган ҳуқуқий чекловлар тўплами.

Қозоғистон Республикаси Президенти қарама-қаршиликлар тизимида муҳим рол ўйнайди. У қонунчиликнинг шошилинч қарорларида кечиктирувчи вето қўйишга ҳақли. Президентлик ваколат муддати 5 йил билан чекланган (Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси). Қозоғистон Республикаси Президенти ҳокимиятдан четлатилиши ва давлатга хоинлик қилгани учун жавобгарликка тортилиши мумкин (Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 47-моддаси). Суд ҳокимияти конституциявий ва ҳуқуқий нормалар билан чекланган.



8-расм. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12-§. Ҳуқуқий давлат тамойилларини амалга ошириш (сиёсий ва ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш)

Бугунги дарсда:

сиёсий ва ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида ҳуқуқий давлат тамойилларини амалга ошириш жараёнини күриб чиқамиз.

Таянч сұзлар:

- инсон ҳуқуқлари
- ҳуқуқий сиёсат
- Концепцияси
- күнгиллилік фаолияти

Тамойилларни амалга ошириш жараёни. Ҳуқуқий давлатда инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқлари ва әркинликлари асосиң қадрият ҳисобланади. Икки ҳужжат – 2010–2020 йилларға мүлжалланган. Ҳуқуқий сиёсат концепцияси ва 2015–2020 йилларға мүлжалланган Қозоғистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат режаси Концепциясини таҳлил қилиш асосида ҳуқуқий давлат тамойилларини амалга ошириш жараёнини күриб чиқамиз.

Ҳуқуқий сиёсат концепцияси миллий ҳуқуқни ривожлантиришнинг асосиң йұналишларини, шунингдек, қозоқ давлати ва жамиятини ривожлантиришнинг бевосита ва узок муддатли истиқболларини белгилайдиган ҳужжатдир. 2010-2020 йилларға мүлжалланган Ҳуқуқий сиёсат концепциясинаң ғоялари ва уларни амалда қандай бажа-рилишини қысқача күриб чиқамиз.

Қозоғистон Республикасида келиб чиқиши, ижтимоий ахволи, мансаби ва мулкий ҳолати, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, қарашлари, яшаш жойи ёки бошқа ҳар қандай ҳолатда бўлишидан қатъи назар, ҳуқуқ ва әркинликда тенгликни кафолатлайдиган шартшароитлар яратилган.

2013 йилда Қозоғистон Республикасининг “Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва тенг имкониятларининг давлат кафолатлари тўғрисида” ги Қонуни қабул қилинди.

Қозоғистон дунёвий давлатдир, бизнинг мамлакатимизда диндорларнинг ҳам, атеист қарашларига содик бўлган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқлари ҳурмат қилинади ва ҳуқуқлари сақланади. Давлат диний фаолият соҳасига аралашмайди. Давлат динлар билан ўзаро муносабатларни таъминлайди ва фуқароларнинг дин әркинлигига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қиласди. 2011 йилда Қозоғистон Республикасининг “Диний фаолият ва диний бирлашмалар тўғрисида” ги Қонуни қабул қилинди.



Ҳеч қандай дин давлат дини сифатида ёки мажбурий равишда ўрнатилмайди. Қозоғистон Республикасида таълим ва тарбия тизими, маънавий (диний) таълим ташкилотлари бундан мустасно, дин ва диний бирлашмалардан ажратилган ва дунёвий характерга эга.

39-моддасида күрсатилған. Бундай чекловлар қатъий белгиланған ҳолларда мумкин. Масалан, Қозоғистон Республикасида 1995 йил 17 марта қабул қилинған “Тинч үйғилишлар, митинглар, юришлар, пикетлар ва намойишлар ташкил этиш ва үтказиш тартиби тұғрисида” ги қонунга амал қиласы.

Инсон ҳуқуқлари ва әркинликлари ақолининг ахлоқи ва соғлиқни сақлаш манфаатларида чекланған. Ирқий ёки миллий адватни құзғатишина қаратилған фикрларни тарқатиши, шунингдек, давлат мудофааси ва хавфсизлиги манфаатларига заар етказиши мумкин бўлған маълумотларни тарқатиши тақиқланади. Қонунда давлат сирларини биладиган айрим тоифадаги шахслар учун давлат хавфсизлиги сабабли чет элга чиқиши ҳуқуқини чеклаш кўзда тутилған. Фуқароларнинг мұайян ҳуқуқ ва әркинликларини чеклаш мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий қилиниши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, ҳуқуқий давлат – бу ҳокимияти қонун билан чекланған давлатдир. Бу ерда асосий қадрият бу инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқлари ва әркинликлари. Бунда инсон ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинади.



1. Қозоғистон Республикаси Конституциясининг биринчи ва иккинчи бўлимларини ўрганинг. 12-модда ва 15-моддаларнинг мазмунини очиб беринг. Ўлим жазоси ҳуқуқий давлат ғоясига зид деган холосани асосланг.
2. Ҳуқуқий давлатнинг хусусиятларини айтинг. Ҳуқуқий давлатнинг мақсади нима? Қонун устуворлиги замонавий ҳокимиятнинг энг яхши модели эканлигини исботланг.
3. Инсон ҳуқуқлари чекловларсиз амалга оширилмаслигини исботланг. Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасини ўрганинг. Қандай ҳолатларда инсон ҳуқуқлари чекланиши мумкин?



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Якка тартибда ишлаш

Жадвални тўлдиринг. Ушбу институтларнинг ҳуқуқий давлат учун аҳамиятини аниқланг.

№	Чекловлар ва қарама-қаршиликлар тизими	Аҳамияти
1	Импичмент	
2	Вето	
3	Ишончсизлик билдириш	
4	Судларнинг мустақиллиги	



Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Гурӯҳларда ишлаш

Қуйидаги иборани мұхокама қилинг: ҳуқуқий давлат – жамият олдида ҳисоб берадиган очиқ давлат*. Ушбу иборани қандай тушунасиз? Ёдингизда бўлса, Қозоғистонда “Фуқаролар учун ҳукумат” давлат корпорацияси ташкил этилган эди. Ҳар бир фуқаро ДХМ га мурожаат қилиши ва турли хил давлат хизматларини олиши мумкин. Қозоғистонда маълумот олиш имконияти кенгайганми?

Лугат

- **Концепция** – атроф-мухит ҳодисасига нисбатан қарашлар, ғоялар ва мулоҳазалар тизимиdir.
- **Ҳокимиятни ажратиши** – давлат ҳокимиятни чеклаш тамойили. Давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судга бўлинади.
- **Қўнгиллилик фаолияти** – муҳтоҷ одамларга ёрдам бериш учун одамларнинг ихтиёрий равишда беғараз фаолияти.

1-тамойил *Инсонга тақиқланмаганларидан ташқари, ҳамма нарсага рухсат берилади.* Давлат, давлат органларининг ҳаракатларида факат қонунда аниқ кўрсатилган ҳолатларгагина йўл кўйилади. Шахс эркин ҳаракат қилиши мумкин, айrim ҳаракатлар ёки хатти-ҳаракатлар қонун томонидан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно. Давлат органларининг ҳар қандай хатти-ҳаракатлари, қонунда аниқ рухсат берилганлардан ташқариси, тақиқланади.

2-тамойил. *Қарор қабул қилиши жараёнида шаффофлик тамойили.* Фуқаролар давлат органларининг хатти-ҳаракатлари тўғрисида хабардор бўлиши учун ушбу тамойил зарур. Бу, айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига қўйилган чекловларга тегишли. Шундай қилиб, хавфли касаллик хавфи тарқалганда, давлат идоралари кириш ва чиқиши чеклашлари мумкин.

3-тамойил. *Қарорлар устидан шикоятларни маъмурӣ ёки суд кўриб чиқилишининг тезкорлиги ва ўз вақтида кўрилиши тамойили.* Бу ҳар кимнинг у ёки бу ҳуқуқ ва эркинликнинг чекланишига эътиroz билдириш учун судга мурожаат қилиш имкониятига эга эканлигини англатади. Шундай қилиб, ҳуқуқий давлат тамойилларини амалга ошириш турли йўналишларда амалга оширилади.

Демократиянинг ривожланиши. Мамлакатимизда вақти-вақти билан Парламент, Президент ва маслаҳатлар сайловлари ўтказиб турилади. 2019 йил 9 июня Қозогистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Қозогистон Республикаси Президенти этиб Токаев Қасим-Жомарт Кемелевич сайланди. Кўпчилик халқнинг фикри асосий ҳисобланади.

Давлат органларининг барча ҳаракатлари ошкора, очиқ тарзда амалга оширилади. Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ҳуқуқлари бузилган тақдирда, шахс судга мурожаат қилиши мумкин. Қозогистонда мафкуравий ва сиёсий хилма-хиллик тан олинади, жамоат ва давлат институтларининг бирлашиши, давлат органларида сиёсий партиялари ташкилотларининг тузилишига йўл қўйилмайди. Давлатнинг жамоат бирлашмалари ишларига ва жамоат бирлашмаларининг давлат ишларига қонунга хилоф равишда аралашиши тақиқланади. Қозогистонда қозоқ тили давлат тили ҳисобланади, қозоқ тили билан бирга рус тили расмий равишда ишлатилади. Қозогистон халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормаларини ҳурмат қиласи, давлатлараро ҳамкорлик ва яхши қўшничилик сиёсати-

Қозоғистон Республикасида сүз әркинлиги эълон қилинган ва кафолатланган. Ҳар бир инсон қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай усул билан маълумот олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Бунда ҳамма шахсий ҳаётга дахл қилмаслик, шахсий ва оиласий сирлар, ёзишмалар, телефон орқали сұхбатлар ва бошқа алоқаларга бўлган конституциявий ҳуқуқларини бузмаслиги керак. Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексида жиноий ҳуқуқбузарлик турлари ва жазо усуллари кўрсатилган.

Эътибор беринг!

ҚР ЖКнинг 130-моддаси. Тұхмат – бу бошқа шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ёки унинг обрўсига путур етказадиган била туриб ёлғон маълумотларни тарқатиш. У жарима ёки ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликни чеклаш ёки қамоқ билан жазоланади. Агар тұхмат оммавий равишда амалга оширилса ёки оммавий ахборот воситалари ёки телекоммуникация тармоқларидан фойдаланилса, жазо янада оғиррок бўлади.

ҚР ЖКнинг 147-моддаси. Шахсий маълумотлар ва Қозоғистон Республикасининг шахсий маълумотлар ва уларни ҳимоя қилиш тұғрисидаги қонунчилигини бузиш,

ҚР ЖКнинг 147-моддаси, 2-бандига биноан жиноий жазога сабаб бўлади. Шахснинг шахсий ёки оиласий сирини ташкил этувчи шахснинг шахсий ҳаёти тұғрисида унинг розилигисиз ноқонуний равишда тұпланиши ёки бошқа шахсий маълумотларни ноқонуний тұплаш ва (ёки) қайта ишлаш натижасида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манбаатларига жиддий зарар етказиши жиноят ҳисобланади.

ҚР ЖКнинг 147-моддаси, 4-банди. Шахсий ва оиласий сирни ташкил этувчи шахснинг шахсий ҳаёти тұғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз тарқатиш ёки бошқа шахсий маълумотларни ноқонуний тұплаш ва (ёки) қайта ишлаш натижасида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манбаатларига жиддий зарар етказиши беш йилгача озодикдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Инсон ҳуқуқлари тушунчаси инсон ва давлат үртасидаги муносабатларни англатади. Ушбу Концепция инсон қадр-қимматини инсон ва давлат үртасидаги муносабатларнинг асоси сифатида тан олишга асосланади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари унга туғилганидан бошлаб берилади, шунинг учун универсал, бўлинмас ва дахл қилиб бўлмасдир. Инсон ҳуқуқлари концепцияси учта жиҳатни ўз ичига олади:

- биринчидан, ҳар бир ҳокимият чекланган бўлиши ва қонун билан белгиланган чеклов доирасига қатъий амал қилиши керак;
- иккинчидан, ҳар бир инсоннинг ўз автоном доираси бор, унга ҳеч ким, шу жумладан, давлат аралашишга ҳақли эмас;
- учинчидан, ҳар бир шахс давлатга даъво қилиши ҳамда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилишни талаб қилиши мумкин.

Давлатнинг асосий вазифаси – инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини илгари суриш, таъминлаш, ҳимоя қилиш, шунингдек, агар улар бузилган бўлса, уларни тиклаш ва қоплашдир. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий тартибга солиш қўйидаги мухим тамойилларга асосланади:



10-расм. Нур-Султан шаҳри – Қозоғистон пойтахти

2020 ЙИЛ – КҮНГИЛЛИЛАР ЙИЛИ



"Саулық" лойиҳаси – беморларни парваришилашда ёрдам бериш.



"Таза әлем" лойиҳаси – атроф-мухитни муҳофаза қилишdir.



"Сабактастық" лойиҳаси – күнгиллилар меҳрибонлик уйлари болаларининг ҳомийси.



"Уміт" лойиҳаси – қозоғистонликтарнинг Иккінчи жағон урушидан-ғи жасоратлари ҳақида маълумот берувчи хужжатларни қидириш.



"Асыл Мұра" лойиҳаси – моддий ва маънавий маданий-тарихий меросни асраш.



"Қамқор" лойиҳаси – қариялар уйларининг ҳомийси.



"Білім" лойиҳаси – қишлоқ мектаптарининг юқори синф ўқувчиларига ЯМТта тайёргарлик күриш, инглиз тили ва компьютер саводхонлигини ўргатиша ёрдам бериш.

11-расм. Күнгиллилар фаолияти

иширик этади. 2016 йилда Қозоғистон Республикасининг "Күнгиллилек фаолияти түғрисида" ги Қонуни қабул қилинди, унда күнгиллиларнинг мақоми, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари белгилаб қўйилди. 2017 йилда ЭКСПО халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси ёшларни күнгиллилар ҳаракатига оммавий жалб қилишни бошлади. 2020 йил Күнгиллилар йили деб эълон қилинди. Президент Қасим-Жомарт Токаев ватанга муҳаббат катта сўзлар ва қуруқ гаплар эмас, бу кундалик иш, ҳалқимиз манфаати йўлидаги хайрли ишлар эканлигини таъкидлайди. Күнгиллилек фуқароларнинг жавобгарлиги ва дунёни яхши томонга ўзгартиришга тайёрлигининг кўрсаткичидир (11-расм).



9-расм. Қозоғистон Республикаси Тұнғич Президенти – Элбоши Н.А. Назарбаев
ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қ.Ж. Қ. Токаев

ни олиб боради, биринчи бўлиб қуролли кучлардан фойдаланишни рад этади ва шу билан ўзини тинчликсевар давлат сифатида намоён этади.

Иқтисодиётнинг ривожланиши. Қозоғистон иқтисодиёти тез суръатлар билан ўсмоқда. Мамлакатимизнинг пойтахти – Нур Султан шахри МДҲдаги энг гўзал шаҳар деб тан олинган (10-расм). Қозоғистон пойтахтида мунтазам равишда жаҳон динлари қурултойлари ўтказилади. 2010 йилда Қозоғистон ЕХХТга раислик қилди. 2017 йилда Қозоғистон БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзоси бўлди. 2017 йилда Нур-Султанда ЕХПО-2017 Бутунжаҳон кўргазмаси бўлиб ўтди. Шу билан бирга иқтисодиётни ривожлантиришда маълум муаммолар кузатилмоқда.

Ижтимоий бирдамлик ва сиёсий барқарорликни сақлаш. Бугунги кунда Қозоғистонда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар вакиллари истиқомат қилмоқда. Барча миллат ва элатлар ўз фикрларини билдиришлари учун Қозоғистон халқлари Ассамблеяси ташкил этилди. Қозоғистон Республикаси Парламентининг 9 депутати Ассамблея томонидан сайланади. Бу кўп миллатли мамлакатда этник низолар келиб чиқмаслиги учун жуда муҳимдир. Шунингдек, турли хил жамоат ташкилотлари, бирлашмалар ва иттифоқлар ташкил этилди ва фаолият кўрсатмоқда.

Ижтимоий соҳанинг ривожланиши. Конституция Қозоғистонда ижтимоий давлат қуриш учун асос яратди. Шундай қилиб, давлат барча соҳаларда, айниқса, ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида ижтимоий адолат ўрнатилиши ҳақида ғамхўрлик қилиш мажбуриятини олади. Давлат ёрдамига муҳтоҷ аҳолининг тоифалари аниқланди. Уларга ижтимоий ёрдам, имтиёзлар ва бошқалар ажратилади.

Мамлакатимизда кўнгиллилар ҳаракати фаол ривожланмоқда. Ҳозирда 200 та кўнгилли ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларда 50 минг фуқаро

Тарихдан

Фуқаролик жамиятини тушунишда буюк олим ва файласуф Абу Наср ибн Мұхаммад ал-Форобий (870-950) асарлари катта ақамиятга эга. У ёшларга ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбия зарурлығы ҳақида гапирди. Мутафаккир таълимнинг асосий мақсади хайрли ишларни бажаришдир, деб ҳисоблаган. Аммо бу ахлоқни шакллантиришга ёрдам берадиган билимларни талаб қилади. Фуқаролик жамиятининг асосий мақсади – одамларни бирлаштириш, муаммоларни биргаликда ҳал қилиш ва бир-бирларига ёрдам беришдир.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши нодавлат жамоат тузилмалари яратилишидан бошланади. Ушбу муассасалар ихтиёрий равища ташкил этилади. Фуқаролик жамиятидаги барча жамоат ташкилотлари фуқароларнинг ўзлари томонидан яратилади ва давлатдан мустақил равища мавжуддир. Бироқ барча ташкилотлар қонун доирасида ҳаракат қилишлари керак.

Эътибор беринг!

ҚР Конституциясининг 5-моддаси. Қозоғистон Республикаси мағкуравий ва сиёсий ранг-барангликни тан олади. Давлат органларида сиёсий партияларнинг ташкилотларини тузишга йўл қўйилмайди. Жамоат бирлашмалари қонун олдида тенгдирлар. Давлатнинг жамоат бирлашмаларининг ишларига ва жамоат бирлашмаларининг давлат ишларига ғайриқонуний аралашибига, жамоат бирлашмаларига давлат органларининг вазифаларини юклашга йўл қўйилмайди.

Замонавий фуқаролик жамияти қўйидагиларни ўз ичига олади:

- одамларнинг ўзини-ўзи бошқаришнинг бирламчи жамоалари: оила, мактаб, жамоат, диний, этник, ижодий ва бошқа ташкилотлар, соғлиқни саклаш муассасалари, мулк, фондлар ва бошқалар;
- эркин меҳнат, шахсий ҳаёт, тадбиркорлик соҳаси ва шу асосда шаклланадиган сиёсий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа алоқалар;
- ижтимоий нормалар: ахлоқ, одоб, урф-одатлар, анъаналар, дин;
- маҳаллий бошқарув тизими: қишлоқ, шаҳар аҳолиси йиғинлари; уйлар аҳолиси йиғини ва бошқалар.

Фуқаролик жамиятининг вазифалари. Фуқаролик жамиятида одамлар мустақил, эркин ва ҳуқуқи ўз қўлида бўлиши керак, ҳар ким мамлакат қонунларини билиши, уларнинг талабларини ҳурмат қилиши ва бажариши, давлат унинг эҳтиёжларини тўлиқ қондира олмаслигини тушуниши керак.

Фуқаролик жамиятидаги давлат инсон ҳуқуқларини бузилишлардан ҳимоя қилиши, жамиятни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиши, чет элда жамиятнинг вакили бўлиши ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиши керак. Шу билан бирга, давлат жамиятнинг заиф қатламларига алоҳида эътибор қаратиши керак, фуқаролик жамияти инсти-

Давлат раҳбари Қ.Ж. Токаев күнгиллилар ҳаракатининг қүйидаги йұналишларини күрсатыб үтди.

Шундай қилиб, Қозоғистон Республикаси үзини ҳуқуқий давлат сифатида намоён этади. Ҳуқуқий давлат барча фуқаролар, ташкилоттар, давлат органлари ва мансабдор шахслар қонун олдидә тенглигини ва қонунга тенг равища амал қилишлари кераклигини англаради. Ҳуқуқий давлатда ҳар бир киши бошқа одамларга фойда келтириши мүмкін.



1. Ҳуқуқий сиёсат Концепциясининг жамиятта давлат ривожланиши учун ажамиятини очиб беринг.
2. Ҳуқуқий давлат тамойилларини амалга ошириш ҳақида гапириб беринг.
3. Ҳозирги вактдеги Қозоғистон иқтисодиётини бағоланг.



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Якка тартибда ишлаш

Үзингиз яшайдиган ҳудуднинг ижтимоий соҳаси, иқтисодиёти ва маданиятининг ривожланиши бүйича тақдимот тайёрланғ. Үзингизнинг ҳудудингиздаги ижтимоий муаммоларни күриб чиқынг. Сизнинг миңтақангизда қайси тоифадаги одамлар маҳсус ёрдамга муҳтожлигини билиб олинг. Ушбу одамлар учун ёрдамни ташкил қилинг.



Мураккабликнинг 2- даражасидаги топшириқ. Гурұхларда ишлаш

“Ҳуқуқий давлат – эришиш жуда қийин бўлган юксак орзу” мавзусида баҳс-мунозара ўтказинг. АҚШ, Франция каби замонавий давлатлар тарихидаги далиллардан фойдаланинг. Қандай муаммолар Қозоғистоннинг демократик, ҳуқуқий давлат сифатида ривожланишига тўсқинлик қилмоқда? Муаммони қандай ҳал қилиш ҳақида ўз фикрингизни билдиринг.

13-§. Қозоғистон Республикасида фуқаролик жамиятининг асосий вазифавий мақсади

Бугунги дарсда:

фуқаролик жамиятининг маъноси ва вазифаларини кўриб чиқамиз унинг қандай вазифаларни бажаришини аниқлаймиз.

Фуқаролик жамияти тушунчаси. *Фуқаролик жамияти* – бу давлатдан мустақил бўлган но-давлат жамоат бирлашмалари ва институтла-ри тизимиdir. Фуқаролик жамиятида инсон үзининг фуқаролик ҳуқуқларини мустақил равища амалга оширади, унинг эҳтиёжлари ва манфаатларини ифода этади ва мустақил равища давлат ҳокимииятига мурожаат қиласи.


Фуқаролик жамиятида одамларнинг турли хил бирлашмалари мав-жуд.

Таянч сўзлар:

- фуқаролик жамияти
- жамоат бирлашмалари



Дмитрий Баландин

Серик Сапиев
12-расм. Олимпия чемпионлари

Денис Тен

Лугат

- Фуқаролик жамияти** – давлатлардан мустақил нодавлат жамоат бирлашмалари ва институтлар тизими.
- Жамоат бирлашмалари** – маълум бир муаммони ҳал қилиш учун ташкил этилган нотижорат ташкилотлар.

чемпиони Серик Сапиев ва сузиш бўйича Олимпия чемпиони Дмитрий Баландин (12-расм).

Шундай қилиб, фуқаролик жамияти бу мустақил равишда ташкиллаштирилган ва ривожланаётган тизим бўлиб, у давлат томонидан қўллаб-қувватланади ёки, аксинча, қонун асосида ишлайдиган нодавлат сиёсий тузилмалар томонидан амалга оширилади.



1. "Жамият" ва "Фуқаролик жамияти" тушунчаларининг фарқи нимада? Ҳар бир жамият фуқароликми?
2. Фуқаролик жамияти шаклланиши учун қандай шартлар зарур? Қандай қилиб хукукий давлат ва фуқаролик жамияти ўзаро боғлиқликда бўлади?
3. Фуқаролик жамияти давлатга қандай усууллар билан таъсир кўрсатиши мумкин? Давлат фуқаролик жамияти ишларига аралашибиши мумкинми?

**Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Гуруҳларда ишлаш.**

Фуқаролик жамиятининг вазифалари нималардан иборат? Хайрия институти ҳақида гапириб беринг. Қозогистонда қандай хайрия ташкилотлари мавжуд? "Хайрия – бефарқ бўла олмаслик" мавзусида маъруза тайёрланг. Ўз ҳудудингизда хайрия тадбирини ўтказинг. Ушбу ҳаракат ҳақида оммавий ахборот воситаларида ёзинг.

тұлары одамларни турли муаммоларни – иқтисодий, маданий, ижтимаий, экологик ва бошқаларни ҳал қилиш учун бирлаштиришлари керак. Фуқаролик жамияти бир қатор вазифаларни бажаради.

3-жадвал.

Фуқаролик жамиятининг вазифалари

Давлат билан муносабаттар	Ташкилий вазифалар	Таълимга оид вазифлар	Инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш
-давлат, тадбиркорлық ва жамоат институтлари үртасидаги муносабаттарни үйғунлаштиришга ёрдам бериш; -ижтимаий үйғунлик ва ижтимаий низоларни камайтириш учун шароитлар яратиш; -ижтимаий ва бошқа можароларни амалий мулокот орқали ҳал этиш; -хукumat қарорларини қабул қилиш жараёнида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш	- фуқаролик ташаббусларини құллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва рағбатлантириш; - умумий манфаатларга асосланган уюшмалар, бирлашмалар тузишда ва муайян мәсаддарга эришиш ишларida иштирок этиш; - фуқароларнинг миллий ва маҳаллий муаммоларни ҳал этишда иштирок этишини таъминлаш	- жамиятда умумий инсоний меъёрларини, қадриятлари ва ахлоқий тамойилларини тасдиқлаш; - ижтимаий хизматлар күрсатиши; - күнгиллилик фаолияти; - хайрия фаолиятини ривожлантириш; - муҳтожларга ёрдам бериш; - хуқукбузарлік ларнинг олдини олиш бүйіча тушунтириш ишларини олиб бориш	- фуқаролар хуқуқларини ҳимоя қилиш ва ахолининг турли гурухлари манфаатларини амалга оширишда күмаклашиш; - инсоннинг мустақил ҳаётини таъминлайдиган унумли меңнат қилиш учун шартшароитларни яратиша иштирок этиш; - касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини құллаб-қувватлаш; - сүз әрқинлигини құллаб-қувватлаш, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ахборот маконининг очиқлигини таъминлаш.

Хайрия фондлари. Фуқаролик жамиятида хайрия институти алоқида үрин тутади. Қозоғистонда хайрия ташкилотлари күп. Ушбу ташкилотлар кам таъминланғанларни құллаб-қувватлайди, касал болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган етим болаларга ёрдам беради.

Мисол

"Дара" фонды. У болалар тиббий муассасаларига, меҳрибонлик уйларига, шунингдек, ногирон болалар учун мактаб-интернатларга ёрдам беради. Лойиҳаларнинг аксарияти болаларда үқитиши, ижодий қобиляттарни ривожлантириш, касбни қайта тиқлаш ва құллаб-қувватлашга қаратылған.

"Саби" хусусий хайрия фонды. У етимларга ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларга, ижтимаий ҳимояланмаган оиласардан иқтидорли болаларга, соғлиғи ёмон бўлган болаларга, шунингдек, жисмоний ногиронларга ёрдам беради.

"Меҳр-шафқат" күнгилли жамияти. Жамғарма учта йўналишда ишлайди. Биринчиси, даволанмайдиган касаллардан азият чекадиган болаларни даволаш учун маблағ тўплаш.

Иккинчиси – аутизмли оиласар ва болаларга ёрдам бериш. Учинчидан, Қозоғистондаги етим болаларга ёрдам бериш.



13-расм. Қозғистоннинг сиёсий партиялари

этмайды, лекин грантлар, ижтимоий буюртмалар ва совғалар шаклида ёрдам беради. Сиёсий партиялар НДТга мансуб бўлмайди.

Нодавлат ташкилотлар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиласди, ногиронларга ёрдам беради. Улар қозғистонликлар ҳаётининг деярли барча соҳаларида иштирок этадилар.

НДТларга хос бўлган умумий хусусиятларни ажратиб кўрсатамиз:

- 1) фойда олиш бу фаолиятнинг асосий мақсади эмас;
- 2) давлат органлари таъсисчи ёки иштирокчи эмас;
- 3) ихтиёрий равишда ташкил этилади;
- 4) бу ерда ўзини ўзи бошқариш мавжуд;
- 5) сиёсатга аралашмаслик;
- 6) юридик рўйхатдан ўтмасдан, норасмий равишда фаолият юритиши мумкин;
- 7) фаолият таркиби ёки миқёсида ҳам миллий, ҳам халқаро бўлиши мумкин.

Ҳозирги вактда Қозғистонда турли йўналишларда НДТ мавжуд: экологик; болалар ва ёшлар; аёллар; тиббий; маданият, санъат, фан, таълим соҳасида; ҳуқуқий ҳимоя, ижтимоий ҳимоя бўйича; жамоат ташаббусларини қўллаб-қувватлаш; кўп тармоқли; ногиронлар жамияти; алоҳида эҳтиёжли болаларни реабилитация қилиш учун. Масалан, “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш уюшмаси” (ОЮЛ); “Ёшлар ташаббуслари маркази” жамоат бирлашмаси (АРГО); “Ёрдам ва Қалқон” Жамоат Бирлашмаси. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” ва бошқалар. Масалан, “Жасыл ел” ёшлар ташкилоти мактаб ўқувчилари, талабалар ва ишсиз ёшларни мавсумий иш билан таъминлаш бўйича иш олиб боради. Болалар муайян ҳақ олиш эвазига ижтимоий фойдали ишларни бажарадилар, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, ахлат ва ўсимликларни тозалаш билан шуғулланадилар (14-расм).

Шунингдек, Қозғистонда халқаро ноҳукумат ташкилотлар мавжуд: Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ); АҚШ

қонун асосида нодавлат ташкилотлари (НДТ) фаолият юритади. Булар жамоат бирлашмалари, нодавлат фондлар, нотижорат ташкилотлар, юридик шахсларнинг бирлашмалиари (ассоциациялари) ва бошқа ташкилотлардир. Улар турли тадбирларни амалга оширадилар ва жамиятга хизмат кўрсатадилар. НДТ фуқароларнинг ўзлари томонидан ихтиёрий равишда тузилади ва ўзини ўзи бошқариш асосида ишлайди. Давлат уларнинг фаолиятида иштирок

этмайди, лекин грантлар, ижтимоий буюртмалар ва совғалар шаклида ёрдам беради. Сиёсий партиялар НДТга мансуб бўлмайди.

Нодавлат ташкилотлар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиласди, ногиронларга ёрдам беради. Улар қозғистонликлар ҳаётининг деярли барча соҳаларида иштирок этадилар.

НДТларга хос бўлган умумий хусусиятларни ажратиб кўрсатамиз:

1) фойда олиш бу фаолиятнинг асосий мақсади эмас;

2) давлат органлари таъсисчи ёки иштирокчи эмас;

3) ихтиёрий равишда ташкил этилади;

4) бу ерда ўзини ўзи бошқариш мавжуд;

5) сиёсатга аралашмаслик;

6) юридик рўйхатдан ўтмасдан, норасмий равишда фаолият юритиши мумкин;

7) фаолият таркиби ёки миқёсида ҳам миллий, ҳам халқаро бўлиши мумкин.

Ҳозирги вактда Қозғистонда турли йўналишларда НДТ мавжуд:

экологик; болалар ва ёшлар; аёллар; тиббий; маданият, санъат, фан, таълим соҳасида; ҳуқуқий ҳимоя, ижтимоий ҳимоя бўйича; жамоат ташаббусларини қўллаб-қувватлаш; кўп тармоқли; ногиронлар жамияти; алоҳида эҳтиёжли болаларни реабилитация қилиш учун. Масалан, “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш уюшмаси” (ОЮЛ); “Ёшлар ташаббуслари маркази” жамоат бирлашмаси (АРГО); “Ёрдам ва Қалқон” Жамоат Бирлашмаси. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” ва бошқалар. Масалан, “Жасыл ел” ёшлар ташкилоти мактаб ўқувчилари, талабалар ва ишсиз ёшларни мавсумий иш билан таъминлаш бўйича иш олиб боради. Болалар муайян ҳақ олиш эвазига ижтимоий фойдали ишларни бажарадилар, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, ахлат ва ўсимликларни тозалаш билан шуғулланадилар (14-расм).

Шунингдек, Қозғистонда халқаро ноҳукумат ташкилотлар мавжуд: Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ); АҚШ

14-§. Қозғистон Республикасининг фуқаролик жамияти институтлари

Бугунги дарсда:

Қозғистон Республикасидаги фуқаролик жамияти институтларини күриб чиқамиз, уларнинг самарадорлигини аниклаймиз.

Хозирги вақтда жамиятни давлат бошқаруви тизимиға жалб қилмасдан, жамиятнинг кўплаб муаммоларини муваффақиятли қилиш мумкин эмас. Фуқаролик жамиятининг вазифаси – фуқаролар ва давлат ўртасида воситачилик қилиш, ҳар бир шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳокимият ва жамият олдида унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳокимият органлари фаолияти ва ушбу жамиятнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

Фуқаролик жамиятининг асосий институтлари фаолиятини қисқача кўриб чиқамиз.

Сиёсий партиялар – муайян сиёсий ғояга асосланган одамларнинг ихтиёрий бирлашмаси. Партияning мақсади – давлат бошқарувидаги қатнашиш ва ҳокимият учун кураш. Ҳар бир сиёсий партия ўзининг сиёсий дастурига эга, ўз дастурининг фаол ташвиқот ишларини олиб боради. Қозғистонда 2002 йил 15 июлда қабул қилинган “Сиёсий партиялар тўғрисида” ги қонун амалдадир. Сиёсий партия Қозғистон Республикаси фуқароларининг ташаббуси билан камида минг кишидан иборат қилиб тузилади. Таъсис қурултойи (конференцияси) чақирилади. Ушбу конференцияда вилоятлар, республика миқёсидаги шаҳар ва пойтахтнинг 2/3 қисмидан вакиллар иштирок этишлари керак. Қозғистон Республикаси Адлия вазирлиги партияни рўйхатга олади. Ҳарбий хизматчилар, миллий хавфсизлик органларининг ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судьялар сиёсий партияга аъзо бўлмасликлари, бирон бир сиёсий партияни қўллаб-қувватламаслиги керак. Сиёсий партия фуқароларнинг, турли хил ижтимоий групкаларнинг сиёсий иродасини ифода этади, уларнинг давлат, маҳаллий бошқарувдаги манфаатларини ифодалайди ва уларнинг шаклланишида иштирок этади. Хозирги кунда Қозғистон Республикасида олтирасмий сиёсий партия мавжуд: “Нур Отан”, “Ақ Жол” Демократик партияси, “Ауыл” Халқ-демократик ватанпарварлик партияси, Қозғистон Коммунистик халқ партияси, “Бірлік” партияси, Қозғистон умуммиллий социал-демократик партия (УСДП) (13-расм).

Ноҳукумат ташкилотлар. 2001 йил 16 январда Қозғистонда “Нотижорат ташкилотлари тўғрисида” ги қонун қабул қилинди. Ушбу

Таянч сўзлар:

- ноҳукумат ташкилотлар
- оммавий ахборот воситалари
- сиёсий партиялар

қадриятларни ва хулқ-атворни үзлаштиради, дунёнинг үзига хос тасаввурини шакллантиради.

- **Таълим вазифаси.** ОАВ орқали билимлар тарқалади ва таълим яхшиланади. Оммавий ахборот воситалариға В Контакте, Facebook, Одноклассники Twitter, Instagram каби ижтимоий тармоқларни киритиш мумкин.

Оммавий ахборот воситалари – даврий босма нашр, теле-, радиоканаллар, хужжатли фильмлар, аудиовизуал ёзув ва оммавий ахборотни жамоатга ёйишининг, интернет-ресурсларни қамраб олган ҳолда, бошқа даврий ёки муңтазам шакллари. ОАВнинг фаолияти мулкдор ёки суд қарори билан тўхтатилиши мумкин. Оммавий ахборот воситаларидан маъмурий ҳуқуқбузарликни ёки жиноий жавобгарликка тортиладиган хатти-харакатларни амалга ошириш мақсадида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ижтимоий тармоқларни ОАВга киритиш мумкинми, деган савол туғилади. Ижтимоий тармоқлар – Интернетда одамлар ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни таъминлашга мўлжалланган ресурс.

Ижтимоий тармоқлардаги барча ахборотларни фойдаланувчиларнинг ўзлари тақдим этадилар. Ҳозирги кунда Facebook, YouTube, Instagram жаҳондаги энг машҳур ижтимоий тармоқлар ҳисобланишади.

Ижтимоий тармоқлар ОАВга тегишли эмас. Лекин ижтимоий тармоқлардаги нашрлар Козоғистон Республикасининг қонунларини бузмаслиги шарт. Бу интернет-ресурсларда ёки ижтимоий тармоқларда жойлаштириладиган хабарлар ишончлилик талабларига мос келиши ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилиниши кераклигини англаради. Жисмоний шахслар, яъни ижтимоий тармоқларда қонунга зид маълумотларнинг муаллифлари ёки тарқатувчилари ижтимоий, ирқий, миллий, диний, табакачилик ва уруғчилик адоватларини қўзғатишга йўналтирилган тарғибот ёки ташвиқот маълумотлари ва материалларига эга хабарларни тарқатганларни учун жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Лутғат

- **Нодавлат ташкилотлар (НДТ)** – фуқаролар ёки бошқа жамоат ташкилотлари томонидан давлат муассасалари иштирокисиз ихтиёрий равишда ташкил этилган ташкилотлар.
- **Сиёсий партиялар** – одамларни ихтиёрий равишда бирлаштирадиган сиёсий ташкилотлар.
- **Оммавий ахборот воситалари** – оммавий равишда маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш билан шуғулланадиган ижтимоий институтлар.

Хар бир инсон билиши шартки, ОАВ орқали тасдиқланмаган ёлғон, шунингдек, инсон ҳуқуқларини бузадиган, инсон онгига салбий таъсир кўрсатадиган маълумотни тарқатиш тақиқланади. Бунинг учун ҳуқуқий жавобгарликка тортилади.

Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), БМТнинг фавқулодда Халқаро болаларни химоя қилиш жамғармаси (UNICEF), Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси; Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ); Қозоғистон Қызыл Ярим Ой жамияти ва бошқалар.

Оммавий ахборот воситалари. 1999 йил 23 июля Қозоғистонда “Оммавий ахборот воситалари тұрғысіда” ги Конун қабул қилинди. Оммавий ахборот воситалари фолияти Қозоғистон Республикаси Саноат ва инфратузилмани ривожлантириш вазирлиги қошидаги Алоқа, ахборотлаштириш ва ахборот құмитаси томонидан тартибға солинади. Оммавий ахборот воситалари маълумотларни йигади, ишлов беради ва сақлайды, шунингдек, керакли аудиторияга маълумот узатади (16-чизма).



14-расм. “Жасыл ел” ёшлар ташкилоти

16-чизма

ОАВ турлари

Классик ОАВ:
газеталар, журналлар, китоблар

Замонавий ОАВ:
Интернет, телевидение, радио

Эътибор беринг!

Жамиятга катта таъсир күрсатгани учун оммавий ахборот воситалари “түртінчи ҳокимият” деб номланади. Оммавий ахборот воситалари замонавий жамиятнинг барча соҳаларида – сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ҳоказоларда мухим рол үйнайды. Оммавий ахборот воситаларига ахлоқий меъёрларға риоя қилиш, шахсий ҳаёт ҳуқуқига әгалік ва давлат сирини ташкил этувчи маълумотлар тегишли аниқ чекловлар юқлатылади.

Оммавий ахборот воситалари турли вазифаларни бажаради. Уларни күриб чиқамиз.

- Ахборот вазифаси. ОАВ тезда одамларға маълумот беради. Фуқаролар Интернетдеги, телевидениедеги ва матбуотдеги янгиликлар билан танишадилар.
- Мағкуравий вазифа. ОАВ инсон тафаккурига, алоҳида онг ва қадриятларнинг шаклланишига катта таъсир күрсатади.
- Тарбия вазифаси. ОАВ инсон хатти-харакатларининг маълум тарзларини шакллантиради. Инсон ОАВ орқали меъёрларни,

Ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёрдам беришdir. Шунингдек, бу ерга үзини ҳимоя қилишни ҳам киритиш мумкин. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунга зид бўлмаган барча воситалар билан, шу жумладан зарурий ҳимоя билан мудофаа қилиш ҳуқуқига эга (ҚР Конституциясининг 13-моддаси) (17-чизма).

17-чизма



Баъзи ҳолатларда инсон ҳуқуқларини амалга ошириш учун масъул шахсларнинг ёрдами ва ҳамкорлиги керак бўлади. Бундай ҳолда фуқаро исталган ваколатли давлат органига мурожаат қилиши мумкин.

Фуқароларга қулай бўлиши учун қуйидагилар яратилди:

1. Давлат хизматлари марказлари (ДХМ). ДХМлар шаҳарнинг ҳар бир туманида ва бошқа аҳоли пунктларида жойлашган. Бу ерда фуқаролар бир қатор давлат хизматларидан фойдаланишлари мумкин. Узоқ қишлоқ аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи аҳолига қулайлик яратиш мақсадида кўчма ХКлар ташкил этилди (15-расм).



15-расм. Аҳолига хизмат кўрсатиш маркази

Шундай қилиб, фуқаролик жамиятида турли институтлар ишлайди. Нодавлат ташкилотлар алоҳида роль ўйнайди. Булар фуқароларнинг кўнгилли нотижорат ташкилотлари бўлиб, уларнинг мақсади жамиятдаги турли масалаларни ҳал қилишга кўмаклашишдир. Фуқаролик жамиятининг турли институтлари орқали фуқаролар ўз хуқуqlаридан фойдаланишлари, давлат қарорларини қабул қилиш жараёнида иштирок этишлари мумкин.



- Сиёсий партияларнинг мақсади нима? Қозоғистон Республикаси Парламентига қайси партиялар вакиллари кирган? Уларнинг фаолиятини ўрганинг. Нодавлат ташкилотлар (НДТ) деганда нимани тушунасиз?
- Нодавлат ташкилотларнинг қайси турларини биласиз?
- Нодавлат ташкилотлар (НДТ) қандай мақсадларда ташкил этилган? Давлат НДТ фаолиятини назорат қилиши керакми? Нодавлат ташкилотлар мамлакат қонунларига риоя қилмасликлари мумкинми?



Мураккабликнинг 3-даражасидаги топшириқ. Якка тартибда ишлаш

“Инсонни тарбиялашда ОАВнинг ўрни” мавзусида тадқиқот ўтказинг. ОАВ инсоннинг онгига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигига эътибор беринг. Ахборот уруши, ташвиқот, нотўғри маълумот, маълумотлар билан найранг қилиш, ҳақиқатни бузиш атамаларидан фойдаланинг. Интернетдаги ОАВ материалларидан фойдаланиш юзасидан вояга етмаганларга қандай маслаҳат бера оласиз?

3-боб. ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

15-§. Қозоғистон Республикасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизми

Бугунги дарсда:

Қозоғистон Республикасида ўз ҳуқуқларимизни қандай ҳимоя қилиш мумкинлигини билиб оламиз.

Ҳуқуқий давлат – бу фуқароларнинг эҳтиёжлари, зарурати ва манфаатларига йўналтирилган давлат. Ҳуқуқий давлат одамлар учун ишлайди, бу ерда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун маҳсус муассасалар мавжуд. *Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми* икки қисмдан иборат. Инсон ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоя қилиш ҳукмронлик ваколатига эга бўлган давлат органлари томонидан амалга оширилади. Бу ерда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Таянч сўзлар:

- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми
- омбудсман

Нодавлат ҳимояси жамоат ёки нодавлат ташкилотлари томонидан амалга оширилади, уларнинг мақсади ихтиёрий равища одамларга



16-расем. Фуқароларни онлайн режимида қабул қилиш

- үз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун *судга*. Ҳар бир шахс қуидаги ҳолларда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга:
- агар сиз ва бошқа бир киши ўртасида низо келиб чиққан бўлса ва сизнинг ҳуқуқларингиз бузилган деб ҳисобласангиз (масалан, агар сиз қарз берган бўлсангиз ва қарздор сизга қарзини товар кўринишида қайтариб берган деб ўйлаб, қарзини қайтармаса);
- агар сизнинг ҳуқуқларингиз ҳаракат (ҳаракатсизлик) ёки давлат органининг қарори билан бузилган бўлса;
- ҳуқуқларингизни амалга оширишда суд ёрдамига муҳтоҷ бўлсангиз (масалан, фарзанд асраб олишда);
- омбудсманга фуқароларнинг ҳуқуқларини бузаётган давлат органдари, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ёки қарорлари устидан шикоят билан;

Қозогистонда омбудсман институтларининг бир нечта турлари яратилган (16-чизма).

16-чизма



2. Электрон ҳукумат веб-портали (*egov.kz*). Бу ерда ҳар бир фуқаро уйдан чиқмасдан электрон күринишда (масалан, шифокорни үйга чақириш, шифокор қабулиға ёзилиш, маълумотнома олиш ва ҳ.к.) давлат хизматларини олиши мумкин. Портал орқали олинган хизматлар ҳақидаги маълумотни ягона алоқа маркази – 1414 орқали топиш мумкин (қўнғироқ бепул).

Агар фуқаронинг ҳуқуқлари бузилган бўлса, мурожаат қилиш мумкин:

- юқори органга ёки мансабдор шахсга. Масалан, агар бу мактабда ўқитувчи бўлса, унда юқори мансабдор шахс – илмий мудир, директори;
- ваколатли давлат органига мурожаат билан:
- ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига;
- қонун ҳужжатлари бузилганлиги, мансабдор шахслар ишидаги камчиликлар тўғрисида; уларнинг фаолияти ҳақида танқид билан.

Мурожаат бўлиши мумкин: шахсий ёки жамоавий, ёзма ёки оғзаки, электрон ҳужжат шаклида, видеоконференц алоқа, видеомулоқот, таклиф, ариза, шикоят, сўров ёки жавоб. Мансабдор шахс фуқаронинг мурожаатини кўриб чиқиши ва мурожаат олинган кундан бошлаб 15 календарь куни ичидан аниқ ёзма жавоб бериши шарт (агар қўшимча текшириш талаб этилса, кўриб чиқиш муддати 30 календарь кунидан ошмаслиги керак). Агар керак бўлса, шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари кўрилиши керак.

● Кўшимча маълумотлар

Ёзма мурожаат, видео мурожаат ва видеоконференци алоқалар учун талаблар (2007 йил 12 январдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида" ги ҚР Қонунининг 6-моддаси):

1. Мурожаат мурожаатномада бўлган масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга субъектга ёки мансабдор шахсга юборилиши керак.
2. Мурожаатномада жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шунингдек, хоҳишига кўра, отасининг исми, шахсий идентификация рақами, поча манзили; юридик шахс – унинг номи, поча манзили, бизнес идентификация рақами кўрсатилади. Мурожаат жисмоний шахс ёки юридик шахснинг вакили томонидан имзоланиши керак.

Шикоят беришда субъектнинг номи ёки лавозими, ҳаракатлари устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахсларнинг фамилиялари ва исм-шарифлари, мурожаат қилиш сабаблари ва талблари кўрсатилади.

Давлат органи раҳбарига (масалан, вазирга) онлайн қабул режимида мурожаат қилиш мумкин: видео хабарлар ёки видеоконференц алоқалар. Бунинг учун электрон ҳукумат веб-портали орқали ариза топшириш керак (16-расм):

- агар сиз жиноий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган деб ҳисобласангиз, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига;

2. Фуқаро И. хонадонига үғрилар кириб, пули ва мулкини үғирлашган. Фуқаро И. қаерга мурожаат қилиши мумкин?

3. Фуқаро И. банкдан 5 йил муддатта қарз олди. Бир йил үтгач, у ишини йүқотди ва ойлик тұловларни тұлашга қодир бўлмай қолди. Банк ходимлари унга доимий равишда уяли телефон орқали қўнғироқ қила бошлидилар ва салбий оқибатлари билан қўпол равишда таҳдид қилиб, қарзни қайтаришни талаб қилишди. Фуқаро И. асабий ташвишлар туфайли касал бўлиб қолди. Фуқаро И. ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қаерга мурожаат қилиши мумкин?

16-§. Қозоғистон Республикасида ювенал адлия

Бугунги дарсда:

Қозоғистонда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми билан танишамиз.

Таянч сўзлар:

- ювенал адлия
- васийлик
- ҳомийлик

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Болалар, ёшлар – ҳар қандай жамиятнинг бебаҳо сармояси. Ҳар қандай мамлакатнинг келажаги ёш авлоднинг ривожланиш даражасига боғлиқ.

Балоғат ёшига етмаганлар ёшига қараб жамиятнинг катта ёшдаги аъзоларига нисбатан заиф ҳимояланган руҳий ва физиологик хусусиятларга эга бўлишади. Болалар алоҳида ҳимояга муҳтоҷ бўлишади, шунинг учун давлатда ювенал адлия шаклланади.

Қозоғистондаги ювенал адлия қўйидагиларни ўз ичига олади:

– вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиласиган ҳуқуқий нормалар тизими. Аввало, бу Қозоғистон қўшилган халқаро ҳужжатлар, шунингдек, бир қатор қонунлар: 2002 йил 8 августда қабул қилинган “Қозоғистон Республикасида бола ҳуқуқлари тўғрисида”, 2004 йил 9 июлда қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда болалар назоратсизлиги ва бепарвоникнинг олдини олиш тўғрисида”. Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида вояга етмаганларнинг жиноят процессидаги ҳуқуқларини кафолатлайдиган бир қатор қоидалар мавжуд;

– вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат ва бошқа органлар ҳамда ташкилотлар тизими (17-чизма).

Уларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, вояга етмаганлар умуман инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларига қўшимча равишда кўзда тутилган қўшимча имкониятлардан фойдаланишлари ва қатор тузилмаларга мурожаат қилишлари мумкин. Булар:

1. *Ота-оналар, фарзанд асраб олувлар, васийлар, ҳомийлар, тарбияга олувлар, тутинган ота-оналар, уларнинг ўрнини босувчи,*

- Қозоғистон Республикаси Президентига инсон ҳуқук өсөн әркинликтери кафолати сифатида. Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузурида инсон ҳуқуқлари бүйича комиссия, шунингдек, ағын этиш комиссияси иш олиб боради;
- *нодавлат ташкилоттарга* (НДТ).

НДТ – ўзларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини амалга ошириш учун фуқаролар бирлашмалариңдер. НДТ орқали фуқаролик жамияти давлат ҳокимиятины назорат қиласы.

Ҳуқуқлари бузилган тақдирда, фуқаро маълум бир гурухнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ихтисослашган НДТга мурожаат қилиши мүмкін. Масалан, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилиш мүмкін – агар истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилган бўлса, Ногиронлар жамияти – агар ногиронларнинг ҳуқуқлари бузилган бўлса, Инсон ҳуқуқлари ва қонунчиликка риоя қилиш бүйича.

Қозоғистон халқаро бюроси – асосий инсон ҳуқуқлари бузилган ҳолда. Шундай қилиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бу давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва алоҳида шахсларнинг фаолияти.

Мақсад – инсон ҳуқук өсөн әркинликтерини ҳимоя қилиш, уларга риоя этилишини таъминлаш. Энг самарали институтлар – бу суд, прокуратура, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари. Шунингдек, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқларини мустақил равишда барча қонуний йўллар билан ҳимоя қилиши мүмкін.



1. Қозоғистонда инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда ёрдам бериш механизми қандай?
2. Ҳуқуқларимиз бузилган тақдирда қандай органларга ва қандай ҳолларда мурожаат қилишимиз мүмкін?
3. Инсон ҳуқуқлари бүйича ваколатли институтининг роли ва аҳамияти нимада?



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ . Жуфтликларда ишлаш

1. Бир-бiringизга бошқа одамларнинг ҳуқуқлари қандай бузилганингiga дуч келганингизни айтинг. Улар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қаерга боришилари мүмкін? Сизнинг ҳуқуқларингиз бузилган вазият ҳақида айтинг.

Ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун қаерга боришингиз мүмкін?



Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Якка тартибда ишлаш

Қозоғистонда болалар омбудсманининг қандай ишлашини ўрганинг ва дарсда айтиб беринг. Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бүйича болалар омбудсманни қандай чораларни таклиф қилди? Ушбу мавзу бүйича тақдимот қилинг. Нима сабабдан сўнгги вақтларда болалар ҳуқуқлари жуда тез-тез бузилиб кетилаётгани ҳақида ўз фикрингизни билдиринг? Бола ҳуқуқлари бузилмаслиги учун қандай чоралар кўриш керак? Ушбу соҳада ўзингизнинг худудингиздаги вазиятни кўриб чиқинг.



Мураккабликнинг 3- даражасидаги топшириқ. Вазиятни ўрганинг. Саволларга жавоб беринг.

1. Фуқаро С. мусобақада жароҳат олди. У ёрдам учун қаерга мурожаат қилиши мүмкін? Агар унга ёрдам кўрсатилмаган бўлса, бундай вазиятда у қаерга мурожаат қилиши мүмкін?

Лугат

- **Имконияти чекланган шахс** – организм вазифаларининг турғун бузилиши билан касалланган шахс.
- **Алоҳида эҳтиёжли бола** – 18 ёшгача бўлган, организм вазифаларининг турғун бузилиши билан касалланган ва бу ҳаёти ҳамда фаолиятини чеклаб, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган шахс.
- **Ногиронлик** – организм вазифаларининг турғун бузилиши билан касалланганлик оқибатида одамнинг фаолиятини чеклаш даражаси.

4. Вояга етмаганлар ишилари бўйича ихтинослашган судлар (ювенал суд). Агар болага қарши жиноий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлса ёки фуқаролик ишида боланинг манфаатларига таъсир кўрсатадиган бўлса, балоғатга етмаган болалар судига мурожаат қилиш мумкин.

Масалан, агар ота-она (ёки иккала ота-она) болага нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлса, спиртли ичимликларни суистеъмол қилса ёки ота-она мажбуриятларидан бўйин товласа, ота-оналардан бирининг ёки боланинг бошқа қонуний вакилининг илтимосига биноан суд ота-онани ота-оналий ҳуқуқидан маҳрум қилиши мумкин.


5. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиши вазифаларини бажарадиган ташкилотлар. Қозоғистон Республикасида вояга етмаганларга ижтимоий ёрдам, ижтимоий-маиший хизматлар, ижтимоий-тиббий ва ижтимоий-педагогик, психологик- педагогик, ҳуқуқий хизматлар

ва моддий ёрдам кўрсатишга қаратилган бир қатор ташкилотлар фаолият олиб боради. Бу, айниқса, қийин ҳаёт шароитида бўлган болалар учун жуда муҳимдир. Масалан, агар бола етим бўлса, у етим болалар, ота-она қарамоғисиз қолган болалар, Оила типидаги болалар қишлоқлари, Ўсмирлар уйлари учун соғлиқни сақлаш ташкилотига мурожаат қилиши мумкин. Агар бу “тарбияси оғир” бола бўлса, унда сиз девиант хулқли болалар учун маҳсус таълим муассасаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

6. Васийлик ва ҳомийлик органлари. Ота-оналари вафот этган, ота-оналий ҳуқуқидан маҳрум бўлган ёки чекланган, ота-оналийка нолойик деб топилган, касаллиги ёки ота-онасининг узоқ вақт йўқлиги, ота-оналарининг фарзандларини вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини йўлга қўйиш, ҳимоя қилиш соҳасидаги тарбиядан боштортиш ҳолатларида улар билан боғланиш мумкин.

7. Бола ҳуқуқлари бўйича вакил. Агар масъул мансабдор шахслар вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган бўлса, у ҳолда сиз Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга боланинг ҳуқуқларини бузган жавобгар шахсларнинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги), қарорлари тўғрисида шикоят қилишингиз мумкин. Вакил боланинг бузилган ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга ошириш ва тиклашга ёрдам беришга мажбурдир.

**Қозғыстон Республикасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
бүйича давлат органлари ва муассасалари тизими**



боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган, үқитадиган, тарбиялайдиган ва бошқа шахслар.

2. Үқитувчи, илмий мудир, мактаб директори, мураббий, тұғарал рахбари. Агар вояга етмаган бола унинг ҳуқуқлари мактабда ёки бўлимга, тўгаракка ва ҳоказоларга ташрифи пайтида бузилган бўлса, уларга мурожаат қилиши мумкин.

3. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия (вояга етмаганлар ишлари бўйича инспектор). Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва болаларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун комиссиялар тузилади. Агар ота-оналар, қонуний вакиллари ва мактабдаги үқитувчилар вояга етмаганга нисбатан ўз мажбуриятларини бажармаган, унинг ҳуқуқларини поймол қиладиган ва унга тажовуз қилган бўлса, балоғатга етмаган бола уларга мурожаат қилиши мумкин;



17-расем. Вояга етмаганлар ишлари бўйича инспектор

Тәжінч сұзлар:

- имконияти чекланган шахс
- алоҳида әхтиёжли бола

29-моддаси). Ушбу ҳуқук имконияти чекланган шахсларни профилактика қилишни ҳам үз ичига олади. Шу мақсадда тиббий муассасалар соғлиқни сақлаш нұқсонлари пайдо бўлишининг ва уларни ногиронликка ўтишининг олдини олган ҳолда, эрта ташхис қўйишишади. Давлат органлари ва ташкилотлари соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни соғломлаштириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Иш берувчиilar хавфсиз меңнат шароитларини таъминлашлари, иш жойларида шикастланишларнинг олдини олишлари ва касбий касалликлар хавфини камайтиришлари керак. Агар инсоннинг соғлиғи бузилган бўлса, тана вазифаларининг доимий бузилиши бўлса, фуқаро ногиронликни аниқлаш учун ваколатли органнинг ҳудудий бўлинмасига мурожаат қилиши мумкин. Ногиронлик тиббий - ижтимоий экспертиза натижалари асосида белгиланади. Экспертиза меңнатга лаёқатсизлик даражасини ва имконияти чекланган шахслар учун индивидуал реабилитация дастурини белгилайди. Шундай қилиб, бу шахс бир қатор ҳуқуқларга эга бўлади.

Ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи қуйидагиларни үз ичига олади: ижтимоий, хайрия ёрдами, тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация, таълим олиш имкониятлари ва имконияти чекланган шахсларга бошқа фуқаролар билан teng равишда жамият ҳаётида иштирок этиш имкониятига эга бўлишга қаратилган бошқа тадбирлар. Бунга ижтимоий ёрдам ҳуқуқи ва реабилитация ҳуқуқи киради. Тиббий реабилитация қилиш учун соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва бошқа ихтисослашган ташкилотларга мурожаат қилиш керак.

Тиббий реабилитация учун соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотларга мурожаат қилиш керак.

Таълим олиш ҳуқуқи, фаолиятни, шу жумладан меңнат фаолиятини эркин танлаш. Республикада алоҳида әхтиёжманد болалар учун инклузив таълим фаол ривожланмоқда.

2015 йилда Қозоғистон БМТ Конвенцияси (18-расм) ратификация қилди. Қозоғистонда 2007 йил 27 июлда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Конун амал қиласи. Алоҳида таълимга әхтиёжманд шахслар (болалар) маҳсус, умумтаълим ўқув дастурлари ва қўшимча таълим учун ўқув дастурларига муҳтож бўладилар. Инклузив таълим – ало-



18-расм. Алоҳида әхтиёжманд болаларнинг ҳуқуқлари БМТ Конвенцияси томонидан ҳимоя қилинади

8. Миллий профилактика механизмининг шитирокчилари. Ушбу механизм асосида жамоат ташкилотлари вакиллари катталар ва болалар учун ёпик муассасаларга (қамоқхоналар, колониялар, мажбурий даволаниш ташкилотлари, балоғатта етмаган болаларни мослаштириш марказлари, махсус таълим ташкилотлари, махсус даволаш режимига эга бўлган таълим муассасалари) ушбу муассасалардаги одамларга, шу жумладан болаларга ёмон муносабатда бўлишнинг олдини олиш учун ташриф буюришади. Ушбу фаолият Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан мувофиқлаштирилади.

Шундай қилиб, ювенал адлия – бу ҳуқуқий нормалар ва давлат ҳамда нодавлат органлар, ташкилотлар ва муассасалардан иборат яхлит механизм. Ювенал адлияниң мақсади – вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, балоғатта етмаган болаларга нисбатан одил судловни амалга ошириш ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликларига қарши чоралар кўришдир.



1. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари бўйича қандай халқаро ва миллий ҳуқуқий хужжатларни биласиз?
2. Қозоғистон Республикасида вояга етмаганлар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?
3. Қозоғистон Республикасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қандай органлар ва муассасалар яратилган?



Мураккабликнинг З-даражасидаги топшириқ. Қуйидаги вазиятларни кўриб чиқинг. Саволларга жавоб беринг.

1. Вояга етмаган М., 8 ёшда, мактабда доимий масхара ва ҳақоратлаш мавзуси бўлган. Ота-оналар ўқитувчига ва мактаб раҳбариятига мурожаат қилишди. Бироқ ўқитувчи ва мактаб раҳбарияти ушбу вазиятни ҳал қилиш учун ҳеч қандай чора кўрмади. Вояга етмаган М.нинг қандай ҳуқуқлари бузилди? Вояга етмаган М. ва унинг ота-онаси қаерга мурожаат қилишлари мумкин?
2. Вояга етмаган М.нинг ота-онаси автоҳалокатда вафот этган. Вояга етмаган М.нинг қандай ҳуқуқлари юзага келади? Унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қайси органлар жалб қилинади?
3. Вояга етмаган С., 15 ёшда, мактабга бормайди, чунки у ўзини ва алкогол ичимликлар ичадиган ота-онасини таъминлашга мажбур. Ҳар бир ичкиликтан сўнг, ота-оналар жанжал қилишади, ҳақорат қилишади, хўрлашади, уришади. Вояга етмаган С. уйдан қочиб кетди. Вояга етмаган С.нинг қандай ҳуқуқлари бузилди? Унинг ҳуқуқларини қайси органлар ҳимоя қилишга мажбур?

17-§. Қозоғистон Республикасида имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми

Бугунги дарсда:

имконияти чекланган шахслар, алоҳида эҳтиёжли болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми билан танишасиз.

Ҳуқуқларни ҳимоя қилиш механизми. Фуқаролар соғлиқни сақлаш ҳуқуқига эгадирлар (Қозоғистон Республикаси Конституциясининг

Лугат

- **Ногиронлик** – бу тана аъзолари фаолиятинг доимий бузилиши ва ёмонлашиши туфайли бузилиши ва ёмонлашиши туфайли инсоннинг ҳаёти чекланганлик даржаси.
- **Имконияти чекланган бола** – бу 18 ёшга тўлмаган доимий ижтимоий ногиронлиги бўлган, алоҳида ҳимояга мухтоҷ шахс.

Ўринларини яратиш орқали ногиронлар учун қўшимча иш ўринларини яратиш орқали таъминланадиган бандлик.

Имконияти чекланган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари. Ушбу тоифадаги шахслар учун қисқартирилган иш вақти ҳафтасига 36 соатдан ошмаслиги белгиланган, қўшимча равишда ҳар йили ҳақ тўланадиган камида олти календарь кунлик таътил берилади. Тунги ишларга имконияти чекланган шахснинг розилиги билан ва унинг соғлиғи сабабли бундай иш тақиқланмаган тақдирда йўл қўйилади.

Имконияти чекланган шахсларнинг уй-жой ҳуқуқи, имконияти чекланган шахсларга ёки таркибида имконияти чекланган шахс мавжуд бўлган оиласа, турар жойларни маҳсус воситалар ва мосламалар билан жиҳозлаши таъминлаш. Имконияти чекланган шахсларга кўп қаватли уйлар қавати, бино тури, ободонлаштириш даражаси ва бошқа зарур яшаш шароитларини ҳисобга олган ҳолда турар жой танлаш ҳуқуқи берилади. Бунинг учун маҳаллий ижро ҳокимиятига мурожаат қилиш керак.

Жисмоний тарбия ва спорт учун маданий-кўнгилочар ташкилотлар ва спорт иншоотларига кириш, маҳсус спорт анжомлари билан таъминлаш ҳуқуқи.

Эътибор беринг!

Имконияти чекланган шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун жамоат бирлашмалари тузилади. Уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш:

- давлат органларига тақлифлар киритиш;
- тегишли ижтимоий хизмат турларини тақдим этиш самарадорлигини баҳолашда иштирок этиш;
- ваколатли ҳудудий органлар билан биргаликда спорт, маърифий ва маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш.

мотнома, ахборот ва бадиий адабиётлар, шу жумладан аудио тасмалар, дисклар, рельеф ва нукта билан ёзиладиган Брайл ва ишора тили кассеталарида нашр этилишини таъминлайди. Камида битта янгилик характеридаги телевизион дастур имо-ишора тили ёки субтитр шаклида таржима билан таъминланади.

Касбий тайёргарлик ва қайта тайёрлаш, меҳнатга лаёқатни тиклаш ва иш билан таъминлаш ҳуқуқи. Имконияти чекланган шахсларни касбий реабилитация қилиш қўйидагиларни ўз ичига олади: касбий йўналтириш; касбий тайёргарлик; иш ўринлари квотасини белгилаш, индивидуал, кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, ижтимоий иш

ўринларини яратиш орқали ногиронлар учун қўшимча иш ўринларини яратиш орқали таъминланадиган бандлик.

Имконияти чекланган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари. Ушбу тоифадаги шахслар учун қисқартирилган иш вақти ҳафтасига 36 соатдан ошмаслиги белгиланган, қўшимча равишда ҳар йили ҳақ тўланадиган камида олти календарь кунлик таътил берилади. Тунги ишларга имконияти чекланган шахснинг розилиги билан ва унинг соғлиғи сабабли бундай иш тақиқланмаган тақдирда йўл қўйилади.

Имконияти чекланган шахсларнинг уй-жой ҳуқуқи, имконияти чекланган шахсларга ёки таркибида имконияти чекланган шахс мавжуд бўлган оиласа, турар жойларни маҳсус воситалар ва мосламалар билан жиҳозлаши таъминлаш. Имконияти чекланган шахсларга кўп қаватли уйлар қавати, бино тури, ободонлаштириш даражаси ва бошқа зарур яшаш шароитларини ҳисобга олган ҳолда турар жой танлаш ҳуқуқи берилади. Бунинг учун маҳаллий ижро ҳокимиятига мурожаат қилиш керак.

Жисмоний тарбия ва спорт учун маданий-кўнгилочар ташкилотлар ва спорт иншоотларига кириш, маҳсус спорт анжомлари билан таъминлаш ҳуқуқи.

хида таълимга әхтиёжмандликни, индивидуал имкониятларни ҳисобга олган ҳолда барча таълим олувчилар учун баравар таълим олиш имконини таъминлаш жараёни.

Жаҳонда имконияти чекланган ва алоҳида әхтиёжманд болалар сони йил сайин үсіб боряпти. Қозғистонда инклюзив таълим – болаларни бир хилда умумлаштиришнинг реал имкониятидир. Қозғистон умумтаълим тизимида инклюзивликни татбиқ этиш соҳасида Марказий Осиё мамлакатларидан үзіб кетди. Мамлакатда бу жараёнда иштирок этаётган таълим муассасалариға, педагогик таркибга ва ота-оналарга услугбий, педагогик-психологик ёрдам тақдим қыладиган еттика марказ иш олиб бориляпти. Ақтөбе ва Ақмұла, Қарағанди ва Ғарбий Қозғистон вилоятида, Қизилурда шахрида ҳудудий марказлар мавжуд.

Жаҳон тажрибаси шуни күрсатады, ижтимоий имкониятларни чеклаш ва алоҳида болаларни жамиятдан ҳақиқатда четлатиш жамият ривожи учун салбий оқибатларга олиб келади. Қандайdir алоҳида әхтиёжи бор одамни бегоналаштириш – бу хўрлаш ва камситишининг кўриниши. Бундай кўринишлиар шахс қадрланмайдиган маънавиятсиз ва прагматик жамиятга хосдир. Инклюзив таълим имконияти чекланган инсонга үзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис қилиш, ҳаётда ўз ўрнини топиш, атрофдагиларга фойдали бўлиш имконини беради. Ногиронлар тоифасига кирмайдиган ва бундай болалар билан таълим олаётганлар шафқатлиликни, чидамлиликни, турли-туманликни, әхтиёжларни тушунишни ўрганишади, худбинликни енгиги ўтишни ўрганишади, уларда оламга ижобий муносабатлар шаклланади.

Ижтимоий инфратузилмани олиш ҳуқуқи. Биноларда имконияти чекланганлар ҳаракати учун нишаб йўлкалар, лифтлар бўлиши керак. Жамоат транспортларида, турар-жой биноларида, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларида, иншоотларда ва биноларда имконияти чекланганларнинг уларга bemalol киришилари, аэропортлар, темир йўл станциялари, автовокзаллар, автостанциялар, дengiz ва дарё портларида имконияти чекланганларнинг эркин йўналиши ва ҳаракатланиши учун шароит бўлиши керак. Ногиронларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган муассасаларда, шунингдек, гавжум бўлган жойларда махсус йўл белгилари ва кўрсаткичлар, пиёдалар ўтиш жойлари, синхрон овозли ва ёруғлик сигналлари билан жиҳозланган светофорлар ўрнатилиши керак. Ўз навбатида, гаражлар қуриш ёки махсус транспорт воситалари, шу жумладан, автомобиллар учун тўхташ жойлари ажратилади.

Ахборот олиш ҳуқуқи. Давлат имконияти чекланган шахслар учун даврий, илмий, ўқув услугбий, маълу-



19-расм. Нишаб йўлкалар, лифтлар

18-§. Малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи

Бугунги дарсда:

ұар бир инсоннинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи билан танишамиз.

Таянч сұзлар:

- адвокат
- нотариус
- юридик маслағатчи
- суд ижрочиси

Юридик ёрдам олиш ҳуқуқи. Малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқининг пайдо бўлиши жамиятда ҳуқуқнинг ролини кучайиши, ҳуқуқий нормалар сонининг кўпайиши билан боғлиқ. Бугун биз деярли ҳамма жойда ҳуқуқий нормаларга дуч келмоқдамиз. Масалан, биз йўлни кесиб ўтганимизда ёки машина ру-

лига ўтирганимизда; мактабда ёки университетда, ўқиш пайтида ёки ўқишига кириш ёки тугатиш пайтида; дўкондан сифатсиз маҳсулот сотиб олаётганимизда, ҳатто ўз оиласизни яратишда, фарзандларимизни тарбиялашда ва ҳоказо. Бундай вазиятларда аҳолининг ҳуқуқий билимларга бўлган эҳтиёжлари жуда юқори бўлади.

Бунинг учун жамиятда аҳолига ҳуқуқий маълумот ва ҳуқуқий маърифат берилади. Мактаблар ва университетлар ҳуқуқий билим асослари бўйича машғулотлар ўтказадилар. Ва шунга қарамай, кўпинча фуқароларга ўзларининг ҳуқуқий билимлари етишмайди. Молиявий пирамидалар, алдаган кўчмас мулк инвесторлари ва банк омонатчилари, оиласий мулк билан боғлиқ низолар, шартнома мажбуриятларининг бузилиши – бу салбий ҳодисаларнинг асосий кенг тарқалган сабаби аҳолининг ҳуқуқий тайёргарлиги йўқлигидандир. Бундай вазиятларни тўғри ҳал қилиш учун бир қатор ҳолларда маҳсус юридик маълумотга эга бўлган мутахассислардан малакали юридик ёрдам сўраши керак.

20-чизма

Ҳуқуқий ёрдамнинг турлари

(2018 йил 5 июлдаги «Адвокатлик фаолити ва юридик ёрдам тўғрисида»ги
ҚР Қонунига мувофиқ)

Ҳуқуқий маълумот –
бу ҚР қонунчилигини
оғзаки, ёзма ва
электрон ҳужжат
шаклида тушунтириш

Ҳуқуқий маслаҳат –
оғзаки ва ёзма мас-
лаҳатдир. Масалан,
ариза, шикоят,
илтимоснома ва бошқа
ҳуқуқий характерга эга
ҳужжатлар тайёрлаш

Судларда, жиноий
қидирув органларида,
бошқа давлат
органлари ва нодавлат
ташкилотларида
манфаатларнинг ҳимояси
ва вакили

Масалан

1. "Үміт-надежда" жамоат бирлашмаси (Құстанай ш.). Уюшманинг ассоций йұналишларидан бири бу таълимдир, унинг доирасыда үқув курслари, ҳуқуқий ва психологияк маслағатлар үтказилади. Буларнинг барчаси бепул тақдим этилади ва ҳамма кириши мүмкін.



2. "АРДОС-Журек" уюшмаси. Петропавловскда имконияти чекланган шахсларни құллаб-қувватлаш маркази сифатида шаҳар интернатларидан бирининг битирудилари томонидан ташкил этилган. Марказ вилоядаги қишлоқ ва шаҳарларга ташриф буюриб, уларда семинар үтказади. Семинарлар ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилиш, психологияк реабилитация ва құллаб-қувватлашга бағишенген.



3. "Қозоғистон күрлар жамияти" жамоат бирлашмаси. Бу күриш қобилияти бүйіча I ва II гурұх ногиронларининг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий құллаб-қувватлаш, реабилитация, ижтимоий интеграция учун ташкил этилган республика жамоат бирлашмаси. Бутун Қозоғистон бүйлаб амал қиласы. 1937 йилда "Қозоғистон күзи ожизлар жамиятининг" бириңчи қурултойи бўлиб ўтди

Шундай қилиб, Қозоғистон Республикасида ногиронликнинг олдини олиш, йўқ қилиш ёки чекланган ҳаётій фаолият учун бадал тўлаш, шунингдек, имконияти чекланган шахснинг бошқа фуқаролар билан жамиятда иштирок этишлари учун тенг имкониятлар яратишга қаратилган шарт-шароитлар яратиш чоралари тизими кўзда тутилган.



1. Қозоғистон Республикаси қонунларига мувофиқ имконияти чекланган шахсларнинг қандай ҳуқуқлари бор?
2. Қозоғистон Республикаси қонунларига биноан алоҳида эҳтиёжли болаларнинг қандай ҳуқуқлари борлигини айтинг.
3. Имконияти чекланган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қандай органлар ёки ташкилотларга мурожаат қилиш керак?

**Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Гурухларда ишлаш**

Сизнинг шаҳрингизда имконияти чекланган шахслар учун қанчалик қулай шароитлар: йўллар, жамоат транспорти, бинолар, аэропортлар, темир йўл вокзаллари ва ҳоказолар яратилғанligини таҳлил қилинг ва муҳокама қилинг. Мактабингизда алоҳида эҳтиёжли болалар учун қулийликлар мавжудми? Ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш ҳуқуқини қондириш бўйича тавсияларни асосланг.

**Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Якка тартибда ишлаш**

1. "Қозоғистон Республикасида ва хорижий мамлакатларда имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми" мавзусида тақдимот тайёрланг. Сизнинг вилоятингизда, туманингизда имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қандай ташкилотлар бор? Уларнинг тажрибасини ўрганинг. Ушбу тақдимотни дарсда муҳокама қилинг. Ривожланган давлатлар тажрибасидан Қозоғистон Республикасида имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қандай янгиликларни таклиф қиласиз?

2. "Паралимпия ўйинлари ва уларнинг жамият учун аҳамияти" мавзусида баҳс-мунозаралар үтказинг. Қандай паралимпия ўйинларини биласиз? Сизнинг минтақангизда шундай спортчилар борми? Улар билан боғланинг, улар билан интервью үтказинг.

Малакали юридик ёрдам берадиган субъектлар

Давлат
органлари

Нотариуслар

Суд
ижрочилари

Адвокатлар

Юрист мас-
лахатчилари

Тарихдан

Адвокатура қадимдан мавжуд бўлган. Замонавий адвокатура намунаси Қадимги дунёда пайдо бўлган. Афинада адвокатлар тоифаси йўқ эди. Кўпроқ гап маърузачилар ҳақида эди. Афинанинг озод фуқароларига адвокатларнинг ёрдами судга ёзма нутқлар тайёрлаш (логография) ва судда (ораторияда) оғзаки нутқларни тайёрлашдан иборат эди. Қадимги Юноистоннинг Демосфен, Лисий, Эскин каби нотиқларнинг нотиқлик маҳоратининг юқори намуналари маълум. Рим адвокатлари аҳоли томонидан камбағалларни бойлардан ҳимоя қилиш учун сайланардилар. Адвокатлик фаолияти жуда обрўли ҳисобланар эди. Кўплаб таниқли римликлар ўзларининг йўлларини адвокатура билан бошлашган: Цезарь, Гортензий, Красс, Помпей. Рим адвокатурасининг қироли Цицерон ҳисобланган.



Халқаро стандартларга мувофиқ, малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига давлат томонидан кафолатланган юридик ёрдам киради. Бу шуни англатадики, агар шахс адвокат, нотариус ёки бошқа ҳуқуқий ҳимоя объектини ёллаш имконига эга бўлмаса, унга давлат маблағлари ҳисобидан давлат томонидан кафолатланган юридик ёрдам кўрсатилади.

Давлат томонидан кафолатланган юридик ёрдам турлари:

- ҳуқуқий ахборот – аҳоли билан ҳуқуқий иш, ҳуқуқий мавзулар бўйича маълумот материаллари билан таъминлаш;
- ҳуқуқий маслаҳат;
- судларда, жиноий қидирув ва бошқа давлат органларида шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва вакиллик қилиш. Қуйидаги ёрдам кўрсатилади:
 - 1) маъмурий жавобгарликка тортилган шахсга;
 - 3) фуқаровий суд ишларини юритишда дъвогарга;
 - 3) гумон қилинувчига, айланувчига, судланувчига, судланганга, оқланганга, жабранувчига;
 - 4) алимент ундириш, пенсия ва нафака тайинлаш, реабилитация қилиш, қочқин ёки оралман мақомини олиш, ота-она қарамоғисиз қолган вояга етмаганлар.

Лугат

- **Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми** – бу инсонга ўз ҳуқуқларини амалга оширишга ва бузилиш ҳолатларида уларни ҳимоя қилиб ёрдам берадиган органлар, ташкилотлар ва муассасалар тизими.
- **Омбудсман** – инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи амалдорларнинг ишини муайян одамларнинг муаммоларини ҳал қилишга йўналтирувчи ишончга сазовор бўлган мустақил мансабдор шахс.

Эътибор беринг!

Қозоғистон Республикаси Конституциясига биноан "ҳар ким малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга" (13-модданинг 3-банди). Ушбу ҳуқуқ, фуқаролигидан қатын назар, ҳар қандай шахсга тегишли. Ушбу ҳуқуқ ҳеч қандай шароитда чекланиши мүмкін эмас (39-модданинг 3-қисми).

Халқаро ҳужжатларда малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи одил судловга кириш ва судда ишни одилона кўриб чиқишига бўлган ҳуқуқни амалга оширишнинг муҳим кафолати сифатида қаралади. Ушбу ҳуқуқни амалга ошириш учун давлат қийин вазиятга тушиб қолган ҳар бир кишига бепул юридик ёрдам кўрсатилишини кафолатлади. Қозоғистон Республикаси БМТ аъзоси сифатида ушбу халқаро стандартларни амалга оширишга интилмоқда.

Сиз юридик ёрдам олиш учун мурожаат қилишингиз мүмкін:

1) ушбу давлат органи эга бўлган ҳар қандай маълумотни сўраб давлат идорасига. Чекланган маълумотлар бундан истисно. Сўров бўйича маълумотлар бепул тақдим этилади. Сўров оғзаки ёки ёзма шаклда, шу жумладан электрон ҳужжат шаклида берилиши мүмкін;

2) нотариал ҳаракатларга доир нотариусга. Нотариус фуқароларни ва юридик шахсларни ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтириши, нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари тўғрисида огоҳлантириши, ҳуқукий билмаслик уларга заарар етказмаслиги учун огоҳлантириши шарт;

3) суд ижрочисига, агар қарздор суд қарорини ўз ихтиёри билан бажармаган бўлса, ижро қилиш жараёнига тааллуқли масалаларга тегишли;

4) ҳар қандай турдаги юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатга. Жиноят процессида фақат адвокат ҳимоячи бўлиши мүмкін. Ўз номидан унга мурожаат қилган шахс билан ҳуқукий ёрдам тўғрисида ёзма шартнома тузади. Адвокат юридик ёрдам кўрсатиш муносабати билан унга маълум бўлган маълумотларни сир сақлаши шарт. Ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг розилигисиз уларни ошкор қилиш тақиқланади. Судда вакил ёки ҳимоячи вазифасини бажариши муносабати билан ўзига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида адвокат сўроқ қилинмайди. Адвокат юристларнинг касбий этикасига риоя қилиши шарт (20-расм);

5) ҳар қандай юридик ёрдам кўрсатадиган юридик маслаҳатчига. Бироқ у жиноий иш юритишида ҳимоячи сифатида иштирок эта олмайди (20-чиизма).



20-расм. Адвокат

19-§. Инсон ҳуқуқлари ва жамиятдаги низолар

Бугунги дарсда:

жамиятдаги низоларнинг ролини күриб чиқамиз, мактабдаги низоларнинг хусусиятларини анықтаймиз.

Таянч сұзлар:

- низо
- ҳуқуқий низо
- манфаат

Низоларнинг роли ва уларнинг турлари. Күпинча, ўз ҳуқуқларидан фойдаланишда, бир кишининг ҳуқуқлари бошқасининг ҳуқуқлари билан тұқнашади. Бундай ҳолда можаро келиб чиқади. Ушбу зиддиятлар ҳуқуқларнинг бузилишига олиб келмаслиги учун сиз низони бошқариш имкониятига эга бўлишингиз керак.

Зиддият инсоният жамиятининг хилма-хиллигининг табиий маҳсулидир ва у ҳар қандай жамиятда муқаррар бўлиши мумкин.

Тарихдан

Хатто қадимги давларда ҳам одамлар ижтимоий қарама-қаршиликтарни, жамиятдаги низоларни самарали ҳал қилиш масалалари ҳақида үйлашды, идеал, зиддиятсиз яхшилик ва адолат жамиятини орзу қилишди. Бобил шохи Ҳаммурапининг қадимги қонунларида низоли вазиятларни ҳал қилишнинг ўнлаб усуллари мавжуд. Афсонага кўра, шоҳ Сулеймон

ўзининг донолиги ва низоларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш қобилияти туфайли машҳур бўлган (21-расм).

Қозоқ жамиятида қадимги давлардан бери можароларни тинч йўл билан ҳал қилишга интилишган. Байлар суди бор эди.

Бир томондан, “бийлар суди” тушунчаси ҳар қандай суд мухокамаларида ҳақиқатни излаш тушунчаси билан боғлиқ эди. Бошқа томондан – суд ҳукмининг асоси бўлган адолат билан. Бийлар жамиятдаги низоларни тинч йўл билан ҳал қилишга интилишган.



21-расм. Сулеймон шогирдлари билан

Агар зиддият тўғри бошқарилса, зиддият унинг барча иштирокчила-рига ижобий таъсир қиласи. Зиддият – бу восита, рағбатлантирувчи, ривожлантирадиган куч, жамият ва ҳар бир инсон тараққиёти учун имкониятдир. Ҳуқуқ ва манфаатлар юзасидан келиб чиқадиган, қонун билан қўриқланадиган (ҳуқуқий аҳамиятга эга манфаатлар), ҳуқуқий йўл билан ҳал қилинадиган низолар ҳуқуқий низолар дейилади. 22-чизмада ҳуқуқий низолар турлари кўрсатилган.

Мактаб можароларининг хусусиятлари. Мактабдаги, умуман жамиятдаги низолар жуда тез-тез учрайди. Мактаб ўқувчилари кўп вақтларини мактабда ўтказадилар. Бу ерда бошқалар билан мулоқот қилиш кўник-

Давлат томонидан кафолатланган юридик ёрдам адвокатлар, ҳуқуқий маслаҳатчилар, нотариуслар, хусусий суд ижрочилари томонидан бепул тақдим этилади.

Фуқароларнинг айrim тоифаларига комплекс ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўrsатилади:

- 1) оғир ҳаётий шароитда бўлган шахсларга;
- 2) манзилли ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар;
- 3) Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига;
- 4) биринчи ва иккинчи гурӯҳ ногиронларига;
- 5) ёшга кўра нафақаҳўрларга;
- 6) қариялар ва умумий турдаги ногиронлар учун тиббий-ижтимоий муассасаларда (ташкилотларда) яшайдиган кексалар ва ногиронлар;
- 7) оғир ижтимоий ва молиявий аҳволда бўлган бошқа шахсларга.

Комплекс ижтимоий ҳуқуқий ёрдам – бу мижознинг юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган пайтидан бошлаб иш бўйича якуний ҳуқуқий қарор қабул қилинмагунига қадар (ҳуқуқий вазият ҳал қилингунигача) ҳуқуқий ёрдамиdir.

Шундай қилиб, малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи чекланмайди. Қозоғистон Республикасида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун чора-тадбирлар тизими яратилган.



1. Малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқининг маъноси нима?
2. Қозоғистон Республикаси қонунчилигида малакали юридик ёрдамнинг қандай турлари ва шакллари кўзда тутилган?
3. Қайси субъектлар Қозоғистон Республикасида малакали юридик ёрдам кўrsатадилар? Адвокат ким? Қандай вазиятларда бепул малакали юридик ёрдам олиш мумкин?



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Қуйидаги вазиятларни муҳокама қилинг.

Бундай ҳолатларда сизга малакали юридик ёрдам керакми? Жавобингизни асосланг. Агар жавобингиз “ҳа” бўлса, унда жавоб беринг: одам қаерга мурожаат қилиши керак? У юридик ёрдамнинг қайси турига ва шаклига мухтоҷ? Бу ҳолатда бепул ҳуқуқий ёрдам давлат томонидан кафолатланадими?

1. Фуқаро М. ўзининг мевали чипслари бизнесини бошлашга қарор қилди.
2. Фуқаро А. ўғрилиқда гумон қилиниб ушланди.
3. Фуқаро С. автомашина рулида ўтирганида, пиёдани уриб юборган. Пиёда енгил жароҳатланган.
4. Фуқаро Т. пенсия ёшига етган ва пенсия ҳамда нафақаларни тайинлаш тартиби тўғрисида билишни хоҳлайди.

Лутат

- **Юридик ёрдам** – юридик шахсларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда ҳуқуқий ёрдам кўrsатиш.
- **Давлат томонидан** кафолатланган юридик ёрдам – қонун асосида уни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга кўrsатиладиган юридик ёрдам.
- **Нотариат** – нотариал ҳаракатлар орқали малакали ҳуқуқий ёрдам кўrsатадиган юридик муассаса.



22-расм. Ўқувчилар орасидаги низо

ланиши сифатида хизмат қилған воқеани таҳлил қилишгина самарали бўлмайди. Низолашаётган томонлар билан можаронинг келиб чиқиши, уларнинг ўтмиш ва келажакдаги муносабатлари билан боғлиқ бошқа муҳим масалаларни муҳокама қилиш зарур (22-расм).

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги зиддият. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида тушунмовчилик мавжуд ва бу узоқ давом этиши мумкин. Кўпинча ўқувчи баъзи ўқитувчилар унга ёмон баҳо қўйиб, “айб топади”, деб ўйлашади. Кўпинча мактаб ўқувчиси катталар билан қандай қилиб ишончли гапиришни билмайди ва у билан гаплашишга журъат этмайди. Шундай қилиб, у жим бўлишга одатланади, жавобан “орқага қайтиш” ёки “ижтимоий кутилган жавоблар” беришга одатланади, аммо шу билан бирга катталар фикрига қўшилмайди. Бу узоқ давом этадиган яширин тўқнашувларга, мактабдаги кескинликларга олиб келиши мумкин. Ўқитувчи учун бу муаммонинг биринчи белгисини ва болада психологик ноқулайлик пайдо бўлганини кўра олиш жуда муҳимдир. Шу билан бирга, ўқувчи ҳар доим ҳам бундай можаролар учун айбдор эмас.

Ўқитувчи ва ўқувчининг ота-онаси ўртасидаги зиддият. Кўпинча ўқитувчи ва ўқувчилардан бирининг ота-онаси ўртасида низо келиб чиқади. Бу ерда ота-оналар одатда ўқитувчини боласига нисбатан нохолис муносабатда айлашади. Бундай вазиятда ҳамма, биринчи навбатда, бола азоб чекади.

Ўқувчи зиддиятли вазиятга тушиб қолганида, нима қилиш керак?

1. Ўз ҳаяжонини босиш, вазиятга четдан туриб қараш.
2. Зиддиятнинг ўзаро манфаатли ечимини топиш мақсадида қарама-қарши томон билан очиқ ва хайриҳоҳлик билан гаплашиб олиш.
3. Агар келишувга эришилмаса, унда катталарга: ота-оналар, ўқитувчилар, психолог, медиатор, мактаб маъмурияти вакиллари (илмий мудир, мактаб директори ва бошқ.) мурожаат қилиш керак.
4. Агар кўрсатилган шахслар ўқувчининг мурожаатига жавоб бериш маса ёки улар зиддиятни ҳал қила олишмаса ва ўқувчининг ҳуқуқлари

пинча ўқувчиларнинг хоҳишидан ташқарида пайдо бўлади ва астасекин ўсиб боради. “Сўнгги томчи” мактаб ўқувчиларидан бирининг “ўзидан чиқиб кетганда” жуда аҳамиятсиз далил бўлиши мумкин. Одатда бу “ўзидан чиқиб кетиш” низонинг бошланиши ва сабаби ҳисобланади. Аслида, можаро узоқ вақт олдин вужудга келган, аммо ҳозиргача бу аниқ намоён бўлган эмас. Шундай қилиб, низонинг бошланиши сифатида хизмат қилған воқеани таҳлил қилишгина самарали бўлмайди. Низолашаётган томонлар билан можаронинг келиб чиқиши, уларнинг ўтмиш ва келажакдаги муносабатлари билан боғлиқ бошқа муҳим масалаларни муҳокама қилиш зарур (22-расм).

Хуқуқий низоларнинг турлари (субъектлар ва намоён бўлиш соҳалари бўйича)

Сиёсий низо – бу бир-бirlари билан куч манбалари ва ваколатларини тақсимлаш ва ушлаб туриш учун сиёсат субъектлари (шахслар, уларнинг гурухлари, ҳамжамиятлари, давлатлар, уларнинг бирлашмалари) ўртасидаги зиддият.

Меҳнат низолари – иш берувчи ва ишчи ўртасидаги меҳнат муносабатлари шароитларига (меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти, меҳнат ҳавфсизлиги даражаси ва бошқ.) боғлиқ келишмовчиликлар

Миллатлараро можаро – одатда, бирор давлатда бевосита яқин яшаётган турли миллат, этник жамоалар ўртасидаги низолар.

Оиласий низо – бу қарама-қарши сабаблар ёки қарашларнинг тўқнашуви асосида оила аъзолари ўртасидаги можаро.

Экологик низо – атроф-муҳитни ҳимоя қилиш соҳасидаги турли субъектлар ўртасидаги зиддият.

Халқаро зиддият – бу халқаро алоқа субъектлари ўртасидаги халқаро аҳамиятга эга манфаатлар зиддияти.

Шахслараро зиддият – турли шахсий манфаатларга боғлиқ равишда алоҳида одамлар ўртасидаги зиддият.

малари шакллантирилади. Агар ўқувчилар мактабда таълим олиш пайтида бошқалар билан ўзаро муносабатда бўлишнинг самарали усулларини ўрганмасалар, келажакда улар ўзаро муносабатларда (оилада, ишдаги ҳамкаслари билан ва бошқалар) муаммоларга дуч келишлари мумкин.

Мактабларда алоқа кўнималарини ривожлантиришга, эҳтиёжлари тўғрисида очиқ, шикоятсиз гапиришни ўрганишга, бошқаларни тинглаш ва эшлишишга, келишишишга жиддий эътибор бериш керак.

Мактабдаги низоларнинг турларини кўриб чиқамиз.

1. *Ўқувчилар ўртасидаги можаро (болалар, турли хил ижтимоий келиб чиқишидаги, миллатдаги, жисмоний тайёргарликдаги ва бошқа турдаги ўсмирлар).* Бу ерда баъзи мактаб ўқувчиларининг бошқалар томонидан қатъий рад этилиши шаклланиши кузатилади. Кўпинча бундай низолар узоқ яширин даврга эга. Унинг бошланиши одатда ҳар доим катталардан сир тутилади. Бошида, аҳамиятсиз воқеа (сўз, муваффакиятсиз ҳазил ва бошқ.) туфайли муносабатлардаги кескинлик пайдо бўлиши мумкин. Бундай кескинлик кў-

Лутат

- **Низо** – одамларнинг манфаатлари, мақсадлари, нуқтаи назарлари тўқнашуви.
- **Хуқуқий низо** – бу қонуний оқибатларга олиб келадиган ва қонуний йўл билан ҳал этиладиган манфаатлар тўқнашуви.

күз олдида ота-оналар үқитувчи билан нотұғри муносабатда бўлишади. Үқитувчи илмий мудирдан ва директордан ёрдам сўрай бошлайди.

3. Синфдошлар В. ва А. битта ҳовлида яшашади. Улар бир-бири билан тил топиша олмайди. Томонлардан бирининг ота-онаси юқоридаги үқувчиларнинг ижтимоий тармоқлардаги ёзишмаларидан хавотирга тушади. Уларнинг ёзишича, ёзишмалар анча вақт давомида, беадаб сўзлар, таҳдидлар, битта компания аъзоларини низоли вазиятга жалб қилиш уринишларидан фойдаланган ҳолда олиб борилган. Ота-оналарнинг қарори синф раҳбаридан ёрдам сўраб мурожаат қилиш бўлди.

20-§. Ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш усуллари

Бугунги дарсда:

ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш усуллари ҳақида билиб оламиз.

Таянч сўзлар:

- ҳуқуқий низо
- медиация
- қатнашиш жараёни
- бийлар суди

Ҳуқуқий зиддиятларнинг инсон ҳуқуқларини бузишининг олдини олиш учун уларни ҳал қилишнинг самарали усуллари зарур. 23-чизмада қонуний зиддиятларни ҳал қилиш усуллари кўрсатилган.

Хозирги вақтда низоли (мунозарали) вазиятларни ҳал қилиш учун қўйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин.

23-чизма

Қозогистон Республикасида ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш усуллари

Юрисдикция усуллари

Давлат органлари ва институтлар

- Суд
- Ваколатли давлат органи
- Давлат нотариуслари

Нодавлат органлар ва институтлар

- Арбитраж
- Мехнат мунозаралари бўйича комиссия
- Омбудсман
- Хусусий нотариуслар

Ноюрисдикция (муқобил) усуллар

Томонлар ўртасидаги музокарапалар (воситачиларсиз)

Томонлар ўртасида воситачилар иштирокидаги музокарапалар – медиация, адвокатлар воситачилигидаги музокарапалар (катнашиш жараёни)

хавф остида қолса, у ҳолда ваколатли мансабдор шахсларга (вояга етмаганлар ишлари бүйича инспектор, бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, суд ва бошқ.) мурожаат қилиш мүмкін.

● Қушимча ахборот

2019 йил 27 декабрдаги "Педагогнинг мақоми ҳақида"ғи Қонунга биноан педагог мажбур:

- ҳаётий оғир вазиятда бўлган бола аниқланганлиги факти ҳақида таълим муассасаси раҳбариятига дарҳол хабар бериш;
- ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, таълим муассасаси раҳбариятига вояга етмаганлар томонидан ёки уларга нисбатан жиноий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик белгилари бўлган, шунингдек, таълим муассасидан ташқари касбий фаолиятга боғлиқ ҳаракат (ҳаракатсизлик) тўғрисида дарҳол хабар бериш;
- таълим олаётганлар ёки тарбияланувчиларнинг таълими ва тарбияси масалалари тўғрисида ота-оналарга ёки бошқа қонун вакилларига маслаҳат бериш.

Шундай қилиб, мактабда низоларни бошқаришнинг энг самарали ёндашуви ўқувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналар ўртасида алоқа кўникмаларини ривожлантириш, ҳамкорлик ва ўзаро тушуниш, бошқа одамларни қабул қилишга тайёрлик, уларнинг қарашлари, одатлари асосида бошқалар билан ўзаро муносабат жараёнида муносабатларни шакллантириш.



1. Жамиятдаги низоларнинг моҳияти ҳақида гапириб беринг. Ҳуқуқий низолар деганда нимани тушунасиз? Уларнинг турларини санаб беринг.
2. Мактабдаги низоларнинг хусусиятлари нимада.
3. Мактабдаги низоларни ҳал қилиш усувларини аниқланг.



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Тўқнашувлар жамиятнинг тараққий этишига, шахснинг ривожланишига қандай таъсир қилди?
2. Ўзингизнинг ёки бошқа одамларнинг ҳаётидан, тарихий шахслардан аниқ мисоллар келтиринг. Ушбу тўқнашувларнинг ижобий ва салбий маъноларини аниқланг.



Мураккабликнинг 3-даражасидаги топшириқ. Гуруҳда ишлаш. Учта кичик гуруҳга бўлинг. Қуйида келтирилган зиддиятли вазиятларни муҳокама қилинг. Саволларга жавоб беринг: Бундай вазиятларда зиддиятнинг роли қандай эди? Ушбу мисол қандай низога тегишли? Низо иштирокчиларининг ҳар бири қандай вазифани бажаради? Бу ерда қандай ўзаро фойдали ечимни топиш мумкин?

1. Синфда жисмонан заиф бола бор, уни ҳамма масхара қилиб кулади. Бошқа ўқувчилар уни очиқ жанжалга ундашади. Зиддият вақт ўтиши билан чукурлашиб боради, аммо ҳеч қандай тарзда ҳал этилмайди, чунки йигит синфдошларининг хужумларига шафқатсиз муносабатда бўлишни истамайди. Унинг тарафини олган йигитлар ҳам раҳбар ва унинг гурухи томонидан таъқиб қилинмоқда.
2. Иккинчи синф ўқувчисининг ота-онаси ҳар қандай сабабга кўра ўқитувчи билан гап талашади, "болага тўрт қаердан келди, нега беш эмас?" деб сўрашади. Зиддият кучайиб боради: болада ўқигиси келмаслик истаги шаклланади, чунки унинг

Лугат

- **Медиация** – воситачи орқали музокаралар.
- **Қатнашиш жараёни** – судга мурожаат қилмасдан, низони ҳал қилиш учун иккала томоннинг адвокатлари ёрдамида музокаралар йўли билан ҳал қилиш.

5. Омбудсман. Бу инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга чақирилган халқнинг ишончига сазовор илҳомлантирувчи амалдор. Қозоғистонда умумий омбудсман ва болалар учун омбудсман ташкил этилган. Ушбу орган Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузурида ташкил этилган.

6. Нотариат. Нотариуснинг вазифаси одамлар ўртасидаги низоларнинг олдини олишdir. Нотариус ҳужжатларга юридик куч берадиган

битимни, ҳужжатларни (васиятномалар, ишончномалар, ҳужжатлар нусхалари ва бошқалар) тасдиқлаш учун жавобгардир. Нотариуслар одамларга ушбу ҳужжатларни тўғри тузишда ёрдам беришлари ва ушбу ёки бошқа ҳужжатга имзо чекиш орқали шахс битимнинг моҳиятидан хабардор бўлишларига ишонч ҳосил қилишлари керак. Бу келажакда битим тарафлари ўртасида низолар келиб чиқмаслиги учун керак. Нотариус яраштириш ишларини юритиш ҳуқуқига эга, шунингдек, шубҳасиз талаблар бўйича ёзувларни бажариши мумкин.

7. Суд. Бу давлат органи бўлиб, қонун асосида жамиятдаги ҳуқуқий низоларни ҳал қилишга чақирилади, қарорлари мажбурий ижро этилиши керак.



Можароли (баҳсли) вазиятда дарҳол судга мурожаат қилиш мантиқий эмас. Аввалига яраштириш муолажаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Қозоғистон Республикасида 2011 йил 28 январдаги “Медиация тўғрисида”ги Қонун амал қиласди. Бу қонун жисмоний ва (ёки) юридик шахслар иштирокида фуқаровий, меҳнат, оиласий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлар соҳасидаги тортишувлар (зиддиятлар) натижасида юзага келган муносабатларни тартибга солади. Шунингдек, бу қонун ҚР ЖКда тўғридан тўғри кўрсатилган жиноий қилмишлар, катта бўлмаган ва ўрта оғир жиноятларда, шунингдек, оғир жиноятлар тўғрисидаги жиноий суд ишларини кўриб чиқиш жараёнида қўлланиллади.

Эътибор беринг!

Медиация ўтказиш тартиби коррупция жиноятлари ва бошқа давлат хизматлари манфаатлари ҳамда давлат бошқарувига қарши жиноятлар тўғрисидаги жиноий ишларни кўриб чиқишда қўлланилмайди.

Медиация йўли билан тортишувни (зиддият) ҳал қилишда ўзаро келишувга эришилган ҳолатда медиация тўғрисида ёзма шаклда расмийлаштирилган шартнома тузилади. Бу шартнома медиация иштирокчилари томонидан ихтиёрий ва шартномада кўзда тутилган муддатда бажарилиши керак бўлади. Шартномани бажаришдан бош тортилган

1. Низолашаётган томонлар ўртасидаги музокаралар (воситачисиз).

Бу ерда, биринчи навбатда, бошқа томонга мурожаат қилиш ва низони ўзи ҳал қилишга ҳаракат қилиш керак. Фуқаролик-хуқуқий низоларини, шу жумладан тижорат (тадбиркорлар ўртасида) мунозараларини ҳал қилишда кенг қўлланилади.

Воситачилик – мустақил холис воситачи орқали музокаралар. У тарафлар томонидан ўзаро келишув асосида танланади ва келишув битимиға эришишга ҳисса қўшади. Музокараларда воситачилар қўйидагилар бўлиши мумкин:

а) воситачи – ташқи томондан мустақил шахсдир. Касбий ва касбий бўлмаган асосда ишлайдиган воситачилар мавжуд. Профессионал воситачилар медиаторлар рўйхатига киритилган. Медиация фуқаролик, меҳнат, оиласий ва бошқа низоларни ҳал қилишда, шунингдек, кичик ва ўрта оғирликдаги жиноятлар ва қонунбузарлик ҳолатларида қўлланилади (23-расм).

б) низоларни тинч йўл билан ҳал қилишга ёрдам берадиган адвокат. Бу адвокатуранинг тайинланишларидан бири. Шу мақсадда адвокатлар баҳсли томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш ҳуқуқига эга. Адвокат орқали бўладиган музокараларга қатнашиши жараёни дейилади.

Арбитраж – низони мустақил холис шахс – тарафлар томонидан танланган ҳакам томонидан ҳал қилиниши, ҳал қилув тарафлар учун мажбурийдир. Ҳакамлик судига мурожаат қилиш учун томонлар ҳакамлик битимини тузишлари керак, унда улар аниқ ҳакамлик муҳокамасини кўрсатадилар. Бу муайян низони кўриб чиқиш учун маҳсус ташкил этилган арбитраж ёки доимий арбитраж бўлиши мумкин. Ҳар бир доимий ҳакамлик суди ўз ҳакамлари рўйхатига эга. Ҳакамлик судлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун Қозогистон Арбитраж палатаси ташкил этилди. Умуман олганда, арбитражлар тадбиркорлар ўртасидаги тижорат низоларини ҳал қилишади.

4. Ваколатли давлат органи. Кўпгина давлат органларида фуқароларнинг мурожаатлари бўйича ишлайдиган идоралар, мансабдор шахслар мавжуд. Ушбу тузилмаларга ҳар қандай шахс шикоят, ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Масъул шахс вазиятни ҳал қилишга ва ўз вақтида жавоб беришга мажбурдир.



23-расм. Медиатор (воситачи)

4-боб. ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ СУД ТИЗИМИ

21-§. Ҳуқукий давлатда суд ва адлия суд тизимининг таркибий қисмлари

Бугунги дарсда:

Қозоғистон Республикасининг суд тизими билан танишамиз.

Таянч сұзлар:

- суд
- суд ҳокимияти
- адлия

Суд тизими. Ҳар қандай, ҳатто энг мүкаммал қонуннинг қабул қилиниши ҳам фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишининг кафолати эмас. Қонунни амалга ошириш ва ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг мүкаммал механизми зарур. Айнан суд зиммасига инсон ҳуқуқлари ва әркинликларини, шу жумладан, қонунга қарши ҳаракатларни, давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ҳар қандай тажовузлардан муҳофаза қилиш ва ҳимоя қилишни таъминлаш вазифаси юклатилған. Бундай ҳолаттарда судга давлат номидан суд қарорларини қабул қилишнинг мутлақ ҳуқуқи берилған.

Адлия – бу давлат номидан амалга оширилдиган мағсус давлат органлари – судлар томонидан ҳуқуқий низоларни ҳуқуқий нормалар асосида, фуқаролик, жиной өзінде белгиланған бошқа ишларнинг процессын шаклиға мувоғиқ ҳал этишга қаратилған давлат фаолияти.

Тарихдан

Қозоқ күчманчи жамиятида бий – судьялар мартабада, хизмат жойларида, аникроғи – таъсир доираларида ва жамият томонидан тан олинған даражаларда түрлиша бўлишган. "Бош судья" маъносини англатувчи Тебе бий суд босқичининг юқори қисмини эгаллаган эди. Қоида бўйича, бу ном қозоқ күчманчиларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш қадриятларига содик бўлган даврда машҳурлик, профессионаллик мезони бўлиб

хизмат қилди. Жуз, алоҳида минтақалар ва катта уруғ жамоалари ичидаги таникли бўлган ва тан олинған бийларга Тебе бий дейилған. Уларнинг унвонларига келиб чиқсан ва кўпроқ таъсири бўлган минтақаларнинг номлари қўшилди. Масалан, XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг биринчи ярмида яшаган Толе бий Катта жузнинг Тебе бийи, Қазыбек бий – Ўрта жузнинг Тебе бийи, Айтеке би – Кичик жузнинг Тебе бийи деб тан олинган. Тебе бий унвонини ўз вақтида катта ва мураккаб низоли ишларда даъвогар тарафлар томонидан бир неча марта сайлаб олинған Тебе бий



24-расм. Қозоқ халқининг учта таникли бийлари – Тебе бий, Қазибек бий, Айтеке бий

холатда манфаатдор томон судга қарши томоннинг мажбуриятини бажариши тұғрисида ариза бериши мүмкін. Бундай холатда суд медиация шартномасининг мажбурий бажарилиши тұғрисида қарор чиқаради.

Агар низолашаётган томонлар судга мурожаат қилишган бўлса, суднинг ҳар қандай босқичида низони яраштириш орқали музокаралар йўли билан ҳал қилиш мүмкін. Суд низони тинч йўл билан ҳал қилишда томонларга ёрдам кўрсатиши шарт. Агар томонлар ўзаро келиша олишган бўлса, суд томонидан тасдиқланган келишув битими (ёки низони медиация ёки иштирок этиш тартибда ҳал этиш тұғрисида битим) тузилади ва бажарилмаган тақдирда у ихтиёрий равишда бажарилиши мүмкін.

Шундай қилиб, ҳуқуқий мажароларнинг инсон ҳуқуқлари бузилиши ва жамиятнинг бўлиниши олдини олиш учун уларни ҳал қилишнинг самарали усуллари зарур. Қозоғистон Республикасида ҳуқуқий мажароларни ҳал қилиш усуллари тизими яратилган ва амал қилинмоқда. Улардан жамиятдаги низоларни камайтиришнинг энг самарали йўли ҳуқуқий низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари: музокаралар, воситачилик, қатнашиш жараёни, арбитраж.



1. Ҳуқуқий низо нима? Ҳуқуқий низоларни ҳал қилишнинг қайси усуларини биласиз?
Қайси бири энг самарали? Жавобингизни асосланг.
2. Низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларининг афзалликлари нимада?
3. Замонавий жамиятда бийлар суди зарурми? Унинг афзалликлари нимада?



Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Гуруҳда ишлаш

Қуйидаги вазиятларни ўрганинг. Ушбу холатда судда низо борми? Низоларни ҳал қилишнинг қандай усулларидан фойдаланиш мүмкін? Судга мурожаат қилиш оқilonами?

1. Фуқаро И. фуқаро П.дан квартирани б ой муддатга ижарага олди. Бир ой ўтгач, фуқаро П. пулга тезкор эҳтиёжи борлиги сабабли квартирани бўшатишни талаб қилди ва квартирани сотишни хоҳлади. Фуқаро И. шартномага мурожаат қилиб, рад этди. Бу қонуний тортишувми? Улар бу низони қандай ҳал қилишлари мүмкін?

2. Якка тартибдаги тадбиркор С. ва "Ветер" МЧЖ 2019 йил 1 марта қадар эҳтиёт қисмларни етказиб бериш тұғрисида шартнома тузди. Бироқ, кўрсатилган вақтга қадар мол етказиб берилмади, гарчи харидор олдиндан тўловни амалга оширган бўлса ҳам. Харидор олдиндан тўловни қайтариб беришни ва заарни қоплашни талаб қилди. Сотувчи фақат олдиндан тўловни қайtаришга рози бўлди.



Мураккабликнинг 3-даражасидаги топшириқ. Якка тартибда ишлаш

Берилган жадвални тўлдиринг, ҳуқуқий низоларни ҳал қилишнинг ҳар бир усули ҳақидаги тушунчани кенгайтиринг. Сиз "Ҳаммага ҳамма ўргатади" усулидан фойдаланишингиз мүмкін.

№	Ҳуқуқий можарони ҳал қилиш усули	Усулнинг моҳияти
1.	Суд	
2.	Давлат органи	
3.	Нотариат	
4.	Арбитраж	
5.	Музокаралар	

Лугат

- **Суд** – адолатли судни амалга ошириш учун мутлақ ваколатларга эга бўлган давлат орган.
- **Суд ҳокимияти** – давлат ҳокимиятининг мустақил қарам бўлмаган тармоғи, адолатни амалга ошириш орқали фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари эркинликлари ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилишга қаратилган

Олий суднинг органлари қуйидагилардан иборат: 1) ялпи мажлис; 2) ялпи мажлис президиуми; 3) фуқаролик ишлари бўйича суд коллегияси; 4) жиноий ишлар бўйича суд ҳайъати; 5) ихтисослаштирилган суд кенгаши.

Суд коллегиясини суд тизими тўғрисидаги Конституциявий қонунда белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган раис бошқаради.

Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар (вилоят судлари) ўз ваколатлари доирасидаги ишларни кўриб чиқадилар, қуи судларнинг апелляция бўйича суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқадилар, вилоят судларида суд амалиётини ўрганадилар, вилоят судлари томонидан одил судловни амалга оширишда қонунларга риоя қилинишини кўриб чиқадилар ва ҳоказо. Вилоят суди раис ва судьялардан ташкил этилади, Олий суд раисининг тақдимномасига биноан, Олий суд кенгаши билан келишилган ҳолда Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан тузиладиган ихтисослашган таркиблар ташкил этилади.

Туман судлари ва унга тенглаштирилган судлар (туман судлари) – кўпчилик суд ишларини биринчи босқич суди сифатида кўриб чиқади. Туман судлари Олий суд кенгаши билан келишилган ҳолда Олий суд раиси тақдимотига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан тузилади. Туман суди раис ва судьялардан иборат.

Ихтисослашган судлар муайян тоифадаги ишларни кўради. Масалан, вояга етмаганлар ишлари бўйича судлар балоғатга етмаган болаларга нисбатан жиноий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки вояга етмаганинг манбаатларига даҳлдор фуқаролик ишларини кўриб чиқади. Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан вилоят ёки туман суди мақоми берилган.

Жаҳон тажрибаси судлар ва судьяларнинг ихтисослашуви самародорлигини кўрсатмоқда. Бу одил судловни амалга ошириш ва ҳуқукларни суд орқали ҳимоя қилиш сифатини яхшилайди.

Қозоғистон Республикасида ихтисослашган судлар босқичмабосқич шакллантирилди. Шундай қилиб, дастлаб туманлааро ихтисослашган иқтисодий судлар ташкил этилди. Маъмурий одил судловнинг ривожланиши ихтисослашган туманлааро маъмурий судларни ташкил этишни тақозо қилди. Кейинчалик вояга етмаганлар ишлари бўйича ихтисослаштирилган туманлааро судлар ва жиноий ишлар бўйича ихтисослашган туманлааро судлар пайдо бўлди, уларнинг юрисдикциясига ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишлар киради.

унвонини ўз вақтида катта ва мураккаб низоли ишларда даъвогар тарафлар томонидан бир неча марта сайлаб олинган бийлар сақлаб қолған. Уларга, уларнинг судига турли жойлардан, уруғлардан, жузлардан мурожаат қилишлари мүмкін эди ва мурожаат қилишарди.

Бұлажак Тебе бийнинг номзодлыги мураккаб, аҳамиятли ва ташлаб қўйилган ишларда бийлар судигача, аввал ўзларида тарафлар томонидан синчковлик билан муҳокама қилинар эди. Бунда шунга эътибор бериш керакки, катта уруғ жамоасини ҳимоя қилаётган тарафларнинг ҳар бири ўзларида, одатдагидек, ўзининг асосий адвокати сифатида ўзига Тебе бийни олдиндан белгилайди. Ҳар бир уруғ бўлинишига асосланган каттами, кичикми чорвадор кўчманчи жамоанинг бир эмас, бир неча бийлари бўлган. Аҳоли кимга мурожаат қилишни танлаш имконига эга эди. Ўзларининг кўчманчи ҳудудларига яқин ва сотилмаслиги, билими ва донолиги билан танилган, яъни суд жараёнининг анъанавий мезонларига жавоб берадиган кишиларга устунлик берилган. (Зиманов С.З. "Қозоғистон бийлар суди – ноёб суд тизими" китобидан)

Суверен Қозоғистон суд тизимини ривожлантиришда учта босқични шартли ажратиш мүмкін. Биринчи босқич 1991 йил 16 декабрда қабул қилинган "Қозоғистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида" ги Конституциявий қонун қабул қилиниши бошланади, унда биринчи марта давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судга бўлиниши тамойили мустаҳкамланган. Иккинчи босқич 1993 йил 28 январда Қозоғистон Республикаси Конституциясини қабул қилишдан бошланади, унга мувофиқ учта юқори суд кўзда тутилган: Олий суд, Олий арбитраж суди ва Қозоғистон Республикаси Конституциявий суди. Учинчи босқич битта олий суд – Қозоғистон Республикаси Олий суди томонидан таъминланадиган 1995 йил 30 августдаги Қозоғистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинишидан бошланади. Конституциявий кенгаш тузилди. Ҳозирги босқичда мамлакатнинг қўйидаги суд тизими ривожланди (4-жадвал).

4-жадвал.

Қозоғистон Республикасининг суд тизими

Қозоғистон Республикаси Олий суди	
Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар (Нурсултан, Алмати, Шымкент шаҳар судлари)	Вилоят суди мақомига эга ихтисослашган судлар
Туман ва унга тенглаштирилган судлар (шаҳар суди, туманларапо суд)	Туман суди мақомига эга бўлган ҳолда ихтисослашган судлар

Олий суд фуқаролик, жиноий ва бошқа ишлар бўйича энг юқори суд органи бўлиб, бошқа судларнинг қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини (шикоят бўйича ишларни кўриб чиқиши) текширади. У ўз судловига тегишли суд ишларини кўриб чиқади; суд амалиётини ўрганади, норматив қарорлар қабул қилиш орқали бошқа судларга суд амалиётини тушунтириб беради.

Шундай қилиб, Қозоғистон Республикасида одил судловнинг асосий вазифаси – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳар қандай тажовузлардан муҳофаза қилиш ва ҳимоя қилиш, шу жумладан, қонунга қарши ҳаракатлар ва давлат ҳокимиияти қарорларини амалга оширишга имкон берадиган самарали суд тизими яратилди. Шу билан бирга, Қозоғистон суд тизими такомиллашишда давом этмоқда. Уни ривожлантиришнинг энг муҳим йўналиши – суд ва судьяларнинг ихтисослашувидир.



1. Қозоғистон Республикасининг суд тизими қандай ривожланди?
2. Ҳозирги босқичда Қозоғистон Республикасининг суд тизими қандай?
3. Қозоғистон Республикаси суд тизимининг тамойилларини айтинг.



Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Гуруҳда ишлаш

"Хуқук ҳимоя воситалари мавжуд бўлган жойдадир" иборасини муҳокама қилинг. Нима учун мустақил судсиз ҳуқуқий давлат бўлмайди деб ўйлайсиз? Адолат маъбудаси Фемида тасвиридаги кўздаги боғич, қилич ва тарози ниманинг тимсоли (25-расм)?

22-§. Судьянинг ҳуқуқий мақоми ва унинг фаолиятининг кафолатлари

Бугунги дарсда:

Судьянинг ҳуқуқий мақоми ва мустақиллиги кафолатларини кўриб чиқамиз.

Таянч сўзлар:

- Судьянинг ҳуқуқий мақоми
- Судьянинг мустақиллиги кафолатлари
- судьянинг дахлсизлиги

Судья – одил судловни амалга ошириш ваколатига эга бўлган давлат амалдоридир. Судья ўз вазифаларини доимий равишда бажаради ва суд ҳокимиияти вакили ҳисобланади. Судьялар уларнинг фаолиятига ҳар қандай аралашувдан ва ташқи тазийклардан ҳимоя қиласидиган юқори мақомга эга. Судьяларга энг юқори талаблар қўйилади.

Судьянинг ҳуқуқий мақоми судьяларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, давлат томонидан суд фаолиятининг кафолатларини ўз ичига олади. Қозоғистон Республикаси барча судларининг судьялари ягона мақомга эга ва улар бир-бирлари билан фақат ваколатлари бўйича фарқ қиласидилар.

Судьянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Судья Ўзининг мустақиллигини, суд ҳокимиияти вазифаларини бажариш учун шарт-шароит яратилишини кафолатлаш ҳуқуқига эга. Судья мажбур:

1. Қозоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя қилиши, судьялик қасамёдига содик қолиши керак.
2. Одил судловни амалга оширишда, шунингдек, суддан ташқари муносабатларда ўзларининг конституциявий вазифаларини бажаришда суд одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилиши ва судьянинг

Улар, шу жумладан доимий маслақатчилар иштирокида ишлайди. Келгусида судларни янада ихтисослаштириш мүмкін.

“Астана” Халқаро молиявий маркази-нинг Суди (АХММ) ажралиб туради. АХММ суди низоларни суд тартибида күриб чиқади ва тарафларнинг ҳуқуқлари, әрқинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, Марказнинг амалдаги қонунларига риоя этилишини таъминлашга қаратылған. АХММ суди ўз фаолиятида мустақилдир ва Қозғистон Республикаси суд тизимиға кирмайды. Марказ суди маълум тоифадаги низоларни ҳал қиласы: Марказ иштирокчилари, Марказ органлари ва (ёки) уларнинг чет әллик ходимлари ўртасида юзага келадиган низолар; Марказда амалга ошириладиган ва Марказ қонунларига мувоғиқ ҳар қандай операция түғрисида; томонларнинг келишуви бўйича Марказ судига топширилади. АХММ суди Англияning умумий ҳуқуқ меъёрлари ва тамойиллари, шунингдек, энг яхши халқаро амалиёт асосида ишлаб чиқилған ўзининг иш тартиби қоидаларига эга.



25-расм. Адолат тимсоли

● Құшимча маълумотлар

“Астана” халқаро молия маркази 2015 йилда худди шу номдаги Конституцияйиң қонун асосида ташкил этилған бўлиб, у Нур-Султан шахридаги молиявий соҳада маҳсус ҳуқуқий режим амал қиласынан ҳудудни англатади. Марказнинг мақсади ва вазифалари: етакчи халқаро молиявий хизматлар марказини шакллантириш, молиявий хизматлар соҳасига инвестициялар жалб қилиш учун жозибадор мухитни яратиш орқали Қозғистон Республикаси иқтисодиётiga инвестициялар жалб қилишга кўмаклашиш; Қозғистон Республикаси ва бошқа мамлакатларнинг қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш Англия ва Уэльс қонунларининг тамойиллари, нормалари ва прецедентлари ва (ёки) дунёning етакчи молиявий марказларининг стандартлари АХММ ҳудудида ишлайди.

Қозғистон Республикаси Конституцияси мамлакат суд тизимини белгилайдиган суд тузилиши тамойилларини мустаҳкамлайди. Республиқанинг суд тизими Қозғистон Республикаси Конституцияси билан ўрнатилади. Маҳсус ва фавқулодда судларни Конституцияда кўрсатилмаган ҳар қандай бошқа ном билан тузишга йўл қўйилмайди. Суд ҳокимияти Конституция ва қонунлардан келиб чиқадиган барча ишлар ва низоларга татбиқ этилади. Мамлакатда судларнинг кўп бўлишига қарамай, Қозғистон суд тизими бутун мамлакат учун ягона ҳисобланади.

Лугат

- **Судьянинг ҳуқуқий мақоми** – бу судьянинг қонуний ҳуқуқлари ва мажбуриятлари (ваколатлари) мажмуи,
- **Судьянинг ҳуқуқий мақоми** – шунингдек, одил судловни амалга оширишда унинг мустақиллиги кафолатлари.
- **Судьянинг мустақиллиги кафолатлари** – бу судьянинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган шартлар, воситалар, чоралар.
- **Судьянинг иммунитети** – бу дахлизилиги кафолатидир.

Ушбу орган Қозоғистон Республикаси Президентининг судларни шакллантириш бўйича конституциявий ваколатларини, судьяларнинг мустақиллиги ва дахлизилиги кафолатларини таъминлаш мақсадида ташкил этилган. У Олий суд раисининг бўшаган ўрнига номзодни, вилоят судлари раислари, Олий суднинг судлов коллегиялари раисларининг бўш иш ўринларига номзодларни кўриб чиқади, Қозоғистон Республикаси Президентига Қозоғистон Республикаси Олий суди раиси лавозимига номзодни, вилоят судлари раислари, Олий суд кенгашлари раислари лавозимларига тайинлаш учун номзодларни тавсия қиласди.

2. Судьяларнинг мустақиллиги. Одил судловни амалга оширишда судьялар мустақилдирлар ва фақат Қозоғистон Республикаси Конституциясига ҳамда қонунга бўйсунадилар. Ҳеч ким одил судловни амалга оширишга аралашишга, судья ва маслаҳатчиларга таъсир ўтказишга ҳақли эмас.

Қонун судьянинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик, шунингдек, суд ва судьяларга ҳурматсизлик учун жавобгарликни белгилаб қўйган. Судья кўрилаётган суд ишлари ҳақида изоҳ бериши талаб қилинмайди. Маслаҳат хонасининг махфийлиги барча ҳолатларда истисносиз таъминланиши керак.

3. Судьяларнинг дахлизилиги судьяларни жавобгарликка тортишнинг маҳсус тартибини англаади. Судья Қозоғистон Республикаси Президентининг ёки Қозоғистон Республикаси Сенатининг Қозоғистон Республикаси Олий суд кенгашининг холосасига биноан розилигисиз ҳибса олиниши, жиноий жавобгарликка, суд жараёнида белгиланган мъмурний жазо чораларига тортилиши мумкин эмас, жиноят жойида қўлга олинганлик ёки оғир жиноят содир этганлик ҳодисалари бундан мустасно.

4. Судьялар, уларнинг оила аъзоларининг давлат томонидан ҳимоя қилинishi. Судьялар, уларнинг оилалари ва мол-мулки давлат томонидан ҳимоя қилинади. Ички ишлар органлари, агар судьяга тегишли мурожаат келиб тушса, судья ва унинг оила аъзоларининг хавфсизлигини, мулкларининг сақланишини таъминлаш учун ўз вақтида ва комплекс чораларни кўришлари шарт. Касбий фаолияти туфайли судьяга ва унинг мол-мулкига етказилган заарар республика бюджети ҳисобидан қопланади.

5. Судьялар ва судларни моддий таъминлаш. Судьялар, уларнинг мақомига мувофиқ, давлат ҳисобидан моддий таъминот ва ижтимоий

обрұсига, қадр-қимматынан путур етказадиган ёки унинг ҳалоллиги, адолати, холислиги ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган нарсалардан қочиши.

3. Коррупциянинг ҳар қандай күринишларига ва одил судловни амалга ошириш жараёнига ноконуний аралашувга қарши тuriш.

4. Судьялар йиғилишининг махфийлигига риоя қилиш.

5. Судья депутат бўлиши, ўқитувчилик, илмий ва бошқа ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган лавозимларни эгаллаши, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши, тижорат ташкилотининг бошқарув органи ёки Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас. Судья партияларга, касаба уюшмаларига аъзо бўла олмайди, бирон-бир сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб ёки унга қарши чиқа олмайди.

Судьянинг ҳуқуқий мақоми кафолатлари. Судьянинг ҳуқуқлари ва мустақиллигини кафолатлаш давлатнинг энг муҳим конституциявий мажбуриятидир.

Қозоғистон Республикасида судья ҳуқуқларининг қўйидаги кафолатлари ишлаб чиқилган:

1. *Судьяларнинг ўзгармаслиги.* Судьялар Қозоғистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларига мувофиқ сайланади ёки тайинлади ва доимий равишда уларга ваколат берилади. Судьяларнинг ваколатлари қонунда белгиланган асослар ва тартибдагина тугатилиши ёки тўхтатиб туримиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқда судьяларни танлаш ва уларнинг тайинланишини ташкил этиш тамойиллари ишлаб чиқилган: плюрализм ва судьяликка номзодлар танлови асосида жамоатчилик муҳокамаси билан ўтказилади.

Қозоғистон Республикасида судьялик лавозимига номзодларни танлаш маҳсус тузилган орган – Олий суд кенгашига юклатилган.



26-раем. Ҳукмни эълон қилиш



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ: Вазиятни ўрганинг. Бу ерда судья мақомининг қандай кафолати бузилган?

Фуқаро П. фуқаролик ишлари бўйича судланувчи сифатида чақирилди. Бироқ суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида чақирув қоғози билан бир неча бор хабар берилганига қарамай, у уч марта суд мажлисига келмади. Бунга ҳеч қандай сабаб йўқ эди. У тўртинчи марта пайдо бўлганида, суд мажлисида судга ва суднинг бошқа иштирокчиларига нисбатан ҳурматсизлик кўрсатди: судьянинг саволларига қўпол жавоб берди ва одобсиз сўзларни ишлатди.



Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Жуфтликларда ишлаш. Қозоқ жамиятида бийлар ва бийлар суди ҳақида кўплаб халқ нақллари бўлган. Жуфтликларга бўлининг. Ҳар бир жуфтлик қўйида берилган қозоқ кўчманчи жамиятидаги бийлар ва бийлар суди тўғрисидаги халқ нақлларидан бирини танлаши керак. Ўзаро муҳокама қилинг, бу нимани англатади, буларни қандай тушунасиз? Ушбу нақлларни замонавий жамиятда қандай қўллаш мумкин?

- Фақат отангизнинг ўғли бўлманг, балки одамнинг ўғли бўлинг;
- Бий-судья учун унинг қариндоши фойдасига тарафкашлик қилишидан кўра кўпроқ илоҳий жазо йўқ;
 - Тошнинг илдизи йўқ, бийнинг ҳам қариндоши йўқ;
 - Нотиқлиқда ифода муҳим, аммо ҳақиқат қимматлироқдир;
 - Бий адолатсиз бўлса, эътиборсиз, гўё аёл бекаси йўқ хароб хонадондай;
 - Бий тўрт устознинг қулидир: улар ҳалол меҳнат, фикрда олижаноблик, мулоҳа-закорлик ва адолат;
 - адолатли бий-судьянинг қариндоши йўқ ва агар у қариндошининг фойдасига мойил бўлса, у мансабининг муқаддаслигини йўқотади;
 - Агар хон-подшо қирқ кишининг зеҳнига эга бўлса, у ҳолда бий қирқ кишининг виждонига эга бўлади.

таъминот билан таъминланадилар, унинг ёмонлашишига йўл қўйилмайди. Судларни молиялаштириш, судьяларни тураг жой билан таъминлаш республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва бу одил судловни тўла ва мустақил амалга ошириш имкониятини таъминлаши керак.

24-чизма

Қозғистонда судьяликка номзодларга қўйиладиган талаблар

Судья бўла оладиган шахс:

- 1) 30 ёшга тўлганлар;
- 2) олий юридик таълим, юкори маънавий-ахлоқий сифатларга, бенуқсон номга ва ҳуқуқий соҳада камида беш йил иш стажига эгалар;
- 3) малака имтиҳонини топширганлар;
- 4) тиббий текширувдан ўтганлар;
- 5) судда маълум муддат амалий иш тажрибасини ўтаганлар;
- 6) полиграфологик текширувдан ўтганлар.

Судья бўла олмайдиган шахс:

- 1) суд томонидан лаёқатсиз ёки лаёқати чекланганлиги;
- 2) давлат хизматининг обрўсини туширувчи ахлоқий ножўя иши учун ахлоқий жавобгарликка тортилганлар;
- 3) коррупция қонунбузарлигига йўл қўйгани учун суд тартибида маъмурий тўлов ундирилганлар;
- 4) аввал судланганлар;
- 5) салбий сабабларга кўра ишдан бўшатилганлар.

Ўз ваколатларини амалга оширишдаги судьяларнинг талаблари барча давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари, жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир. Судга ҳурматсизлик қилгани учун айбор шахс Қозғистон Республикаси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодексининг 653-моддаси бўйича маъмурий жавобгарликка тортилади. Масалан, шахснинг суд мажлисига келмаслиги. Судга ҳурматсизлик қилгани учун жиноий жавобгарлик Қозғистон Республикаси ЖКнинг 410-моддасида кўзда тутилган. Судга ҳурматсизлик суд ишини кўраётган иштирокчиларни ҳақорат қилиш ёки судья ва (ёки) суд маслаҳатчиларини ҳақоратлаш ҳолатида ифодаланганда кўринади.

Шундай қилиб, судьянинг ҳуқуқий мақоми судьянинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари тизимини ва ҳуқуқлари кафолатларини ўз ичига олади. Қозғистон Республикасида судьянинг ҳуқуқий мақоми халқаро стандартларга жавоб беради ва одил судловни амалга ошириш учун ишончли ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласи – инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини кафолатлади.



1. Судьянинг ҳуқуқий мақоми деганда нимани тушунасиз?
2. Судьянинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини айтиб беринг.
3. Судьянинг ҳуқуқий мақоми қандай кафолатларга эга?

4) 2011 йил 22 июлдаги “Ақолининг миграцияси тұғрисида” ҚРнинг Конуни.

Шундай қилиб, Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 10-моддасига биноан: “Қозоғистон Республикаси фуқаролиги қонунга мувофиқ қабул қилинади ва тугатилади, уни олиш асосларидан қатъи назар бир хил ва teng ҳисобланади”. Бу шуни англатады, ҳар ким қонун билан белгиланган тартибда Қозоғистон Республикаси фуқаролигини олиш ҳуқуқыга эга. Қозоғистон Республикаси фуқароси фуқаролигидан, фуқаролигини ўзgartириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши, шунингдек, Қозоғистондан чиқариб юборилиши мүмкін әмас.

Қозоғистон Республикасининг фуқаролари қуйидаги шахслар ҳисобланади:

– 1991 йил 20 декабрдаги “Қозоғистон Республикасининг фуқаролиги тұғрисида” ги Қонун кучга кирған кундан бошлаб Қозоғистон Республикасида доимий яшайдыган шахслар.

Бу шуни англатады, мустақилликка еришгач, Қозоғистонда истиқомат қылған барча одамлар ихтиёрий равища (рад қилиши мүмкін) Қозоғистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди;

– Қозоғистон Республикаси ҳудудида туғилған ва чет давлат фуқаролари бўлмаган;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ Қозоғистон Республикаси фуқаролигини олганлиги.

Қозоғистон Республикаси фуқаролиги қуйидагича қабул қилинади:

1) туғилғанлиги бўйича. Туғилғанлиги бўйича фуқаролик олиш филиация деб аталади. Фуқаролик “қон ҳуқуқи” ёки “тупроқ ҳуқуқи” тамойиллари асосида олинади. Биринчи ҳолда, бола туғилған жойидан қатъи назар, ота-онанинг фуқаролигини олади, иккинчидан, бола ота-онасининг фуқаролигидан қатъи назар, у ҳудудида туғилған давлат фуқароси бўлади. “Тупроқ ҳуқуқи” кўпинча Лотин Америкаси ва АҚШда қўлланилади. Кўпинча иккала тамойил у ёки бу даражада бирлаштирилади. Улардан бирини ё бошқасини танлаш ёки устунлиги, асосан, давлатнинг демографик соҳадаги сиёсати билан белгиланади. Агар давлат ўз ақолисининг тез кўпайишидан манфаатдор бўлса, у иккала қоидани ҳам тўлик жорий қилиши мүмкін.

Чет эл фуқаросини илтимосига кўра фуқароликка қабул қилиш *натурализация* деб аталаади. Натурализация одатда чет эл фуқаросининг ушбу давлат ҳудудида кўпроқ ёки камроқ вақт давомида истиқомат қилишидан сўнг амалга

Лутфат

- **Бипатридлар** – икки давлат фуқаролари бўлган шахслар.
- **Фуқаролик** – шахс ва маълум бир давлат ўртасидаги сиёсий ва ҳуқуқий муносабатлар.
- **Натурализация** – аризага биноан фуқароликка қабул қилиш.
- **Филиация** – туғилғанлик бўйича фуқароликни олиш
- **Апатридлар** – фуқаролиги бўлмаган шахслар.

II бўлим. ОММАВИЙ ҲУҚУҚ

5-боб. ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУҚАРОЛИК ВА САЙЛОВЛАР

23-§. Фуқаролик тушунчаси. Икки фуқаролик. Фуқароликка эга бўлиш ва уни тугатиш

Бугунги дарсда:

фуқаролик тушунчаси билан танишамиз, Қозоғистон Республикасида фуқароликни олиш ва тугатиш асосларини ўрганамиз.

Фуқаролик тушунчаси. Болалигингииздан ота-онангиздан сиз Қозоғистон Республикаси фуқароси эканлигингизни эшитишга одатлангансиз.

Фуқаролик нима ўзи, уни қандай қилиб әгаллагансиз ва нега бу жуда муҳим? Биринчидан, фуқаролик – бу инсоннинг ўз давлати билан, фуқаролар ва давлатнинг ўзаро ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларидан келиб чиқадиган, инсон қадр-қимматини, инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этиш ва ҳурмат қилишга асосланган, барқарор ҳуқуқий муносабатлардир.

Иккинчидан, фуқаролик Қозоғистон Республикаси конституциявий ҳуқуқининг асосий институтларидан биридир.

Фуқаролик, шахснинг давлатдаги ҳуқуқий мақомининг асоси бўлиб, айни пайтда унинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири хисобланади. Бу фуқароликка эга бўлиш, инсонга унинг турли ҳуқуқ ва эркинликларини, шу жумладан давлат ва сиёсий ҳаётда иштирок этиш имкониятини беради ва шу билан бирга давлат олдидаги ўз мажбуриятларини, шу жумладан унинг ҳимоясини ҳам амалга оширади. Фуқаролик инсоннинг ҳолатида очиқлик ва аниқликни келтириб чиқаради.

Қозоғистон Республикаси фуқаролиги институтининг асосий манбалари қўйидагилардан иборат:

- 1) Қозоғистон Республикаси томонидан ратификация қилинган тегишли халқаро шартномалар;
- 2) Қозоғистон Республикаси Конституцияси; конституциявий қонунлар;
- 3) ҚРнинг “Қозоғистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида” 1991 йил 20 декабрдаги Қонуни.

Таянч сўзлар:

- фуқаролик
- бипатрийлар
- натурализация
- филиация



27-расм. Қозоғистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар

Шунингдек, қозоғистонлик билан никохдан ўтган чет эл фуқароси ва уларнинг фарзандлари. Қозоғистон Республикасининг фуқаролигини соддалаштирилган (рўйхатга олинган) тартибда олиш ва бошқа мамлакат фуқаролигидан чиқиш учун Вилоят ички ишлар департamenti бошлиғи номига ва бир вақтнинг ўзида давлатнинг фуқаролик масалалари бўйича қарор қабул қиласидаги мансабдор шахсга ариза (илтимоснома) билан мурожаат қилиш керак. Шунингдек, нотариал тасдиқланган чет эл фуқаролигидан ёзма воз кечганлик ҳақида ҳужжат зарур.

Билиб олиш керакки, Қозоғистон Республикаси фуқаролигини қабул қилишдан ва уни қайта тиклашдан бош тортиш учун сабаблар мавжуд, бу сабаблар “Қозоғистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида” ги Қозоғистон Республикаси қонунида келтирилган. Улар Қозоғистон Республикаси фуқароларини хавфсизлигига таҳдид соловчи шахслардан ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Қозоғистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат шахсни тасдиқловчи ҳужжат ёки Қозоғистон Республикаси фуқаросининг паспортидир. 16 ёшгача бўлган боланинг фуқаролиги унинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси, ота-оналардан бирининг паспорти билан тасдиқланади (27-расм).

Ҳар бир инсон қайси давлатнинг фуқароси бўлишини танлаш ҳуқуқига эгадир, муайян ҳолатлар юзага келган тақдирда фуқаролигини йўқотиши ёки муайян жиноятларни содир этганлиги учун санкция сифатида фуқаролигидан маҳрум бўлиши мумкин. Қозоғистон Республикаси фуқаролиги қуидаги ҳолларда тугатилади:

- 1) Қозоғистон Республикаси фуқаролигидан чиққанлик. Бу қонунда белгиланган тартибда шахснинг илтимосига биноан амалга оширилади;
- 2) Қозоғистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда. Фуқароликни йўқотиш учун асослар рўйхати қонунда кўрсатиб ўтилган.

оширилиши мүмкін. Құпинча, давлат фуқароликка қабул қилиш шарты сифатида, давлат мамлакатда маълум бир вақт оралиғида яшашни, унинг тилини билишни, яшаш шароитларининг мавжудлигини ва ҳоказоларни талаб қиласы;

2) Қозоғистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш натижасыда фуқароликни олиши мүмкін:

Қозоғистон Республикасида камида беш йил қонуний равища яшаган ёки камида уч йил давомида Қозоғистон Республикаси фуқаролари билан турмуш қурган шахс; Қозоғистон Республикасыга доимий яшаш учун келган Собиқ Совет Иттифоқи республикалари фуқаролари, уларнинг яқин қариндошларидан бири – Қозоғистон Республикаси фуқароси бўлган: бола (шу жумладан асраб олинган бола), турмуш ўртоғи (хотини ёки эри), ота-оналаридан бири (асраб оловчилар), синглиси, акаси, укаси, буваси ёки бувиси, Қозоғистон Республикасида бўлиш муддатидан қатъи назар;

3) Қозоғистон Республикаси давлатлаарао шартномаларида белгиланган асослар ёки тартибда.

Қозоғистон Республикасининг фуқаролик тўғрисидаги Қонунида кўзда тутилган бошқа асосларга кўра.

Қозоғистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимосномалар бўйича қарор Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинади. Президент маҳсус фармон чиқаради.

Умумий тартибда фуқароликка қабул қилиш муддати – олти ой.

Фуқароликка қабул қилишнинг соддалаштирилган тартиби мавжуд (Қозоғистон Республикасининг фуқаролик тўғрисидаги Қонуниning 16 – 1-моддаси). Қозоғистон Республикасининг фуқаролигига соддалаштирилган (рўйхатга олинган) тартибда қабул қилиниши мүмкін:

1) Қозоғистон Республикаси ҳудудида яшаш муддатидан қатъи назар қонуний асосларда доимий яшаётган оралманлар;

2) оқланган оммавий сиёсий қатағон қурбонлари, шунингдек, уларнинг ўз эркин ихтиёрларисиз фуқароликларидан маҳрум қилинган ёки фуқаролигини йўқотган Қозоғистон Республикаси ҳудудида яшаш муддатидан қатъи назар қонуний асосларда доимий яшаётган авлодлари;

Қозоғистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олаётган этник қозоқлар.

Соддалаштирилган (рўйхатга олинган) тартибда фуқаролик олиш тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш муддати ариза берилган кундан бошлаб уч ойдан ошмаслиги керак.

Шунингдек, фуқаролик олишнинг соддалаштирилган (рўйхатга олинган) тартиби Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Қирғизистон Республикаси фуқароларига ҳам тарқалган.



1. Фуқаролик нима? Натурализация, филиация атамаларини қандай тушунасиз?
2. Қозоғистон Республикаси фуқаролигини олиш ва тугатилишининг сабаблари қандай? "Қон ҳуқуқи" ва "тупроқ ҳуқуқи" тамойилларини солишириңг. Ушбу тамойилларнинг фарқи нимада?
3. Қозоғистон Республикаси икки фуқароликни тан оладими?



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Якка тартибда ишлаш

"Қозоғистон Республикасининг фуқаролиги түғрисида" 1991 йил 20 декабрдаги Қозоғистон Республикаси қонунидан фойдаланиб, фуқароликни қабул қилиш ва Қозоғистон Республикаси фуқаролигини тиклашни рад этиш учун асосларни айтиб беринг.



Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Жуфтлиқда ишлаш. Мунозаралар:

Қозоғистон Республикасининг фуқароси С. Германияда қисқа муддат бўлганида, ушбу мамлакат фуқаросига оғир тан жароҳатлари етказди ва Германияни тарқ этди. Германия ҳуқук-тартибот идоралари айборни аниқлаб, Қозоғистондан С.ни ҳукм қилиш ва Германияда жазосини ўташ учун юборишни талаб қилди. Қозоғистон Республикаси Германия расмийларининг талабларини қондириши керакми? С. жиной жавобгарликдан қоча оладими?

Мураккабликнинг 3-даражасидаги топшириқ.

1991 йил 20 декабрдаги "Қозоғистон Республикасининг фуқаролиги түғрисида" ги Қозоғистон Республикаси Қонунидан фойдаланиб, қуйидаги жадвални тўлдириңг:

1. Фуқаро А. Монголия фуқароси бўлгани ҳолда, Алмати шаҳрига доимий яшаш учун келган. У Қозоғистон Республикаси фуқаролигини олиш учун мурожаат қилди. Фуқаро А. қўш фуқаролик олиши мумкинми? Қозоғистон Республикаси фуқаролигини олиш тартиби қандай? ("Қозоғистон Республикаси фуқаролиги түғрисида" ги қонуннинг 16-моддасига қаранг).

2. Қозоғистон Республикаси фуқароси Б. Польшада ишлаб юриб, шу давлат фуқароси билан никоҳ қуради. Кейинчалик турмуш ўртоғи билан бирга Қозоғистонга қайтиб келади. Фуқаро Б.-нинг турмуш ўртоғи Қозоғистон Республикаси фуқаролигини олиш ниятини билдиради. У бунинг учун қайси давлат органига мурожаат қилиши керак? У қанча вақтдан кейин Қозоғистон Республикаси фуқароси бўла олади? ("Қозоғистон Республикаси фуқаролиги түғрисида" ги қонуннинг 15 ва 16-моддаларига қаранг).

3. Қозоғистон фуқароси С. доимий яшаш учун Германияга кўчиб кетишга қарор қилди. У 2018 йилнинг 8 январида Қозоғистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш учун ариза ёзди. Аммо фуқаро қачонлардир ўз ҳамкасбидан қарз олганлиги ва шу кунга қадар қайтармаганлиги асосида унинг мурожаати қабул қилинмади. Қозоғистон Республикаси фуқаролигидан чиқаришдан воз кечиш учун қонунда қандай асослар кўрсатилган? (Қозоғистон Республикаси фуқаролиги түғрисида" ги Қонуннинг 20-моддасига қаранг).

4. Фуқаро Г. Қозоғистон Республикаси фуқароси бўлгани ҳолда, Қозоғистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш ҳақида мурожаат қилди. Уни маълум бир жиноят иши бўйича гувоҳ деган сабаб билан мурожаати қабул қилинмади. Унинг фуқароликдан чиқиши ҳақидаги мурожаатини рад этиш қонунийми? ("Қозоғистон Республикаси фуқаролиги түғрисида" ги қонуннинг 16-моддасига қаранг).

5. Д. – Қозоғистон Республикаси фуқароси. Шундай бўлишига қарамай у 10 йил давомида Ўзбекистонда доимий равишда яшаб келган. У 2015 йилда Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафига чақирилади. Бу вазиятда фуқаро Д. Қозоғистон Республикаси фуқаролигини йўқотадими? ("Қозоғистон Республикаси фуқаролиги түғрисида" ги қонуннинг 21-моддасига қаранг).

● Құшимча маълумотлар

Қозоғистон Республикаси фуқаролиги йүқотилади:

- башқа давлатдаги ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизматига, полицияга, суд ҳокимиятига ёки башқа давлат ҳокимияти органларына құшилиш натижасыда, Қозоғистон Республикасынинг давлатлараро шартномаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- агар қасддан ёлғон маълумотлар ёки сохта ҳужжатлар тақдим этиш натижасыда Қозоғистон Республикаси фуқаролиги олинган бўлса;
- Қозоғистон Республикаси давлатлараро шартномаларида назарда тутилган асослар бўйича;
- агар шахс башқа давлат фуқаролигини олган бўлса;
- агар шахс томонидан Қозоғистон Республикаси фуқаролигини олиш учун асос бўлган Қозоғистон Республикаси фуқароси билан никоҳ суд томонидан бекор қилинган бўлса;
- вояга етганидан кейин чет эл фуқароларига асраб олиниш учун берилган Қозоғистон Республикаси фуқароси бўлган боланинг иродаси билан;
- шахснинг хорижий давлат худудидаги қуролли можароларда, экстремистик ва (ёки) террорчиллик фаолиятида иштирок этиши туфайли.

3) Қозоғистон Республикаси фуқаролигидан маҳрум қилиш. Қозоғистон Республикаси фуқаролигидан маҳрум этишга фақат террористик жиноятлар, шунингдек, Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун, шунингдек, Қозоғистон Республикасынинг ҳаётий манфаатларига башқа жиддий заарар етказганлик учун суд қарори билан йўл қўйилади.

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 10-моддаси 3-бандига “Қозоғистон Республикасынинг фуқаролиги тўғрисида” 1991 йил 20 декабрдаги ҚР Конунининг 3-моддасига мувофиқ башқа давлат фуқаролиги республика фуқароси учун тан олинмайди. Қозоғистон Республикасида икки фуқароликка йўл қўйилмайди. Бирок Қозоғистон Республикаси фуқаролигига эга бўла туриб чет эл фуқаролигини олиш ва шу билан ноқонуний равишда икки фуқароликка эга бўлиш ҳолатлари кўп учрайди. Иккинчи фуқароликни олишнинг асосий сабаби – нафақат эркин ҳаракатланиш истаги, балки маълум моддий имтиёзларни олиш (масалан, пенсия тўловлари, иккинчи фарзанд туғилиши учун нафақа ва бошқалар).

Башқа давлат фуқаролигини қабул қилишдан олдин Қозоғистон Республикаси фуқароси Қозоғистон фуқаролигидан чиқиши керак.

Шундай қилиб, фуқароликка эга бўлиш бу шахсга Қозоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари томонидан тан олинган ва кафолатланган барча ҳуқуқ ва эркинликларнинг тўлиқ таҳсимланшининг, шахснинг нафақат давлат ичида, балки чет элда ҳам давлат томонидан ҳимояси кафолатидир.



28-расм. Сайлов жараёни

Қозоғистон Республикаси сайлов ҳуқуқининг асосий манбалари қуйидагилардан иборат:

1) Қозоғистон Республикаси Конституцияси;

2) “Қозоғистон Республикасида сайловлар түғрисида” 1995 йил 28 сентябрдаги ҚР нинг конституциявий қонуни;

3) ҚР нинг 2001 йил 23 январда қабул қилинган “Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш түғрисида” ги Қонуни;

4) Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Эътибор беринг!

Қозоғистон Республикаси фуқаролари умумий, teng va түғридан-түғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали сайловларда қатнашадилар.

Қозоғистон Республикасининг ҳар бир фуқароси нофаол ва фаол сайлов ҳуқуқига эга.

Фаол сайлов ҳуқуқи – бу сайлаш, сайловларда қатнашиш ҳуқуқи, нофаол сайлов ҳуқуқи эса ушбу давлат органларига сайданиш ва сайланган бўлишлик ҳуқуқидир.

“Қозоғистон Республикасидаги сайловлар түғрисида” 1995 йил 28 сентябрдаги ҚР нинг конституциявий қонунига биноан, Қозоғистон Республикасида сайлов ҳуқуқи қуйидаги умумийлик, тенглик, түғридан-түғри сайлов ҳуқуқи, яширин овоз бериш ва ихтиёрийлик тамойилларига асосланади. Шундай қилиб:

1) Президент, Парламентни Мажлиси ва маслаҳати депутатларини, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг аъзоларининг сайловлари умумий, teng va түғридан-түғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади;

2) республика Парламенти Сенати аъзоларининг сайловлари яширин овоз бериш орқали билвосита сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади;

3) республика фуқароларининг сайловда иштирок этиши ихтиёрийдир. Ҳеч ким фуқарони мажбурлаш, сайловда қатнашиш ёки қатнашмаслик, шунингдек, унинг иродасини чеклаш ҳуқуқига эга эмас.

Лугат

- **Сайловлар** – юқори ва маҳаллий ҳокимият органларини шакллантириш усулидир.
- **Сайлов ҳуқуқи** – бу сайлов жараёнини тартибга солувчи умум мажбурий қоидалар тизими.

6. Чет әл фуқаролари бүлган әр-хотин Қозоғистон Республикасининг ҳомийлик ва васийлик органларига болалар уйидан фарзандликка бола олиш мақсадида илтимоснома билан мурожаат қилдилар. Эр-хотиннинг илтимосномалари қондирилди. Бундай ҳолатда боланинг фуқаролиги масаласи қандай ҳал қилинади? (Қозоғистон Республикаси фуқаролик тұғрисидаги Қонуенининг 27-моддасига қаранг)

Мураккабликнинг 3-даражасидаги топшириқ.

"Бипатридлар, уларнинг замонавий давлатлар ривожланишидаги роли" мавзусида SWOT таҳлилини үтказинг

Strengths (кучли томонлар) ¹⁾	Weaknesses (заиф томонлар)
Opportunities (имкониятлар)	Threats (таҳдидлар)
Хулоса	

24-§. Сайловлар. Сайлов ҳуқуқининг тамойиллари.

Ҳуқуқий давлатдаги сайловларнинг түшүнчеси ва аҳамияти

Бүгунги дарсда:

сайлов түшүнчеси, Қозоғистон Республикаси сайлов ҳуқуқининг асосий тамойиллари билан танишамиз.

Сайловлар. Ҳар бир замонавий ҳуқуқий, демократик давлатда сайловлар халқ иродасининг асосий воситасидир. Қозоғистон Республикаси Конституциясига биноан халқ ҳокимиятнинг ягона манбаидир, яъни халқ давлат органларини шакллантиришда иштирок этади. Давлат органлари икки шаклда: сайлов йўли билан ва тайинлаш орқали шакллантирилади. Бирор ижроия ва суд органларида юқори лавозимларга тайинлаш сайланган органлар томонидан амалга оширилади. Шундай қилиб, сайловлар давлат ҳокимиятининг барча тузилмасига юқори даражада қонунийлик беради.

Таянч сўзлар:

- сайловлар
- сайлов ҳуқуқи
- фаол ва нофаол
- сайлов ҳуқуқи



Сайловлар – очиқ ва яширин овоз бериш орқали давлат ва маҳаллий бошқарув органларини шакллантиришнинг демократик жараёнидир.

Сайловларсиз замонавий цивилизацияланган жамиятни тасаввур қилиб бўлмайди. Сайлов жараёни сайлов ҳуқуқи қоидалари билан тартибга солинади. Ҳуқуқий маънода, сайлов ҳуқуқи – бу сайловлар пайтида шаклланадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи конституциявий ва ҳуқуқий нормаларнинг йиғиндиси (28-расм).

Шундай қилиб, сайловлар – ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиси ва халқнинг хоҳиши-иродасини демократик тарзда ифода этиш восита-сиdir. Сайловлар ҳуқуқий ва демократик давлат қуришда муҳим аҳамиятга эга.



1. Сайлов нима? Сизнингча, замонавий жамиятда сайловлар қандай роль ўйнайди?
Нима учун улар жуда муҳим?
2. Қозоғистон Республикасининг сайлов ҳуқуқи қандай асосларда ўрнатилади?
3. Нофаол сайлов ҳуқуқининг фаол сайлов ҳуқуқидан фарқи нимада?



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Гуруҳда ишлаш:

“Сайловларсиз жамият қандай бўлар эди?” Халқ иродасининг оқибатлари ва альтернативаларини муҳокама қилинг.



Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Якка тартибда ишлаш

Турли манбалардан фойдаланган ҳолда сайловларнинг пайдо бўлиши тарихини ўрганиш керак. Саволга жавоб беринг: сайлов қаерда, қандай ва қачон пайдо бўлди? Ушбу саволга жавоб кластер шаклида (постер) берилиши мумкин.

25-§. Сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқи тушунчаси.

Сайловчиларнинг ва бошқа сайлов ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Бугунги дарсда:

Қозоғистон Республикасининг сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқини ўрганамиз, сайлов ҳуқуқи субъектларининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини кўриб чиқамиз.

Таянч сўзлар:

- сайлов тизими
- сайлов ҳуқуқи субъектлари
- сайловчи

Аввалроқ биз сайловлар нима эканлигини, улар қайси тамойилларга асосланганлигини ва сайлов жараёни сайлов ҳуқуқи қоидалари билан бошқарилишини билиб олдик.

Сайлов тизими тушунчаси. Сайлов қонунчилиги ва сайлов тизими ўзаро боғлиқдир.

Қозоғистон Республикасидаги *сайлов тизимида* Қозоғистон Республикаси Конституцияси ва конституциявий қонунларда кўзда тутилган Президент, Парламент ва Маслаҳатлар депутатлари, маҳаллий ҳокимият органларига сайлов ўтказиш тартиби тушунилади.

Анъанавий тарзда сайлов тизимининг учта асосий тури ажратилади: мажоритар, пропорционал ва аралаш, яъни мажоритар-пропорционал.

Мажоритар сайлов тизими – бу кўпчилик тизимидир. Бу шуни англатадики, сайловчиларнинг кўпчилик овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Мажоритар тизимнинг икки хил тури мавжуд:

- мутлақ кўпчиликнинг мажоритар тизими. Мутлақ кўпчиликнинг мажоритар тизимида мутлоқ кўпчилик овоз олган номзод сайланган деб ҳисобланади (50% дан кўпроқ, яъни камидан 50% + 1 овоз);

Умумий сайлов ҳуқуқини күриб чиқамиз (25-чизма).

25-чизма

Умумий сайлов ҳуқуқи

1. Фаол сайлов ҳуқуқи – сайловларда Қозоғистон Республикаси фуқароларининг 18 ёшга тўлган, келиб чиқиши, ижтимоий, лавозим ва мулкий ҳолати, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, эътиқоди, яшаш жойи ва бошқа ҳар қандай ҳолатлардан қатъи назар иштирок этиш ҳуқуқи.

2. Нофаол сайлов ҳуқуқи – Қозоғистон Республикаси фуқароларининг Қозоғистон Республикаси Президенти, Қозоғистон Республикаси Парламенти, маслаҳати ва бошқа маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайланиш ҳуқуқи.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган фуқаролар сайловда қатнашмайдилар.

Тенг сайлов ҳуқуқи. Сайловчилар сайловда тенг шароитда иштирок этадилар ва уларнинг ҳар бири тегишли равишда битта овоз билан битта сайлов бюллетенига эга бўлади.

Қозоғистон Республикаси Президенти, Парламент ва Маслаҳатлар депутатлари, бошқа маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари сайловларида овоз бериш яширин бўлиб, сайловчилар хоҳиш-иродасини ҳар қандай назорат қилиш имкониятини истисно этади.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи. Президент, Парламентнинг ва маслаҳатларнинг депутатлари, бошқа маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг аъзолари фуқаролар томонидан тўғридан-тўғри сайланади.

Билвосита сайлов ҳуқуқи. Парламент Сенатининг депутатлари сайловида сайловчилар – маслаҳатлар депутатлари бўлган республика фуқаролари иштирок этадилар.

Тарихдан

Инсоният умумсайлов ҳуқуқига бирданига эришгани йўқ. Бунга йўл узоқ ва машаққатли бўлди. Ҳуқуқсизлик ҳолатидаги асрлар ўтди – қуллик, крепостнойлик, турли сайлов тақиқлари (ёшга доир, ирқий, мулкий ва ҳоз.) буларнинг барчаси шахсни овоз ҳуқуқидан маҳрум қиласарди. Масалан, АҚШда узоқ вақт ирқий камситиш мавжуд бўлган. Қора танли фуқаролар XIX асрдагина овоз бериш ҳуқуқига эга бўлдилар. Америка аёллари

1920 йил августдан бошлабгина сайловларда қатнаша оладиган бўлдилар. Таъкидлаш керакки, АҚШда аёлларнинг овоз бериши учун кураш узоқ ва азоб-уқубатли бўлди.

Чет элда яшайдиган ёки чет элда бўлган Қозоғистон Республикаси фуқаролари овоз бериш ҳуқуқининг барча турларидан фойдаланадилар. Улар ўз ҳуқуқларидан Қозоғистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида, Қозоғистон Республикасига тегишли бўлган ва сайлов куни сузишда бўлган кемаларда фойдаланишлари мумкин.



29-расм. ҚР Марказий сайлов комиссиясининг йиғилиши

сиялари ҳисобланади. Сайлов комиссияларининг ягона тизимини қўйидагилар ташкил этади:

1. Республика Марказий сайлов комиссияси. У республикадаги сайлов комиссияларининг ягона тизимига раҳбарлик қиласди ва доимий ишлайдиган орган ҳисобланади. Республика ҳудудида сайлов тўғрисидаги қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширади; унинг ягона қўлланилишини таъминлайди; ўз ваколати доирасида республика бўйича мажбурий бўлган қарорлар қабул қиласди; Президент ва Парламентнинг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ташкил этади; Парламентнинг Сенати депутатлари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга раҳбарлик қиласди;

2) ҳудудий сайлов комиссиялари. Булар вилоят (республика миёси-даги шаҳар ва республика пойтахти), туман, шаҳар, шаҳардаги туман

сайлов комиссиялари. Ҳудудий сайлов комиссиялари Президент, Парламент ва маслаҳатлар депутатлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг аъзолари сайловини ташкил этиш ва ўтказилишини таъминлайди (29-расм);

3) участка сайлов комиссиялари тегишли сайлов участкаларида Президент, Парламентнинг Мажлиси ва маслаҳатлар депутатлари, бошқа маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари аъзоларининг сайловини ташкил этиш ва ўтказилишини таъминлайдилар.

Лутфат

- **Сайлов ҳуқуқи** – сайловлар пайтида шаклланаған ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи конституциявий ва хуқуқий нормалар тўплами.
- **Сайлов тизими** – давлат органларига сайлов ўтказиш тартиби.

- нисбий ёки оддий, күпчиликнинг мажоритар тизими. Нисбий күпчиликнинг мажоритар тизимига кўра ҳар бир рақибидан алоҳида алоҳида кўпроқ овоз тўплаган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Пропорционал сайлов тизими партиялар рўйхатига кўра, катта кўп ваколатли сайлов округларидағи сайловларда қўлланилади.

Аralash сайлов тизими депутатлик ваколатларининг бир қисми мажоритар тизимининг тамойилларига мувофиқ тақсимланишидан иборат. Бу барқарор ҳукуматни шакллантиришга ёрдам беради, бошқа қисми эса мутаносиб тизим тамойилларига мувофиқ овозларни тўлиқ ҳисобга олишга ҳисса қўшади ва мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг аниқ манзарасини акс эттиради.

Қозоғистон Республикасида сайлов тизимининг икки тури мавжуд: пропорционал сайлов тизими ва нисбий ва мутлақ кўпчиликнинг мажоритар тизими. Депутатлар ва Президентнинг қандай сайлананишини кўриб чиқамиз (26-чизма).

26-чизма

Қозоғистон Республикасининг сайлов тизими

Кандидат:

- овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг (танловчиларнинг) 50 фоизидан кўп овозини тўплаган;
- қайта овоз беришда, бошқа номзод билан тақъослаганда, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг (танловчиларнинг) кўпроқ овозини олганлар.

Сиёсий партиялардан кўрсатилган Парламент Мажлиси депутатлари ягона умумхалқ сайлов округларида партиялар рўйхатлари бўйича сайланадилар.

Маслаҳатлар депутатлари ҳудудий сайлов округида сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган партиялар рўйхатлари бўйича сайланадилар.

Бошқа маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг аъзоларини сайланда улар учун овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг аксарияти бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз берганларида, номзодлар сайланган деб ҳисобланади.

Сайлов конунчилигининг асосий субъектлари қуидагилар: сайловчилар, номзодлар ва сайлов органлари (барча даражадаги сайлов комиссиялари). Сайловчилар фаол сайлов ҳуқуқига эга бўлган Қозоғистон Республикаси фуқаролариdir.

Номзод Қозоғистон Республикаси Конституцияси ва Президент, Сенат, Мажлис, Маслаҳат депутатлигига сайланиш учун қонун талабларида мос келадиган Қозоғистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Сайлов органлари. Республикада сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ташкил этувчи давлат сайлов органлари сайлов комиссиялари.

6-боб. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ ТУРЛАРИ

26-§. Маъмурий ҳуқуқбузарлик. Маъмурий мажбурлаш. Маъмурий жавобгарлик

Бугунги дарсда:

маъмурий мажбурлаш тушунчаси ва маъносини, маъмурий ҳуқуқбузарлик турлари ва уларни содир этганилик учун жавобгарликни ўрганамиз.

Таянч сўзлар:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик
- маъмурий мажбурлаш
- маъмурий жавобгарлик

Маъмурий ҳуқуқбузарлик – бу жамоат ёки давлат тартибига, давлат ёки шахсий мулкка, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қилиш, айборлик, ноқонунний, ижтимоий хавфли хатти-харакат бўлиб, қонунда маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик жиноий ҳуқуқбузарликтан ижтимоий хавфлилик ва зааралилик даражаси билан фарқ қиласи, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик жиноятчига нисбатан камроқ хавфлидир.

Барча маъмурий ҳуқуқбузарликлар Қозогистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексида кўрсатилган. Ушбу Кодекс 2014 йил 5 июлда қабул қилинган. Мисол сифатида биз майда безорилик кўринишидаги маъмурий ҳуқуқбузарликни кўрсатамиз.

Мисол

2020 йилнинг март ойида коронавирус юқтирган одамга тақлид қилиб йўловчиларни кўрқитган Алмати шаҳрида яшовчи шахс 10 суткага ҳибсга олинди. Бу ҳаракатлар майда безорилик сифатида баҳоланди.

ҚР МХтКнинг 434-моддаси. Умумий фойдаланиш майдонларининг ифлосланиши

Умумий ҳудудларни, оромбоғ, майдонларни ифлослантириш, шу жумладан номаълум жойларда майший чиқиндиларни тўкиш беш ойлик ҳисоблаш миқдорида жарима солишга олиб келади (участка инспекторининг ваколати, 434-модда, 1-бўлим 2-банд).

Қуйидаги мисолларни ҳам кўрсатиш мумкин.

- Ҳайдовчилар томонидан ташқи ёруғлик мосламалари ва (ёки) овозли сигналлари бўлган транспорт воситаларидан фойдаланиш, сигнализациядан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши. Жазо: огоҳлантириш ёки жарима – 3 ҲИМ (ҚР Маъмурий Кодексининг 602-моддаси).
- Жамоат транспортида чиптасиз юриш. Жазо: жарима – 2 ҲИМ (622 –модда. 2-бўлим. ҚР Маъмурий Кодекси).

Шунингдек, сайлов ҳуқуқи субъектларига кузатувчилар, номзодларнинг ишончли вакиллари ҳам кириши мумкин.

Шундай қилиб, сайлов ҳуқуқи сайлов пайтида шаклланадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Сайлов ҳуқуқи сайлов тизими билан ўзаро боғлиқдир. Қозоғистон Республикасида сайлов тизимининг икки тури мавжуд: пропоционал сайлов тизими ва нисбий ва мутлақ кўпчиликнинг мажоритар тизими. Сайлов тўғрисидаги қонуннинг асосий субъектлари қўйидагилар: сайловчилар, номзодлар, сайлов органлари, номзодларнинг ишончли вакиллари ва кузатувчилар.



1. Сайлов тизими нима?
2. Сайлов тизимларининг қайси турларини биласиз?
3. Сайлов ҳуқуқининг асосий субъектларини айтинг, уларнинг ваколатларини аниқланг.



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Якка тартибдаги иш

"Қозоғистон Республикасидаги сайловлар тўғрисида" 1995 йил 28 сентябрдаги Конституциявий қонуннинг моддаларидан фойдаланиб, жадвални тўлдиринг:

№	Сайлов органи	Ваколатлар
1	Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси	
2	Худудий сайлов комиссиялари	
3	Участка сайлов комиссиялари	

Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Жуфтликда ишлаш

1995 йил 28 сентябрдаги "Қозоғистон Республикаса сайловлар тўғрисида" ги Қозоғистон Республикаси Конституциявий Қонуннинг 20-1 ва 20-2-моддаларидан фойдаланган ҳолда, Қозоғистон Республикаси ва хорижий давлатлар сиёсий партиялари, бошқа жамоат бирлашмалари, нотижорат ташкилотлари кузатувчилари, халқаро ташкилотлар, хорижий ОАВ вакилларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг қиёсий таҳлилини ўтказинг. Сайлов кунидаги кузатувчиларнинг аҳамиятини аниқланг.



Мураккабликнинг 3-даражасидаги топшириқ.

1. Ўзини Қозоғистон Республикаси Президентлигига номзод фуқаро В.нинг сайлов штабидаги вакили сифатида таништирган фуқаро А., уни қўллаб-куватлаш учун университет худудида имзо варақаларида имзо тўплади, унда факт номзоднинг номи ва имзолайдиган шахслар учун устунлар кўрсатилган. Сайловчиларнинг қўллаб-куватлаши нима? Имзоларни ким тўплайди? Имзо варақасининг шакли қандай? Унда нима кўрсатилиши керак? Бу ҳолда имзо тўплаш тўғри бўлганми? ("Қозоғистон Республикасидаги сайловлар тўғрисида" ги ҚР Конституциявий Қонуннинг 56-моддасига қаранг).

2. Фуқаро А., Қозоғистон Республикаси Президентлигига номзод, рўйхатга олиш учун 100 ишончли вакилини сайлов комиссиясига тақдим этди. Президентликка номзоднинг қанча вакили бўлиши мумкин? Ишончли шахслар кимлар? Ишончли вакилларга қўйиладиган талаблар қандай? Улар қандай ҳуқуқ ва ваколатларга эга? Улар қачон ўз мақомларини оладилар ва йўқотадилар? ("Қозоғистон Республикасидаги сайловлар тўғрисида" ги ҚР Конституциявий қонуннинг 31-моддасига қаранг).

Маъмурий жавобгарлик – бу ҳуқуқий жавобгарликтининг бир тури. Бу ерда маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳуқуқбузарга маъмурий жазо қўлланилади. Маъмурий жавобгарликтининг мақсади – янги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни содир этганлик учун жазолаш.

Маъмурий жавобгарликтининг вазифалари 28-чизмада келтирилган.

28-чизма

Маъмурий жавобгарликтининг вазифалари

Ҳуқуқий тартибни ҳимоя қилиш

Фуқароларни қонунга хурмат руҳида тарбиялаш

Ижтимоий адолатни тиклаш

Янги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш

Маъмурий жавобгарлик 16 ёшдан бошланади. Маъмурий жавобгарлик қўйидагиларга боғлиқ:

- жисмоний ва юридик шахслар;
- вояга етмаганлар;
- мансабдор шахслар ва бошқарув вазифаларини бажарувчи бошқа шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар;
- ҳарбий хизматчилар, прокурорлар ва бошқа шахслар;
- хусусий нотариуслар, якка тартибдаги тадбиркорларнинг ёки юридик шахсларнинг адвокатлари;
- чет элликлар, хорижий юридик шахслар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;
- имтиёзларга эга бўлган шахслар (Парламент депутатлари, судьялар).

Қозоғистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексига биноан қўйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- огоҳлантириш;
- маъмурий жарима;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик қуроли ёки предмети бўлган предметни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида олинган мол-мулкни мусодара қилиш;
- маҳсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- рухсатномадан маҳрум қилиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, шунингдек, рўйхатдан чиқариб ташлаш;
- фаолиятни тўхтатиш ёки тақиқлаш;
- ноқонуний қурилган ёки қурилган иншоотни мажбурий равиша бузиш;

- Вояга етмаган болаларга нисбатан ота-она мажбуриятларини бажара олмаслик. Жазо: жарима (ҚР Маъмурий ҳуқуқбизарликтар түррисидаги кодексининг 127-моддаси).
- Гиёхвандлик воситалари, психотроп (давлат томонидан тақиқланган) моддалар ва прекурсорларни ноқонуний реклама қилиш. Жазо: жарима (ҚР Маъмурий ҳуқуқбизарлик түррисидаги кодексининг 423-моддаси).

Маъмурий мажбурлаш – бу маҳсус ваколатли давлат органлари томонидан ҳуқуқбизарликларнинг олдини олиш, тұхтатиш ва жазонинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида қўлланиладиган чора.

Маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш учун асослар:

- маъмурий ҳуқуқбизарлик содир этилганлиги;
- маҳсус шароитларнинг бошланиши (масалан, эпидемиялар, эпизоотия, табиий оғаттар ва бошқа фавқулодда вазиятлар). Бу ерда маъмурий мажбурлов чоралари маълум хавфли оқибатларнинг пайдо бўлишининг олдини олиш учун қўлланилади.

Маъмурий мажбурлаш чораларининг таснифини кўриб чиқамиз (27-чиизма).

Лутат

- **Маъмурий ҳуқуқбизарлик** – маъмурий қонун билан тақиқланган ноқонуний ҳаракат.
- **Маъмурий мажбурлаш** – судгача ва суд тартибида жисмоний ва юридик шахсларга таъсир ўтказиш усули
- **Маъмурий жавобгарлик** – маъмурий ҳуқуқбизарлик содир этганик учун жазо

Мамъурий мажбурлов чоралари таснифи

Маъмурий огоҳлантириш чоралари (карантин, маъмурий назорат ва бошқалар)

Маъмурий тұхтатиш чоралари (маҳсус воситаларни қўллаш ва бошқалар)

Маъмурий жазо чоралари (маъмурий жарима ва бошқалар)

2020 йил 16-мартдан бошлаб Қозогистонда коронавирус пандемияси муносабати билан фавқулодда ҳолат жорий қилинди. Мазкур вирус инфекциясининг олдини олиш мақсадида кўп шаҳарларда карантин жорий қилинди.

Маъмурий мажбурлов салбий ижтимоий оқибатларнинг олдини олиш, ҳуқуқ субъектларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларини тутатиш, шунингдек, вазиятнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида юзага келганда тузатишлар киритиш, шунингдек, бузувчини жавобгарликка тортишда қўлланилади.



Муракабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Гурухда ишлаш. Мунозара олиб боринг. Оила ва жамиятдаги одамлар учун ахлоқ қоидаларини мұхокама қилинг. Саволларга жавоб беринг.

1. Оилада ахлоқий қоидаларни бузиш, ахлат ташлаш, уй-жойни ифлослантириш, уятсиз сүзларни ишлатиш, ота-оналар ва қариндошларни ҳурмат қиласлик мүмкінми?

2. Оила жамият билан боғлиқми? Жамиятда оилада ҳурмат қилиниши керак бўлган меъёрларга риоя қилиш керакми?

3. Нега кўп одамлар жамоат тартибини бузишади?

4. ҚР МХтК нинг 434, 440-моддаларида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш усуслари ва йўллари қандай?

5. Ахлоқ, одоб, урф-одатлар, анъаналар меъёларига мурожаат қилинг. Кўп ҳолатларда сизнинг хатти-харакатларингизда ушбу меъёрларга таянишингиз кераклигини исботланг. Қуйидаги иборани ишлатинг: “Инсонга аввало билим керак эмас, балки тарбия керак, чунки тарбиясиз олинган билим – инсоннинг душмани”. Ал-Форобий.



Муракабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Гурухда ишлаш.

Қозоғистон Республикаси Маъмурий Кодексининг 43-51-моддаларида таяниб, маъмурий жазо турларини мұхокама қилинг.

27-§. Жамоат тартибига ва ахлоққа тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар

Бугунги дарсда:

жамоат тартибига ва ахлоққа зид келадиган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг асосий турларини кўриб чиқамиз.

Таянч сўзлар:

- майда безорилик
- жамоат жойи
- маъмурий баённома
- жарима

Маъмурий ҳуқуқбузарликтининг асосий турлари. Ҳуқуқбузарликлар замонавий жамият ҳаётининг ажралмас қисмидир. Инсон ўз мақсадига ёки керакли фаровонликка эришиш учун қонунни бузиши мумкин. Бирор одамнинг ноқонуний хатти-харакатни қилишига турли хил қарама-қаршиликлар (сиёсий, ижтимоий, диний ва бошқалар), турмуш даражаси пастлиги ёки эҳтиёжлар ва мавжуд имкониятларнинг мос келмаслиги киради. Ноқонуний хатти-харакатлар нафақат умидсиз вазиятда бўлган одамлар томонидан, балки турли васваса оқибатидаги ғоялар ва носоғлом мойилликларга эга бўлган ақлий бекарор шахслар томонидан ҳам амалга оширилади.

Жамоат тартибига ва ахлоққа зид келадиган маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқамиз.

Ахлоқ – бу муайян вазиятда одамнинг ўзини тутишини белгилайдиган қадриятлар, ички нормалар ва қоидалар тизими. Ушбу қадриятлар адод

- маъмурий ҳибсга олиш;
- чет әл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни Қозоғистон Республикаси ҳудудидан маъмурий чиқариб юбориш.



Жисмоний шахс Қозоғистон Республикаси Маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги кодексда назарда тутилган ноқонуний хатти-ҳаракатни содир этиш чоғида ақлдан озган ҳолда, яъни ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) асл моҳияти ва хавфини англай олмаган ёки сурункали руҳий касаллик, вақтинчалик руҳий ҳолатининг бузилиши ёки бошқа психиканинг оғриқли ҳолати туфайли уларни бошқарган шахс маъмурий жавобгарликка тортилмайди. (Қозоғистон Республикаси Маъмурий жиноятлар кодексининг 29-моддаси).

Мисол

15 ёшли Иван ва 16 ёшли Асқар марказий бозор ҳудудида спиртли ичимлик ичишган. Уларнинг ҳаракатлари учун ким жавобгар бўлади? Улар маъмурий жавобгарликка тортилишадими? Ушбу жавобларни муҳокама қилинг.

1. Иван ва Асқар вояга етмаганлар. Уларнинг тарбияси учун уларнинг ота-оналари жавобгардир. Қозоғистон Республикаси Маъмурий Кодексининг "Спиртли ичимликлар ичиш ёки жамоат жойларида маст бўлиш" тўғрисидаги 440-моддага мурожаат қиласиз. Шундай қилиб, жамоат жойларида 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг маст бўлиш ҳолати пайдо бўлиши, шунингдек, улар томонидан алкоголь ичимликлар ичиш ота-оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга беш ойлик ҳисоблаш индекслари миқдорида жарима солишга олиб келади, яъни ота-оналар ушбу қоидабузарлик учун жарима тўлайдилар.

2. Аммо Иван ва Асқарнинг ўzlари ҳам ўzlарининг ҳаракатлари учун жавобгар. Қозоғистон Республикаси Маъмурий Кодексининг 69-моддасига мувоғиқ вояга етмаганга нисбатан қуйидаги тарбиявий чоралар қўлланилиши мумкин: қонунни тушунтириш; етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини юклаш; бўш вақтни чеклаш ва вояга етмаганнинг хулқ-атвори учун маҳсус талабларни белгилаш. Вояга етмаганга бир вақтнинг ўзида бир нечта тарбия таъсирини ўtkазиш мумкин. Полиция ходимлари вояга етмаганларни рўйхатга олиб қўйишлари мумкин.

Эътибор беринг!

Автотранспорт воситаси мопедлар, 50 кубгача бўлган квадратциклар, шунингдек, электр скутерларни англатади.

Шундай қилиб, маъмурий ҳукуқбузарлик бу жамоат тартибини, инсон ҳуқуқларини ва давлат бошқарувини бузадиган ноқонуний ҳаракатлардир. Ушбу ҳукуқбузарликлар учун айборлар маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Ваколатли давлат органлари жамоат тартибини таъминлаш учун мажбуров чораларини қўллашлари мумкин. Охир – оқибат, маъмурий жавобгарлик ҳуқуқ субъектларини қонунга риоя қилишга ва уни ҳурмат қилишга ундейди.



1. Маъмурий ҳукуқбузарлик нима ва у жиноий ҳукуқбузарлиқдан нимаси билан фарқ қиласи?
2. Гурухда мажбуrlash чораларини ва уларни қўллаш сабабларини муҳокама қилинг.

Лугат

- **ХИМ** – бу жорий йилнинг 1 январида тасдиқланган ойлик ҳисоблаш күрсаткичи.
- **Жамоат жойлари** – одамларнинг энг кўп йиғилиши мумкин бўлган ҳудуд ёки майдон (парклар, театрлар, майдонлар, дам олиш жойлари, кафелар).
- **Маъмурий баённома** – маъмурий хуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этиладиган хужжат.

Жамоат жойларида чекиш. Маъмурний кодексда жамоат жойларида тамаки маҳсулотлари ва электрон сигареталари истеъмол қилиниши тақиқланади. Чунончи, Қозоғистон Республикаси Маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекснинг 441-моддасида ушбу ҳаракатлар учун З ХИМ миқдорида жарима солиниши кўрсатилган.

Қандай жойларда чекиш тақиқланган? 2019 йил 18 сентябрда қабул қилинган халқ соғлиги ва соғлиқни сақлаш тизими тўғрисидаги Кодекснинг 159-моддасига мурожаат қиласиз. Чекишга тақиқ таълим, соғлиқни сақлаш ташкилотлари, музейлар, жамоат овқатланиш пунктлари, театрлар, кинотеатрлар, цирклар, кўргазма ва спорт заллари, оммавий дам олиш

учун мўлжалланган ёпиқ бинолар, жумладан тунги клублар ва дискотекаларга жорий қилинган.

Шунингдек, чекиш поездлар, дарё ва денгиз транспортининг белгиланмаган жойларида; ҳаво кемаси бортида, йўловчи ташиётган пайтда автобуслар, микроавтобуслар салонида, троллейбусларда, таксилаар ва шаҳар рельсли транспортида; аэропорт, темир йўл, автомобиль ва сув йўллари вокзалида; давлат органлари ва ташкилотларида; иш жойи ҳисобланган биноларда, уйларнинг подъездларида тақиқланади.

Иш берувчи тамаки маҳсулотларининг истеъмоли учун маҳсус жой ажратишлари лозим. Аэропорт ва вокзал биноларида маҳсус белгилangan жойлардагина чекиш мумкин. Қонунга биноан 18 ёшга тўлмаган ёш болаларга тамаки маҳсулотлари сотилмайди.

Қозоғистон Республикаси Парламентида сигарет сотиб олишга рухсат беришни 21 ёшгача чўзиш масаласи муҳокама қилингани.

Эътибор беринг!

Жамоат жойларида спиртли ичимликларни истеъмол қилиши ёки маст ҳолатда жамоат жойида бўлиш, шунингдек ХИМнинг 5 баравар миқдорида жаримага олиб келади (Қозоғистон Республикаси Маъмурий хуқуқбузарлик кодексининг 440-моддаси).

Шунингдек, ўн саккиз ёшга тўлмаганларга маст ҳолда жамоат жойларида кўриниш, бунга teng равишда уларнинг алкоголь ичимлик ичишлари тақиқланади. Бу ҳаракатлар учун уларнинг ота-оналарига ёки ота-она ўрнини босувчиларга ойлик ҳисоблаш кўрсаткичининг беш баравари миқдорида жаримага тортилади. Коида бузиш тақрорланса, жарима миқдори икки бараварга оширилади ёки беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ жазоси қўлланилади.

лат, шараф, қадр-қиммат, раҳм-шафқат, меҳр-оқибат, ҳалоллик ва тинчлик ғояларига асосланади. Инсон бу барча фазилатларни әрта болаликдан сингдирди. Ахлоқ – бу инсонга таълим орқали сингдирілган нарса.



Зарар ижтимоий фойдали мақсадға қаратылған бұлса, маъмурий ҳуқуқбузарлық хисобланмайды. Масалан, шошилинч тиббий ёрдамға мұхтож одамни олиб бориш учун тегишли ҳужжатсиз транспорт воситасини бошқариш.

Маъмурий жарималар ҳақида гап кетганды, күпинча бу Йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчиларни англатади. Бироқ машинанинг йўқлиги маъмурий жарималар сизни четлаб ўтишига ишониш учун сабаб эмас.

Бегиланмаган жойдан йўлни кесиб ўтиш. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекснинг 615-моддаси 1-бўлимида пиёдалар ва бошқа йўл ҳаракати қатнашчилари томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш қоидаларида белгиланган талабларга риоя қилмаслик ҲИМнинг икки баравари миқдорида жарима солинишига олиб келади. Бу шуни англатадики, агар сиз светофор ёки пиёдалар ўтиш жойидан эмас, балки зарур бўлған бошқа йўлдан ўтишга қарор қилсангиз, унда жаримани тўлашга тайёр туриш.

Жамоаттранспортида чиптасиз юриш икки ҲИМ миқдорида жарима билан жазоланади (Қозогистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 622-моддаси “Шаҳар ва шаҳар атрофи транспортидан фойдаланиш қоидаларини бузиш”, 2-қисм, “жамоат транспортида юриш учун тўловни тўлашдан бош тортиш”).



Алматида шаҳар йўналишларида жамоаттранспортида “ОҢАЙ” электрон чипталар тизимиға тўлиқ ўтиш бўлиб ўтди. 2016 йил 11 январдан бошлаб тўлов фактат электрон картадан фойдаланган ҳолда талаб қилинади. Бироқ кўплаб йўловчилар ҳайдовчига йўл ҳақини ноқонуний равишда тўлайдилар ёки уни тўламайдилар. Биринчи ҳолда, йўловчилар йўл ҳақини шу йўл билан тўлаган деб ҳисоблашади, лекин аслида транспорт хизмати тўланмаган, чунки йўловчига пул эвазига тасдиқланган намунадаги йўл ҳужжати (чипта) берилмайды. Йўловчилар “ОҢАЙ” карталари ва йўл карталари ёрдамида бундай ҳужжатни электрон шаклда олишади. Ишлаб чиқувчиларнинг сўзларига кўра, “ОҢАЙ” логотипи билан бир қаторда, у қоғозда ҳам чиқарилган. Шунга кўра, назоратчи йўловчининг карта ёки “ОҢАЙ” йўл картаси ёрдамида йўл ҳақини тўламаганligини аниқласа, маъмурий жарима соладиган полиция ходимларига қўнғироқ қилиши мумкин (31-расм).



30-расм. Белгиланмаган жойдан йўлни кесиб ўтиш



31-расм. “Оңай” терминали

Эътибор беринг!

Бүш вақтни чеклаш ва вояга етмаганнинг хулқ-атвори учун маҳсус талабарни белгилаш муайян жойларга ташриф буюришни тақиқлаш, бүш вақтнинг маълум шаклларидан фойдаланиш, шу жумладан транспорт воситаларини бошқариш билан боғлиқ, куннинг маълум вақтидан кейин уй ташқарисида бўлишни чеклаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли суд ёки органнинг (мансабдор шахс) рухсатисиз бошқа жойларга боришни ўз ичига олиши мумкин. Вояга етмаганга нисбатан ҳуқуқбузарнинг хулқ-атворига нисбатан маҳсус талабар, шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия ёрдамида ўқишни тўлиқ бажариш ёки ишга жойлашиш талаби белгиланиши мумкин.

Ота-оналар ёки бошқа қонуний вакиллар балоғатга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш мажбуриятини бажармаганликлари учун жавобгардир. Бунинг учун З ҲИМ миқдорида жарима солиниши мумкин. Агар вояга етмаганлар алкоголли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг ўхшашларини истеъмол қиласалар ёки дайдилик ё тиланчилик қиласалар, ёки жиноий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик белгиларини ўз ичига олган қасдан хатти-ҳаракатлар қиласалар, ота-оналарга ёки қонуний вакилларга 20 ҲИМ миқдорида жарима ёки ўн кунгача маъмурий қамоқ жазоси қўлланилади. Шунингдек, ота-оналар ёки қонуний вакиллар вояга етмаганларнинг тунги дам олиш масканларида бўлганликлари учун жавобгардир (ҚР МХтК нинг 132-моддаси).

Шундай қилиб, жамоат тартибини ва ахлоқий меъёрларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганга нисбатан тарбиявий таъсирга эга чораларни қўллаган ҳолда маъмурий жазо белгиланиши мумкин.




1. Қайси маъмурий ҳуқуқбузарлик жамоат тартибиغا ва ахлоқа зид келишини айтинг. Ахлоқни қандай тушунасиз? Ахлоқий меъёрлар қандай шаклланади?
2. Жамоаттартибиغا ва ахлоққа зид келадиган асосий маъмурий ҳуқуқбузарликлар жадвалини тузинг, уларнинг содир этилганлиги учун жавобгарлик турларини кўрсатиб беринг.
3. Кичик безориликнинг асосий шакларини аниқланг.



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Якка тартибда ишлаш

Кичик безорилик жамоат жойида спиртли ичимлик ичишдан қандай фарқ қилишини чизма орқали изоҳланг.



Мисол

Фуқаро Ц. турар жой биносининг ҳовлисида бўлганида, жамоат жойини сигарет қолдиғини ерга улоқтириб, ифлослантирган. Уни сергак полиция ходимлари пайқашди. Ушбу ҳуқуқбузарга нисбатан ваколатли шахс ҚР Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекснинг 434 моддаси 1-қисмiga биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузди. Кокшетау шаҳар Ихтисослаштирилган маъмурий судининг 2018 йил 1 ноябрдаги қарори билан фуқаро Ц. айбдор деб топилди ва ўн ойлик ҳисоблаш индекси миқдорида маъмурий жаримага тортилди.

Жамоат жойларида шилқимлик қилиш (ҚР МХтК ининг 449-моддаси). Ушбу маъмурий ҳуқуқбузарлик қуийдагича. Бунда бир одам бошқа одамга жамоат жойларида нарсаларни сотиб олиш, сотиш, алмашиш, эгаллаб олиш ёки фол очиш, тиланчилик ёки бошқа хизматларни юклash мақсадида ёпишиб олади. Ушбу ҳаракатлар учун субъект маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги. (ҚР МХтК нинг 9-боби). Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганга нисбатан маъмурий жазо тарбиявий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш орқали берилиши мумкин.

Вояга етмаганга нисбатан қўлланиладиган маъмурий жариманинг миқдори ўн ойлик ҳисобланган индексдан ошмаслиги керак. Агар вояга етмаганнинг жаримани тўлаш учун мол-мулки бўлмаса, жазо ота-оналарга ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларга қўлланилади. Вояга етмаганлар, шунингдек, маҳсус ҳуқуқлардан, масалан, кажавали мотоциклда юриш ҳуқуқидан маҳрум бўлишлари мумкин.

Вояга етмаганга маъмурий жазо тайинлашда унинг ҳаёти ва тарбияси шарт-шароитлари, ақлий ривожланиш даражаси, бошқа шахсий хусусиятлари, шунингдек, катта одамларнинг унга бўлган таъсири ҳисобга олинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни биринчи марта жиноят содир этган вояга етмаган шахс маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ваколат берилган суд, орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий жавобгарликдан ёки қонунда назарда тутилган тарбиявий чора-тадбирларни қўллаган ҳолда белгиланган маъмурий жазони ижро этишдан озод қилиниши мумкин.

Қайд этиш керакки, тарбиявий чоралар вояга етмаганга нисбатан қўлланилиши мумкин (ҚР МХтК нинг 69-моддаси). Бу қонуннинг изоҳи; етказилган заарни қоплаш мажбуриятини юклash; бўш вақтни чеклаш ва вояга етмаганнинг хулқ-атвори учун маҳсус талабларни белгилаш. Вояга етмаганга бир вақтнинг ўзида бир нечта таълим таъсирини ўтказиш чораларини белгилаш мумкин.

Таълим таъсирини чораларини қўллаш муддати уч ойдан олти ойгача белгиланади.

Ер жуда күп вазифаларни бажаради, шунинг учун ер муносабатларини ҳар томонлама, келишилган ҳуқуқий тартибга солиш зарур.




Қозоғистон Республикаси Евроосиё қитъасининг марказида икки қитъанинг кесишинасида жойлашган бўлиб, майдони 272,5 миллион гектарни ташкил этади. Республика ҳудудининг бир қисми Европада, асосий қисми Осиёда жойлашган. Қозоғистон ер майдони бўйича дунёдаги ўнта йирик давлатларидан бири бўлиб, одам бошига ер таъминоти бўйича дунёда Австралия ва Канададан кейин учинчи ўринда туради. Қозоғистон Республикасининг қўшни давлатлар билан қуруқликдаги давлат чегараси 13,383 км ни ташкил этади (Қозоғистон Республикаси ерларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги эркин таҳлилий ҳисобот).

Қозоғистон ер фонди – бу бизнинг мамлакатимизда жойлашган барча ерлардир. У еттита тоифадан иборат бўлиб, улар қўйида келтирилган (30-чизма).

30-чизма

Қозоғистон Республикасининг ер фонди (тоифалар бўйича)



Ерга оид қонуний муносабатлар – бу ҳокимият, ташкилот ва жисмоний шахслар ўртасидаги ерни олиш, тақсимлаш, фойдаланиш ва муҳофаза қилишга оид муносабатлар. Ерга оид қонуний муносабатларнинг субъектлари давлат, давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслардир. Ер муносабатларининг объекти ерdir. Ер муносабатларининг мазмuni қатнашчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан иборат.

Ер иқтисодий муносабатлар жараёнида одамлар томонидан фойдаланилиши натижасида ер муносабатлари объекти бўлади.

Ер ҳуқуқи тизимига бир-бирига боғланган юридик институтлар мажмуи киради. Улар ер муносабатларини тартибга солишда ролла-



Муракабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Гуруҳда ишлаш. Очиқ мунозара

1. Жамоат тартибини ва ахлоқни бузадиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик турларини синфда муҳокама қилинг. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик турларини кучайтириш ёки енгиллаштириш ҳақида ўйлаб кўринг.



Муракабликнинг 3-даражасидаги топшириқ. Ақлий ҳужум!

Фуқаро И. уйнинг кириш қисмida сигарет чекади. Фуқаро И.нинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик белгилари кўринадими? Агар шундай бўлса, Қозоғистон Республикаси Маъмурий Кодексининг қайси моддасига биноан? Фуқаро К. Ақтогай қишлоғининг марказий майдонида бир шиша пиво очди ва ичишни бошлади. Фуқаро К.нинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик белгилари кўринадими? Агар шундай бўлса, Қозоғистон Республикаси Маъмурий Кодексининг қайси моддасига биноан?

7-боб. ЕР ҲУҚУҚИННИГ АСОСЛАРИ

28-§. Ер ҳуқуқининг тушунчаси, тизими, тамойиллари ва манбалари

Бугунги дарсда:

ер ҳуқуқи нима эканлигини билиб оламиз, ер ҳуқуқининг тизими, тамойиллари ва манбаларини аниқлаймиз, ер муносабатларининг хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Ер ҳуқуқи – бу ер муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий қоидалар тўплами. Бу муносабатлар ерга эгалик қилиш ҳуқуқидан келиб чиқади, ер ресурсларини давлат томонидан бошқариш соҳасини қамраб олади (ерни бериш, олиб қўйиш, давлат назорати, мониторинг ва бошқалар).

Қуйида ер қонунлари нуқтаи назаридан ернинг турли маъноларини кўрсатадиган 29-чизма берилган. Ер – бу:

Таянч сўзлар:

- ер ҳуқуқи
- ер муносабатлари
- ер ҳуқуқи тамойиллари

29-чизма



Ер ҳуқуқининг тамойиллари

- 1) Қозоғистон Республикаси ҳудудининг яхлитлиги, дахлсизлиги ва бегоналашмаганлиги;
- 2) Ерни табиий ресурс сифатида ҳамда, Қозоғистон Республикаси халқларининг ҳаёти ва фаолиятининг асоси сифатида сақлаш;
- 3) Ердан оқилона фойдаланишни муҳофаза қилиш;
- 4) Экологик ҳавфсизликни таъминлаш;
- 5) ердан мақсадли фойдаланиш;
- 6) ердан қишлоқ ҳұжалигига мүлжалланғанлигининг устуорлиги;
- 7) ерларнинг ҳолати ва унинг мавжудлиги түғрисида маълумот билан таъминлаш;
- 8) ердан фойдаланиш ва уларни сақлаш бүйіча тадбирларни давлат томонидан құллаб-қувватлаш;
- 9) ерга заар етказишнинг олдини олиш ёки унинг оқибатларини бартараф этиш;
- 10) ердан фойдаланишнинг қатламларга асосланғанлиги.

Ерга оид низолар ҳар доим ҳам фуқаролик низоларининг мураккаб тоифасига кирган ва уларни суд орқали ҳал қилиш амалиёти бир хил эмас. Бунинг асосий себаби, фуқаролик процессуал қонунчилигининг ракобат ва тенглик масалаларини тартибга солувчи амалдаги фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларининг судга далиллар тақдим этишда чигаллиги ва номуккаммаллигидир.

Суд муносабатларини тартибга солища судларнинг ҳуқуқни құллаш амалиёти, шунингдек, суд амалиётини умумлаштирувчи Қозоғистон Республикаси Олий судининг қарорлари катта аҳамиятта эга.

Шундай қилиб, ер түғрисидаги қонун мулкка бўлган ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ барча муносабатларни, шунингдек, ердан ноёб табиий объект сифатида фойдаланишни чеклашни, шунингдек, давлат органларининг ерлардан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги фаолиятини тартибга солади.

рига қараб маълум бир кетма-кетликда жойлашади.

Ер ҳуқуқи Умумий, Алоҳида ва Махсус қисмлардан иборат.

Ер тұғрисидаги қонуннинг умумий қисмінде ушбу соҳанинг бутун тизимиға хос бўлган энг муҳим қоидалар, таърифлар ва тамойилларни ўз ичига олган институтлар киради.

Махсус бўлимда тегишли ер тоифаларининг ҳуқуқий режими белгиланган. Ер ҳуқуқининг алоҳида қисми таркибига МДҲ давлатлари, Европа мамлакатлари, АҚШ да ер муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини, ерлардан фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни очиб берадиган институтлар киради.

Ер ҳуқуқи усуллари – бу ер муносабатлари иштирокчиларига таъсир қилиш усуллари. Ер қонунчилигига ҳуқуқий тартибга солишнинг диспозитив ва қатъий талаб усуллари қўлланилади. Ер муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг асоси бўлган муҳим ғояси ва аввали бўлган *ер ҳуқуқининг тамойиллари* катта аҳамиятга эга. Улар ҚР Ер кодексининг 4-бандида мустаҳкамланган (29-чизма).

Ер ҳуқуқининг манбалари – бу ёзма расмий ҳужжатлар – қайта-қайта қўллашга мўлжалланган актлардир.

Ер қонунчилигининг асосий манбаи энг юқори юридик кучга эга ва республикада тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган Қозоғистон Республикаси Конституциясидир. Шунингдек, 2003 йил 20 июня беш қисм, 21 боб ва 171 моддадан иборат бўлган Қозоғистон Республикасининг Ер кодекси қабул қилинди.

Ер қонунчилигининг манбаларига Сув, Ўрмон, Экологик, Жиноий, Фуқаролик, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги Кодекслар киради. Фақат ер муносабатлари ва ерга нисбатан бошқа муносабатларни тартибга солувчи махсус қонунлар мавжуд. Масалан, “Қозоғистон Республикасида меъморчилик, шаҳарсозлик ва қурилиш фаолияти тўғрисида” ги қонун.

Шахсий аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар ер ҳуқуқининг манбаи эмас. Масалан, фуқароларга ва юридик шахсларга маълум бир ер участкасини бериш ва сотиш тўғрисидаги акт бир марталик бўлиб, фақат ушбу аниқ субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

Лугат

- **Ер ҳуқуқлари предмети** – ер ҳуқуқлари меъёрлари тартибга солинадиган ер муносабатлари.
- **Ерга оид ҳуқуқий муносабатлар** – ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда юзага келадиган ер ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар
- **Ер ҳуқуқлари усули** – ер муносабатлари иштирокчиларига таъсир этадиган ҳуқуқий йўллари ва усуллари тўпламидир.

- бошқа ҳуқуқий шакл ва ҳолаттарда амалга оширилади (Қозоғистон Республикаси Ер кодексининг 27-моддаси).




Давлат ўз ер участкасини чекланмаган ҳолда, фақат қонунда белгиланган шакл ва ҳолларда тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Бу шуни англатадики, давлат ва ҳокимият вакили бўлган давлат органлари фақат қонунда рухсат этилган ҳолларда сотиш, хусусий мулкка ўтказиш ва ҳоказолар ҳуқуқига эга.

Ер участкасига хусусий мулк ҳуқуқи – бу мулкдорнинг қонун ҳужжатларида белгиланган асослар, шартлар ва чегараларда ўз ерларига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқидир.

Давлат ўз ваколатли органлари номидан давлат мулки ҳуқуқининг субъекти ҳисобланади (32-чиизма).

32-чиизма



Қозоғистон Республикаси Ер кодексининг 23-моддаси ерга хусусий мулкчиликка бағишлиланган. Ушбу моддадан келиб чиқиб, қуйидаги ҳолларда *Қозогистон Республикаси фуқаролари ер эгаси бўлишилари мумкин* деган холосага келишимиз мумкин:

- 1) якка тартибдаги уй-жой ва боғ ҳовли қуриш;
- 2) дехқон ёки фермер хўжалигини юритиш учун;
- 3) шахсий томорқа хўжалиги;
- 4) ўрмонзор барпо этишучун;
- 5) боғдорчилик;

6) саноат ва ноишлаб чиқариш, шу жумладан турар жойлар, бинолар (қурилишлар, иншоотлар) ва уларнинг мажмуаларини қуриш ёки қуриш учун берилган (бериладиган), шу жумладан биноларни (қурилишларни, иншоотларни) ўз мақсадларига мувофиқ сақлаш учун мўлжалланган ерлар.



- Ер хуқуқининг предмети ва усулини аникланг. Ушбу усуллар ер муносабатларини қандай тартибга солади?
- Ер хуқуқи тизимининг элементларини айтинг. Қозоғистон Республикасининг ер фонди ва унинг таркибий қисмлари ҳақида бизга айтиб беринг.
- Ернинг хуқуқий муносабатлари түзилишини тавсифланг.



Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Якка тартибда ишлаш

Қозоғистон Республикасининг 2003 йил 20 июндаги Ер Кодексидан фойдаланиб, ер муносабатлари қатнашчиларининг хуқуқлари ва мажбуриятларини ўрганинг ва гапириң (КР Ер кодексининг 64-66-моддалари). Ушбу мавзу бўйича тақдимот тайёрланг.



Мураккабликнинг 3-даражасидаги топшириқ. Якка тартибда ишлаш

Ер муаммолари бизнинг тарихимиздаги турли урушларни авж олдирди. Дунё тарихида қандай ер талашиш низолар бўлган? Ушбу мавзу бўйича реферат тайёрланг.

Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари тарихига мурожаат қилинг. Ушбу урушларнинг сабаблари ва оқибатлари ҳақида ер қонунлари нуқтаи назаридан айтиб беринг. Бу саволларни дарсда муҳокама қилинг.

29-§. Ерга эгалик хуқуқи

Бугунги дарсда:

Қозоғистон Республикасида ерга эгалик қилишнинг қандай турлари мавжудлигини, ким ер эгаси бўла олишини, ер эгаларининг хуқуқлари ва мажбуриятларини билиб оламиз.

Ерга эгаликнинг турлари. 1995 йилгача Қозоғистонда ерларга мутлақ давлат эгалиги мавжуд бўлган. 1995 йил 30 августда Қозоғистон Республикаси Конституцияси ерга хусусий мулкчилик хуқуқини кафолатлади. Шу билан бирга, давлат ва хусусий мулк тан олинади ва teng даражада ҳимоя қилинади.

Таянч сўзлар:

- ерга эгалик
- ер участкаси

Ернинг эгаси бўлган киши ўз мулки учун жавобгар бўлиши шарт. Ердан фойдаланиш бошқаларнинг хуқуқларини бузмаслиги керак. Агар бундай бузилиш содир этилган бўлса, у ҳолда шахс бузилган хуқуқни ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиши мумкин.

Мисол

Қўшнилар бир-бирининг хуқуқларини бузмасликлари керак. Агар қўшнининг дарахтлари бошқа қўшнига еридан фойдаланишга халақит берадиган бўлса, уларни кесиш керак.

Давлат мулки хуқуқи қандай амалга оширилади?

Давлат мулки тасарруфида бўлган ер участкалари қўйидагилар бўлиши мумкин:

- сотилиши ёки бепул хусусий мулкка берилади;
- доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун берилади;

Савол туғилади: ернинг хусусий мулкдори нефть, газ ва бошқа фойдали қазилмалар, бошқа табиий ресурсларни, агар улар унинг участкасида бўлса, тасарруф этишга ҳақлими?

Қозоғистон Республикаси Конституциясига биноан фақат ер участкалари хусусий мулк бўлиши мумкин. Ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий бойликлар фақат давлат мулки ҳисобланади. Ер участкасига бўлган ҳуқуқ ушбу қисм чегаралари ичида жойлашган ёпиқ сув ҳавзалари ва ўтқазилган дараҳтлар жойлашган тупроқ қатлами тегишлидир. Агар хусусий участка ҳудудида нефть, газ ва бошқа фойдали қазилмалар топилса, давлат унинг мулкдори бўлади ва фақат давлат уларни тасарруф этади.

Ер участкасига эгалик ҳуқуқи қуйидаги йўллар билан вужудга келади:

- мулкни бериш;
- мулкни бошқа шахсга ўтказиш;
- мулкни ўтказиш (мерос ва бошқалар).

Қуйидаги асосларда:

- Давлат органларининг ҳужжатлари;
- Фуқаролик-ҳуқуқий битимлар;
- Қозоғистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа асослар (ҚР Ер кодексининг 20-23-моддалари).

Ердан фойдаланиш ҳуқуқи мулк ҳуқуқидан келиб чиқади. Ер эгасидан фарқли ўлароқ, ердан фойдаланувчининг фойдаланиш ҳуқуқи чекланган. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи доимий ёки вақтинча, ўзга шахсга берилиши ёки ўзга бўлмаган шахсга берилиши, пуллик ёки беғараз асосда сотиб олиниши мумкин. Доимий равишида ердан фойдаланиш бу чекланмаган деган маънени англатади, бу факат давлат юридик шахсларига берилади. Масалан, давлат ҳокимияти органдар, давлат ташкилотлари ва муассасаларига мудофаа ва миллий хавфсизлик мақсадларида фойдаланиладиган, соғломлаштириш ва тарихий-маданий мақсадлардаги алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар эгаллаган ерлар, ўрмон ва сув фондлари, аҳоли пунктлари ерларида умумий фойдаланиш учун мўлжалланган ва заҳира ерлар. Вақтинча ердан фойдаланиш бу узоқ муддат (5 йилдан 49 йилгача) ва қисқа муддатга (5 йилгача) берилишини англатади.

Чет элликларга фойдаланиш учун ер чекловлар билан берилади. Бу дегани, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни хорижий фуқароларга хусусий мулкка бериш тақиқланади. Фақатгина вақтинча фойдаланиш 25 йил муддатга рухсат берилади, аввал 10 йил эди. Чегара зонасида ерларни сотиш ва ижарага бериш тақиқланади, бу эса ерга хусусий мулк ҳуқуқини бериш ёки ердан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Қозоғистон Республикасининг нодавлат юридик шахслари ер участкаларининг әгалари бўлиши мумкин, агар улар қўйидагиларга мўлжалланган бўлса:

- 1) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун;
- 2) ўрмонлар барпо қилиш учун;

3) саноат ва ноишлаб чиқариш, шу жумладан турар жойлар, бинолар (қурилишлар, иншоотлар) ва уларнинг мажмуаларини қуриш ёки қуриладиган, шу жумладан биноларни (қурилишларни, иншоотларни) ўз мақсадларига мувофиқ саклаш учун мўлжалланган ерлар.

Саноат ва ноишлаб чиқариш, шу жумладан турар жойлар, бинолар (қурилишлар, иншоотлар) ва уларнинг мажмуалари, шу жумладан биноларни (қурилишларни, иншоотларни) уларнинг мақсадларига мувофиқ хизмат кўрсатиши учун мўлжалланган ерлар ўзлаштирилиши ёки қурилиши учун берилган бўлса, чет элликлар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва хорижий юридик шахслар (нодавлат) ер әгалари бўлиши мумкин.

Қозоғистон Республикаси фуқаролари учун ер участкалари бепул берилишини таъминлайдиган имтиёзлар мавжуд (33-чизма).

Лутфат

- **Ер участкасига хусусий мулк ҳуқуқи** – бу хусусий мулкдорнинг ер участкасига әгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи.
- **Шахсий томорқа хўжалиги** – қишлоқ ва шаҳар атрофи худудларида ўз эҳтиёжлари мўлжалланган фаолият.
- **Ер участкасига ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат** – ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат.

33-чизма

Қозоғистон Республикасининг фуқароларига ер участкаларини бериш

1) қишлоқ жойларда шахсий томорқа хўжаликларини (шу жумладан уй хўжаликлиари ва дала майдонларини) юритиш учун – 0,25 га сугорилмайдиган ва 0,15 га сугориладиган ерларда

2) якка тартибда уйжой қуриш учун – 0,10 га

3) боғдорчилик учун; дала ҳовли қурилиши учун – 0,12 гектар

Эътибор беринг!

Ер участкаларини томорқа хўжалиги (уй хўжаликлиари) учун ва якка тартибдаги уйжой қурилиши учун ер участкаларини бепул бериш ер участкалари ўзлаштирилганидан сўнг амалга оширилади. Ер участкаларини такрорий бепул бериш тақиқланади.

Агар Қозоғистон Республикаси фуқароси фуқаролигидан маълум ҳолатлар туфайли мамлакатимиз фуқаролигини тарқ этса), у уч ой ичида дехқончилик ёки шахсий фермерлик, ўрмонзорлар барпо қилиш, боғдорчилик ва дала ҳовлилар қурилиши учун берилган ер участкасини сотиш, алмаштириш ёки бошқача тарзда тасарруф этиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) мажбуриятини олади.

күрсатмаслиги кераклигини англаади. Шуни таъкидлаш керакки, ерларни ҳимоя қилиш бу ерларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда ернинг емирилиши ва бузилиши йұналишида иш олиб борувчи органлар ва ташкилоттарнинг фаолиятидир. Шунингдек, ерларни мухофаза қилиш бузилган ерларни тиклаш ва яхшилаш ишларини үз ичига олади ва ердан мақбул фойдаланиш учун маҳсус стандартларни жорий қилишни англаади.

Тарих сағиғасидан

ХХ асрнинг 50-йиллари ўрталарыда Қозоғистонда қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши бошланди. Бу СССРда дон муаммосини ҳал қилишга ёрдам берди. Бирок қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши Қозоғистон қишлоқ хўжалигига кўплаб муаммоларни келтириб чиқарди. Атроф-муҳит бузилиб, қўриқ тупроқларнинг ўзи бузила бошлади (32-расм). Нотұғри қайта ишлаш ва саноат ифлосланиши натижасида республика ҳудудининг 66 фоизи чўллалишга



32-расм. Қозоғистонда қўриқ ерларни ўзлаштириш

учрайди. Бугунги кунга келиб, чўллашиш ва ерларнинг саноат чиқиндилари билан ифлосланиши натижасида 200 минг гектардан ортиқ қишлоқ хўжалик ерлари йўқолган. Тупроқнинг емирилишидан ҳар йили етказиладиган заарар миллиардлаб долларни ташкил этади. Чўллашиш – ерларнинг емирилишининг кенг тарқалган муаммосидир. Унумдор ерлар намлик ва ўсимликлардан айрилиб, чўлларга айланади. Натижада, бундай ҳудудлар инсон ҳаёти учун яроқсиз бўлиб қолади ва фақат бундай шароитда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг айрим турларигина ҳаётга мослаша олади.

Ер, мулк эгалари ердан фойдаланувчилар ерни ҳимоя қилиш максадида Қозоғистон Республикаси Ер кодексининг 14-моддасига биноан қўйидаги ишларни амалга оширишга мажбурдир:

- ерларни чўлланишдан, сув ва шамол эрозиясидан, сел, сув тошқини, ботқоқланиш, иккиламчи шўрланиш, тупроқнинг зичлашишидан, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари, кимёвий, биологик, радиоактив ва бошқа заарли жараёнлардан ва бошқа бузилиш жараёнларидан ҳимоя қилиш;
- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни карантин заарар кунандалари ва ўсимлик касалликлари билан юқтиришдан, бегона ўтлар, буталар ва майда ўрмонлар билан ўстиришдан, ерларнинг емирилишининг бошқа турларидан ҳимоя қилиш;
- бузилган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тиклаш, уларнинг унумдорлигини ва бошқа фойдали хусусиятларини тиклаш ва хўжалик айланмасига үз вақтида жалб қилиш;
- ерларнинг бузилиши билан боғлиқ ишларни олиб бориш пайтида тупроқнинг унумдор қатламини олиб ташлаш, сақлаш ва ишлатиш.

Шундай қилиб, ерга хусусий мулкчилик унинг эгасидан бошқаларнинг ҳуқуқларини бузмасдан фойдаланишга мажбур қилади. Ер эгаси унга әгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Ердан фойдаланувчининг әгалик ҳуқуқи чекланган (сотиб олиш, сотиш, ижарага бериш ва бошқалар).



1. Қозоғистон Республикасида ерга әгалик қилишнинг қандай турлари мавжуд? "Ерга давлат әгалиги" атамасини қандай тушунасиз?
2. Ерга хусусий әгалик нимани англатади?
3. Ерга хусусий мулкчилик шаклларини санаб беринг. Қачон Қозоғистон Республикаси фуқаролари мулкдорга айланиши мүмкін?



Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Муаммони ҳал қилинг.

Фуқаро В. шахсий томорқа ер участкасида чўчқа ва товук боқиши учун қўшни уйнинг деразаларидан бир метр нарида бостирма қурди. Қўшни уни олиб ташлашни талаб қилди. Аммо В. бостирма унга ажратилган ерда эканлигини, ерга әгалик қилиш чегаралари бузилмаганлигини, у ҳеч нарсани олиб ташламаслигини айтди. Қўшниси участка милиционерига мурожаат қилиб, В.дан бостирмани олиб ташлашни талаб қилишни сўрайди, чунки деразадан кўринган носоғлом кўриниш унинг мулк ҳуқуқини бузади. Участка нозирининг жавоб беришича, В. ўз еридан ўзи фойдаланади ва полиция ҳеч нарса қила олмайди. Бостирмани олиб ташлашни талаб қиладиган қўшниси ҳақми? Бундай ҳолатда қайси органларга мурожаат қилиши керак? Ер әгаларининг ҳуқуқларини чеклаш мүмкінми? Сиз: "Мулк ундан фойдаланишда бир вақтнинг ўзида жамоат фаровонлигига хизмат қилишга мажбур қилади" деган иборани қандай тушунасиз?

Мураккабликнинг 3-даражасидаги топшириқ.

Фуқаро Б. туман ҳокимиятига янги қурилиш худудидан 0,15 гектар майдонда турар-жой биноси қуриш учун ер участкаси бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилди. Шахсий уй-жой қуриш учун ер участкаларини бериш тартиби ва жараёнини тушуниринг. Қайси давлат идораси ер бериш масаласи билан шуғулланади? Кўриб чиқиш муддати қандай?

30-§. Ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш

Бугунги дарсда:

ерлардан оқилона фойдаланиш таркиби, ерларни муҳофаза қилиш талаблари, мулкдорлар ва ердан фойдаланувчиларнинг ерларни ҳимоя қилиш соҳасидаги аниқ мажбуриятлари тўғрисида билиб оламиз.

Ердан оқилона фойдаланиш. Қозогистонда ерлар товар – хўжалик айланмасида бўлади. Бу ер турли мақсадларда фаол ишлатилишини англатади. Ер ресурсларига антропоген, техноген юқ ортиб бормоқда, шунинг учун бундай шароитда ерни ҳимоя қилиш ҳар қандай иқтисодий фаолият ерга салбий таъсир

Таянч сўзлар:

- ерларни муҳофаза қилиш
- оқилона фойдаланиш
- сақлаш
- ерларнинг емирилиши

Лугат

- **Ернинг бузилиши** – унинг ҳолатининг сифат жиҳатидан ёмонлашиши, табиий хўжалик аҳамиятининг пасайиши.
- **Ернинг ифлосланиши** – турли хил моддалар ва организмларнинг ер юзида унинг қийматини камайтирадиган миқдорда тўпланиши.
- **Бузилган ерларни сақлаш** – ерларни вақтинча хўжалик айланмасидан чиқариш.
- **Бузилган ерларни рекультивация қилиш** – бузилган ва ифлосланган ерларнинг унумдорлигини тиклаш.

Давлат ер, ер кадастри назорати, мониторингини амалга оширади, хўжалик фаолияти давомида ердан фойдаланиш учун экологик ва бошқа талабларни белгилайди. Ердан фойдаланиш устидан давлат назорати давлат инспекторлари томонидан амалга оширилади. Улар исталган шахснинг ҳудудига бемалол ташриф буюриш, ҳужжатларни текшириш, қоидабузарликларни аниқлаш, баённомалар тузиш, давлат номидан даъво қўзғаш, буйруқ бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Ер мониторинги – бу мамлакатнинг бутун ер фондининг ҳолатини мониторинг қилиш тизими. У фан ва техниканинг имкониятлари ва ютуқларидан, космосдан Ери масофадан туриб зондлаш маълумотларидан фойдалана-ди. Бу амалга оширилаётган ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ва салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида амалга оширилади. Ер мониторинги учун маълумот манбалари тизимли кузатувлар, расмлар, тадқиқотлар, инвен-таризация натижалари, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати материаллари, архив маълумотлари ва ернинг сифати тўғрисидаги бошқа маълумотлардир. Ушбу ишлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.


Ер кадастри – бу Қозоғистон Республикаси ерлари, жойлашуви, мақсадли фойдаланилиши, ер участкаларининг ҳажми ва чегаралари тўғрисидаги маълумотлар тизими. Бу ерларни ҳисобга олиш, уларнинг сифати ва миқдорини аниқлаш мақсадида ўtkaziladi. Уни бошқариш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ер ва ер кадастри мониторинги давомида олинган маълумотлар давлат мулки ҳисобланади.


Шундай қилиб, *ерни муҳофаза қилиш* – ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга, хўжалик фаолияти учун экологик ва бошқа талабларга риоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар тизими. Ер мулкдори ва ердан фойдаланувчи ерни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бериши керак.



1. “Ерни муҳофаза қилиш” тушунчасини очиб беринг. Ерни муҳофаза қилиш мақсади нимадан иборат?
2. Ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуклари ва мажбуриятларини тавсифлаб беринг.
3. Ернинг консервацияси нима, ернинг емирилиши билан қандай кураш олиб борилади?



Аввал



Кейин

33-расм. Рекультивация

Бузилган ерларни тиклаш рекультивация ва консервация йўли билан амалга оширилади.

Рекультивация – бу бузилган ва ифлосланган ерларнинг унумдорлигини тиклаш, шунингдек, атроф-муҳит шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирлар мажмуси (33-расм).

Консервация – ерларнинг бузилишининг олдини олиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш мақсадида ерларни ва ифлосланган ҳудудларни уларнинг емирилишининг олдини олиш ва тупроқ унумдорлигини тиклаш мақсадида муомаладан чиқариш.

Эътибор беринг!

Қозоғистон Республикасининг Ер кодекси радиоактив ифлосланган ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ва уни сотишни тақиқлайди. Ҳаддан ташқари радиоактив ифлосланган ёки аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига хавф соладиган ерлар мулкка, доимий ёки вақтинча фойдаланишга берилиши мумкин эмас. Уларнинг консервацияси муносабати биланхўжаликайланмасиданчиқарилгандерларвакилликваижроияорганларининг қарори билан мулқдор ёки ердан фойдаланувчидан вақтинча олиб қўйилиши мумкин.

● Қўшимча маълумотлар

2018 йил охирида республикада фойдали қазилма конларини ўзлаштириш, уларни қайта ишлаш ва разведка қилиш жараёнида саноат объектлари, чизиқли иншоотлар ва бошқа корхоналарни қуриш жараёнида бузилган 248,42 минг гектар ер мавжуд бўлиб, шундан 53 минг гектар қайта ишланган ва рекультивация қилиниши керак.

Бузилган ерларнинг кўп жойлари саноат, транспорт, алоқа, космик фаолият, мудофаа, миллий хавфсизлик ва бошқа қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ажратилган ерлар тоифасига киритилган. 2018 йилда республикада 1,5 минг гектар ер бузилган, 0,2 минг гектарига ишлов берилиб, 1,9 минг гектар бузилган ерлар рекультивация қилинди. Бузилган ерларнинг энг катта майдони Ақтўбе вилоятида қайта тикланди – 1,5 минг гектар. (Қозоғистон Республикаси атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги 2018 йил учун миллий маъруза).

хавфли, айбели ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир. Ер ҳуқуқбузарлиги түрт таркибий элементнинг бирлиги билан тавсифланади (34-чизма).

34-чизма

Ер ҳуқуқбузарлигининг элементлари

Объект

ер

Объектив томони

ер қонунчилигини бузишда содир этилган қонунга қарши хатти-ҳаракат; зарарнинг мавжудлиги шарт.

Субъект

жисмоний шахслар (фуқаролар ва мансабдор шахслар) ва юридик шахслар

Субъектив томонлари

ҳуқуқбузарнинг айби: ният ва эҳтиёт-сизлик шаклида.

Фаолиятининг атроф-муҳитга заар етказиши билан боғлиқ бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар заар етказган тақдирда айбнинг бор-йўқлигидан қатъи назар жавобгар бўлади. Агар заар бартараф қилиб бўлмайдиган ҳолатлар ёки жабрланувчининг нияти натижасида келиб чиқса, жавобгарлик юзага келмайди.

Ер қонунчилигини бузганлик учун интизомий, маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Мисол

ҚР ЖК нинг 332-моддаси "Ернинг бузилиши". Ернинг бузилиши – бу ернинг саноат, майший ёки бошқа чиқиндилар ёки ташланган нарсалар билан ифлосланиши. Шунингдек, бу заҳарланиш, ифлосланиш ёки бошқа иқтисодий ё бошқа фаолиятнинг заарли маҳсулотлари томонидан ерга заар етказилиши. Бунинг сабаби – заҳарли химикатлар, ўғитлар, ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи ёки бошқа хавфли кимёвий, радиоактив ёки биологик моддаларни сақлаш, ишлатиш, ташиш ёки қўмиш пайтида ишлов бериш қоидаларининг бузилиши. Ушбу хатти-ҳаракатлар атроф-муҳитга катта шикаст етказиши ёки инсон саломатлигига заар етказиши мумкин. Айбор жиноий ёки маъмурий қонунларда жазоланади.

Фуқаролик – ҳуқуқий жавобгарлик заарни тўлиқ қоплашдан иборат. Суд ҳуқуқбузардан пул компенсацияси ёки табиий шаклда етказилган заарни қоплашга мажбур қилишга ҳақлидир. Масалан, тупроқ унумдорлигини тиклаш, ноқонуний равишда қурилган бино, иншоот, қурилишни бузиш, ерларни рекультивация қилиш ёки уни пул шаклида тўлаш.

Заар миқдори ҳар бир ҳолатда алоҳида белгиланади. Ер қонунчилигини бузганлик учун маҳсус, ерга нисбатан ҳуқуқий жавобгарлик юзага келган ҳолатлар кўриб чиқилади. У фуқаролик ҳуқуқи ва жавобгарликнинг бошқа турлари тизимиға мос келмайди. Бу ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланилмаган ёки қонунни бузган ҳолда фойдаланилганда ер участкасини мажбуран тортуб олиш тарзидаги жазо.



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Якка тартибда ишлаш

17 июнь – Жаңон чўлланишга қарши кураш куни. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг чўлланишга қарши кураш тўғрисидаги конвенциясини ўқинг. Ушбу мавзу бўйича тақдимот тайёрланг.



Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Гуруҳда ишлаш

Ўзингиз яшайдиган ерни ўрганинг. Сизнинг ҳудудингизда қандай ер турлари мавжуд? Ўз минтақангизда ердан фойдаланиш муаммолари ва ер шароитлари тўғрисида видеофильмни суратга олинг. Ушбу видеони дарсда кўрсатинг. Ўз минтақангиздаги ерни ҳимоя қилиш учун қандай ҳаракатлар қилишингиз кераклигини муҳокама қилинг.



Мураккабликнинг 3-даражасидаги топшириқ. Муаммони ҳал қилинг.

“Трансдорстрой” ёпик ҳиссадорлик жамияти автомобиль йўлини қураётган эди. Йўл тўшамасини кўтариш ва ишларни бажариш учун “Трансдорстрой” ЁҲЖ га қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг 10 гектар ерини вақтинча фойдаланишга берилди. Ер ишлари тугаллангандан сўнг, вақтинча фойдаланиш учун ажратилган 5 гектар майдонда, ДРСУ тупроқ қопламасини кейинчалик қайта ишлаш учун олиб ташламаганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг кўшни ҳудудларида унумдор тупроқ қатлами бузилган. Бузилган ерларнинг унумдорлигини тиклаш учун тупроқ ва торфни бошқа жойлардан кўчириш, қўшимча ўғитлаш керак. Қишлоқ хўжалиги ташкилотлари “Трансдорстрой” ЁҲЖдан ушбу ишларни ўз ҳисобидан амалга оширишни ёки етказилган зарап учун пул тўловини талаб қилиши мумкинми?

1. Фермер хўжаликлари “Трансдорстрой” ЁҲЖ билан ерга зарап етказганлиги сабабли олинмаган ҳосил қийматини қоплашни талаб қилиши мумкинми?
2. Ушбу йўқотишлар қандай ҳисобланади?
3. Ерга етказилган зарап учун жавобгарлик назарда тутилганми?

31-§. Ер тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик

Бугунги дарсда:

ер ҳукуқининг бузилиши тушунчаси билан танишамиз, ер тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик турларини аниклаймиз.

Хозирги вақтда ер қонунчилигини қўллаш доираси сезиларли даражада кенгайди, ер участкалари билан боғлиқ кўплаб битимлар мавжуд. Бозорнинг ўзгариши ер ҳуқуқбузарликларининг кўпайишига олиб келди. Ер ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик давлатнинг ҳимоя вазифасидир. Унинг мазмуни, вазифалари, моҳияти мураккаб ва хилма-хилдир. Бир томондан, бу содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жазо.

Таянч сўзлар:

- ер ҳукуқбузарликлари
- ерга оид ҳуқуқий жавобгарлик

Бошқа томондан – бу жиноятчиликнинг олдини олиш. Ер ҳуқуқбузарлиги ер тўғрисидаги қонунни бузишга қаратилган ижтимоий

қилингандың үшінде бепул олиб қўйилиши мүмкін. Мусодара қилингандың давлат мүлкига қайтарылады.

Шундай қилиб, ер тұғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлық ҳуқуқбазарлықтың барча элементлари мавжуд болғанда юзага келади. Ер қонунчилигини бузганлик учун интизомий, маъмурий, фуқаролик ва жиноий жавобгарлық келиб чиқиши мүмкін. Фуқаролик жавобгарлығы заарни тұлық қоллашады. Ер тұғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, шунингдек, ер ҳуқуқи бўйича маҳсус жавобгарлық пайдо бўлиши мүмкін.



- Ер ҳуқуқбазарлығы тушунчаси, таркиби ва турларини аникланг.
- Ер ҳуқуқбазарлығы содир этганлик учун ҳуқуқий жавобгарлық тушунчасини очиб беринг.
- Ерларни мажбуран олиб қўйишга қачон рухсат берилади? Ерга оид ҳуқуқий мажбурияттинг хусусиятларини аникланг.



Мураккабликтинг 3-даражасидаги топшириқ. Муаммоларни ҳал қилинг.

Аммиак суви ва суюқ комплекс үғитларнинг яроқсиз идишларда узоқ вақт ва назоратсиз сақланиши натижасида "Казахсельхозхимия" АЖ омборида доимий равишида 2,5 тонна микдорида сув оқиб чиқди. Аммиак суви ва суюқ комплекс үғитларнинг мунтазам равишида оқиши күшни ерларни ифлослантириди ва ушбу ахоли пунктлари ахолиси ўзларининг томорқа ва мевали дарахтларида етиширилган барча ҳосилни йўқ қилди. Шу билан бирга, ишчиларнинг аммиак билан заҳарланишининг учта ҳолати қайд этилди, улар темир йўл станциясининг маҳаллий касалхонасига етказилди. Ушбу жиноятни содир этганларга нисбатан қандай жавобгарлик чоралари кўлланилиши мүмкін?

8-боб. Жиноий ҳуқуқбазарликларнинг турлари

32-§. Жиноий ҳуқуқбазарликларнинг таснифи

Бугунги дарсда:

жиноий ҳуқуқбазарликларнинг таснифини кўриб чиқамиз.

Таянч сўзлар:

- жиноий ҳуқуқбазарлик
- жиноят
- жиноий хатти-ҳаракат
- таснифлаш

Жиноий ҳуқуқбазарлик – бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хавфли, ноқонуний ҳаракат. Уни амалга оширганлик учун жиноий жавобгарликка тортилади. Жиноий ҳуқуқбазарликларга қарши курашда иштирок этадиган давлат органларига ички ишлар бўлимлари (ИИБ), прокуратура, суд ва бошқа ваколатли давлат органлари киради. Мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жиноий ҳуқуқбазарликларнинг олдини олиш, профилактика ва тергов қилиш билан шуғулланмоқдалар (34-расм).

Мисол

Агар қурилиш учун мүлжалланган ер участкаси уч йил давомида фойдаланилмаган бўлса, унда бундай ер участкаси мажбурий олиб қўйилиши керак. Якка тартибдаги тураржой биноси қуриш учун участка бериш ҳолатларида маълум шартлар мавжуд. Агар муҳандислик (коммунал) инфратузилма (сув, ёруғлик, йўллар ва бошқалар) мавжуд бўлмаса, участкани ривожлантириш даври кўпайтирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ривожланиш даври тегишли инфратузилма тақдим этилган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Агар деҳқон ёки фермер хўжалигини юритиш учун мүлжалланган ер участкаси, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланилмаётганлиги аниқланган кундан бошлаб кетма-кет икки йил давомида белгиланган мақсадлар учун ишлатилмаса, бундай ер участкаси мажбурий олиб қўйилиши керак.

Эътибор беринг!

Белгиланган мақсадларда фойдаланилмаётган ва ўзлаштирилмаган ер участкаси-ни мажбурий олиб қўйиш етим болалар, йигирма бир ёшга етгунига қадар ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ер участкаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Мажбурий олиб қўйиш ердан қонунни бузган ҳолда фойдаланилганда қўлланилади. Булар ердан белгиланган мақсадга мувофиқ бўлмаган фойдаланиш каби ҳолатлардир.

Масалан, участка тураржой биноси қуриш учун берилган, лекин у ерга жамоат ҳаммоли қурилган. Бузилишларга қишлоқ хўжалигидаги ерлардан оқилона фойдаланиш қоидларида белгиланган талабларга риоя этмаслик киради. Экинни алмашлаб экишининг белгиланган тартибига риоя қилиш, мелиоратив ҳолатини тиклаш ва тиклаш ишларини бажариш, шужумлдан участкада мавжуд суғориш ва коллектор-дренаж тизимларини тегишли тартибда сақлаш зарур. Ердан фойдаланиш экологик вазиятнинг жиддий ёмонлашишига олиб келганда, жуда жиддий қоидабузарлик ҳисобланади.

Фойдаланилмаётган ёки ўзлаштирилмаган ер участкалари аниқланганда, давлат назорати органлари судга даъво аризаси беради. Суд қўзғатилишидан олдин, ҳуқуқбузар маъмурий жавобгарликка тортилади. Бу ерда жазонинг асосий шакли жарима ҳисобланади.

Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни жазолашда ер участкаси эгаси ёки ердан фойдаланувчидан суд тартибида, яъни мусодара

Лутғат

- Ерга оид ҳуқуқбузарлик** – бу ерга оид қонунни бузадиган, салбий оқибатларга олиб келадиган ёки бундай оқибатлар хавфини келтириб чиқарадиган, қонун билан жазоладиган ижтимоий хавфли, ноқонуний ҳаракат.
- Ерга оид ҳуқуқий жавобгарлик** – ер тўғрисидаги қонунни бузганлик учун жазолаш тадбирлари.

келажакда улар одамларнинг тақдирига салбий таъсир кўрсатиши, умуман жамиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

36-чизма

Жиноий ҳуқуқбузарликларга мисоллар

Жиноятчилик



Одам ўғирлаш (ҚР ЖКнинг 125-моддаси)

Жиноий хатти-ҳаракатлар



Майда ўғирлик (ҚР ЖК нинг 187-моддаси)

Биринчи мисолда шахсга жиддий заар етказилган, унинг эркинлиги чекланади, шунинг учун бу хатти-ҳаракат жиноят сифатида баҳоланади. Иккинчи ҳолатда аҳамиятсиз заар етказилган, шунинг учун бу хатти-ҳаракат жиноий ҳаракат деб баҳоланади. Лекин шу билан бирга ҳар иккала мисол жамиятга заар келтирадиган ва кейинчалик одамлар тақдирига салбий таъсир қиласиган жиноий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.



Жиноятнинг ҳам, жиноий хатти-ҳаракатнинг ҳам содир этилиши – бу ҳуқуқий, ахлоқий ва одоб меъёрларни бузадиган жуда жиддий ноқонуний ҳаракатdir. Жиноят содир этилган тақдирда жиддий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, жиноят содир этган шахс Қозоғистон Республикаси Баш Прокуратурасининг ҳуқуқий статистика ва маҳсус ҳисоблар қўмитаси базасига киритилади. Келгусида бу касб танлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин ва ҳоказо.

Жиноий ҳуқуқбузарлиknинг белгиларини кўрсатамиз (37-чизма). Ушбу белгиларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

37-чизма

Жиноий ҳуқуқбузарлиknинг белгилари

Жамоат
хавфи

Қонунга зидлилик

Айборлик

Жазога
тортилиши

Жамоат хавфи жиноий ҳуқуқбузарлиknинг шахс, жамият, давлатга жиддий заар етказиши ёки етказиши мумкинлигини англаади.

Қонунга зидлилик содир этилган жиноий ҳуқуқбузарлик Жиноят кодексида аниқ тақиқланганлигини ва унинг содир этилиши учун жиноий жазо назарда тутилганлигини англаади.

Мисол

Ўғрилик – бирорнинг мулкини яширин ўғирлаш, масалан, хонадонларда ўғирлик, уяли телефонни ўғирлаш (37-расм) ва бошқалар (ҚР ЖК нинг 188-моддаси 1-қисми).

Ички ишлар органлари Қозғистон халқыга хизмат қилишга чақирилади. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун улар қуидаги вазифаларни бажарадилар: 1) жиноятчиликнинг олдини олиш; 2) жамоат тартибини ҳимоя қилиш; 3) жиноятчиликка қарши кураш.

Жамоат учун хавфлилиги ва жазоланиш даражасига қараб, жиноий ҳуқуқбузарлар жиноятлар ва жиноий хатти-харакатларга бўлинади (35-чизма).



34-расм. ПО ҳодимининг иш жараёни

35-чизма

Жиноий ҳуқуқбузарлик турлари

Жиноят

Жиноий хатти-харакатлар

Ижтимоий хавфли хатти-харакат, жуда катта заар етказади

Катта ижтимоий хавф туғдирмайди, озгина заар етказади

Нима учун жиноий ҳуқуқбузарлик турлари таснифланади? Таснифлаш бир хил жиноий ҳуқуқбузарларни тизимлаштириш ва ҳуқуқбузарга жазони тўғри тайинлаш имконини беради.

Эътибор беринг!

Жазонинг мақсади – ижтимоий адолатни тиклаш, ҳуқуқбузарни тузатиш ва янги жиноят содир этилишининг олдини олиш. Қонунда жисмоний азоб бериш ёки инсон қадримматини камситиш тақиқланади.



Хитойда ўлим жазоси жиноят учун жазо сифатида 55 турдаги жиноятларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Бу гиёҳванд моддаларни тарқатиш ва сақлаш, зўравонлик жиноятлари, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, коррупция, молиявий фирибгарлик ва бошқалар. Мамлакатимизда ўлим жазосига мораторий жорий этилган.

Жиноий ҳуқуқбузарлик мисолларини кўриб чиқинг (36-чизма).

Биринчи мисолда одамга жиддий заар етказилган, унинг эркинлиги чекланган, шунинг учун бу ҳаракат жиноят деб баҳоланади. Иккинчи ҳолатда шахс озгина заар кўради, шунинг учун бу ҳаракат жиноий хатти-харакат деб баҳоланади. Шу билан бирга иккала мисол ҳам одамга қарши жиноий ҳуқуқбузарлиkdir, жабрланганларга заар етказади,

ҳақида гап кетяпти. Бу әхтиётсизлик оқибатида беморнинг соғлигига ўрта оғирликдаги зарар етказишга олиб келади.

ҚР ЖКнинг 119-моддаси. Хавф-хатарда тарк этиш. Бунда жиноий жавобгарликка ҳаёти ва соғлиги хавф остида бўлган ва кичик ёшда бўлганлиги, кексалиги, касаллиги ёки бошқа ночор аҳволда бўлганлиги туфайли ўзини ҳимоя қилолмайдиган бошқа шахсни билиб туриб ташлаб кетган шахс тортилади.

Мисол

Ховлида икки қўшни уришиб қолишиди. Фуқаро А. фуқаро С.ни итариб юборди. Фуқаро С. қудукқа йиқилиб тушди ва қудук жуда чуқур бўлганлигидан ўзини ҳимоя қилиш чораларидан маҳрум бўлганлиги натижасида ҳаёти ва соғлиги учун хавфли вазиятда қолди. Фуқаро А. фуқаро С.нинг қудукқа йиқилиб тушганлигини аниқ билди ва ёрдам беришга имконияти бўлгани ҳолда билиб туриб уни ёрдамсиз қолдирди. Яъни фуқаро С.ни кутқариш учун ҳеч қандай чора кўрмади. Бу фуқаро С.нинг ўлимига олиб келди. Бу ҳолатда тўғри ният кўзга ташланади. Айбдор жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли вазиятда қолганлигини билди, лекин кутқариш учун чора кўрмади.

Шундай қилиб, жиноий ҳуқуқбузарликлар жамоат учун хавфилилиги, етказган зарари ва жазога тортилишига боғлик ҳолда жиноятларга ва жиноий ҳуқуқбузарликларга бўлинади. Ушбу тасниф ҳукм чиқариш ҳам учун зарур.

-  1. Жиноий ҳуқуқбузарлик белгиларини санаб беринг. Ушбу белгилар ҳақида гапириб беринг. Жиноят ва жиноий хатти-ҳаракатлар ўртасидаги фарқ нима?
- 2. Мамлакатимизда қайси давлат органлари жиноий ҳуқуқбузарликларга қарши курашмоқда? Ички ишлар идоралари, прокуратура, жиноий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш фаолиятини таҳлил қилинг ва муҳокама қилинг. Қозоғистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимга бўлган эҳтиёжини исботланг.
- 3. Кам миқдордаги зарар етказиш жиноий ҳуқуқбузарликнинг белгиси бўла оладими? Етказилган зарар миқдори жиноий ҳуқуқнинг таснифига таъсир қиласадими?



Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Гуруҳда ишлаш

Нима учун одам жиноят содир этишини муҳокама қилинг. Биринчи гуруҳ ушбу муаммони таълим этишмаслиги нуқтаи назаридан кўриб чиқади. Иккинчи гуруҳ – пул этишмаслиги. Учинчи гуруҳ – бу ота-оналар, ўқитувчилар тарбияси. Тўртинчи гуруҳ – ёмон доирадан. Фикрингизни билдиринг. Атрофдагиларининг ҳуқуқбузарга таъсирини баҳоланг. Асосийси нима – инсон қонунни бузмаслиги учун тарбия ёки таълимми? “Балиқ суюги” усулидан фойдаланинг.



Айбдорлик жиноятни содир этган шахс ўз қилмиши ноконунийлигини аңглаб етганлигини билдиради. Айб – бу одамнинг қасдан ва бепарволик шаклида қилинган хатти-харакатга рухий муносабати.

Қасдан айбдорлик – одам ўзи томонидан содир этилган ҳаракатнинг тақиқланганлигини аңглайди, ноконуний натижага бевосита интилади.

Эҳтиётсизлик шаклидаги айб – шахс бу қилмишнинг ман этилганлиги ва хавфлилигини аңглайди, лекин дикқатсизлик ёки оқибатини ўйламаслик ёки бепарволик туфайли жиноят содир этади ва салбий оқибатларга олиб келади.

Жазога тортилиш. Ҳар бир жиноий ҳуқуқбузарликка жазо белгиланган. Бу шуни англатадики, айбдор учун маълум бир маҳрум қилиш, санкциялар, мажбурлаш чоралари кўринишида салбий жиноий ҳуқуқий оқибатлар юзага келади.

Мисол

Қотиллик, яъни одамнинг ғайриқонуний равища қасдан ўлимига сабаб бўлса, саккиз йилдан ўн беш йилгача қамоқ жазоси билан жазоланади (ҚР ЖК нинг 99-моддаси).

Эътибор беринг!

Фикрлар учун жазо берилиши мумкинми? Йўқ. Қадимги Римдаёқ Рим қонунлари Юстиниан Дигестахида: "Хеч ким ўйлаш учун жазоланмайди" деган қоида мавжуд эди. Аммо агар фикрлар ҳуқуқбузарлик хатти-харакатларига айланиб қолса, унда бу ҳаракатларга жазо белгиланган.

Жиноий ҳуқуқбузарлик ҳаракат ёки ҳаракатсизликда содир этилиши мумкин. Ҳаракат инсоннинг фаол жисмоний фаолияти сифатида ишлайди. Масалан, агар бирор бирорнинг мулкини қасдан йўқ қилса ёки унга зарар етказса – ҳуқуқбузар автоуловни атайлаб бузади.

Ҳаракатсизлик – инсон муайян ҳаракатларни қилмаса, лекин уларни бажариши ёки мажбуран қилиши керак бўлса, масалан, хизмат бурчини бажариши керак бўлган пассив хатти-харакат тури.

Ҳаракатсизликка мисоллар.

ҚР ЖКнинг 254-моддаси. Мажбуриятларга виждонсизларча муносабат. Бунда жиноий жавобгарликка хизмат бўйича вазифаларини виждонсизларча ёки пала-партиш бажарган шахслар тортилади.

ҚР ЖКнинг 320-моддаси. Беморга ёрдам бермаслик. Бу ерда тиббиёт ходими томонидан узрли сабабсиз bemorga ёrdam bermaganlik

Лугат

- **Жиноят** – бу Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексида тақиқланган энг хавфли ва айбдорлик ҳаракати.
- **Жиноий хатти-харакат** – озгина хавф туғдирадиган, унчалик хавфли бўлмаган айбдорлик ҳаракати.
- **Таснифлаш** – ҳуқуқбузарга жазо чорасини тўғри белгилашга имкон берадиган муайян мезонлар бўйича ҳуқуқбузарликни тизимлаштириш.

Мисол

Фуқаро А. ўзининг дугонаси – фуқаро Б. нинг шахсий гувоҳномаси ёрдамида унинг номига 30 000 тенге миқдорида қарз расмийлаштириди. Буни билиб қолган фуқаро Б. полицияга мурожаат қилди. Полиция ходимлари банқдан кредит маълумотномасини олиш ва дастхат экспертизасини тайинлаш каби тергов ҳаракатларини олиб бориб, ушбу жиноятни фош қилдилар.

3. Оғир жиноятлар – қасдан қилинган ҳаракатлар, энг кўп жазо муддати 12 йилдан ошмаслиги керак. Оғир жиноятлар тоифаси алоҳида эътиборни жалб қиласи, чунки бундай жиноятлар жиддий оқибатларга олиб келади ёки оғир оқибатларни келтириб чиқаради, баъзан эса тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади. Буларга талончилик, зўрлаш каби жиноятларни киритиш мумкин.

● **Қўшимча маълумотлар**

Оғир оқибатлар деганда нимани тушуниш керак? Бу инсоннинг ўлими; икки ёки ундан ортиқ шахснинг ўлими; жабрланувчи эркакнинг (жабрланувчи аёлнинг) ўз жонига қасдан қилиши ёки унинг яқинини (яқинларини) ўлдириш; соғлигига оғир зарар етказиш; икки ёки ундан ортиқ шахснинг соғлигига оғир зарар етказиш; оммавий касаллик, касал юқтириш, радиация ёки одамларнинг заҳарланиши; аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитнинг ёмонлашиши; исталмаган ҳомиладорликнинг бошланиши ва бошқалар.

Мисол

Талончилик – бу одамларнинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўравонлик билан бирорнинг мулкини ўғирлаш учун қилинган ҳужум. Оғир оқибатларнинг бошланиши қуролдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб, бу ҳатто одамнинг ўлимига олиб келиши мумкин (ҚР ЖКнинг 192-моддаси).



Таъкидлаш жоизки, Қозоғистон Республикасида 1998 йил 30 декабрда "Қуролларнинг айрим турларининг муомаласи устидан давлат назорати тўғрисида" ги Қозоғистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Барча қуроллар ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказилиши керак. Шунингдек, эгалар қурол ва ўқ-дориларнинг сақланишини таъминлашлари керак. Яшаш жойини ўзгартирганда, қуролни ички ишлар органининг рўйхатидан чиқариш ва ўн кун ичидаги янги доимий яшаш жойидаги тегишли рўйхатга киритиш керак. Қуролнинг маълум бир туридан фойдаланиш ҳукуқи зарурӣ мудофаа, фавқулодда ҳолатларда ва жиноят содир этган шахсни ушлашда, ҳаёти, соғлиғи ва мулкини ҳимоя қилиш мақсадида уни саклаш ва олиб юриш ҳукуқига эга бўлган шахсларга тегишли.

4. Ўта оғир жиноятлар – қасдан қилинган ҳаракатлар, уларни содир этганлик учун 12 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси белгиланади. Ўта оғир жиноятларга қотиллик киради. ҚР ЖК нинг 99-моддасига биноан қотиллик деганда бошқа шахсни қонунга хилоф равишида қасдан ўлдириш тушунилади.

33-§. Жиной ҳуқуқбузарликларнинг тоифасига қараб жиноятлар турлари. Тажовузнинг объектига қараб жиноятлар турлари

Бугунги дарсда:

жиной ҳуқуқбузарликларнинг тоифасига қараб жиноятлар турларини, шунингдек, тажовузнинг объектига қараб жиноятлар турларини күриб чиқамиз.

Ҳуқуқбузарликлар билан курашиш учун ҳуқуқ-тартибот идоралари ва фуқароларнинг ҳаракатлари зарур. Ҳозирги кунда тоқат қилишнинг нолга teng тамойили амал қиляпти. Бу фуқароларнинг салбий муносабати, ҳатто кичик қонунбузарликлар билан ҳам муроса қилмаслик. Асосий ғоя – бу жиддий жиноятларга айланиб кетмасликлари учун майда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Тоқат қилишнинг нолга teng тамойили барча фуқароларни ҳуқуқбузарликларга бефарқ бўлмасликка чақиради.

Жиной ҳуқуқбузарлик тоифасига қараб жиноятларнинг турлари. Жамоат учун хавфлилиги даражасига қараб жиноятлар кичик оғирликдаги жиноятларга, ўртача оғирликдаги жиноятларга, оғир жиноятларга ва ўта оғир жиноятларга бўлинади (ҚР ЖК нинг 11-моддаси). Қозогистон Республикаси Жиноят кодексининг 3-моддасида оғир жисмоний заар тушунчasi берилган. Ҳар бир кўринишни алоҳида кўриб чиқамиз.

1. *Кичик оғирликдаги жиноятлар* – катта заар етказмайдиган қасдан қилинган ҳаракатлар. Бундай қилмишлар учун 2 йилдан ошмаган озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланади.

2. *Ўртача оғирликдаги жиноятлар* – қасдан қилинган ҳаракатлар, унинг жазоси 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ошмайди. Ўртача оғирликдаги жиноятларга ўғрилик киради. ҚР ЖК нинг 188-моддаси ўғрилик деганда бошқа бирорнинг мулкини яширин ўғирлашни кўзда тутади. Жамоат жойларида, одамлар гавжум жойларда эҳтиёткорлик, ҳушёрлик, шахсий буюмларга эътиборли бўлиш фуқаролар томонидан ўғирланишининг олдини олишдаги асосий қоидалардир.

Фиригарликни кўриб чиқамиз (ҚР ЖК нинг 190-моддаси). Ушбу жиноий ҳуқуқбузарликтининг мисоли учун учинчи шахс номига қарз расмийлаштиришни айтиш мумкин. Замонавий дунёда бундай фиригарлик жиноятлари кўп содир бўляпти. Фуқаролар фиригарлик қурбони бўлмасликлари учун эҳтиёт бўлишлари керак.

Таянч сўзлар:

- кичик оғирликдаги жиноятлар
- ўртча оғирликдаги жиноятлар
- оғир жиноятлар
- ўта оғир жиноятлар

Давоми

1	2
Фиригарлик – бирорнинг мулкини ўтказишни талаб қилиш	түғри/нотүғри
Талончилик – талон-тарож қилиш мақсадида зўрлик билан хужум қилиш	түғри/нотүғри
Хусусий мулк давлат ҳимоясида эмас	түғри/нотүғри
Бирорнинг мулкини ўғирлаш босқинчилик ҳисобланади	түғри/нотүғри
Майда ўғрилик – озгина миқдордаги ўғрилик, фиригарлик-дир	түғри/нотүғри
Азиза ўз дугонаси Кариманинг шахсий гувоҳномасини яширинча олиб, унинг номига кредит расмийлаштириди. Буни билиб қолган Карима полицияга мурожаат қилди. Ушбу факт фиригарликнинг намунасидир.	түғри/нотүғри



Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Гуруҳда ишлаш

Уч гуруҳга бўлинг. Ўғирлик (ҚР ЖК нинг 188-моддаси), талончилик (ҚР ЖКнинг 191-моддаси), талончилик (ҚР ЖК нинг 192-моддаси) каби жиноятларнинг оғирлигини таққосланг. Ушбу жиноятларнинг обьекти, предмети, объектив ва субъектив томонини аниқланг. Ушбу жиноятлар учун қандай санкциялар назарда тутилган?

Жиноят турлари	Объект	Объектив томони	Субъект	Субъектив томони
Ўғирлик				
Тўнаш				
Қароқчилик				



Мураккабликнинг 3- даражасидаги топшириқ.

Мактабингизнинг балоғатга етмаган болалар ишлари бўйича инспекторидан интервью олинг. Сўроқ мавзуси: “Полиция ходимлари мулкка қарши жиноий ҳуқуқбузарликларга қарши қандай курашмоқда”. Кейин очиқ дарсда интерфаол доскадан фойдаланиб, синфдошларингизга материални кўрсатинг. Синфда муҳокама ўтказинг. Қандай қилиб ўзингизни жиноятдан ҳимоя қила оласиз? Атрофингиздагиларга жавоб беринг.

34-§. Шахсга қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар

Бугунги дарсда:

шахсга қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар тушунчаси, турлари ва элементларини ўрганамиз.

Шахсга қарши жиноий ҳуқуқбузарлик тушунчаси . Қозоғистон Республикаси Конституцияси ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлигини ҳимоя қиласи.

Тарихдан

Одамлар турли мамлакатларда үғирилик учун қандай жазоланадилар? Үғирилик учун жазо ҳар доим қаттың бўлган. Бугунги кунда калтаклаш БМТ томонидан тақиқланган ва ўта шафқатсиз ҳисобланади, аммо дунёда ҳануз жазо сифатида калтаклаш билан шуғулланадиган давлатлар мавжуд – Саудия Арабистони, Эрон ва Судан. Бундан ташқари, эркаклар ҳам, аёллар ҳам, ҳатто болалар ҳам шу тарзда жазоланиши мумкин, кичик жиноят ҳам калтакланиш учун сабаб бўлиши мумкин.

Тажовуз объектига қараб жиноятларнинг турлари. Жиноятнинг умумий объектига қараб, Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисми бўлимларга бўлинади. Бўлимларда жиноий ҳуқуқбузарликлар кўрсатилган. Шундай қилиб, жиноятлар категорияси – бу жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги ва хусусиятига қараб бўлиниши. Жамоат хавфлилиги даражасига қараб жиноятлар кичик оғирликдаги жиноятларга, ўртача оғирликдаги жиноятларга, оғир жиноятларга ва ўта оғир жиноятларга бўлинади.

Жиноятни жиноят объектига қараб таснифлашнинг аҳамияти нафақат Жиноят кодексидан фойдаланишини осонлаштириши, балки ҳар бир аниқ ҳаракатнинг моҳиятини тўғри аниқлашга имкон беради. Масалан, бирорнинг мулкини эҳтиётсизлик туфайли йўқ қилиш ёки бузиш учун жавобгарликни назарда тутадиган ҚР ЖК нинг 204-моддаси мулкка нисбатан жиноий ҳуқуқбузарликлар бўлимида жойлаштирилган, яъни бузилиш объекти мулкдир.

Умумий объект – бу жиноий тажовузлардан қонун билан ҳимояланган бир хил ижтимоий муносабатлар гуруҳидир. Умумий объектга кўра, кейинчалик бўлимларга бўлинадиган ҚР ЖК нинг Махсус қисми тузилади. Ҳар бир бўлимда битта умумий объектга эга бўлган жиноятлар жамланган. Масалан, бобда шахсга қарши жиноий ҳуқуқбузарликларнинг барчаси битта умумий объект – шахсга тегишли бўлган барча жиноятлардир.



1. Жиноятларни тоифаларга ажратиш нима учун кераклигини айтинг.
2. Ўртача оғирлик даражасига кирадиган жиноятларни айтинг.
3. Жиноятлар оғирлиги бўйича қандай фарқ қиласди?

Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Жадвални дафтарга ўтказинг ва уни тўғри ёки нотўғри деб белгиланг

Үғирилик – бу бошқанинг мулкини яширин үғирилаш	тўғри/нотўғри
Үғириликнинг ўзига хос белгиси яширин үғирилик усулидир	тўғри/нотўғри
ҚР да давлат ва хусусий мулк тан олинади ва тенг даражада ҳимоя қилинади	тўғри/нотўғри
Топиб олинган бирорнинг мулкини ўзлаштириш үғирилиkdir	тўғри/нотўғри

“Қотиллик”, “Калтаклаш”, “Қийнок”, “Одам савдоси” каби жиноятлар киради.

Зарурий мудофаа – тажовуз қилган шахсга заар етказиш орқали шахсни ижтимоий хавфли тажовуздан қонуний ҳимоя қилиш. Барча шахслар зарурий мудофаа учун тенг ҳуқуқлидирлар. Жиноят со-дир этган шахсга зарурий мудофаа шароитида заар етказиш, яъни ҳимоячининг ёки жамият манфаати қонуни билан ҳимоя қилинадиган бошқа шахсларнинг, уйнинг, мулкнинг, ернинг ва бошқа ҳуқуқларининг ижтимоий хавфли тажовуздан ҳимоя қилиниши жиноят эмас. Бундай ҳолда, зарур мудофаа чегараларидан ошиб кетмаслик керак.

Керакли мудофаа чегараларидан ошиб кетиши – бу тажовуздан ҳимояининг табиати ва жамоат учун хавфлилик даражаси ўртасидаги аниқ номувофиқлик, бунинг натижасида ҳуқуқбузарга вазият туфайли келиб чиқмаган аниқ заар етказилади.

Мисол

Фуқаро А. фуқаро Л.нинг бошига урди, чунки Л. А.нинг ҳужжатларини тортиб олиш билан таҳдид қилди. Бу ерда фуқаро А. томонидан таҳдидга етказилган заар ўртасида аниқ тафовут мавжуд – бу зарур мудофаа чегараларидан ошиб кетади. Бундай ошириб юбориша факт қасдан етказилган заар учун жавобгарликка тортилади (ҚР ЖК нинг 32-моддаси).

Шахсга қарши жиноий ҳуқуқбузарликларни қўйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) *ҳаётга қарши*: қотиллик, ўз жонига қасд қилиш ва эҳтиётсизлик сабабли ўлим; қийнок; таҳдид ва бошқалар.

2) *согликка қарши*: согликка заар етказиш, таносил касаллигини юқтириб олиш, ВИЧ инфекциясини юқтириб олиш ва бошқалар.

3) *ҳаёти ва соглигига хавф тугдериши*: bemorга ёрдам кўрсатмаслик, васийлик вазифасини суистеъмол қилиш, асраб олиш сирини ошкор этиш ва бошқалар.

4) *шахсий озодликка қарши*: ноқонуний қамоқقا олиш, одам ўғирлаш, руҳий касалликлар шифохонасига ноқонуний жойлаштириш, гаровга олиш.

5) *шахснинг шаъни ва қадр-қимматига қарши*: тухмат, тиббий сирни ошкор қиладиган маълумотларни овоза қилиш, ҳақорат ва бошқалар.



Ҳеч ким қийноққа, зўравонликка, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазога дучор этилмаслиги керак.

Оғир ва ижтимоий хавфли жиноят қотиллик ҳисобланади (ҚР ЖК нинг 99-моддаси). Қотиллик пайтида содир бўладиган ҳаракатлар одатда инсон танасига жисмоний таъсирдан иборат бўлиб, бу ўлимга олиб келади (ярадор қилиш, бўғиш, заҳарлаш). Қуйида қотилликнинг таркибий элементлари келтирилган (38-чизма).

Конституцияда қуйидаги ҳуқук ва эркинликтер мустаҳкамланган:

- ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқыга эга;
- ҳеч ким қийноққа солиниши, шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак;
- ҳамма одамлар қонун олдида тенгдирлар, қонунни тенг ҳимоя қилиш ҳуқуқыга эгадирлар;
- ҳар бир инсон давлат ичиде эркин күчіб юриш ва үз турар жойини танлаш ҳуқуқыга эга;
- ҳар бир инсон меңнат қилиш, таълим олиш, дам олиш, үзининг ва оиласининг соғлиғи ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига ва бошқаларга эга бўлиш ҳуқуқыга эга.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг мухим вазифаси – инсонни, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва ҳуқуқларини, манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишdir. Шунингдек, Жиноят кодекси хавфли жиноятларнинг олдини олиш ва тегишли жазони тайинлаш учун зарурдир. Инсон ҳаёти ва соғлиғининг бузилиши энг жиддий ва хавфли жиноят ҳисобланади, чунки улар асосий ижтимоий аҳамиятга эга бўлган – инсон ҳаётига тузатиб бўлмайдиган заар етказади.

Шахсга қарши жиноий ҳуқуқбузарлик – бу инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматига заар етказишга қаратилган ноқонуний хатти-ҳаракатлардир.

Шахсга қарши жиноий ҳуқуқбузарликтар таркибининг элементлари. Объект тўғридан-тўғри инсон ҳаётидир. Объектив томони ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизлик орқали жиноят содир этишни үз ичига олади. Хатти -ҳаракатлар нафақат жисмоний ҳаракатларда, балки ақлий ҳаракатларда ҳам намоён бўлади (масалан, таҳдид). Субъект 16 ёшга тўлган жисмоний, ақлий соғлом одамлардир. Субъектив томон – бу тўғридан-тўғри ёки билвосита қасдан қилинган айбнинг шакли.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексида шахсга нисбатан 33 хил таркибдаги жиноий ҳуқуқбузарлик кўзда тутилган. Булар қаторига

Таянч сўзлар:

- шахс
- шахсга нисбатан жиноий ҳуқуқбузарликлар

Лугат

- **Соғлика оғир зарар** – инсон соғлиғи, унинг ҳаёти учун хавфли ёки қўриш, нутқ, эшитиш ёки бирон-бир аъзонинг йўқолишига олиб келадиган бошка заарлар.
- **Соғлика ўртача оғирликдаги зарар** – бу инсон ҳаётига таҳдид солмайдиган, узоқ муддатли соғлиқ муаммоларини келтириб чиқаридиган (21 кундан ортиқ) ёки умуман ногиронликнинг сезиларли даражада (учдан бир қисмидан) кўпайишига олиб келадиган заар.
- **Соғлика озгина зарар** – соғлиқнинг қисқа муддатли бузилиши (21 кундан ошмайдиган давр) ёки умумий иш қобилиятининг озгина пасайиши (ўндан биридан кам бўлмаган).



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Гуруҳда ишлаш

Синфда "Яхши ниятда одамни ўғирлаш мүмкінми?" мавзусида баҳс-мунозара ўтказинг (масалан, никоҳдан ўтиш учун). Синфнинг бир қисми аңаналар ва урғодатларни сақлаш тарафдори бўлади ва шунга мос равишда қизнинг уйланиш мақсадида ўғирланишига ижобий жавоб беради. Синфнинг бошқа қисми бу ҳолатни жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан ўғирлаш сифатида баҳолайди. Ушбу вазиятни муҳокама қилинг. Қозоғистон Республикаси Конституцияси ва Жиноят кодекси асосида холоса чиқаринг.



Мураккабликнинг 3-даражасидаги топшириқ. Жуфтликда ишлаш

11-синф ўқувчиси А., 17 ёшда, мактаб жамоасида футбол ўйнаб, эҳтиётсизликдан бошқа ўқувчининг соғлиғига енгил зарар етказди. Ўқувчи А.нинг ҳаракатларини ижтимоий хавфли ва ноқонунний деб тан олиш мүмкінми? Жиноятнинг ноқонунийлиги нимадан иборат? А. жиноий жавобгарликка тортиладими?

35-§. Оила ва вояга етмаганларга қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар

Бугунги дарсда:

оила ва вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жиноий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқамиз.

Таянч сўзлар:

- вояга етмаганлар
- оила
- бала ҳуқуқлари

Лутат

- Вояга етмаганлар** – 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар.
- Оила** – ижтимоий институт, давлат томонидан ҳимоя қилинадиган жамият бирлиги.
- Оила ва вояга етмаганларга қарши жиноятлар** – жазо таҳдида остида, ҚР ЖК ида назарда тутилган, оила ва вояга етмаганларнинг манфаатларига зид келадиган ижтимоий хавфли ҳаракатлар.

Оила ва вояга етмаганларга қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар. Жиноят қонуни фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини уларга бўлган тажовузлардан ҳимоя қиласди. Инсон ҳаёти асосий қадрият ҳисобланади. Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган: “Никоҳ ва оила, оналик, оталик ва болалик давлат томонидан ҳимоя қилинади”. Ҳимояланиш усулларидан бири бу жиноий-ҳуқуқий ҳимоядир. Давлат жиноий-ҳуқуқий усуллари ёрдамида вояга етмаганлар ва оилавий муносабатларга зарар етказадиган жиноятларга қарши курашмоқда.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида оила жамиятнинг асосий бўғини бўлиб, жамият ва давлат томонидан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга эканлиги айтилган (16-модда, 3-қисм). Давлат олдида оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш вазифаси турибди.

1959 йилги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларациясининг 2-принципида айтилишича, болага махсус ҳимоя қонун ва бошқа воситалар

Қотилликнинг таркибий элементлари

● Объект

инсон ҳаёти

● Объектив томони

қотиллик ҳаракат қилиш ва ҳаракатсизлик йўллари билан содир этилиши мумкин. Фаол ҳаракат – жароҳат етказиш, зекарлаш ёки руҳий таъсири кўрсатиш. Ҳаракатсизлик – айбор жабрланувчига ғамхўрлик қилиш вазифасини бажармайди (она боласининг қорнини тўйдириши тўхтатади, шифокор хизмат вазифасини бажармайди ва ҳоказо).

● Субъект

14 ёшга тўлган жисмоний шахс

● Субъектив томони

қасддан айборлик шакли билан ажралиб туради. Бирор киши бошқа бир одамнинг ўлими билан боғлиқ бирон бир қилмиш содир этганлигини англаб етади, унинг оқибати бўлиши ёки муқаррарлигини олдиндан билади ва унинг содир бўлишини хоҳлади.

Эътибор беринг!

Агар одам қотилликни жабрланувчининг зўравонлик, қўпол хўрлаш ёки бошқа ноқонуний ёки ахлоқсиз хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли тўсатдан кучли ҳиссий безовталик ҳолатида содир этган бўлса, бундай ҳолда у ҚР ЖК нинг "Кучли ҳаяжон ҳолатида содир этилган қотиллик" тўғрисидаги 101-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилади.

Шундай қилиб, жиноят қонунчилигининг асосий мақсади шахсни ҳимоя қилишdir. *Шахсга қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар* инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига, эркинлигига, шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қиласиган ижтимоий хавфли ҳаракатлар деб эътироф этилади. Бундай жиноий жиноятлар жуда оғирдир, чунки улар энг қимматли нарсага – инсон ҳаётига ва эркинлигига тажовуз қиласади.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тартибга солувчи халқаро ҳужжатлар қаторига БМТ Низоми, унинг доирасида қабул қилинган ҳужжатлар, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил) ва бошқалар киради. Шахсга қарши жиноятлар қурбонларига жисмоний, маънавий ва моддий зарар етказилиши мумкин. Инсон ҳаёти ва соғлиғи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун энг муҳими, объектидир. Ушбу қадриятларга тажовуз қилиш учун қонун чиқарувчи энг қаттиқ санкцияларни – узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиш, умрбод қамоқ жазоси ва сўнгги жазо чораси – ўлим жазосини тайинлади.

-  1. Шахсга нисбатан содир этилган жиноятларни санаб беринг. Уларнинг турларини муҳокама қилинг. Шахсга қарши жиноий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун давлат, жамият, ҳар бир шахс даражасида қандай профилактик чоралар кўрилиши керак? Ўз фикрингизни билдиринг.
- 2. Шахсий эркинликка қарши жиноий ҳуқуқбузарликларни санаб беринг ватавсифланг.
- 3. Саломатликка зарар тушунчаси ва унинг турларини кўриб чиқинг. Синфда саломатликка зарар мезонларини муҳокама қилинг.

Мисол

10 ёшли қызы вокзалда ҳар куни йўловчилардан пул сўрайди. Полиция ходимлари пул топишнинг бундай усулини унинг онаси – 27 ёшли фуқаро А. йўлаб топганлигини аниқлади. У ҚР ЖКнинг 132-моддаси бўйича айбдор деб топилди.

Вояга етмаган шахсга тарбия бериш мажбуриятини бажармаганликка оид жиноий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқамиз. (ҚР ЖКнинг 140-моддаси). 40-чиzmада ушбу жиноий ҳуқуқбузарликнинг таркиби элементлари кўрсатилган.

40-чиzma

«Вояга етмаган шахсга тарбия бериш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик» жиноий ҳуқуқбузарлигининг таркиби

Объект

вояга етмаган, шунингдек, ахлоқий, психологик, жисмоний ва соғлиги жиҳатидан етук бўлмаган бола.

Объектив томони

харакатда ва ҳаракатсизликда ифодаланади, отаоналар томонидан болани боқишиш ва тарбиялаш мажбуриятларининг бажарилмаслиги, вояга етмаганга шафқатсиз муносабатда бўлиш.

Субъект

ота-оналар ёки фарзанд асрар олувчилар, ёки масъулият юклатилган бошқа шахслар, шунингдек, ўқитувчилар ёки таълим ё бошқа муассасаларнинг жисмоний етук 16 ёшга тўлган бошқа ходимлари.

Субъектив томони

тўғридан-тўғри ният билан, субъект болани тарбиялаш вазифасини бажармаётганлигини ёки лозим даражада бажармаётганлигини англаб етади ва унга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлади, шунингдек, болага шутарзда муносабатда бўлишни хоҳлайди. Билвосита ният билан, тарбия вазифаларини лозим даражада бажармаганлигини ва зарур назоратни амалга оширмаслигини анлаган киши, ўз қилмиши вояга етмаганга нисбатан шафқатсизликнинг намойиши эканлигини танолади, лекин бунга аҳамият бермайди.

Ушбу ҳаракат 160 ойлик иш ҳақининг индексигача жарима ёки худди шу миқдорда ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. 160 соатгача жамоат хизматида қатнашиш ёки 40 кунгача қамоқча олиш каби жазолар ҳам қўлланилиши мумкин. Бундай ҳолда, айбдор учийилгача муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Мисол

Фуқаро Б. ҚР ЖК нинг 140-моддасига биноан вояга етмаган болани тарбиялаш мажбуриятини бажармаганлиги учун судланган. У мунтазам равишда атайлаб боласининг овқатланишини чеклаб кўйди, уни санитария меъёрларига жавоб бермайдиган турмуш шароитида ушлаб турди.

билин таъминланиши керак ва имкониятлар яратилиши керак ҳамда унга жисмоний, ақлий, ахлоқий, маңнавий ва ижтимоий әркинлик ва қадр-қиммат шароитида соғлом ва нормал тарзда ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилиши керак.

Оила ва вояга етмаганларга қарши жиноятлар – оила ва вояга етмаганларнинг манфаатларига таҳдид соладиган ижтимоий хавфли хатти-харакатлардир. Ушбу жиноий ҳуқуқбузарликларнинг барчаси Қозогистон Республикаси Жиноят кодексининг иккинчи боби “Оилага ва вояга етмаганларга қарши жиноятлар” да күрсатилган.

● Күшимча маълумотлар

Баъзи моддаларни күрсатамиз.

ҚР ЖКнинг 132-моддаси. Вояга етмаганнинг жиноий ҳуқуқбузарликин содир этишга жалб қилиниши.

ҚР ЖКнинг 133-моддаси. Вояга етмаган шахснинг жамиятга қарши ҳаракатларга жалб қилиниши.

ҚР ЖКнинг 140-моддаси. Вояга етмаганни тарбиялаш вазифаларини бажармаслик.

ҚР ЖКнинг 141-моддаси. Болалар ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш бўйича кераксиз мажбуриятларнинг бажарилиши.

Маълумки, жиноий ҳуқуқбузарлик таркибининг элементлари қуидагилардир: объект, объектив томон, субъект, субъектив томон.

Вояга етмаган шахснинг жамиятга қарши ҳаракатларни содир этишга жалб этишдаги жиноий ҳуқуқбузарликин кўриб чиқамиз (ҚР ЖКнинг 133-моддаси). 39-чизмада ушбу жиноий ҳуқуқбузарлик таркибининг элементлари күрсатилган. Бу ерда ойлик иш ҳақи индексининг уч минг баробарига қадар жарима қўлланилади ёки бир хил миқдорда ахлоқ тузатиш ишлари, ёки 1000 соатгача жамоат хизматига жалб қилиш ёки уч йилгача озодликни чеклаш, ёки худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш.

39-чизма

«Вояга етмаган шахснинг жамиятта қарши ҳаракатларни содир этишга жалб этиш» жиноий ҳуқуқбузарлигиниг таркиби

● Объект

вояга етмаганни унинг ҳуқуқи ва манфаатларини, нормал ривожланиши ва ахлоқий тарбиясини таъминлайдиган ижтимоий алоқалар.

● Объектив томони

вояга етмаганни ваъда бериш, алдаш, таҳдид ва бошқа усуслар билан жиноят содир этишга жалб қилиш

● Субъект

18 ёшга тўлган шахс.

● Субъектив томони

вояга етган одамнинг ҳаракатларидаги тўғридан-тўғри нияти – ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфли моҳиятини англаши ва унинг ижтимоий хавфли оқибатларини кутиши.

36-§. Инсон ва фуқаронинг конституциявий ва бошқа ҳуқук ҳамда эркинликлариға қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар

Бугунги дарсда:

инсон ва фуқаронинг конституциявий ва бошқа ҳуқук ва эркинликлариға қарши жиноятларни күриб чиқынг.

Таянч сұзлар:

- конституциявий ҳуқук
ва эркинликлар
- уй-жой дахлсизлиги
- тенг ҳуқуқлилик

Инсоннинг (фуқаронинг) конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари. Қозоғистон Республикаси Конституциясы инсон ва умуман жамият учун жуда мұхим ва ақамиятлы бўлган ҳуқук ва эркинликларни мустаҳкамлайди. Асосий ҳуқук ва эркинликлар нафақат давлат томонидан тан олинади, балки у давлатимиз

ҳаётининг зарурый шарти сифатида ҳимоя қилинади. Конституциявий ҳуқук ва эркинликлар шахснинг ҳуқуқий мақомининг асосидир. Улар тенг ва ҳамма учун битта.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари – муайян ҳаракатларни амалга ошириш, муайян ҳуқуқлардан уларнинг әхтиёжлари ва манбаатларини қондириш учун фойдаланиш. Конституциявий ҳуқук ва эркинликлар инсон (фуқаро) ва давлат ўртасида вужудга келади, бу давлатнинг ҳар бир шахснинг (фуқаронинг) асосий ва бошқа ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва муҳофаза қилиш мажбуриятини шакллантиради. Инсоннинг ва фуқароларнинг, конституциявий ва бошқа ҳуқук ҳамда эркинликлари бузилган ёки конституциявий мажбуриятларини ва бошқа ҳуқук ҳамда эркинликларга қарши жиноий ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган жавобгарлик қўлланилади. Тенглик дегани миллати, жинси, келиб чиқиши, яшаш жойи, маълумоти, мулки ва бошқа тафовутларидан қатъи назар, барча одамлар қадр-қиммати тенг ва бир хил муомалага лойикдир.

ҚР Жиноят Кодексининг учинчи бобида инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлариға қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар кўрсатилган. Ушбу жиноий ҳуқуқбузарликлар Қозоғистон Республикаси Конституциясы томонидан эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлариға путур етказадиган ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларни намоён қиласи.

ҚР ЖКнинг 157-моддаси “Иш ташлашда қатнашишга мажбур қилиш ёки иш ташлашда қатнашишдан бош тортиш” ни кўриб чиқамиз. Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида шахснинг шахсий ва жамоавий меҳнат низоларини, уларнинг қонуний

Баъзилар учун дайдилик, болалар ва ўспириналарнинг тиланчиликлари хавфли күринишдай туюлмайди. Аммо бу күпинча жиноятлар содир бўлишига олиб келадиган болалар ва ўспириналарни жамиятдан узилган турмуш тарзига жалб қилишдир. Бўйсундириш усуллари ишонтириш, алдаш, таҳдид күринишида турлича бўлиши мумкин.

Мисол

Фуқаро А. 24 ёшда, доимий иш жойига эга эмас, пулга муҳтоҷ бўлиб қолди. Бир куни у ўғирилик қилишга қарор қилди. Бунинг учун у ўзининг қўшниси вояга етмаган Б.ни квартирага дераза орқали киришига ёрдам беришига кўндира бошлади. Фуқаро А. ўғирилик ва вояга етмаган шахсни жиноий ҳукуқбузарликка тортгани учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Болалигидан шахснинг шаклланиши шартлари оиланинг фаровонлигига боғлиқ. Шахсий ҳимоя масаласи оилавий муносабатларни, шу жумладан давлатнинг жиноий-ҳукуқий воситаларини ҳимоя қилиш масаласи билан ҳам боғлиқ.

Шундай қилиб, оиласа ва вояга етмаганларга қарши жиноятлар ижтимоий хавфли бўлиб, оила манфаатларига, шунингдек, вояга етмаганнинг манфаатларига қарши айборлик тажовузлари ҳисобланади. Ушбу жиноятлар ижтимоий хавфлидир, чунки улар вояга етмаганларнинг одоб-ахлоқига оид, руҳий, жисмоний ривожланишига ва оиланинг ахлоқий тамойилларига путур етказади. Жиноий тажовузларнинг асосий объектлари вояга етмаганлар ва оила ҳисобланади.



- Оила ва вояга етмаганларга нисбатан жиноий ҳукуқбузарликлар ҳақида гапиринг.
- "Никоҳ ва оила, оналик, оталик ва болалик давлат томонидан ҳимоя қилинади" иборасини сиз қандай тушунасиз? Фарзандларни қандай тарбиялаш кераклиги ҳақида ўз фикрингизни билдиринг.
- Оиласа қарши жиноятлар ва вояга етмаганларга қарши жиноятларни солиштиринг. Ушбу жиноятларнинг умумий жиҳатлари тўғрисида ўз фикрингизни билдиринг.



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ

Дарсда: "Ота-оналар болаларни жазолай оладими?" мавзусини муҳокама қилинг. Ҳар бирингиз фикрингизни билдиринг, ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатлар моделини ишлаб чиқинг. Ўзаро муносабатларда болалар ва ота-оналар учун қайси тамойиллар асосий бўлиши керак? Сиз кластер усулидан фойдаланишингиз мумкин.



Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Гурӯҳда ишлаш

"Ақлий ҳужум" методига асосланган ҳолда қуйидаги мавзуни муҳокама қилинг: "Вояга етмаганларга нисбатан жиноий ҳукуқбузарликка қарши курашиш усуллари". Доскада (ватман) ҳар бир ўқувчи ўз фикрларини баён қилади ва ёzádi. Синфда айтилганларни муҳокама қилинг ва тақдим этилган фикрларни баҳоланг.



36-расм. Уй-жой турлари

ёки бинони ё унинг қурилишини англатади, шу жумладан: шахсий ёки ижарага олинган квартиralар, уйлар, боғ уйи, меҳмонхона хонаси, каютани; қурилиш биноларига тўғридан тўғри уланган верандалар, террасалар, галереялар, балкон, ертўлалар ва чордоқлар, кўп қаватли уйлар, шунингдек, дарё ёки дengиз кемаси (36-расм).

Берилган жиноий ҳуқуқбузарликнинг таркибини кўриб чиқамиз (42-чиизма).

42-чиизма

«Уй-жой даҳлсизлигининг бузилиши» жиноий ҳуқуқбузарлигининг таркиби

● Объект

фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар.

● Объектив томони

уй-жойга унда яшайдиган шахснинг ихтиёрига қарши ноқонуний кириб олиш.

● Субъект

16 ёшга тўлган ўз қилмишига ўзи жавоб бера оладиган шахс.

● Субъектив томони

тўғридан-тўғри ният шаклида айборлик билан тавсифланган.

Ҳеч ким уйда яшовчиларнинг рухсатисиз уй-жойга киришга ҳақли эмас. Уй-жойга кириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, фактат ваколатли давлат органлари ходимлари томонидан амалга оширилган ҳолларда мумкин. Бошқа ҳар қандай ҳолатда, унда яшовчи киши уйга қонуний киришга тўсқинлик қилиши мумкин. Полиция ходимлари текширишни уй эгаларининг (вояга етганларнинг) розилиги билан ёки тергов қилувчи судьянинг розилиги билан ўтказиши мумкин. Агар яшовчилар вояга етмаганлар бўлса ва улар касалликлардан азият чекаётган бўлсалар ва экспертизага қаршилик қилсалар, полиция ходими мажбурий текширувни буюради, унга судья рухсат бериши керак. Кейин текширув олиб борилади.

рухсатномаларидан фойдаланган ҳолда ҳал қилишини, шунингдек, иш ташлаш ҳуқуқини тан олади. Бу шуни англатадики, ҳар бир киши иш ташлашда қатнашиш ёки қатнашмаслик түғрисидаги қарорни үзи қабул қиласы.

● Күшимча маълумотлар

Баъзи маълумотларни кўрсатиб ўтамиш:

145-модда. Инсон ва фуқаронинг тенглигини бузилиши.

146-модда. Қийноқлар.

147-модда. Шахсий маълумотларни бузиш ва Қозоғистон Республикасининг шахсий ҳаёт дахлизилиги ва уларни ҳимоя қилиш түғрисидаги қонунларини бузиш.

148-модда. Ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар, поча, телеграф ёки бошқа хабарларнинг махфийлигини қонунга хилоф равишда бузиш.

149-модда. Уй-жой дахлизилигини бузиш.

157-модда. Иш ташлашда қатнашишга мажбур қилиш ёки иш ташлашда қатнашишни рад этиш.

Ушбу жиноий ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфи ушбу кафолатланган конституциявий ҳуқуқнинг бузилиши билан изоҳланади. Субъект – ҳуқуқбузар – одамни иш ташлашда қатнашишга ёки қонуний иш ташлашда қатнашишдан бош тортишга мажбур қиласы. Бундай ҳолда хизмат ҳолати қўлланилади, жисмоний ёки руҳий зўравонлик ё зўравонлик таҳдидлари ифода этилади. Бу уч минг ойлик иш ҳақининг миқдорида жарима ёки бир хил миқдорда ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Уч йилгача озодликни чеклаш ёки шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо ҳам қўлланилиши мумкин. Ушбу ҳуқуқбузарликлар таркиби элементларини кўриб чиқамиз (41-чиизма).

41-чиизма

«Иш ташлашда қатнашишга мажбур қилиш ёки иш ташлашда қатнашишдан бош тортиш» жиноий ҳуқуқбузарлигининг таркиби

● Объект

одамнинг шахсий ва жамоавий меҳнат низоларидаги ҳуқуқи.

● Объектив томони

ўз хизмат даражасидан фойдаланиб ёки куч ишлатиш йўли билан таҳдид қилиб иш ташлашда иштирок этишга ё қонуний иш ташлашдан бош тортишга йўналтирилган ҳаракат

● Субъект

16 ёшга тўлган ўз қилмишига үзи жавоб бера оладиган шахс.

● Субъектив томони

тўғридан-тўғри ният шаклида айбдорлик билан тавсифланган.

“Уйнинг дахлизилигини бузиш” түғрисидаги 149-моддани кўриб чиқамиз. ҚР ЖПК нинг нормаларига мувофиқ, уй-жой бир ёки бир нечта шахснинг вақтинча ёки доимий яшаш учун мўлжалланган хонани

155

*Книга представлена исключительно в образовательных целях

устунга ёзинг: фарқ ва үхшашликлари нимада. Фуқаронинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қандай ва шахснинг ҳуқуқлари қандай?



Мураккабликнинг 3-даражасидаги топшириқ. Гурӯҳда ишлаш

Үқувчиларни икки гурӯҳга (қызлар ва ўғил болаларга) бўлинг. Қызлар мактабнинг илмий мудиридан интервью олишлари керак. Ўғил болалар мактаб ИДА инспекторидан интервью олишлари керак. Сұхбатнинг мавзуси: "Таълим муассасаларида үқувчиларнинг ҳуқуқларига қай даражада риоя қилинади? Үқувчилар қандай мажбуриятларни бажаришлари керак?" Дарсда интерфаол доска ёрдамида ўзингиз тайёрлаган видеоматериални намойиш этинг. Ушбу мавзуни дарсда муҳокама қилинг. Мактабда қандай ҳуқуқбузарликлар бор? Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари учун ким айбдор? Ҳуқуқбузарликтан қандай ҳимоя қилиниш керак?

37-§. Конституциявий тузум асослари ва давлат хавфсизлигига қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар

Бугунги дарсда:

конституциявий тузум асослари ва давлат хавфсизлигига қарши жиноий ҳуқуқбузарлик хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Таянч сўзлар:

- давлатга хиёнат
- жосуслик
- қўпорувчилик
- сепаратизм
- экстремизм

Конституциявий тузум асослари ва давлат хавфсизлигига қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг бешинчи бобида келтирилган. Қозоғистон Республикасининг конституциявий тизими – бу давлат томонидан ҳимоя қилинадиган ижтимоий муносабатлар ва қадриятлар тизимиdir. Бундай муносабатларнинг марказида шахс, унинг ҳаёти, ҳуқуқлари ва эркинликлари туради. Шунингдек, Қозоғистон Республикаси ҳудудининг суверенитети ва яхлитлиги, жамият ва давлатнинг хавфсизлиги бундай қадриятдир. **Хавфсизлик** – бу шахс, жамият ва давлат манфаатларини ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳолатини англаади. Хавфсизликнинг асосий объектларига қуидагилар киради: конституциявий тузум, суверенитет, мудофаа қобилияти ва давлатнинг ҳудудий яхлитлиги.

Мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири бу конституцион тузум ва давлат хавфсизлигига қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар билан курашдир.

Мисол

Фуқаро Б. квартира әгаси фуқаро Е.нинг хоҳишига қарши уни итариб, калтаклаш билан құрқитиб, квартираға кирган. Уй әгаси уйнинг подъездига чиқып, полицияни қақырди. Улар фуқаро Б.ни ушлашды. Бу мисол уй-жой дахлсизлигининг бузилишини акс эттиради.

Шу билан бирга Қозоғистон Республикасининг амалдаги қонунчиліги фуқароларнинг уйига үз хоҳишлирига қарши қонуний кириш имкониятини беради. Бу күтилмаган фавқулодда вазиятларда мүмкін: ёнғин, газ, сув, электр таъминоти, канализация тизимидағи авария ва ҳоказолар.

Шундай қилиб, инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар жиноят қонунларида күзда тутилған фуқароларнинг Қозоғистон Республикаси Конституциясида эълон қилинған ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказадиган ижтимоий хавфли хатти-харакатлардир. Инсоннинг ва фуқаронинг конституциявий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари бузилған ёки конституциявий ва бошқа инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноий ҳуқуқбұзарлық содир этилған тақдирда Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилған жавобгарлық құлланилади. Инсон ҳуқуқлари замонавий дунё тамаддуниининг асосий қадриятларидан биридір. Улар инсон туғилишида нафакат мавжудликнинг ажралмас шарти сифатида, балки ҳаётнинг воситаси ва мақсади сифатида ҳам пайдо бўлади. Давлатнинг асосий вазифаси инсонга ва унинг конституциявий ҳуқуқларига ғамхўрлик қилишдир.



- Одам ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқлари тұғрисида гапириңг. Инсон ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинишини эсланг. Қайси органлар мажбурлов чораларини құллаш ҳуқуқига зә?
- Уй-жой деганда нимани тушунасиз? Қандай ҳолларда қонунда фуқароларнинг уйига үз хоҳишлирига қарши қонуний кириш имконияти күзде тутилған?

**Мураккабикнинг 1-даражасидаги топшириқ. Якка тартибда ишлаш**

Вазиятни муҳокама қилинг. Чет элда бўлганингизда, хужжатларингизни йўқотиб қўйдингиз. Сизда қандай ҳислар уйғонади? Бундай вазиятда нима қилиш керак?

Мураккабикнинг 2-даражасидаги топшириқ. Венн диаграммаси

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлимига қаранг. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамлайдиган қоидаларни топинг. Дафтарларга “одам”, “фуқаро” тушунчалари нимани англатишини ёзиб қўйинг. Икки

Лутғат

- Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар** – Конституцияда мустаҳкамланған ҳаракат қилиш имкониятлари.
- Уй-жой дахлсизлиги** – бу тамойилга биноан унда яшайдиган одамларнинг хоҳишлирига қарши ҳеч ким улар яшайдиган уй-жойга киришга ҳақли эмас.
- Тенг ҳуқуқлилик** – қонун ва суд олдиде ҳамма тенг эканлиги ҳар бир кишининг тенг имкониятларга зә эканлиги ва үз мажбуриятларини бажаришикераклиги тамойили.

материалларни тарқатиши ёки тарқатиши мақсадида тайёрлаш, сақлаш (ҚР ЖК нинг 180-моддаси).

44-чизма

«Сепаратив фаолият» жиноятынинг таркиби (ҚР ЖКнинг 180-моддаси)

● Объект

Конституцион тузум, унитарлик, яхлитлик, Қозоғистон Республикаси ҳудудининг дахлизилиги ва бўлинмаслиги.

● Объектив томони

Қўйидаги ҳаракатларда ифодаланади:

- Қозоғистон Республикасининг унитарлиги ва яхлитлигини бузишга, ҳудудининг дахлизилиги ва бўлинмаслиги ёки давлатнинг таркибий қисмларга ажралишига қаратилган тарғибот;
- Қозоғистон Республикасининг ҳудуди бирлигини қўпол равишда бузишга оммавий чақириклар;
- бундай таркибдаги материалларни тарқатиши мақсадида ишлаб чиқариш ва сақлаш;
- юкоридаги мурожаатларни ўз ичига олган материалларни тарқатиши.

● Субъект

16 ёшга тўлган, ўз қилмишига ўзи жавоб бера оладиган жисмоний шахс

● Субъект томони

Тўғридан тўғри ният, яъни шахс ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни онгли равишда амалга оширади, миллий манбаатларга зарар етказиши кўзлайди ва бу заарнинг етказилишини кутади.

Луғат

- **Конституцион тизим** – ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий-хуқуқий муносабатлар тизими.
- **Жосуслик** – давлат сирларини ташкил этувчи маълумотларни чет давлатга, халқаро ёки хорижий ташкилотга ёки уларнинг вакилларига топшириш.
- **Экстремизм** – кескин қарашларга ва таъсир қилиш усулларига риоя қилиш.
- **Терроризм** – одамларга нисбатан куч ишлатиш ёки шафқатсиз ҳаракатлар қилиш.

Жосуслик – давлат сирини ташкил этувчи ахборотни хорижий давлатга бериш мақсадида йиғиши, ўғирлаш ёки сақлаш. Ушбу жиноятынинг жамоат учун хавфлилиги муҳим давлат сирлари давлатимиз тасарруфидан чиқиб кетиши мумкинлигидадир.

Давлатга хиёнат ва жосуслик ўртасидаги фарқ субъектдан иборат. Давлатга хиёнат қилиш субъекти – Қозоғистон Республикаси фуқароси ва жосуслик объекти – чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс (45-чизма).

Мисол

2015 йилда фуқаро С. "А.А." ижтимоий тармоғида "Тасаввур қилайлик, А. шаҳрида овоз бериш бўлганида." сарлавҳаси билан сўровнома эълон қилди. Ўқувчиларга Қозоғистондаги вилоятнинг қўшни мамлакатга киришига "қарши" ёки "қарши эмас" овоз беришга таклиф қилинди. Ушбу ҳаракатни содир этганлиги учун фуқаро С. туман суди томонидан 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

● Құшимча маълумотлар

Ушбу турдаги баъзи жиноий ҳукуқбузарликларни күрсатамиз:

Давлатга хоинлик (ҚР ЖКнинг 175-моддаси);

Жосуслик (ҚР ЖКнинг 176-моддаси);

Қозоғистон Республикаси Бириңчи Президенти – Миллат раҳбарига сүйкесд (ҚР ЖКнинг 177-моддаси);

Экстремистик гурхни тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки унинг фаолиятида қатнашиш (ҚР ЖКнинг 182-моддаси);

Оммавий ахборот воситаларида экстремистик материалларни нашр этишга рухсат бериш (ҚР ЖКнинг 183-моддаси) ва ҳоказо.

Объектив томони фаол ҳаракатлар шаклида ифодаланади. Субъектив томон – ният шаклида айборликдир. Субъектлар – 16 ёшдан ошган шахслар. 14 ёшга тўлган шахслар Қозоғистон Республикаси Бириңчи Президентининг ҳаётига тажовуз қилганчилик ва Қозоғистон Республикаси Президентининг ҳаётига тажовуз қилганлиги учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

Улардан баъзиларини кўриб чиқамиш:

Давлатга хиёнат – Қозоғистон Республикаси фуқаросининг қасдан ноқонуний хатти-ҳаракатлари. Ушбу жиноят таркибини кўриб чиқамиш (43-чизма).

43-чизма

«Давлатга хиёнат» жиноятининг таркиби

● Объект

Қозоғистон Республикасининг суверенитети ва ташқи хавфсизлиги.

● Объектив томони

қуролли зиддият вактида душман томонга ўтиб кетиш;
жосуслик;
давлат сирларини чет давлатларга, халқаро ва хорижий ташкилотларга бериш.

● Субъект

16 ёшга тўлган Қозоғистон Республикаси Фуқароси.

● Субъектив томони

тўғридан-тўғриният билан тавсифланади, яъни шахс ноқонуний хатти-ҳаракатларни амалга оширади, Қозоғистон Республикасининг миллий манфаатларига зарар етказилишини кутади ва зарар етказилишини хоҳлади.

Мисол

Туманлааро суд икки геологни хоинликда айблаб узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилди. Суд геологларни маҳфий ҳужжатларни хорижий фуқароларга топширишда айбор деб топди. Ҳужжатларда мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини бузадиган маълумотлар мавжуд эди.

Сепаратистик фаолият – Қозоғистон Республикасининг бир бутунлиги ва яхлитлигини бузиш, шунингдек, бундай таркибдаги

159

*Книга представлена исключительно в образовательных целях

согласно Приказа Министра образования и науки Республики Казахстан от 17 мая 2019 года № 217

Терроризм – бу зўравонлик мафкураси ва зўравонлик ёки бошқа жиной хатти-харакатларни содир этиш ёки қилиш билан таҳдид қилиш орқали давлат органларининг қарор қабул қилишига таъсир қилиш амалиёти. Терроризмнинг мақсади – ахолида қўрқувни тарқатиш; шахсга, жамиятга ва давлатга зарар етказиш; расмийларга ёки муайян сиёсий раҳбарларга ўз сиёсатларини ўзгартариш учун босим ўтказиш. Терроризм шакллари: сиёсий, миллатчилик ва диний.

Ушбу қаттиқ жазоланадиган жиноятнинг таркибини кўриб чиқамиз (47-чиизма).

47-чиизма

Террорчиллик жинотининг таркиби (ҚР ЖК нинг 255-моддаси)

Объект

жамоат хавфсизлиги

Объектив томони

одамларнинг ҳалок бўлиши хавфи-ни келтириб чиқарадиган портлаш, ёнғин ва бошқа харакатларни амалга ошириш, кўрсатилган харакатларнинг амалга оширилиши хавфи; мулкка катта микдорда зарар етказиш ёки бошқа ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқариш.

Субъект

14 ёшга тўлган жисмоний соғлом шахс

Субъектив томони

тўғридан-тўғри ният билан тавсифланади. Шахс амалга оширган фаолияти-нинг ижтимоий хавфлилигини англаб туради, оқибатларнинг эҳтимоллигини ёки муқаррарлигини кутади ва унинг содир бўлишини хоҳлади; ижтимоий хавфсизликни бузиш, ахолини қўрқитиш, ҳокимият органларининг қарор қабул қилишига таъсир этиш.

Шундай қилиб, конституциявий тузум ва давлат хавфсизлигига қарши жиноятлар жамият барқарорлигини бузади, давлатнинг тинч ривожланишига таҳдид солади. Юқоридаги жиноятлар гуруҳини алоҳида бобга ажратишнинг асоси бу жиноятлар таркибининг умумий объекти ҳисобланади. Бунга қўйидагилар киради: конституциявий тузум асослари ва давлат хавфсизлиги.



1. Конституциявий тузумга қарши жиноий ҳуқуқбузарликларнинг қайси турларини билиб олдингиз?
2. Давлатга хиёнат ва жосуслик ўртасидаги фарқ нима эканлигини айтинг.
3. Сепаратизм нима ва унинг давлат учун хавфлилиги ҳақида ўз фикрингизни билдиринг.



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Гуруҳда ишлаш. Кластерни тўлдиринг

“Ментал карта” кластеридан фойдаланинг. Доска ўртасида (ватман) “Давлат хавфсизлиги” ибораси кўрсатилган. Ушбу тушунча билан боғлиқ сўзлар, бирикмалар ва жумлаларни ёзинг (масалан, хавфсизликни ким таъминлайди, қандай қилиб, хавфсизлик нима, нимадан ҳимоя қилиниш керак ва ҳоказо).

«Жосуслик» жиноятининг таркиби**● Объект**

Қозоғистон Республикасининг суверенитети ва ташқи хавфсизлиги, миллий манбаатлари

● Объектив томони

Хорижий давлатнинг топшириғи ёки шахсий ташаббуси билан чет давлатга, ҳалқаро ёки чет эл ташкилотига бериш мақсадида давлат сирларини үз ичига олган маълумотларни бериш, йиғиши, ўғирлаш ёки саклашни амалга оширадиган фаолият.

● Субъект

16 ёшга түлгап чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс.

● Субъект томони

Тўғридан-тўғри ният – шахс ноқонуний ҳатти-харакатларни амалга оширади, Қозоғистон Республикасининг миллий манбаатларига заарар етказилишини кутади ва бу заарарнинг содир бўлишини хоҳлайди.

Экстремистик групхни тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки унинг фаолиятида қатнашиш каби жиноятларни кўриб чиқамиз (ҚР ЖКнинг 182-моддаси).

Экстремизм – бу кескин қарашлар ва чора-тадбирларга содиқлик, ҳокимиятга бўйсунмаслик чақириқлари, тартибсизликларни қўзғатиш, фуқаровий итоатсизлик, террорчилик ҳаракатлари, партизанлар уруши усуллари. Агар бу ҳаракатлар маълум бир дин билан боғлиқ бўлса, экстремизм диний деб баҳоланиши мумкин. Экстремизм – бу сиёсий тизимни мажбуран ўзгартириш ёки ҳокимиятни эгаллашга қаратилган ҳар қандай фаолиятдир.

Ушбу жиноят таркибини кўриб чиқамиз (46-чизма).

Экстремизм жиноятининг таркиби (ҚР ЖК нинг 182, 183, 256–260-моддалари)**Объект**

Қозоғистон Республикасининг суверенитети ва хавфсизлиги, миллий манбаатлари, ижтимоий муносабатлари

● Объектив томони

мавжуд ҳаракатлар – ҳокимиятга бўйсунмасликка чақириқ, тартибсизликларни ўютириш, фуқаролик бўйсунмаслиги, террорчилик ҳаракатлари, ҳокимиятни ноқонуний эгаллаш.

● Субъект

14 ёшга түлгап шахс – (ҚР ЖК нинг 173, 174, 177, 178, 184, 255, 256, 257 (1.2-қисм), 258, 261, 269-моддалари); 16 ёшга түлгап шахс – бошқа турдаги жиноятлар учун.

● Субъектив томони

Тўғридан-тўғри ният – шахс ноқонуний ҳатти-харакатларни амалга оширади, Қозоғистон Республикасининг манбаатларига заарар етказилишини кутади ва бу заарарнинг содир бўлишини хоҳлайди.

ҚР ЖК нинг 194-моддаси Товламачилик.

ҚР ЖК нинг 196-моддаси Жиной йўл билан топилган мол-мулкни сотиб олиш ёки сотиш.

ҚР ЖК нинг 200-моддаси Автомобиль ёки бошқа транспорт воситасидан ўғирлаш ниятисиз ноқонуний фойдаланиш.

ҚР ЖК нинг 202-моддаси Бирорнинг мулкини қасдан йўқ қилиш ёки унга зарар етказиш.

Кичик ўғирлик, ўғирлик, талончилик, босқинчилик, фиригарлик, товламачилик каби жиноятлар тез-тез содир бўлиб туради. Уларни кўриб чиқишига ўтамиш.

Кичик ўғирлик озгина миқдорда бирорнинг мулкини ўғирлаш, фиригарлик, ўзлаштириш ёки ишлатиб юбориш. Аҳамиятсиз миқдор ташкилотга тегишли бўлган мол-мулк ҲИМ қийматининг ўн баравар миқдоридан ошмаган ёки шахсга тегишли бўлган мол-мулк ҲИМнинг икки бараваридан ошмаган қиймат.

Ўғриликнинг ўзига хос хусусияти яширин ўғирликдир. Яширин ўғирликнинг белгиси мулкни ўғирлаш деярли сезилмай амалга оширилган бўлиши керак.

Бу муҳим! Гуноҳкордан топилган ёки тасодифан пайдо бўлиб қолган бошқа бирорнинг мол-мулкини эгаллаб олиш ўғрилик деб ҳисобланмайди (Қозоғистон Республикаси Олий судининг 2003 йил 11 июлдаги 8-сонли “Ўғирлик ҳолатларида суд амалиёти тўғрисида” қарори).

Талончилик пайтида мулкни тортиб олиш жараёни бошидан охири гача очик характерда бўлади. Тортиб олишнинг очик усули жиноятчининг мулкка эгалик қилиш учун бирон-бир жисмоний куч сарфлашини (силташ, итариш ва х.к.) ўз ичига олади.

Мисол

Туман суди П.га қарши жиноий ишни кўриб чиқди. ҚР ЖК нинг 191-моддаси 1-банди (талончилик, яъни жабрланувчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлмаган зўравонлик билан қўрқитилган, бирорнинг мулкини очиқдан-очик ўғирлаш).

Суд аниқлаганидек, П. маст ҳолда, 2017 йил 10 июль соат 15:00 атрофида жабрланувчидан очиқдан-очик 20 литр ҳажмдаги темир бочка, иккита рух челак, иккита металл тоғора, слесарлик асбобларини унга қўл кўтариб, куч ишлатиш билан қўрқитиб, очиқдан очик ўғирлаган. Кейин П. ўғирланган қимматбаҳо мол-мулк билан жиноят жойидан қочиб, жабрланувчига ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан 30 000 тенге миқдорида моддий зарар етказган.

Суднинг қарори билан П. ҚР ЖК нинг 191-моддаси 1-банди бўйича айбор деб топилди ва жиноий –ижроия тизимда қамоқни ўташ учун уч йил озодликдан маҳрум қилинди.

Фиригарлик – бу бошқанинг мулкини ўғирлаш ёки фиригарлик ё ишончга кириш орқали бошқа бирорнинг мулкига бўлган ҳуқуқни олиш. Шуни таъкидлаш керакки, фиригарликда алдов мулкни субъектга ўтказишнинг асосий сабаби бўлиб хизмат қиласи. Бу мулкни жиноятчига “ихтиёрий равиша” бериш билан тавсифланади.



Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Баҳс-мунозара

Синфда “Ижтимоий тармоқларда қандай маълумотларни тарқатиб бўлмайди?” мавзусида баҳс-мунозара ўтказинг. (ҚР Конституциясининг 5-моддаси 3-бандига, ҚР ЖК нинг 179-моддасига қаранг). Ўз фикрингизни билдиринг.

Мураккабликнинг 3-даражасидаги топшириқ

“Қизил даража” сериалини томоша қилинг, Қозоғистон, 2018 йил. Сюжет маркази – маҳсус хизматлар ва Нур Султанда теракт тайёрлаётган диний экстремистик груп ўртасидаги қарама-қаршилик. Асосий қаҳрамонларнинг ҳаракатларини муҳокама қилинг. Саволларга жавоб беринг: инсон учун энг муҳим қадриятлар нима? Террорчилар ёшларни ўз сафларига жалб қилиш учун қандай усуслардан фойдаланадилар? Экстремизм, террорчилик каби салбий ҳолатларга қандай қарши туриш кераклиги ҳақида ўйланг.

38-§. Мулкка қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар

Бугунги дарсда:

мулкка қарши жиноий ҳуқуқбузарлик хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Мулкка қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар. Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 6-моддасида давлат ва хусусий мулк давлатимиз томонидан тан олиниши ва тенг равища ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган. Мулк ҳуқуқи шахснинг энг муҳим ижтимоий имтиёзларидан биридир.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 6-бобида мулкка нисбатан жиноятлар рўйхати келтирилган.

Таянч сўзлар:

- ўғирлик
- талончилик
- босқинчилик
- фиригарлик

● Қўшимча маълумотлар

Мулкка қарши баъзи жиноий ҳуқуқбузарликларнинг баъзиларини кўрсатамиз:

ҚР ЖК нинг 187-моддаси Майда ўғирлик.

ҚР ЖК нинг 188-моддаси Ўғирлик.

ҚР ЖК нинг 190-моддаси Фиригарлик.

ҚР ЖК нинг 191-моддаси Талончилик.

ҚР ЖК нинг 192-моддаси Босқинчилик.



- Мулкка нисбатан қандай жиной хуқуқбузарликларни билишингизни айтинг. Майда үғирлик деганда нимани тушунасиз?
- Қандай ҳаракатлар товламачилик деб ҳисобланади? Фиригарнинг мақсади нима? Товламачилик ва фиригарликни солишириңг. Фиригарлик қурбони бўлмаслик учун қандай ҳаракат қилиш керак?
- Мунозара қилинг. Қандай қилиб фиригарларнинг қурбонига айланмаслик кераклигини муҳокама қилинг. Фиригарлар томонидан алданиб қолмаслик учун нимани билишингиз керак?



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Якка тартибда ишлаш

Жадвални тўлдириңг. Ҳар бир тушунча остида мулкка қарши жиной хуқуқбузарлик содир этилишининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг:

Жиной хуқуқбузарликлар	Хусусиятлари
Үғирлик	
Тўнаш	
Қароқчилик	
Қўрқитиб олиш	
Фиригарлик	



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Вазиятни муҳокама қилинг.

1. Фуқаро И. автобусда кетаётганда тасодифан бирорнинг уяли телефонини топиб олди. У бу уяли телефонни ўзида олиб қолишига қарор қилди. Жиной хуқуқбузарликнинг бирор бир таркиби фуқаро И.нинг ҳаракатларида кўринадими?

2. Фуқаро К. қишлоқ хўжалиги ярмаркасида бўлганида, фуқаро Т.нинг қора сумкасини кўрди. Фуқаро Т. бу эркакнинг сумкасини тортиб олиб, уни ерга итариб, номаълум томонга қочиб кетган. Ушбу факт бўйича ҚР ЖК нинг 188-моддасида кўзда тутилган “Үғирлик” жинояти бўйича судолди тергови бошланди. Жиноят содир этган шахснинг ҳатти-ҳаракатлари тўғри белгиландими?

39-§. Иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноий хуқуқбузарликлар

Бугунги дарсда:

иқтисодий соҳадаги жиноий хуқуқбузарликларни кўриб чиқамиз.

Таянч сўзлар:

- иқтисодий жиноятлар
- иқтисодий жиноятчилик

Иқтисодий жиноятчилик миллий муаммога айланди. Бу жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида содир бўлаётган жараёнларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу жиноий хуқуқбузарликларнинг жамоат учун хавфилиги уларнинг истеъмолчилар ва тадбиркорларнинг қонуни манфаатлари га тажовуз қилиш, иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги давлат манфаатларини бузишни ўз ичига олади.

Мисол

Фуқаро К. доимий яшаш жойига эга бўлмаган ҳолда фирибгарлик билан шуғулланишга қарор қилди. У квартирани ижарага олди, Интернетда ижтимоий тармоқларга эълон жойлаштириди: "Дам олишни хоҳлайсизми? Миср, Дубай, Грузия бўйича саёҳатлар. Арzon ". Ушбу эълонни кўриб, кўпчилик дам олиш истагини билдириди. Нархлар жозибали эди. Шу билан бирга, бу фуқаро ҳақиқатан ҳам бундай фаолият билан қонуний шуғулланадими ёки йўклигини аниқламасдан, одамлар пулларини беришди. Бироз вақт ўтгач, фуқаро К. ижарага олинган квартирани эгасига топшириди ва барча пуллари билан бошқа шаҳарга кетди. Алданган фуқаролар полицияга мурожаат қилишди. Албатта, фуқаро К. полиция томонидан ушланди. Ушбу мисол фирибгарлик деб баҳоланади.

Хушёр бўлиш керак. Ўзингиз мурожаат қилаётган ташкилотлар, фирмалар ва корхоналарни дикқат билан текширишингиз керак. Фирибгарликка қарши курашнинг энг яхши усули бу хуқуқий саводхонлик, эҳтиёткорлик ва ҳушёрликдир.

Товламачилик – бу зўравонлик ёки бироннинг мулкини йўқ қилиш ёки бузиш таҳди迪 остида бошқа бироннинг мулкини топшириш талаби. Товламачиликда одатда жабрланувчини ёки унинг қариндошларининг обрўсини тўкувчи маълумотлар ёки бошқа маълумотларнинг ошкор этилиши жабрланувчи ёки унинг қариндошлари манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотлар тарқалиши хавфи мавжуд бўлади.

Муаллифлик хуқуқи ва (ёки) ҳамкор хуқуқларни бузиш – бу муаллифлик хуқуқи ва (ёки) ҳамкор хуқуқлар объектларидан ноқонуний фойдаланиш, шунингдек, муаллифлик хуқуқи ва (ёки) ҳамкорларнинг асарини муаллифликни ўзлаштириб олиш ёки ҳам муаллифликка мажбур қилиш мақсадида қонунга хилоф равишда қайта бостириб чиқариш, ўзлаштириб олиш, сақлаш, кўчириш ёки нусхаларини тайёрлаш.

Босқинчилик – талончилик, талаш мақсадида куч ишлатиш йўли билан қилинган ҳужум. Талончилик хавфи нафақат мулкка тажовуз қилиш, балки бундай тажовуз усулида ҳам мавжуд. Бу ерда ҳужум қилинган шахснинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлган зўравонлик ишлатилган бўлиши ёки ишлатилиши мумкин.

Шундай қилиб, мулк давлат ҳимоясида бўлган қадриятдир. Мулкка қарши жиноий ҳуқуқбузарлик ижтимоий хавфли ҳаракатлардир. ҚР Конституцияси Қозогистон Республикасида давлат ва хусусий мулк эътироф этилиши ва teng даражада ҳимоя қилинишини белгилайди. Мулк ҳуқуқи шахснинг энг муҳим ижтимоий имтиёзларидан биридир. Қозогистон Республикаси Жиноят кодексида мулкка нисбатан жиноий ҳуқуқбузарликлар, шунингдек, уларни содир этганлик учун жазо чоралари кўрсатилган.

Лугат

- **Ўғирлик** – бироннинг мулкини яширин ўғирлаш
- **Талончилик** – бироннинг мулкини очиқданочик ўғирлаш.
- **Босқинчилик** – бироннинг мулкини ўғирлаш учун қилинган ҳужум, шунингдек, инсон ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўравонлик.
- **Фирибгарлик** – алдов йўли билан ёки ишончга кириш орқали бироннинг мулкини ўғирлаш.



Иқтисодиёт (юононча oikonomike) – хұжаликни юритиш санъати. Үқув адабиётларыда бу атама "хұжалик" сүзининг синоними сифатида ишлатилади. Собиқ СССРнинг жиноят қонунчилігіда узок вақт давомида бўлимлардан бири "Хўжаликка оид жиноятлар" деб номланган.

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига мувофиқ ҳар бир фуқаро тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ҳуқуқига эга. Қозоғистон Республикаси Конституцияси иқтисодий фаолият, шу жумладан тадбиркорлик эркинлигини кафолатлайди.

Иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларнинг ижтимоий ҳавфлилиги шундан иборатки, бундай тажовузлар натижасида давлатнинг ёки иқтисодий фаолият билан боғлиқ субъектларнинг иқтисодиётiga жиддий заар етказилиши мумкин.

Иқтисодий фаолият соҳасидаги ҳар қандай жиноий ҳуқуқбизарлик – қонуний бизнесга тўсқинлик қилиш, қалбаки пуллар ёки қимматли қоғозларни тайёрлаш ё сотиш, контрабанда ёки солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ва х.к. давлат ва иқтисодий фаолият билан боғлиқ бошқа субъектларнинг иқтисодий манбаатларига заар етказиш ҳисобланади.

Иқтисодий ҳуқуқбизарликлар учун жиноий жавобгарлик суд томонидан жиноятнинг оғирлигига қараб белгиланади.

Мисол

Фуқаро А. технологияни яхши билган, доимий иш жойига эга бўлмаганилиги сабабли, ўз маҳорати эвазига бойиб кетишга қарор қилди. Ўзининг принтеридан фойдаланиб, фуқаро А. қалбаки пуллар – тенге пулларини чиқара бошлади. Шундай қилиб, фуқаро А. ўз уйда 1 000 000 тенгени 10 000 ва 20 000 тенге купюраларида тайёрлади. Ўйлаганини амалга оширгач, у ўз пулларини ишлатиш ва ноқонуний фойдага эга бўлиш учун дўконга борди. Дўкон сотувчиси фуқаро А. томонидан тайёрланган купюрани текширди. Накд пулни текшириш воситаси купюранинг қалбаки эканлигини кўрсатди. Сотувчи полицияни чақирди. Фуқаро А. қўлга олинди. Ушбу мисолда ҚР ЖК нинг 231-моддаси мол-мулкини мусодара қилиш билан ёки мусодара қилмасдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони назарда тутади.

Ноқонуний мукофот кўринишидаги ҳуқуқбизарлик таркибини кўриб чиқамиз. Бу ерда субъект аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида хизмат кўрсатадиган шахсdir. Объект аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар, шунингдек, таълим, савдо, умумий овқатланиш, майший, коммунал, тиббий, транспорт ва бошқа жамоат хизматлари соҳаларида хизматларни кўрсатишнинг белгиланган тартибидир. Ушбу жиноят таркибининг объектив томони, коммунал хизматлар сектори ходимлари томонидан ўзларининг хизмат вазифалари таркибига кирадиган ишларни ёки



36-расем. Ноқонуний мукофот учун жазо

Объектив томон ҳаракатларни бажариш билан тавсифланади. Иқтисодий фаолият соҳасидаги бир қатор жиноятларнинг муҳим белгиси ижтимоий хавфли оқибатлардир. Иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноий ҳуқуқбузарликларнинг субъектив томони қасдан айборлик билан тавсифланади. Субъектив томоннинг муҳим хусусияти сабаб ва мақсад. Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексида саккизинчи боб иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларга бағишиланган. Буларга иқтисодий соҳадаги ноқонунний хатти-ҳаракатлар киради.

● Құшимча маълумотлар

Иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларнинг айрим турларини күрсатамиз.

✓ **ҚР ЖКнинг 217-моддаси** Молиявий (инвестиция) пирамидасини яратиш ва бошқариш.

✓ **ҚР ЖКнинг 218-моддаси** Жиноий йўл билан олинган пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мulkни легаллаштириш (қонунлаштириш).

✓ **ҚР ЖКнинг 219-моддаси** Қарзни ноқонуний олиш ёки бюджет қарзини систеъмол қилиш.

✓ **ҚР ЖКнинг 231-моддаси** Қалбаки пуллар ёки қимматли қоғозларни ишлаб чиқариш, сақлаш, бериш ёки сотиш.

✓ **ҚР ЖКнинг 232-моддаси** Сохта тўлов карталари ва бошқа тўлов-ҳисоб-китоб ҳужжатларини тайёрлаш ёки сотиш.

✓ **ҚР ЖКнинг 234-моддаси** Иқтисодий контрабанда.

✓ **ҚР ЖКнинг 244-моддаси** Фуқаронинг солиқ ва (ёки) бюджетга тўловларни тўлашдан бўйин товлаши.

✓ **ҚР ЖКнинг 247-моддаси** Ноқонуний мукофот олиш.

Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш юридик тадбиркорлик фаолиятининг муҳим қисми ҳисобланади. Зарур ҳолларда фаолият билан шуғулланиш учун маҳсус рухсатнома (лицензия) мавжудлиги ҳамда рухсатномалар ва билдиришномалар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши.

Иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноий ҳуқуқбузарлар – бу иқтисодий манфаатларнинг бузилиши, улар мансабдор шахслар ёки бошқа шахслар томонидан иқтисодий фаолиятни одатдаги тартибда қасдан бузишни ўз ичига олади.

Иқтисодий жиноятларнинг белгилари

1. Ўз манфаатини кўзлайдиган белги – фойда.
2. Касбий фаолият жараёнида содир бўлади.
3. Катта зарар.
4. Барқарор белги.

Аксарият иқтисодий жиноятларнинг битта умумий жиҳатлари мавжуд: улар ҳар доим режалаштирилади, ҳар доим қасдан қилинади.

Иқтисодий жиноий ҳуқуқбузарликлар ноқонуний деб ҳисобланади ва фуқароларга, корхоналарга ёки давлатга молиявий заар етказади. Уларнинг энг кенг тарқалгани – истеъмолчиларнинг фирибгарлиги ва ноқонуний бизнес фаолияти.

1. Иқтисодий соҳадаги жиной ҳуқуқбузарликлар.
2. Иқтисодий жиноятчилик.
3. Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш.
4. Иқтисодий контрабанда.
5. Ноқонуний мукофот олиш.
6. Соҳта тўлов карталари ва бошқа тўлов-ҳисоб-китоб ҳужжатларини тайёрлаш ёки сотиш.

Савол	Жавоб
1. Қонуний тадбиркорлик фаолиятининг мажбурий белгиси.	
2. Иқтисодий манфаатларга тажовуз қилиш. Мансабдор шахслар ёки бошқа шахслар томонидан иқтисодий фаолиятни одатдаги тартибда олиб боришни қасдан бузишни ўз ичига олади	
3. Корхоналар ва фуқароларнинг иқтисодий манфаатларига зарар етказадиган ижтимоий хавфли ноқонуний хатти-ҳаракатлар.	
4. Давлат, бошқарув вазифаларини бажармаётган давлат органи ёки давлат ташкилоти ходимининг ўз хизмат доирасига кирадиган ишни бажарганлиги ёки хизмат кўрсатганлиги учун моддий мукофотни ноқонуний олиши.	
5. Евроосиё иқтисодий иттифоқи чегараларидан товарлар ёки бошқа йирик предметларни тўлиғича яширин равишда божхона назоратидан ноқонуний ўтказиш.	
6. Соҳта тўлов карталари, шунингдек қимматбаҳо қоғоз ҳисобланмайдиган бошқа тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини сотиш мақсадида тайёрлаш ёки сотиб олиш.	

40-§. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби қарши жиноий ҳаракатлар

Бугунги дарсда:

жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби қарши жиноий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқамиз.

Таянч сўзлар:

- жамоат хавфсизлиги
- жамоат тартиби

Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби. Ушбу тушунчалар бир-бири билан боғлиқ. **Жамоат тартиби** – бу турли жойларда фуқароларнинг хотиржам ва муносаб ҳулқ-авторини таъминлайдиган жамоатчилик муносабатларининг уйғунлашуви.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 10-бобида жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. Ушбу боб 41 та жиноий ҳуқуқбузарликларни ўз ичига олади (ҚР ЖКнинг 255-295-моддалари). Ушбу жиноий ҳуқуқбузарликлар маълум бир кишига заар етказмайди, балки умуман жамият хавфсизлигига заар етказади.

хизматларни бажарғанликлари учун фуқаролардан ноқонуний мукофотлар олишидир.

Ноқонуний мукофотлар деганда, ноқонуний мулкий имтиёзлар (пул, турли хил товарлар, моддий бойликлар ва бошқалар) тушунилиши керак. Бундан ташқари, ноқонуний пулни қачон олиш мүхим әмас – фуқаро учун керакли ҳаракатни амалга оширишдан олдин ёки кейин. Шу билан бирга, товламачилик орқали ноқонуний мукофот олиш жиноий жазоланади.

Ноқонуний пул ундириш ҳаракатлар учун тўловни аниқ талаб қилишни англатади. Фуқаролар атайлаб шундай шароитларга жойлаштирилганки, у ҳолда у қонуний манфаатларининг заарли таъсириининг олдини олиш учун ҳақ тўлашга мажбур бўлади. Масалан шифокор хизматларига ҳақ тўламаса, bemorни даволашдан бош тортади. Бу ерда амалий бепул тиббий ёрдам ҳақида гап кетяпти.

Шундай қилиб, *иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноий ҳуқуқбузарликлар* жиноий қонунларда кўзда тутилган иқтисодий манфаатларга тажовуз қилишдир. Ушбу жиноий ҳуқуқбузарлик таъмагирлик ҳисобланади. Бу мансабдор шахслар ёки бошқа шахслар томонидан иқтисодий фаолият юритишнинг нормал тартибини қасдан бузишини ўз ичига олади. Бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида барқарорликнинг мүхим омили иқтисодий тизимнинг барча фуқароларга муносаб ҳаёт сифатини, ўз қобилиятларини амалга оширишни таъминлаш имкониятидир.

Иқтисодий жиноятлар давлатнинг ривожланишини умуман тўхтатиб қўяди, мавжуд бўлган барча иқтисодий муаммоларни кучайтиради ва мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигига таҳдид солади.



1. Иқтисодий жиноий ҳуқуқбузарликларга таъриф беринг, уларнинг асосий хусусиятларини айтинг.
2. Иқтисодий жиноий ҳуқуқбузарликнинг қандай турлари мавжудлигини айтинг.
3. Тушунчаларни кенгайтиринг ва тавсифланг: *зарар, тадбиркорлик, жарима*. Иқтисодий жиноятларда улар нимани англатади?



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Гуруҳда ишлаш

Фуқаро А. Алматида икки хонали квартирага эга бўлиб, уни талабаларга топширишни бошлади. У турар жой учун ойига 100 000 тенге олган. Шу билан бирга, фуқаро А. ўзини якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказмаган ва шунга мувофиқ бюджетга солик тўлашдан қочган. Вазиятни мұҳокама қилинг. Бу ҳолатда жиноий ҳуқуқбузарлик таркиби борми?



Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ

Қуйида келтирилган бирикмалардан гаплар учун (гаплар жадвалда кўрсатилган) тўғри вариантни танланг.

Лутғат

- **Иқтисодий фаолият соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар** – иқтисодий манфаатларга тажовуздир.
- **Иқтисодий жиноятчилик** – корхоналар ва фуқароларнинг иқтисодий манфаатларига зарар етказадиган ижтимоий хавфли ноқонуний хатти-ҳаракатлар.

ҚР ЖКнинг 294-моддаси "Вандализм"ни күриб чиқамиз. Бир неча йиллар давомида одамлар маданий ёдгорликларни авлоддан авлодга ўтказдилар. Аммо, ағасуски, бу қадриятлар инсон томонидан атайлаб бузилади ёки йўқ қилинади.



Вандализм – инсоннинг бузғунчилик хатти-харакатларининг бир шакли. "Вандализм" сўзи 455 йилда Римни талон-тарож қилган қадимий ва насроний маданиятнинг кўплаб ёдгорликларини вайрон қилган германиялик вандаллар қабиласининг номидан келиб чиқкан. Вандаллар ҳаддан зиёд шафқатсизлиги билан ажралиб турар эдилар, улар нафақат зиёратгоҳлар ва маъбадларни вайрон қилишди, балки буни жуда камситувчи усуlda қилишга ҳаракат қилишди.

Лутнат

- **Жамоат хавфсизлиги** – шахсни, жамиятни ва давлатни ўта хавфли бўлган ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш даражаси.
- **Жамоат тартиби** – меъёрларга риоя қилиш натижасида шакланаған жамоатчилик билан алоқалар тизими.

Вандализм – биноларни, бошқа иншоотларни, тарихий ва маданий ёдгорликларни, давлат томонидан муҳофаза қилинадиган табиий обьектларни ёзувлар ёки расмлар билан таҳқирлаш ёки жамоат ахлоқини ҳақорат қилувчи бошқа хатти-харакатлар билан, шунингдек, транспортда ёки бошқа жамоат жойларида мулкка қасдан заар етказиш.

Таҳқирлаш – ушбу обьектларга ёзувларни (иборалар, сўзлар, шеърлар, матнлар ва бошқалар), жамоат ахлоқи асосларига зид бўлган номақбул расмларни чизиш. Ушбу жиноий ҳуқуқбузарлик таркибини кўриб чиқамиз (48-чизма).

48-чизма

«Вандализм» жиноятининг таркиби ҚРЖКнинг 294-моддаси

Объект

ижтимоий тартиб ва ахлоқ

Объектив томони

жиноят содир этишга қартилган ҳаракатлар, маданият ёдгорликлари, бинолар, табиатни таҳқирлаш, ёзувлар ёзиш ва бошқалар.

Субъект

16 ёшга тўлган жисмоний шахс

Субъектив томони

ҳуқуқбузарнинг содир этилган хатти-харакатларига ички, шахсий муносабати. Факат тўғридан-тўғри ният, одам ўз ҳаракатларининг салбий ҳусусиятини тушунади, салбий оқибатлар бошланишини олдиндан сезади ва салбий натижага эришишга интилади.

Вандализм жуда катта молиявий заар етказади, салбий ижтимоий, маданий ва маънавий оқибатларга олиб келади. Миллий ва маданий меросга, тарихий қадриятларга, қонунга риоя қилиш, ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш вандализм хатти-харакатларининг олдини олиш учун асос бўлган тартибни сақлашга ёрдам беради. ҚР ЖК нинг 293-моддаси "Безорилик" ни кўриб чиқамиз.

● Құшимча маълумотлар

Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятларнинг айримларини күрсатамиз:

ҚР ЖК нинг 255-моддаси Терроризм акти.

ҚР ЖК нинг 261-моддаси Гаровга олиш.

ҚР ЖК нинг 268-моддаси Бандитизм.

ҚР ЖК нинг 273-моддаси Террорчиллик акти түғрисида қасдан нотұғри хабар беріш.

ҚР ЖК нинг 293-моддаси Безорилик.

ҚР ЖК нинг 294-моддаси Вандализм ва бошқалар.

ҚР ЖК нинг 261-моддаси “Гаровга олиш” ни күриб чиқамиз. *Гаровга олиш* – бу давлатни, ташкилоттарни ёки фуқароларни ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишга мажбурлаш мақсадида қилинадиган бир ёки бир нечта шахснинг эркинлигини ноқонуний ва зұравонлик билан чеклаш. Бевосита обьект инсон ҳаёти ва саломатлиги хавфсизлигидир. Объектив томони гаровни құлға олиш ва уни ушлаб туриш билан ифодаланади. Ушбу жиноятнинг субъектив томони түғридан түғри қасдан содир этиш күринишидаги айборлик билан тавсифланади. Жиноятнинг субъекти 14 ёшга түлган шахсdir.

Террор хуружларини уюштирган жиноятчилар тинч ақолини құрқитишиади. Бундай ҳаракатлар билан улар мамлакатнинг давлат сиёсатига таъсир күрсатишга ҳаракат қылмоқдалар. Терроризмга қарши кураш дунёning барча мамлакатлари учун кенг тарқалған әхтиёждир, бу биргаликда саъй-ҳаракатларни талаб қиласы.

Эътибор беринг!

Замонавий техник воситалар исталған ракамдан ва исталған жойдан құнғироқни осонликча аниклади, ҳаттоқи сиз “яширин” рақамдан ёки таксофондан құнғироқ қылсанғыз ҳам. Ҳүшёр бүлишни ва сохта террор актini хабар қилишда фавқулодда вазиятлар ва хукуқни муҳофаза қилиш хизматларининг вақтini олиб, ҳақиқатан тез ёрдамға мұхтож бўлганларга ёрдам беришдан чалғитиш мүмкінлигини унутманг.

Тарихдан

2001 йил 11 сентябрь куни террорчилар Жаҳон савдо марказини бутунлай йўқ қилишди. Иккى самолётни олиб қочиб, Жаҳон савдо маркази биносига бориб урилди. Расмий маълумотларга кўра, ушбу хужумда 8900 киши жароҳат олган ва 2993 киши вафот этган. Бу Америка халқини қўрқитиш учун пухта ўйланган ҳаракат бўлган.

2016 йилда Қозоғистонда иккى ой ичидә Ақтубе ва Алмати шаҳарларида террорчилик ҳаракатлари содир бўлди. Ақтубе шаҳрида бир гурӯҳ жиноятчилар қурол дўконлари ва ҳарбий қисмга ҳужум қилишди. Алматидаги қуролланган одам полиция ходимларига ҳужум қилди, одамлар ҳалок бўлишди. Жиноятчи ўлим жазосига ҳукм қилинди.



АҚШдаги Жаҳон савдомарказининг вайрон қилиниши

41-§. Аҳоли саломатлиги ва ахлоққа қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар

Бугунги дарсда:

аҳоли саломатлиги ва ахлоққа қарши жиноий ҳуқуқбузарликларни күриб чыкамиз.

Таянч сұзлар:

- ахлоқ
- аҳоли саломатлиги
- прекурсор
- гиёхванд моддалар

Аҳоли саломатлиги ва ахлоққа қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар – хавфли, одамлар саломатлиги ва жамоат ахлоқига зид бўлган айбор ҳаракатлардир. Аҳоли саломатлиги ва ахлоқ – бу ўзаро боғлиқ тушунчалар, шунинг учун ушбу жиноятлар Жиноят кодексининг

алоҳида бўлимида келтирилган. Ушбу жиноий ҳуқуқбузарликлар ҚР ЖКнинг 11-бобида кўрсатилган (296-316-моддалар).

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида фуқароларнинг соғлигини саклаш ҳуқуқи кафолатланган. Қозоғистон Республикаси фуқароларининг соғлигини саклаш кодекси фуқароларнинг соғлигини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилайди. Кодексда *жамоат саломатлиги* каби тушунчалар мавжуд. *Жамоат саломатлиги* – аҳолининг ақлий, жисмоний ва ижтимоий фаровонлигини аниқлашdir. Унда фуқароларнинг соғлом турмуш тарзи, шу жумладан соғлом овқатланиш, касалликлар ва шикастланишларнинг олдини олиш, шунингдек, атроф-муҳитнинг зарарли омиллари таъсириининг олдини олиш бўйича жамиятнинг саъй-ҳаракатлари акс этган.

Фуқаролар саломатлиги жамиятнинг мавжудлиги ва ривожланишининг ҳамда унинг тизимларининг нормал ишлашининг калитидир. Аҳоли саломатлиги ва ахлоқига қарши жиноий ҳуқуқбузарликларнинг хавфи – одамларга, умуман жамият ва давлатнинг ахлоқий тамойилларига заардир.

● Қўшимча маълумотлар

Гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ жиноий ҳуқуқбузарликларни кўрсатамиш:

ҚР ЖКнинг 296-моддаси. Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг ўхашлари, прекурсорлар билан сотиш мақсадисиз ноқонуний муомала қилиш.

ҚР ЖКнинг 299-моддаси. Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг ўхашларини истеъмол қилишга мойиллик.

ҚР ЖКнинг 302-моддаси. Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг ўхашларини истеъмол қилиш учун бинолар ташкил қилиш ва саклаш ҳамда шу мақсадларда биноларни таклиф қилиш.

Гиёхванд моддаларни вояга етмаганларга сотадиган катталар, яъни уларни жиноий фаолиятга жалб қилганлар (гиёхвандлик воситалари-

Безорилик – бу жамоат тартибини ўта қўпол равишда бузиш, фуқароларга нисбатан зўрлик ишлатиш ёки уни қўллаш билан таҳдид қилиш, шунингдек, бошқа одамларнинг мулкини йўқ қилиш ёки шикастлаш ёғоят беадаблик билан ажралиб турадиган одобсиз хатти-харакатлар билан жамиятга нисбатан аниқ ҳурматсизликни ифодаловчи ахлоқсиз ҳаракатларни содир қилиш. Ушбу жиноят таркибини кўриб чиқамиз (49-чизма).

49-чизма

«Безорилик» жиноятининг таркиби

Объект

ижтимоий тартиб, яъни жамиятда одамлар орасида шаклланган ўзаро муносабатлар тизими.

Объектив томони

ошкора ҳурматсизликни ифодаловчи ижтимоий тартибни ўта қўпол равишда бузишдан иборат жамият учун хавфли ҳаракатларни содир қилиш.

Субъект

16 ёшга тўлган соғлом жисмоний шахс

Субъектив томони

қасддан айбдорлик шакли ва тўғридан-тўғри ният.

Шундай қилиб, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар – шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига зид келадиган ижтимоий хавфли хатти-харакатлардир. 10-бобга киритилган жиноятлар аниқ бир кишига зарар етказмайди, балки уларнинг ижтимоий манфаатларига – умуман Қозогистон жамиятининг ҳаёти хавфсизлигига зарар етказади.



1. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноий ҳуқуқбузарликларни санаб беринг.
2. «Вандализм» жиноий ҳуқуқбузарлигига ҳуқуқий баҳо беринг.
3. Безорилик нима ва унинг жамият ва давлат учун қандай хавфлилиги ҳақида ўз фикрингизни билдиринг. ҚР ЖК да безорилик учун жазони топинг.



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Якка ишлаш. Мунозара.

Террорчиликни қандай сабаблар юзага келтиришини муҳокама қилинг. Террорчилик актларига қарши қандай курашиб керак? Барча ўқувчилар ўз фикрларини билдиришлари мумкин.



Мураккабликнинг 3-даражасидаги топшириқ. Муаммони ҳал қилинг.

14 ёшли Асқар, қишлоқ мактабининг ўқувчиси, синфдошлари билан ҳазиллашишга қарор қилди. У полицияни чақириб, мактабга бомба қўйилганини айтди. 100 дан ортиқ одам эвакуация қилинди, мактабдан қочаётган ўқувчилардан бири йиқилиб, ўткир нарсага боши билан урилиб ўлди. Полиция ходимлари қўнғироқ қилган одамни дарҳол аниқладилар. Асқарга қандай жазо қўлланилади? ҚР ЖК га мурожаат қилинг. Ушбу ҳаракат учун жиноятчи неча ёшдан жавобгар бўлиши мумкин?

Мисол

Фуқаро Т. безорилик ниятида, итнинг қопиши туфайли унинг ёнига келди ва унга тош отишни бошлади, бу эса унинг оғир азобларини келтириб чиқарди. Суд уни ҳибсга олишга хукм чиқарди.

Ушбу жиноий ҳуқуқбузарлик таркибини күриб чиқамиз (50-чизма).

50-чизма

«Ҳайвонларга шафқатсиз муносабат» жиноятининг таркиби**Объект**

жамоатчилик ахлоқи

Объектив томони

ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлиш.

Субъект

16 ёшга тўлган соғлом жисмоний шахс

Субъектив томони

тўғридан-тўғри ёки билвосита ният.

ҚР ЖКнинг 313-моддаси “Шафқатсизлик ва зўравонликни тарғиб қилувчи асарларни ноқонуний тарқатиш” ни күриб чиқамиз. Гап шафқатсизлик ва зўравонликни тарғиб қилувчи фильмлар ва видеолар орқали, шунингдек, оммавий характердаги бошқа асарлар орқали тарқатиш ҳақида кетяпти. Айниқса, Интернет орқали тарғибот хавфли ҳисобланади. Энг муҳими, болаларнинг психикаси бундай ташвиқотдан азият чекмоқда.

Қуйидаги чизмада жиноий ҳуқуқбузарлик таркибининг элементлари кўрсатилган (51-чизма).

51-чизма

«Шафқатсизлик ва зўравонликни тарғиб қилувчи асарларни ноқонуний тарқатиш» жиноий ҳуқуқбузарлигининг таркиби**Объект**

ижтимоий ахлоқ

Объектив томони

шафқатсизлик ва зўравонликни тарғиб қилувчи кино ва видеоматериалларни ҳамда бошқа асарларни ноқонуний тайёрлаш, тарқатиш, намойиш қилиш кўринишидаги фаол ҳаракатлар

Субъект

16 ёшга тўлган шахс

Субъектив томони

тўғридан-тўғри ният. Шахс ушбу ҳатти-ҳаракатларнинг жиноят эканлигидан хабардор ва уларни содир этишни истайди

Шундай қилиб, жамоат саломатлиги ва ахлоқига қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар кўплаб одамларнинг соғлиғига, умуман жамият ва давлатнинг ахлоқий асосларига зарар етказади ёки хавф туғдиради.

ни сотиб олиш) жиноятларнинг умумийлиги учун жавобгардир. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва әркинликлари факат қонунлар билан чекланиши мүмкін ва бу факат ахолининг соғлиғи ва ахлоқини ҳимоя қилиш учун зарурдир (ҚР Конституциясининг 39-моддаси). Ахлоқ умумбашарий қадрият, маданият шаклидир. Ахлоқ барча тирик мавжудотларга инсоний, әхтиёткорлик билан, ҳақорат қылмасдан муносабатда бўлиш, одамларнинг ҳуқуқ ва әркинликларини ҳурмат қилиш талабидир. Ахлоқнинг бузилиши жамоатчилик фикрини эътиборсиз қолдириш, одамларнинг ҳис-туйғуларини очиқчасига ҳақорат қилиш ва ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлишда намоён бўлади (38-расм).

Бундай ҳуқуқбузарликни ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик сифатида кўриб чиқамиз (ҚР ЖКнинг 316-моддаси). Бу уриш, узок вакт озиқ-овқатсиз қолдириш, жониворларга азоб берадиган илмий бўлмаган экспериментлардан фойдаланишда намоён бўлади. Буларнинг барчаси одамларнинг шафқатсизлигини бевосита кўрсатади. Ушбу жиноятчиликнинг жамоат учун хавфлилиги ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик фуқаролар ўртасида тирик мавжудотларнинг азобланишига бефарқлик ҳисси пайдо бўлишига олиб келади. Бу салбий оқибатларга олиб келади.

Лутғат

- **Гиёхванд моддалар** – гиёхвандлик восита-лари ёки психотроп моддалар деб таснифланган ўсимликлар, моддалар ёки дорилар. Улар соғлиқ учун кучли хавф туғдиради.
- **Ахлоқ** – бу муайян вазиятда одамнинг ўзини тутишини белгилайдиган муносабат, қадриятлар, ички нормалар ва қоидалар. Ушбу қадриятлар адолат, шараф, қадр-қиммат, раҳм-шафқат, меҳр-оқибат, ҳалоллик ва тинчлик ғояларига асосланади.



38-расм. Ҳайвонларга шафқатсиз муносабат

9-боб. КОРРУПЦИЯ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

42-§. Коррупция ҳуқуқбузарлары түшүнчеси ва белгилари

Бугунги дарсда:

коррупция ва коррупция хатти-харакатлари түшүнчаларини, коррупция ҳуқуқбузарларининг хусусиятларини күриб чиқамиз.

Таянч сүзлар:

- коррупция
- ҳукумат вакили
- коррупцияның намоён бўлиши
- коррупциялашиш

Коррупция ва унинг турлари. *Коррупция* – сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий хавфли ҳодиса. Коррупция мансабдор шахсларнинг онгли равишда мансаб мавқеидан ноқонуний усулда ҳар қандай шаклда мулкий ва номоддий имтиёзлар ва устунликларни олишида, шунингдек, бу шахсларнинг сотиб олинишида намоён бўлади.

Бошқача айтганда, коррупция – бу давлат вазифаларидан шахсий манфатлар учун фойдаланишdir. *Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарлар* – бу коррупция билан бевосита боғлиқ бўлган ёки коррупция учун шароит яратадиган, қонун билан белгиланган маъмурий ва жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар.



Коррупция давлат билан вужудга келган. Коррупция ҳар доим ҳокимият билан, шахсий манфаатларга эришиш учун куч усулларини кўллаш қобилияти билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда коррупция даражасини ва коррупция ҳуқуқбузарларининг сонини камайтириш масаласи ҳақида гап кетяпти.

Қуйидаги жадвалда коррупция турлари кўрсатилган (52-чиизма).

52-чиизма

Коррупция турлари

Маишӣ

Оддий фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ўзаротаъсири натижасида юзага келади. Буларга фуқаролар томонидан амалдорга ва унинг оила аъзоларига турли хил совғалар ва хизматлар киради.

Ишга оид

Давлат ва бизнеснинг ўзарташа таъсирида юзага келади. Масалан, давлат буюртмаларини, тендерларни тақсимлаш. Бу ерда бюджет пулларини шўъба компанияларига тақсимлаш кузатилади.

Сиёсий

Бу ерда коррупция юқори ҳокимият тизимида мавжуд бўлиб, ҳокимиятдаги гурӯҳларга тегишли.

Фуқаролар саломатлиги жамиятнинг мавжудлиги ва ривожланишининг ҳамда тизимларининг нормал ишлаши кафолатидир.

Аҳоли саломатлиги давлатнинг құлай ишлаши ва ривожланишининг муҳим шартларидан биридир. Жамият ҳаётининг зарур элементлари сифатида инсон саломатлиги ва ахлоқи уларнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини талаб қиласы. Шу муносабат билан давлат үз олдига жиноий ҳуқук воситалари ва усулларидан фойдаланған ҳолда соғлиқни сақлаш ва ахлоқни ҳимоя қилишни вазифа қилиб қўяди. Элбоши Н.А. Назарбаевнинг Қозоғистон халқига йўллаган мурожаатида ("Қозоғистон – 2050") жамият учун ноқонуний айланишининг ижтимоий хавфи ошгани сабабли гиёхванд моддаларни олиб кириш ва тарқатиш учун жавобгарликни кучайтириш зарурлигини кўрсатади.



1. Аҳоли саломатлиги ва ахлоққа қарши жиноятлар рўйхатини келтиринг. Ушбу ҳуқукбузарликлар қандай зарап етказади?
2. Ахлоқ, одоб тушунчаларига изоҳ беринг. Улар қонун учун нимани англатади?
3. Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасини ўрганинг ва саволга жавоб беринг: Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқини ким кафолатлади?



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Гуруҳда ишлаш

Гиёхванд моддалар зарапли эканлиги ҳақидаги эслатмани ўқинг. Кичик гурухларга бўлининг, нима учун одам гиёхванд моддаларни истеъмол қилишини муҳокама қилинг. Бундай ҳалокатли қадамни қўйишга одамни нима мажбур қиласы? Ёшларга гиёхванд моддаларни истеъмол қилмасликлари учун нимани тавсия қилишингиз мумкин? Үз фикрингизни билдиринг.

ГИЁХВАНД МОДДАЛАРНИНГ ЗАРАРИ ҲАҚИДА ЭСЛАТМА

Гиёхванд моддалар қандай зарап етказади?

Барча гиёхванд дорилар табиий заҳар ҳисобланади. Улар барча органлар ва тўқималарнинг тизимларини, марказий асаб тизимини, мияни, жинсий тизимни, жигар ва буйракларни заарлайди. Саломатлиги энг мустаҳкам бўлган одамлар ҳам гиёхванд моддаларни мунтазам истеъмол қилса, ўн йилдан ортиқ яшашмайди. Кўп одамлар илгарироқ вафот этишади.



Лугат

- **Коррупция** – давлат вакилларининг шахсий манфаатлар ва устунликлар учун давлат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиши.
- **Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар** – коррупция билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатлар.
- **Ҳокимият вакили** – қонунда белгиланган тартибда маъмурий ваколатлар берилган давлат хизматчиси.
- **Коррупциялашиш** – ҳокимият ҳолатининг тавсифи. Бу ерда барча ҳокимият тармоқлари ўзаро боғлиқ бўлиб, ўзларининг расмий мавқеидан фойдаланиб, шахсий манфаатларга интиладилар.

– коррупция алоқалари турига кўра: вертикал (хўжайин – бўйсу нувчи), горизонтал (бир хил даражадаги шахслар ва тузилмалар ўртасида);

– хатти-ҳаракатлар тури бўйича – пора бериш, хизматларни алмашиш, шу жумладан хўжайинларни ҳимоя қилиш, дўстлик ва қариндошлиқ. Коррупция сабаблари: ахолининг турмуш даражаси пастлиги, давлат хизматчиларининг маоши пастлиги, фуқароларнинг ахлоқий меъёрлари пастлиги, жазосизлик, порахўрлик фактларига жамиятнинг муносабати ва бошқалар.

Коррупция ҳуқуқбузарликларининг белгилари:

Объектлар – давлат хизмати ва давлат бошқаруви манфаати, қонун билан ҳимояланган жамоат муносабатлари.

Ҳуқуқбузарликлар субъектлари – давлат вазифаларини бажаришга ваколатли шахслар ва уларга тенглаштирилган шахслардир. Булар давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, Қозоғистон Республикаси Қуролли кучлари ва бошқа ҳарбий қисм ва республиканинг қўшинлари, шунингдек, масъул жамоат лавозимларини эгаллаб турган шахслар. Булар қаторига Парламент ва Маслаҳатлар депутатлари, судьялар ва барча давлат хизматчилари, шунингдек, давлат вазифаларини бажаришга ваколатли шахслар киради.

Коррупция ҳуқуқбузарлигининг субъекти мансабдор шахсларга ва давлат вазифаларини бажаришга ваколат берилган бошқа шахсларга ёки уларга тенглаштирилган шахсларга пора берган, шунингдек, уларга ноқонуний мулкий (мулкий бўлмаган) имтиёзлар ва устунликлар берган жисмоний ва юридик шахслар бўлиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаймиз.

Объектив томон – бу ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик. Улар ижтимоий хавфли бўлиб, жамият ва жамият аъзоларига жуда катта сиёсий, моддий ва бошқа зарар етказади, шунингдек, ижтимоий қадриятлар ва жамият асосларига зарар етказади.



Коррупция ҳуқуқбузарликларининг энг кенг тарқалган турлари пора олиш, пора бериш, ваколатни суистеъмол қилишdir.

Субъектив томон. Мақсад – ноқонуний иш ҳақи ёки бошқа имтиёзларни олишdir. Айб – тўғридан-тўғри ниятdir. Айбдор шахс ўзи со-



Коррупция хатти-харакати – мансаб ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ ноқонуний фаолият. Коррупция хатти-харакатларининг асосий рағбати – бу хуқукий ваколатлардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий фойда олиш имкониятидир. Асосий сақловчи омил – бу фош этилиш ва жазо хавфидир.

Коррупция хатти-харакатларининг шакллари. Тадқиқотчилар коррупция хатти-харакатларининг қуйидаги шаклларини ажратиб күрсатишиади: порахұрлық, непотизм (қариндошлик), товламачилик, фаворитчилик, протекционизм, лоббичилик, имтиёзли қарзлар, буюртмалар бериш, жамоат манбаларын кириш учун шахсий алоқалардан фойдаланиш ва бошқалар.

Фаворитчилик (*favor* сүзидан – “рахм-шафқат”) – хизматда севгиліларга ишга зарап келтирүвчи ноҳақ, ғаразли ҳомийлик.

Непотизм (қариндош-уруғчилик) (*perotis* сүзидан – “набира, жиян”) – бу қариндошлари ёки дүстларига касбий фазилатларидан қатъи назар имтиёзлар берадиган (масалан, ишга ёллашда) фаворитчиликнинг бир тури.

Протекционизм (*protectio* сүзидан – “ёпиш”) – бу қариндошчиликка қараганда кенгрөк тушунча. Бу ерда дүстлар муайян лавозимда ишлашга яроқли ёки йүқлигидан қатъи назар афзал күрилади.

Лоббизм (*lobby* сүзидан – “бекитиқча”) – бу хусусий ва жамоат ташкилотларининг – сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, корпорациялар, тадбиркорлық уюшмалари ва бошқалар (босым гурухлари деб аталадиган) парламент қарорларини қабул қилиш жараёнидаги механизми.

Коррупция қуйидаги асослар бүйича таснифланиши мумкин:

- намоён бўлиш соҳалари бўйича: иқтисодий – савдо, иқтисодий соҳада; сиёсий – давлат бошқаруви соҳасида, умуман сиёсат соҳасида; экология соҳасида;
- субъектларнинг мақоми бўйича (коррупция ҳаракати содир этган): давлат (бюрократик) коррупция (давлат амалдорлари, турли даражадаги давлат хизматчилари); тижорат (фирма менежерлари, тадбиркорлар); сиёсий (сиёсатчиларнинг коррупцияси);
- коррупция муносабатларини марказлаштириш даражасига кўра – марказлаштирилмаган (ҳар бир пора берувчи ўз ташаббуси билан ишлайди); марказлаштирилган коррупция “пастдан юқорига” (қуи мансабдор шахслар томонидан мунтазам равишда тўпланадиган пора улар билан юқорироқларга бўлинади); марказлаштирилган коррупция “юқоридан пастга” (юқори мансабдор шахслар томонидан мунтазам равишда тўпланадиган пора қисман ўз қўл остидагиларга ўтказилади);
- коррупция алоқаларининг мунтазамлик даражасига кўра: доимий бўлмаган, тизимли (институционал) ва клептократия – коррупция ҳокимият муносабатларининг ажралмас қисми сифатида;



Муракабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Гуруҳда ишлаш

ОАВ материаларини ўрганиш асосида, қуидаги иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий тусдаги чоралар коррупцияга қарши қандай амалга оширилаётгани ҳақида гапириб беринг.

Булар қуидаги чора-тадбирлар:

- давлат хизматчиларининг моддий фаровонлигини ошириш;
- фуқароларнинг коррупцияга нисбатан ахлоқий қарашини шакллантириш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларининг професионаллиги;
- давлат хизматчиларининг ахлоқий барқарорлиги;
- давлат хизматчиларининг даромадлари ва уларнинг қонунийлигини ҳаққоний назорат қилиш.

43-§. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг турлари

Бугунги дарсда:

энг кўп учрайдиган коррупция турлари ҳақида билиб оламиз.

Таянч сўзлар:

- коррупция
- пора
- хизмат мавқеини суистеъмол қилиш

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар, уларнинг турлари. Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексида коррупцияга оид жиноятларнинг турлари кўрсатилган ва 11 та жиноий ҳуқуқбузарликлар аниқланган. Эътибор бериш керакки, деярли барча коррупцияга оид жиноий ҳуқуқбузарликлар жиноятлар деб

тан олинади, яъни улар ижтимоий хавфли бўлиб, давлат, жамият ва шахсга жиддий заарар етказади. Шунга кўра жарималар, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш, мулкни мусодара қилиш каби жазо турлари қўлланилиши мумкин.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҚР Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексида ҳам кўрсатилган, у олтида таркибдан иборат.

Шундай қилиб, коррупция ҳар доим ҳукумат билан ёки ҳукуматга таъсир қилиш қобилияти билан боғлиқ, шунинг учун қонунчилик давлат хизматчиларига юқори талабларни қўяди. Ушбу талаблар ҚРнинг 2015 йил 18 ноябрдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” ги Қонунида, Қозоғистон Республикасининг 2015 йил 23 ноябрдаги “Давлат хизмати тўғрисида” ги Қонунида, ҚР нинг 2011 йил 6 ноябрдаги “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати тўғрисида” ги Қонунида акс этган. Энг кенг тарқалган таркибларга мурожаат қиласиз. Бу пора олиш, пора бериш, мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш.

Пора – бу хизмат учун одам амалдорга берадиган пул ёки бирон бир қимматли нарсадир.

Пора олиш – энг хавфли мансаб жиноятларидан биридир. Порахўликнинг моҳияти, мансабдор шахс ўз кўрсатган хизматлари учун ёки

дир этган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ижтимоий хавфлилиги ва ноқонунийлигини билади ва уни содир этишни хоҳлайди.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик субъектлари интизомий, маъмурый ва жиноий жавобгарликка тортилади. Бу ҚР Жиноят кодексида, ҚР Маъмурий ҳуқуқбузарликлар түғрисидаги кодексида ва “Давлат хизмати түғрисида” ҚРнинг Қонунида кўзда тутилган. 16 ёшга тўлган шахс пора субъекти бўлиши мумкин.



Давлат хизматчилари ҳеч қандай шароитда коррупцияга йўл қўймасликлари ва ҳар томонлама коррупцияга қарши курашишлари шарт. Давлат хизматчилари ўзлари ишлаётган давлат органи ва (ёки) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарларига коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар түғрисида хабардор бўлганликлари түғрисида дарҳол хабар беришлари керак (ҚР нинг “Давлат хизмати түғрисида” ги Қонунининг 10-моддаси).

Давлат хизматчисининг ташқи қиёфаси хизмат вазифаларини бажараётган пайтида давлат аппаратининг обрўсини мустаҳкамлашга ёрдам беради, бу расмийлик, вазминлик ва аниқлик билан ажralиб турадиган, умумий қабул қилинган иш услубига мос келади.

Шундай қилиб, коррупция ҳар доим ҳокимият ёки ҳокимиятга таъсир қилиш қобилияти билан боғлиқ. Қонун ҳужжатларида давлат хизматчилари талаблар кучайтирилган. Бу талаблар ҚРнинг 2015 йил 18 ноябрдаги “Коррупцияга қарши курашиш түғрисида” ги Қонунида, 2015 йил 23 ноябрдаги “Давлат хизмати түғрисида” ги ва бошқа Қонуларда ўз аксини топган.



1. Сиз коррупциянинг қандай кўринишларини биласиз?
2. Коррупция ҳуқуқбузарликлари тушунчаси ва белгиларини очиб беринг.
3. Коррупциянинг сабаблари нимада?



Мураккабликнинг 1-даражасидаги топшириқ. Якка тартибда ишлаш

“Коррупциянинг салбий оқибатлари” мавзусида тақдимот тайёрланг. Берилган чизмани дафтарларингизда давом эттиринг.

Коррупциянинг салбий оқибатларининг асосий гурӯҳлари

Ижтимоий-иктисодий
оқибатлар

Сиёсий-ҳуқуқий
оқибатлар

Ахлоқий-этик
оқибатлар

Лугат

- Коррупцияға оид**
хукуқбузарликлар – коррупция билан боғлиқ коррупция учун шароит яратадиган ноқонуний хатти-харакатлар.
- Пора** – инсоннинг мансабдор шахсга хизмат эвазига берадиган қиймати.
- Мансаб ваколатни суиистеъмол қилиш** – шахс ўзининг расмий ваколатидан ўзи ёки бошқа шахслар ё ташкилотлар учун фойда ва устунлик олиш учун фойдаланиши.

билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий заар етказилиши мумкин.

Ушбу жиноятнинг обьекти барча ҳокимият тармоқлари, ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро этувчи, суд ва маҳаллий ҳокимият органларининг бошқарув тартибига, нормал фаолиятига ва давлат хизматининг манфаатларига тажовуздир. Бу ҳолатда жиноятнинг мақсади ўzlари ёки бошқа шахслар ва ташкилотлар учун фойда ва устунлик олишдир. Мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш харакатлар ёки харакатсизлик шаклида ҳам намоён бўлиши мумкин. Бундан ташқари, шуни таъкидлаш керакки, инсон бирон бир харакатни фақат ўзининг расмий мавқеи туфайли амалга ошириши мумкин. Харакатсизлик деганда, мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаларини бажармаслигини тушуниш керак.

Юридик шахсга етказилган заар ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва ташкилотнинг нормал ишлашига тўсқинлик қилиш натижасида ушбу юридик шахс фаолиятининг тўхташидир.

Эътибор беринг!

Моддий мулкка етказилган заар жиноят содир этилган пайтдаги энг кам ҳисобланган кўрсаткичнинг пул миқдорида белгиланади. Мансабдор шахсларнинг суиистеъмол қилиниши натижасида етказилган шахсий зиён жабрланувчининг соғлиғига енгил, ўртacha даражадаги заар етказилганда сезиларли бўлиши мумкин.

Коррупция билан боғлиқ ҳукуқбузарликларни ноқонуний мукофот олиш каби жиноий ҳукуқбузарликдан ажратиш керак.

ни олиб, топшириш нияти бўлмасдан, яъни воситачи пул ёки қимматбаҳо нарсаларни пора оловчига бермайди, балки уларни ўзига олиб қолади. Бундай ҳолда ноқонуний хатти-харакатлар фирибгарлик деб баҳоланади.

Агар пора олишда икки ёки ундан ортиқ шахслар иштирок этган бўлса, илгари ушбу жиноятни биргаликда содир этиш тўғрисида келишиб олинган бўлса, бир гуруҳ шахслар томонидан пора олинган деб ҳисобланади.

Мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш шахс томонидан ўзининг расмий ваколатларидан ўзи ёки бошқа шахслар ёки ташкилотларга фойда ва устунлик олиш ёки бошқа шахслар ёки ташкилотларга заар етказиш мақсадида хизмат манфаатларига зид равиша фойдаланишдир. Бундай ҳолда фуқароларнинг ёки ташкилотларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига, ёки жамият ё давлатнинг қонун

лавозимига боғлиқ равища бошқа шахслардан аник бошқа моддий мукофотлар олишидадир.

Пора берииш – мансабдор шахсга шахсан ёки воситачи орқали мансабдор шахснинг қонуний ёки ноқонуний хатти-харакатлар (харакатсизлик) қилиши ёки пора берган шахсга фойда келтирадиган ҳар қандай афзалликларга эга бўлиши учун, шу жумладан хизматда умумий ҳомийлик ёки яширишлик учун пора бериш.



Пора бўлиши мумкин: Нарсалар – пул, шу жумладан чет эл валютаси, бошқа валюта бойликлари, қимматли қоғозлар, озиқ-овқат ва саноат товарлари, кўчмас мулк ва бошқалар.

- Мулкий хизматлар ва имтиёзлар пора оловчига бепул тақдим этилади, гарчи умуман олганда улар тўланиши керак бўлган ёки аник арzonлаштирилган нархда бўлса ҳам. Булар: санаторий ёки сайёхлик учун йўлланмалар, саёҳат чипталари, мансабдор шахснинг харажатлари ва кўнгилочар тадбирлари, таъмирлаш, курилиш ва бошқа ишларнинг бажарилиши ва ҳоказолар.
- Поранинг беркитилган шакли – пора оловчига бошқа мулкий характердаги имтиёзлар беришдир. Масалан, қарздан кечиш, мансабдор шахснинг қарзини тўлаш, суддан мулкий даъвони қайтариб олиш, баъзи мулкни бепул (ёки аник арzon нархда) бериш, имтиёзли шартларда кредит олиш, берилган мулкнинг қийматини камайтириб бериш, хусусийлаштирилган объектлар, ижара тўловларини камайтириш банк кредитларидан фойдаланиш учун фоиз ставкалари.

Пора олиш субъектлари фақат давлат хизматчилари, мансабдор шахслар ёки уларга тенглаштирилган шахслар бўлиши мумкин. 16 ёшга тўлган шахс пора бериш предмети бўлиши мумкин.

Жиноятчиларнинг хатти-харакатлари пора бериш ёки олиш деб эътироф этилади ва қадриятлар, хизматлар, мулк ҳуқуқи ёки имтиёзларни олиш шартлари аник кўрсатилмайди, аммо жиноят иштирокчилари порани пора берувчининг манфаатларини қондириш учун берилганлигини тушунадилар. Хизмат ваколатига бўйсунадиган шахснинг хизматга бўйсуниши ёки хизматда бўлганлиги, унинг ваколати доирасидаги масалаларни, шу жумладан келгусида ҳам ижобий ҳал қилиниши учун маблағ ёки бошқа қимматбаҳо нарсаларни мансабдор шахсга бериш.



Хизматдаги умумий ҳомийлик, хусусан, бўйсунувчини асоссиз тайинлашда, шу жумладан белгиланган тартибни бузган ҳолда юқори лавозимга тайинлашда, рағбатлантириш тўловлари, мукофотлар ва бошқалар учун тақдим этилган шахслар рўйхатига киритишда намоён бўлиши мумкин. Мансабдор шахснинг пора берувчи томонидан содир этилган ҳуқукбузарлик аниқланган тақдирда унинг ваколатига кирадиган жавобгарлик чораларини қўлламасликка розилиги хизмат доирасидаги бепарволикни ўз ичига олади ва ҳоказо.

Пора олиш ва берища воситачиликни чеклаш керак. Воситачи бу пора оловчи ва пора берувчи ўртасида пора олиш ва бериш тўғрисида ўзаро келишувга эришишда ёки уни амалга оширишда ёрдам берадиган шахс. Бирор киши мансабдор шахсга пора сифатида топширилиши керак бўлган пора сифатидаги пул ёки бошқа қимматбаҳо нарсалар-

44-§. Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарлик (жиноий, маъмурий, интизомий)

Бугунги дарсда:

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарлик турлари түркисида билиб оласиз

Таянч сұздар:

- жиноий жавобгарлик
- маъмурий жавобгарлик
- интизомий жавобгарлик

Юридик жавобгарлик турлари. Коррупция ҳуқуқбузарликлари содир этилганлик учун жавобгарликлар интизомий хатти-харакатлар, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга бўлинади. Жиноий жавобгарликни кўриб чиқамиз.

Бугунги кунда коррупция жиноятларини содир этган шахсларнинг жиноий жавобгарлиги бир қатор тақиқлар ва чекловлар жорий этилиш йўли билан кучайтирилди. Шу жумладан умрбод қўшимча жазо белгиланади – муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш.

Коррупция жиноятини содир этган шахсларга шартли равишда судлаш қўлланилмайди, ярашиш, кафилликни белгилаш, жиноят ва жазо муддати тугаши муносабати билан жиноий жавобгарликтан озод қилиш тўғрисидаги қоидалар қўлланилмайди. Барча коррупцияга оид жиноятлар учун моддаларнинг санкциялари мулкни мусодара қилишни назарда тутади.

Эътибор беринг!

Коррупция ишлашга йўлни агадий тўхтатади: давлат хизматида; суд тизимида (судья); маҳаллий ҳокимият органларида; Қозоғистон Республикаси Миллий банки ва унинг бўлимларида; устав фондида давлат улуши 50% дан ортиқ бўлган давлат ташкилотлари ва давлат ташкилотларида; давлат акциядорлари бўлган миллий бошқарув холдингларида, миллий холдингларда, миллий компанияларда, миллий ривожланиш институтларида, овоз берувчи акцияларининг (улушларининг) 50 фоиздан кўпроғи уларга тегишли бўлган шўъба корхоналарида; овоз берувчи акцияларининг (улушлари) 50 фоиздан кўпроғи кўрсатилган шўъба корхоналарга тегишли бўлган юридик шахсларда.

Коррупция жинояти учун судланганлар давлат мукофотларидан маҳрум бўлишади. Таъкидлаш жоизки, жиноий гурӯҳ томонидан пора олиш ёки бериш бугунги кунда оғир жиноят ҳисобланади. Пора олиш, бериш ва воситачилик қилиш учун улар пора миқдоридан кўп миқдорда жаримага тортилади. Муқобил жазо сифатида кўплаб жарималар пораҳўрлик учун берилган барча санкцияларга киритилган (39-расм).

Эътибор беринг!

Қиймати икки ойлик ҳисоблаш индексидан ошмайдиган совғани олиш жиноят ҳисобланмайди.

ҚР ЖК нинг 247-моддаси: "Ноқонуний мукофот олиш"ни күриб чиқамиз. Ушбу моддага биноан бу ҳаракатларни амалга оширишга мажбур бўлган шахслар томонидан хизмат ёки ишларни бажариш учун моддий мукофот, имтиёзлар ёки мулк билан боғлиқ имтиёзлар олиш ноқонунийдир. Бундай субъектларга қуидагилар киради:

- давлат вазифаларини бажаришга ваколатли шахс бўлмаган давлат органлари ёки давлат ташкилотлари ходимлари;
- бошқарув вазифасини бажармайдиган нодавлат ташкилотининг ходимлари.

Шифокорлар, педагоглар, ўқитувчилар пора олиш субъектига кирмайди. Улар ҚР ЖКнинг 247-моддаси "Ноқонуний мукофот олиш" бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шундай қилиб, коррупция жиноятлари жамият ва жамият аъзоларига жуда катта зарап етказади, сиёсий, моддий ва бошқа заарлар, шунингдек, жамиятнинг ижтимоий қадриятлари ва жамият негизларига зарап келтиради.



1. Коррупция ҳуқуқбузарликлари тушунчаси ва белгиларини очиб беринг.
2. Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик субъектларини аниқланг.
3. Энг кўп тарқалган коррупция ҳуқуқбузарликларининг турларини аниқланг.



Мураккабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Гуруҳда ишлаш. Саволларга жавоб беринг, бу ерда коррупция жинояти – пора олиш борми?

№	Турли вазиятлар	Бу ерда коррупция ҳуқуқбузарликлари мавжудми?
1	Болалар боғчаси тарбиячисига ота-оналар қимматбаҳо туғилган кун совғасини беришди.	
2	Банк ходими банк мижозига ҳақ эвазига катта миқдорда кредит олишда ёрдам беришни таклиф қилди.	
3	Йўл ҳаракати полицияси ходими йўл ҳаракати қоидабузарини пул эвазига қўйиб юборди.	
4	Ундириш компаниясининг ходими қарздорга мукофот эвазига қарзни қайтаришда ёрдам таклиф қилди.	
5	Озиқ-овқат дўкони сотувчиши маҳсулотларни сотишда ўз даромадларини ошириш мақсадида нархларни кўтарди (бозордан юқори).	

Лұғат

- **Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарлар** – коррупция билан боғлиқ ёки коррупция учун шароит яратадиган қасддан, ноқонуний ҳаракатлар.
- **Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарларнинг субъектлари** – давлат вазифаларини бажаришга ваколатли шахслар ва уларга тенглаштирилган шахслар.

Интизомий жавобгарликни күриб чиқамиз. Қозоғистон Республикасининг “Давлат хизмати түғрисида” ги Қонунига биноан давлат хизматчиси коррупцияга оид ҳуқуқбузарлык содир этганлиги учун интизомий жазога тортилиши мүмкин.

Давлат хизматчилари учун интизомий жазо турлари:

- эслатма;
- танбек бериш;
- қаттық танбек бериш;
- хизмат талабларининг түлиқ бажарилмаслиги түғрисида огохлантириш;
- тегишли ваколат беришни рад этиш;
- давлат вазифаларини бажаришдан озод этиш;
- лавозимидан тушириш;
- әгаллаб турган лавозимидан озод қилиш.

Шуни таъкидлаш керакки, ходимга интизомий жавобгарликни юклаш жазо тайинлаш ваколатига эга шахснинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқидир. Шу муносабат раҳбар ходимини қатъий интизомга бўйсуниши зарурлиги түғрисидаги огохлантириш билан чекланиши мумкин. Интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган давлат хизматчилари томонидан содир этилган хатти-ҳаракатлар кичик; муҳим; жиддий қисмларга бўлинади. Кичик қоидабузарлик ходим томонидан биринчи марта содир этилган қонунбузарлик ҳисобланади. Муҳим қоидабузарлик ходим томонидан олти ой ичida такроран содир этилган нотўғри хатти-ҳаракатлардир. Жиддий қоидабузарлик содир этилганлиги учун ишдан бўшатиш кўзда тутилади.

Коррупцияга қарши курашиш субъектларининг турларини күриб чиқамиз. Буларга Коррупцияга қарши кураш хизмати, шунингдек, давлат органлари, кваз-давлат сектори субъектлари, жамоат бирлашмалари, жисмоний ва юридик шахслар киради. Коррупцияга қарши курашиш хизмати коррупцияга оид жиноятларининг олдини олиш, аниқлаш, унга чек қўйиш, очиш ва тергов қилишга қаратилган тадбирларни амалга оширади. Барча давлат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ўз ваколатлари доирасида коррупцияга қарши курашишлари шарт.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарларни аниқлаш, уларга тўсқинлик қилиш, очиш, тергов қилиш ва олдини олиш ҳамда уларни содир этишда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш ўз ваколатлари доирасида прокуратура, миллий хавфсизлик, ички ишлар, ҳарбий полиция, коррупцияга қарши кураш хизмати, иқтисодий тергов хизмати ва

Пора берган шахс унга нисбатан пора талаб қилинган бўлса, жиноий жавобгарликтан озод қилинади. Товламачилик шахс томонидан ноқонуний моддий мукофотлар, совғалар, бошқа моддий буюмлар, хизматлар, имтиёзлар ёки афзалликларни пора берувчи ёки унинг вакили бўлган шахсларнинг қонуний манфаатларига заарар етказдиган хатти-ҳаракатлар қилиш хавфи остида талаб қилишидир. Товламачилик бу шахснинг қонуний манфаатларига заарарли оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур қилинадиган шароитларни атайлаб яратилиши бўлиши мумкин. Шунингдек, пора берган шахс ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёки маҳсус давлат органига пора берганлиги тўғрисида ихтиёрий равишда хабар берган тақдирда жиноий жавобгарликтан озод қилинади.

Маъмурий жавобгарликни кўриб чиқамиз. Қозогистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги Кодекси олтита моддадан иборат бўлиб, унда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бор.

- МХтКнинг 676-моддаси – давлат хизматчилари, мансабдор шахслар томонидан жисмоний шахслардан ноқонуний моддий мукофотлар, совғалар, имтиёзлар ёки хизматларни олиш – 200 ҲИМ миқдорида жарима;
- МХтКнинг 677-моддаси – давлат хизматчилари, мансабдор шахслар шахсан ёки воситачи орқали уларни тақдим этган шахсларнинг фойдасига ноқонуний моддий мукофот олишлари, агар бундай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) бу шахснинг хизмат ваколатига кирса – 600 ҲИМ миқдорида жарима;
- МХтКнинг 678-моддаси – давлат хизматчилари, мансабдор шахсларнинг юридик шахслардан ноқонуний моддий мукофотлари олганлиги – 1-қисм 750 АИ жарима; 2-қисм – 1500 ҲИМ жарима;
- МХтКнинг 679-моддаси – давлат хизматчилари, мансабдор шахслар томонидан ноқонуний тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширганлиги ва давлат органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ноқонуний даромад олиш – 600 ҲИМ миқдорида жарима;
- МХтКнинг 680-моддаси – давлат органлари раҳбарларининг коррупцияга қарши кураш чораларини кўрмаслиги – 100 ҲИМ миқдорида жарима;
- МХтКнинг 681-моддаси – илгари коррупция ҳуқуқбузарлигини содир этган одамларни ишга олиш – 100 ҲИМ миқдорида жарима.



39-расм. Пора олиш ва бериш

Давами

1	2	3	4
6	Участка шифокори давлат хизматчисига муайян ҳақ әвазига касаллик варақасини очди		
7	Участка шифокори талабага тиббий маълумотномани муайян ҳақ әвазига ёзиб берди.		
8	Турмуш ўртоқлар хусусий банқда ишлашади: эр – банк раҳбари, рафиқаси – унинг ўринбосари		
9	Вазирликнинг бўлим бошлиғи оиласини ўзи назорат қилаётган қурилиш компанияси ҳисобидан дам олишга юборди		
10	Фуқаро А. бошқа бирорнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини топиб олди, имзони сохталаشتirdи ва бошқанинг номига қарз олди.		

Мураккабликнинг 3-даражасидаги топшириқ. Берилган мавзуларнинг бирига реферат тайёрланг:

1. "Жиной ҳуқуқбузарлик турлари" – 8-бобда келтирилган барча жиной ҳуқуқбузарликларни кўрсатинг.
2. "Мамлакат фуқаролари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш" – фуқаролар жиноятга йўл қўймаганлари ҳолда қандай қилиб жиноятнинг олдини олишлари мумкинлигини ёзиб чиқинг.
3. "Инсон ҳуқуқлари" – ишингизда давлат ўз фуқароларини жиной ҳужумлардан қандай сақлашини ва ҳимоя қилишини кўрсатинг.
4. "Вандализм – одамнинг одобсизлиги ва саводсизлигининг намойиши сифатида".
5. "Террорчилик" – Қозоғистоннинг Алмати ва Ақтўбе шаҳарларида рўй берган воқеалар, террорчилик ҳаракатлари пайтида фуқароларни ҳимоя қилган полиция ходимларининг қаҳрамонона жасоратларини кўрсатинг.

Қозғыстон Республикаси хавфсизлиги Құмитасининг Чегара хизмати томонидан амалга оширилади.

Фуқаролар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликтарни аниклаганларидан кейин давлатта хабар беришлари мүмкін. Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликтар түғрисида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашда бошқа йўл билан ёрдам берадиган шахс давлат томонидан ҳимоя қилинади. Зарурий ҳолаттарда коррупцияга қарши кураш органлари коррупцияга қарши курашда ёрдам берган шахсларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлайдилар.

Шундай қилиб, коррупция давлат вазифаларидан шахсий манфатларда фойдаланишdir. Ушбу ҳаракатлар жамият манфаатларига, давлатнинг миллий хавфсизлиги манфаатларига зидdir. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликтарнинг асосий мақсади – фойда олиш, манфаат кўриш ва ноқонуний мукофот олиш. Коррупцияга қарши курашиш коррупцияга қарши маданиятни шакллантиришни талаб қиласи. Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликтарни содир этганлиги учун жиноий, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик келиб чиқиши мүмкін.



- Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликтар учун жиноий жавобгарлик хусусиятларини кенгайтиринг.
- Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликтар учун маъмурий жавобгарликнинг хусусиятлари қандай?
- Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликтар учун интизомий жавобгарлик хусусиятларини аникланг.



Муракабликнинг 2-даражасидаги топшириқ. Гуруҳда ишлаш. Ушбу вазиятларни баҳоланг. Бу ерда коррупция элементлари борми?

№	Турли вазиятлар	Ха	Йўқ
1	2	3	4
1	Ёш оила квартираны ижарага олишга қарор қилди ва риелторга мурожаат қилди. Риелтор катта пул талаб қилди.		
2	Ўқитувчи ўзининг қариндоши – жияни бўлган ўқувчининг баҳоларини кўтариб қўяди.		
3	Йўл қоидаларини бузган, маст ҳолатда бўлган ҳайдовчи А. ЙҲП ходимига пул тўлади, у эса протоколни тўлдириш ўрнига, пулни олди ва қўйиб юборди. Ушбу вазиятнинг мумкин бўлган салбий оқибатларини баҳоланг.		
4	Беморларга бепул дори-дармонларни тарқатиш учун масъул бўлган давлат хизматчиси Д. дориларнинг бир қисмини кейинчалик юқори нархларда сотиш учун хусусий дорихоналарга юборди.		
5	Туманнынг янги ҳокими турли лавозимларга ўз оиласининг аъзоларини, яқин қариндошларини ва дўстларини тайинлади		

- г) ҳуқуқий нигилизм; д) ҳуқуқий хулқ; в) ҳуқуқий маданият;
- 7.** Ҳуқуқий жавобгарликка тортиладиган жиноятга мойил шахснинг ижтимоий хавфли, заарли, қонунга хилоф айбели ҳаракатлари:
- а) ҳуқуққа бефарқ муносабат; г) доимий хатти-ҳаракатлар;
 - б) ҳуқуқбузарлик; д) ахлоққа зид хатти-ҳаракатлар.
 - в) ҳуқуқни амалга оширувчи ҳаракат;
- 8.** Инсон ҳуқуқлари – бу:
- а) инсон улар бүйича яшайдиган қонунлар;
 - б) ҳимояланган, давлат томонидан ҳаракат қилиш учун таъминланган табиий имконият;
 - в) инсон ўзи учун ихтиро қилган меъёрлар;
 - г) ўзи хоҳлаган нарсани тўлиқ бажариш қобилияти;
 - д) бирон бир нарсада (фаолият, хатти-ҳаракатлар) бирон-бир чекловлар, сиқувга олишлар йўқлиги.
- 9.** Ҳуқуқий нигилизм – бу:
- а) қонуннинг имкониятларига ишонмаслик, ҳуқуқни бузиш, қонуннинг ижтимоий ва шахсий аҳамиятини инкор этиш;
 - б) шахснинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти ва ҳуқуқий ривожланишини ифодаловчи ҳуқуқий ҳужжатларнинг мукаммаллик даражасига эришганлиги, жамиятнинг ҳуқуқий ҳайтининг сифатли ҳолати;
 - в) фикрнинг жамиятда ҳуқуқларга бўлган эҳтиёжга асосланган ижтимоий-сиёсий йўналиши;
 - г) давлатнинг пайдо бўлиши назарияси;
 - д) қонунларга ижобий муносабат, ҳуқуқий билимлар.
- 10.** Сиёсий тизим – бу:
- а) муайян сиёсий вазифаларни бажарадиган давлат ва нодавлат ижтимоий институтлар тўплами;
 - б) жамиятни бошқарадиган давлат органлари тизими;
 - в) ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг умумийлиги;
 - г) фуқаро ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар;
 - д) одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими.

2-боб учун якуний тестлари

Қозогистон Республикасида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ривожланиши

- 1.** Конун устуворлиги:
- а) иқтисодий ҳукмрон синф манфаатларини таъминлайди;
 - б) халқаро ноҳуқумат ташкилотларга бўйсунади;
 - в) диний ҳуқуқ меъёрлари ва урф-одатларини амалга оширади;
 - г) биринчи ўринга шахснинг манфаатлари эмас, балки давлатнинг манфаатлари қўйилади;
 - д) давлат ҳокимиятининг ҳуқуқ билан чекланиши.

ҰЗИНГИЗНИ СИНАНГ!

1-бөб учун якуний тестлар

Қонуулар, ҳуқуқий маданият, жамиятнинг сиёсий тизимидағи давлат

1. ҲМХ нинг иерархияси – бу:

- а) қуи актларни юқори турларга бўйсундириш тартиби;
- б) мамлакат қонууларини ҳурмат қилиш ва билиш талаблари;
- в) қонууларни қабул қилиш жараёни;
- г) қонууларни шарҳлаш фаолияти;
- д) ҲМХ лойиҳасини тайёрлаш жараёни.

2. Ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари:

- а) юқори органлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг ҳужжатлари;
- б) вақтинча ва доимий;
- в) ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар (ҲМХ) ва тартибга солинмайдиган ҳуқуқий ҳужжатлар;
- г) Конституция ва кодекслар;
- д) қонуулар ва қонунга доир ҳужжатлар.

3. Қонун ижодкорлиги бу:

- а) ваколатли органлар томонидан ҳуқуқий ҳужжатлар яратиш жараёни;
- б) қонун меъёрларини шарҳлаш жараёни;
- в) ҳуқуқбузарлик кўринишидаги ноқонуний фаолият;
- г) ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш усуллари тўплами;
- д) қонууларни нашр этиш жараёни.

4. Қонунийлик бу:

- а) ахлоқ-одоб меъёрларини бузмаслик талаби;
- б) барча субъектлар учун қонун талабларига риоя қилиш талаби;
- в) қонун талабларини бажариш ҳолати;
- г) қонууларни қабул қилиш жараёни;
- д) жиноий ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун жазо тури.

5. Қонун устуворлигини шарҳлаш – бу:

- а) қонун матни билан танишиш;
- б) қонун матнининг оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши;
- в) қонууларнинг маъноси ва мазмунини тушуниш;
- г) ҳокимият органларининг маҳсус фаолияти, бунинг натижасида қўлланнишнинг муайян ўзига хос далолатномаси чиқарилади;
- д) суд ҳокимияти томонидан далиллар ва қарорларни қабул қилиш ҳамда ижро этишдаги фаолият шакли.

6. Одамларнинг амалдаги ва исталган қонунга муносабатини билдирувчи фикрлари ва ҳис-туйғулари, қарашлари ва ҳиссиётлари, баҳолашлари ва муносабатларининг умумийлиги – бу:

- а) сиёсий онг;
- б) ҳуқуқий онг;

- б) йигирма календар кунида;
 в) йигирма беш календар кунида;
 г) қирқ календар кунида;
 д) уч кун.
2. Вояга етмаганлар адлиясининг мақсади:
- а) вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
 - б) имконияти чекланганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
 - в) маҳкумларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
 - г) аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
 - д) чет эл фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.
3. Соғлиғи бузилган ва тананинг доимий вазифалари бузилган ҳолларда, ногиронлик ҳуқуқини белгилаш учун фуқаро мурожаат қилиши мүмкін:
- а) ногиронликни белгилаш бўйича ваколатли органга;
 - б) судга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига;
 - в) ҳакамлик судига;
 - г) Ҳукуматга;
 - д) судга.
4. Давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқий ёрдам – бу :
- а) субъектларга бепул тақдим этиладиган ҳуқуқий ёрдам;
 - б) пуллик шартнома асосида кўрсатиладиган ҳуқуқий ёрдам;
 - в) ижтимоий хизматларнинг ёрдами;
 - г) шошилинч тиббий ёрдам;
 - д) ваколатли органларнинг ёрдами.
5. Давлат томонидан кафолатланган бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатадиган субъектлар:
- а) адлия органлари;
 - б) адвокат, нотариус;
 - в) Парламент;
 - г) Президент;
 - д) воситачи.
6. Жамиятдаги низоларни камайтиришга ёрдам берадиган ҳуқуқий низоларни ҳал қилишнинг энг самарали усулларини кўрсатинг:
- а) қариндошларига мурожаат қилиш;
 - б) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиш;
 - в) прокурорга мурожаат қилиш;
 - г) Президентга мурожаат қилиш;
 - д) музокарапар, ҳакамлик, воситачилик.

4-боб учун якуний тестлар

Қозогистон Республикаси суд тизими

1. Қозогистон Республикаси суд тизими қўйидагилардан иборат:
- а) Олий суд, вилоят, туман, ихтисослаштирилган судлар;
 - б) Олий суд, ҚР Конституциявий суди;

2. Ҳуқуқий давлат белгилари:
 - а) ривожланган фуқаролик жамиятининг мавжудлиги;
 - б) битта сиёсий партиянинг устунлиги;
 - в) ташқи сиёсатдаги тажовузкорлик;
 - г) битта мулк шаклининг устунлиги;
 - д) битта расмий давлат мафкураси мавжудлиги.

3. Нотұғри изоҳни топинг:
 - а) ҳуқуқий давлат – бу бутун жамият ҳаётини умумий назорат қиладиган давлат;
 - б) ҳуқуқий давлат – бу қонун биринчи навбатда турадиган давлат;
 - в) ҳуқуқий давлат – бу сўз эркинлиги ва ҳаракат эркинлиги ҳуқуқи таъминланадиган жамият;
 - г) ҳуқуқий давлат – бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари биринчи ўринга қўйиладиган давлат;
 - д) ҳуқуқий давлат – бу ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойили амалга ошириладиган давлат.

4. Ҳуқуқ назарияси, унинг моҳияти инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳокимият томонидан берилмаслигидан келиб чиқади, у туғилганидан унга тегишлидир ва тўсиқсиз амалга оширилиши керак:

а) меъёрий ҳуқуқ назарияси;	г) ҳуқуқнинг ижтимоий назарияси;
б) психологик назария;	д) ҳуқуқнинг мафкуравий назарияси.
в) табиий ҳуқуқ назарияси;	

5. Фуқаролик жамиятида сиёсий ҳокимиятни ташкил этишнинг табиий шакли, бунда инсоннинг табиий ҳуқуқлари тан олинади ва кафолатланди, фуқароларнинг давлат ва давлатнинг фуқаролар олдидағи ўзаро жавобгарлиги таъминланади – бу:

а) диний давлат;	г) унитар давлат;
б) ҳуқуқий давлат;	д) президентлик республика.
в) дунёвий давлат;	

6. Тенг ҳуқуқ ва имкониятларни, тенг жавобгарликни ва ҳар қандай камситишига йўл қўйиб бўлмасликини белгиловчи қонун тамойилига қўйидагилар дейилади:
 - а) ҳаракатлар эркинлиги;
 - б) қонун ва суд олдида тенглик;
 - в) ҳуқуқий шахс;
 - г) демократизм;
 - д) инсонпарварлик;

З-боб учун якуний тестлар

Қозогистон Республикасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

1. Мансабдор шахс фуқаронинг мурожаатини кўриб чиқиши ва унга аник ёзма жавоб бериши керак:
 - а) ўн беш календар кунида;

8. Судья мустақиллигининг қандай кафолатлари ҳақида гап кетяпти? Судья Қозғистон Республикаси Президентининг розилигисиз ҳібсга олиниши, жавобгарликка тортилиши, суд тартибіда бериладиган маъмурій жазо ва жиноий жавобгарликка тортилиши мүмкін эмас:
- судьяларнинг дахлсизлиги (дахлсизлик ҳуқуқи);
 - судьяларнинг үзгармаслиги;
 - судьяларнинг мустақиллиги.
 - судларни молиялаштириш;
 - судьяни ва унинг оила аъзоларини давлат томонидан ҳимоя қилиш.

5-боб якуний тестлар

Қозғистон Республикасидаги фуқаролик ба сайлов

1. Бипатридлар құйидагилар:

- Қозғистон Республикаси фуқаролари;
- фуқаролиги бўлмаган шахслар;
- икки фуқаролиги бўлган шахслар;
- доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахслар;
- ишсизлар.

2. Фуқаролик деганда:

- инсон ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг умумийлигини ифодаловчи барқарор ижтимоий-иктисодий муносабатлар.
- шахс ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг умумийлигини ифодаловчи барқарор ахлоқий боғлиқлик.
- инсон ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг умумийлигини ифодаловчи барқарор сиёсий ва ҳуқуқий муносабатлар;
- инсоннинг жамият билан барқарор маънавий-ҳуқуқий муносабатлари, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари мажмui.
- инсон ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг умумийлигини ифодаловчи барқарор иктисодий муносабатлар.

3. Филиация – бу:

- аризага биноан фуқароликка қабул қилиш;
- туғилғанлик бўйича фуқаролик олиш;
- фуқароликни тиклаш;
- фуқароликни йўқотиш;
- фуқароликни алмаштириш.

4. Суднинг қарори билан Қозғистон Республикаси фуқаролигидан маҳрум қилиш мүмкін:

- одам ўлдирғанлиги учун;
- жуда катта миқдордаги фирибгарлик учун;
- террорчилик жиноятларини, шунингдек, Қозғистон Республикаси ҳаётий манфаатларига бошқа жиддий заарар етказғанлик учун;
- жиноий грух тузганлиги учун;
- талончилик ва босқинчилик учун.

- в) Олий суд, Олий Ҳакамлик суди;
г) Олий суд, маңаллий судлар;
д) ҳакамлик судлари, халқ судлари.
2. Қозғистон Республикасидаги ихтисослаштирилган судларга қўйидагилар киради:
а) хўжалик суди, маъмурий суд, вояга етмаганлар суди;
б) жиноят ишлари бўйича суд, фуқаролик суди;
в) солик суди, меҳнат низолари бўйича суд;
г) оқсоқоллар суди, халқ суди, бийлар суди;
д) Олий суд, фавқулодда судлар.
3. АХММ суди (Астана халқаро молиявий маркази) Қозғистон суд тизимиға киритилганми:
а) киритилган;
б) киритилмаган;
в) баъзи ҳолатларга киритилган;
г) қисман киритилган;
д) агар қонунда белгиланган бўлса-чи?
4. Судьялар учун чекловларни кўрсатинг:
а) судья депутат бўлиши мумкин эмас;
б) судьянинг мол-мулки бўлиши мумкин эмас;
в) судьяда банк ҳисоб вараклари бўлмаслиги керак;
г) судья чет элга чиқа олмайди;
д) судья ижодий фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.
5. ҚРда судьялар қанча муддатга тайинланади:
а) 5 йилга;
б) 20 йилга;
в) 30 йилга;
г) 10 йилга;
д) доимий равища?
6. Судьянинг қонунда белгиланган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари (ваколатлари), шунингдек, судловни амалга оширишда унинг мустақиллигининг кафолатлари қўйидагилардан иборат:
а) судьянинг мустақиллиги кафолатлари;
б) судьянинг ҳуқуқий ҳолати;
в) судьянинг ҳуқуқлари;
г) судьянинг вазифалари;
д) судьянинг дахлизилиги.
7. Судьянинг дахлизилиги қўйидагилардан иборат:
а) судьянинг дахлизилиги кафолати;
б) судьянинг ҳуқук ва мажбуриятлари;
в) судьянинг ҳуқуқий ҳолати;
г) судьялик лавозими учун чекловлар;
д) судьянинг ваколатлари.

6-боб учун якуний тестлар**Маъмурий ҳуқуқбузарлық турлари**

- 1.** Маъмурий мажбурлов чораларига нима киради:
 - а) маъмурий огоҳлантириш чоралари; г) маъмурий маъқуллаш чоралари;
 - б) маъмурий тинглаш чоралари; д) маъмурий мунозара чоралари.
 - в) маъмурий қўллаш чоралар;
- 2.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуидаги маъмурий жазо қўлланилмайди:
 - а) огоҳлантириш;
 - б) маъмурий жарима;
 - в) маъмурий ҳибсга олиш;
 - г) чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни Қозогистон Республикасидан чиқариб юбориш;
 - д) озодликдан маҳрум қилиш.
- 3.** Маъмурий жавобгарлик қайси ёшдан қўлланилади:
 - а) 16 ёшдан; в) 15 ёшдан бошлаб; д) 17 ёшдан бошлаб.
 - б) 14 ёшдан бошлаб; г) 18 ёшдан бошлаб;
- 4.** Қуидагилар маъмурий жавобгарликка тортилмайди:
 - а) ҳарбий хизматчилар; г) ақлан заиф бўлган шахслар;
 - б) жисмоний шахслар; д) мансабдор шахслар.
 - в) юридик шахслар;
- 5.** Маъмурий жавобгарлик вазифаси эмас:
 - а) ҳуқуқий тартибни ҳимоя қилиш;
 - б) фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш;
 - в) янги жиноят содир этилишининг олдини олиш;
 - г) ижтимоий адолатни тиклаш;
 - д) фуқароларни янги ҳуқуқбузарликлар содир этишга тайёрлаш.
- 6.** Қуидагилар маъмурий ҳуқуқбузарлик эмас:
 - а) жамоат транспортида чиптасиз юриш;
 - б) йўлни белгиланмаган жойдан кесиб ўтиш;
 - в) жамоат жойларида спиртли ичимликларни истеъмол қилиш;
 - г) жамоат жойларида чекиш;
 - д) ўғрилик.
- 7.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс қонун билан белгиланган ёшга
етмаган бўлса, ким жавобгар бўлади:
 - а) ота-оналар; г) тарбиячи;
 - б) мактаб директори; д) мактаб қўриқчиси.
 - в) ўқитувчи;
- 8.** Писта пўчоғини ташлаганлик учун жавобгарлик назарда тутилганми:
 - а) ха, маъмурий жавобгарлик; б) ха, жиноий жавобгарлик;
 - в) йўқ, ахлоқий жавобгарлик; д) ха, интизомий чоралар.

5. Табиийлаштириш – бу
 - а) ариза билан фуқароликни олиш;
 - б) фуқароликни йўқотиш;
 - в) давлат мулкини қайтариш;
 - г) туғилганлик бўйича фуқароликни олиш;
 - д) фуқароликни қабул қилиш жараёни.
6. Республика Парламенти Сенатига депутатлар сайлови қўйидагилар асосида ўтказилади:
 - а) очик овоз бериш орқали билвосита сайлов ҳуқуқи;
 - б) тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи;
 - в) яширин овоз бериш орқали билвосита сайлов ҳуқуқи;
 - г) яширин овоз бериш орқали тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи;
 - д) референдум ўтказиш.
7. Президентни, Парламент мажлисини маслаҳати депутатларини, Республика маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг аъзоларини сайлаш:
 - а) умумий, teng ва билвосита сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали;
 - б) умумий, teng ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида очик овоз бериш орқали;
 - в) умумий, teng ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали;
 - г) teng ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи билан яширин овоз бериш орқали.
 - д) умумий, билвосита сайлов ҳуқуқининг асоси.
8. Сайлов тизимларининг асосий турларига қўйидагилар кирмайди:
 - а) Кўпчилик сайлов тизими;
 - б) Пропорционал сайлов тизими;
 - в) Оддий сайлов тизими;
 - г) Аралаш сайлов тизими;
 - д) Мураккаб сайлов тизими.
9. Кўпчилик сайлов тизимида номзод қўйидаги ҳолларда сайланган деб ҳисобланади:
 - а) сайловчиларнинг teng овозини олган.
 - б) сайловчиларнинг кўпчилик овозларни олган.
 - в) партиялар рўйхатларидан ўтган;
 - г) сайловчиларнинг 50% гача овозини олган.
 - д) сайловчиларнинг камида 45% овозини олган.
10. Сайловда овоз бериш ҳуқуқи
 - а) 17 ёшдан бошлаб;
 - б) 18 ёшдан бошлаб;
 - в) 16 ёшдан бошлаб;
 - г) 21 ёшдан бошлаб;
 - д) 14 ёшдан бошлаб.

- б) майда қишлоқ хұжалик товарларини ишлаб чиқариш;
 в) фермер хұжалиги билан бир хил;
 г) дәхқончилик билан бир хил;
 д) якка ҳолда қишлоқ хұжалигини юритиш.
- 5.** Ер участкасига бүлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳужжатларига қуйидагилар киради:
- ер участкасига хусусий мулк ҳуқуқини тан олиш тұғрисидаги суд қарори, ер тұғрисидаги давлат ҳужжати, олди-сотди шартномаси;
 - Техник инвентаризация бюросининг маълумотномаси;
 - боғдорчилік бүйіча шериклик тұғрисидаги низом;
 - туғилғанлық тұғрисидаги гувоҳнома;
 - қишлоқ хұжалиги кооперативининг устави.
- 6.** Ер участкасига хусусий мулк ҳуқуқи қуйидагича вужудга келади:
- умумий мерос тартибіда бериш, үтказиш ва үтиш;
 - талабнома бериш;
 - юридик шахс сифатида рўйхатдан үтказиш;
 - фуқароликни олиш;
 - ер участкасига бүлган ҳуқуқлардан воз кечиш.
- 7.** Ерни муҳофаза қилиш – бу:
- ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга, иқтисодий фаолият учун экологияк ва бошқа талабларга риоя қилишга қаратилған чора-тадбирлар тизими;
 - шахсларни етказилған зарап учун жавобгарликка тортиш чоралари тизими;
 - алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тиклаш чоралари тизими;
 - ер таназзули қурбонларига ёрдам бериш тизими;
 - табиий оғатлар таъсирига учраган ҳудудларга давлат томонидан ёрдам күрсатиш тизими.
- 8.** Бузилған ерларнинг унумдорлигини тиклаш – бу:
- бузилған ва ифлосланған ерларнинг унумдорлигини тиклаш, шунингдек, атроф-мухит ҳолатини яхшилашга қаратилған тадбирлар мажмуди;
 - табиий оғатлар юз берган ҳудудларни экологик тиклаш;
 - ерни муҳофаза қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
 - ифлосланиш учун жавобгарлик чоралари тизими;
 - чўлга айланған ерларни сугориш ишлари.
- 9.** Ер участкасининг хусусий эгаси зааркунандалар ва бегона үтларга қарши курашишга мажбурми:
- ха, бу ҚР Ер кодексида назарда тутилған;
 - бундай мажбурият бўлиши мумкин эмас, чунки бу хусусий мулкдир;
 - бу ҚР Қишлоқ хұжалиги вазирлиги ва ҳокимиятларнинг вазифасидир;
 - бундай ишларни санитария назорати органлари амалга ошириши керак;
 - бу мажбурият эмас, балки эгасининг ҳуқуқи эмасми?
- 10.** Ер ҳуқуқини бузганлик учун қонуний жавобгарликнинг қандай турлари Қозоғистон Республикаси қонунларида белгиланган:

- г) фуқаролик жавобгарлиги;
9. Майда безориликка нималар кирмайды:
- а) жамоат жойларида сигарет қолдигини ташлаш;
 - б) жамоат жойларида сигаретани ташлаш;
 - в) жамоат жойларида писта пүчогини ташлаш;
 - г) уятсиз сүз.
 - д) маст ҳолда жамоат жойида күриниш.
10. Нима учун маъмурий мажбурлаш қўлланилмайди:
- а) янги маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун;
 - б) салбий ижтимоий оқибатларнинг олдини олиш;
 - в) ҳуқуқ субъектларининг ноқонуний ҳаракатларини тугатиш;
 - г) ноқонуний хатти-ҳаракатлар натижасида юзага келган вазиятни тўғириш;
 - д) қонунбузарни жавобгарликка тортиш.

7-боб учун якуний тестлар

Ер ҳуқуқининг асослари

1. Ернинг ҳуқуқий муносабатлари нима?
- а) ери мухофаза қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича юзага келган ижтимоий муносабатдаги ер ҳуқуқини меъёрга солиш;
 - б) тоғ тизмаларини ўзлаштириш билан боғлиқ ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган жамоат муносабатлари;
 - в) қишлоқ хўжалигида ерлардан фойдаланиш ва экинлар – дон, сабзавотлар ва бошқаларни етиштириш бўйича жамоатчилик билан алоқалар;
 - г) бу фақат чегара ҳудудларидан фойдаланишда бўлган муносабатлар;
 - д) бу фойдали қазилмаларни қазиб олиш соҳасидаги жамоатчилик билан алоқалар.
2. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ер муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг қандай усуслари қўлланилади:
- а) ихтиёрий ва мажбурий; г) фақат мажбурий усул;
 - б) рағбатлантириш усули; д) тавсия қилиш усули.
 - в) фақат ихтиёрий усул;
3. Ер участкалари КР фуқароларида қуидагилар учун хусусий мулк сифатида бўлиши мумкин:
- а) якка тартибда уй-жой қуриш, фермер хўжалиги ва шахсий томорқа хўжалиги, ўрмонлар барпо қилиш;
 - б) хусусий табиий ёдгорликлар ва қўриқхоналарни ташкил этиш;
 - в) хусусий оромбоғларни ташкил этиш;
 - г) хусусий бизнесни ташкил этиш;
 - д) фақат тураг-жой биноси учун.
4. Шахсий томорқа хўжалиги – бу:
- а) қишлоқ ва шаҳар атрофи ҳудудида жойлашган ер участкасида ўз эҳтиёжларини қондириш бўйича фаолият тури;

8. Жамоат хавфсизлиги – бу:

- а) нөконуний хатти-харакатлардан шахснинг хавфсизлигини, жамоат тинчлигини таъминлаш учун қонун нормалари билан тартибга солинадиган жамоат муносабатлари;
- б) иқтисодиётни ривожлантириш бўйича жамоатчилик билан алоқалар;
- в) Қозогистон Республикаси фуқаросининг чет давлатга ёрдам кўрсатиши;
- г) иқтисодий жиноятлар;
- д) давлат яхлитлигини бузиш таҳди.

9. Аҳолининг ақлий, жисмоний ва ижтимоий фаровонлигини аниқлаш – бу:

- а) хавфсизлик; г) жамоат хавфсизлиги;
- б) тартиб; д) ижтимоий фаровонлик.
- в) ижтимоий соғлиқ;

10. Аҳоли саломатлиги ва ижтимоий ахлоқни бузадиган айбордor ҳаракатлар:

- а) шахсга қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар;
- б) вандализм;
- в) Конституциявий тузумга қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар;
- г) аҳоли соғлиги ва ахлоққа қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар.

9-бобнинг якуний тестлари.

Коррупция бўйича ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик

1. Коррупция ҳуқуқбузарлигига айбнинг шакли:

- а) тўғридан-тўғри ният; г) масъулиятсизлик;
- б) билвосита ният; д) бепарволик.
- в) эҳтиётсизлик;

2. Давлат вазифаларини бажаришга ваколатли шахслар:

- а) мансабдор шахслар; г) вояга етмаганлар;
- б) чет элликлар; д) олий ўқув юрти ўқитувчилари.
- в) ҚР фуқаролари;

3. Давлат вазифаларини бажаришга ваколатли шахслар билан тенглаштирилган шахслар:

- а) маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайланган шахслар;
- б) чет элликлар;
- в) мансабдор шахслар;
- г) вояга етмаганлар;
- д) ҚР фуқаролари.

4. Пора олиш субъекти бўлиши мумкин:

- а) фақат давлат хизматчилари, мансабдор шахслар ёки уларга тенглаштирилган шахслар;
- б) олий ўқув юртлари ва мактабларнинг ўқитувчилари;
- в) давлат муассасаларида ишлайдиган ҳар қандай шахс;
- г) ҚР ҳар қандай фуқароси;
- д) чет элликлар.

- а) интизомий, маъмурий, жиноий, фуқаролик-ҳуқуқий ва ер қонунлари;
- б) ўрнатилган;
- в) ихтисослашган;
- г) инклюзив;
- д) фақат маҳсус?

8-боб учун яқунний тестлар

Жиноий ҳуқуқбузарлик турлари

1. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва озгина заарар етказган айборлик ҳаракат:
 - а) жиноий хатти-ҳаракат; в) жиноят; д) ҳаракатсизлик.
 - б) безорилик; г) ўғирлик;
2. Шахснинг қасдан ва бепарволик шаклида қилинган ҳаракатга руҳий муносабати:
 - а) жавобгарлик; г) ножӯя хатти-ҳаракатлар;
 - б) айб; д) сабаб.
 - в) жиноят;
3. Одамларнинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўравонлик билан бирорнинг мулкини талон-торож қилиш мақсадида тажовуз қилиш:
 - а) ўғрилик; в) қотиллик; д) фирибгарлик.
 - б) талончилик; г) босқинчилик;
4. Соғлиқнинг қисқа муддатли бузилиши (йигирма бир кундан ошмайдиган давр учун) ёки умумий иш қобилиятини озгина йўқотиш (ўндан биридан кам):
 - а) ножӯя хатти-ҳаракатлар; г) соғликка озгина заарар;
 - б) кўриш қобилиятини йўқотиш; д) соғликка жиддий заарар.
 - в) заарар;
5. Давлатнинг бир қисмини ажратиш ва янги давлат тузилишини яратиш ёки мамлакатнинг бир қисмини автономия билан таъминлаш учун қилинган ҳаракатлар – бу:
 - а) террорчилик; в) босқинчилик; д) таҳдид.
 - б) сепаратизм; г) фирибгарлик;
6. Ўғирлик, фирибгарлик, ўзганинг мол-мулкини оз миқдорда ўзлаштириш ёки ишлатиб юбориш – бу:
 - а) фирибгарлик; г) сепаратизм;
 - б) майда ўғирлик; д) давлатга хиёнат қилиш.
 - в) талончилик;
7. Иқтисодий жиноятларнинг белгилари:
 - а) таҳмин қилинган заарар;
 - б) қасдан содир этилган жиноят;
 - в) озгина заарар етказиш;
 - г) ғаразли табиат, вақт ўтиши билан кўп миқдорда заарар етказиш;
 - д) қасдан содир этилмаган жиноят.

ЯКУНИЙ ТЕСТЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ

1-бөб.

1. а)	2. в)	3. а)	4. б)	5. а)	6. б)	7. б)	8. б)	9. а)	10. а)
-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	--------

2-бөб

1. д)	2. а)	3. а)	4. в)	5. б)	6. а)
-------	-------	-------	-------	-------	-------

3-бөб

1. а)	2. а)	3. а)	4. а)	5. б)	6. д)	7. д)	8. а)
-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------

4-бөб

1. а)	2. а)	3. б)	4. а)	5. в)	6. б)	7. а)	8. а)
-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------

5-бөб

1. в)	2.в)	3. б)	4. в)	5. а)	6. в)	7. в)	8. д)	9. б)	10. б)
-------	------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	--------

6-бөб

1. а)	2. д)	3. а)	4. г)	5. г)	6. д)	7. а)	8. а)	9. г)	10. г)
-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	--------

7-бөб

1. а)	2. а)	3. а)	4. а)	5. а)	6. а)	7. а)	8. а)	9. а)	10. а)
-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	--------

8-бөб

1. а)	2. б)	3. г)	4. г)	5. б)	6. б)	7. г)	8. а)	9. в)	10. г)
-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	--------

9-бөб

1. а)	2. а)	3. а)	4. а)	5. а)	6. а)	7. а)	8. а)	9. а)	10. а)
-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	--------

- 5.** Пора бериш субъекти бўлиши мумкин:
- а) 16 ёшга тўлган шахс; г) КР ҳудудида яшовчи ҳар қандай шахс;
 - б) 14 ёшга тўлган шахс; д) фақат давлат хизматчиси.
 - в) 18 ёшга тўлган шахс;
- 6.** КР коррупцияга қарши стратегиясининг мақсади:
- а) коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига “нол” сабр-тоқат муҳитини яратиш орқали бутун жамиятни коррупцияга қарши ҳаракатга жалб қилиш;
 - б) мамлакатда иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш;
 - в) КР фуқароларининг фаровонлигини ошириш;
 - г) гиёҳванд моддалар тарқалишига қарши курашиш;
 - д) террорчилик таҳдидининг олдини олиш.
- 7.** Давлат хизматчилари Ахлоқ кодексига мувофиқ КР давлат хизматчилари мажбурлар:
- а) жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манбаатларига дахлдор қарорларни қабул қилишда шаффофликни таъминлашлари;
 - б) иш вақтида ва ишламайдиган вақтларда кийиниш қоидаларига риоя қилиш;
 - в) жамоат жойларида чекмаслик;
 - г) мулкида автомобилга эга бўлмаслик;
 - д) бешта чет тилини билиш.
- 8.** Коррупцияга қарши ислоҳотлар Ли Куан Ю номи билан боғлиқ:
- а) Сингапурда; б) Хитойда; в) Тайландда; г) Филиппинда; д) Японияда.
- 9.** Коррупцияга қарши маданият – бу:
- а) шахснинг қонунга бўйсуниш одати, коррупцияга қарши ҳуқукий фаолияти;
 - б) ҳуқуқбузарликлар учун мойиллик;
 - в) жазодан қўрқиб ҳаракат қилишга тайёрлик;
 - г) мамлакат қонунларига ҳурматсизлик;
 - д) инсоннинг ҳар қандай ҳаракати.
- 10.** Шахснинг коррупцияга қарши маданиятини биринчи навбатда акс эттирувчи нарса:
- а) фуқаролик иштироки ва унинг ҳуқуқларини амалга ошириш, хавфсизлик ва ҳуқукий ҳимоя, коррупцияга қарши барқарорлик;
 - б) жазодан қўрқиши;
 - в) мукофот олиш истаги;
 - г) моддий мукофот зарурати;
 - д) шахсий манбаатлар ва эҳтиёжлар.

МУНДАРИЖА

Кириш 4

I бўлим. ҲУҚУҚ ВА ДАВЛАТ

1-боб. Конунчилик, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқбузарлик, қонунчилик ва ҳуқуқий тартиб	5
1-§. Конунчилик тизими. Ҳуқуқий актларнинг тузилиши	5
2-§. Конун ижодкорлиги, қонун ижодкорлиги босқичлари. Ҳуқуқий техника ва унинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашдаги аҳамияти	9
3-§. Конун талқини	13
4-§. Ҳуқуқий онг	18
5-§. Ҳуқуқий маданият. Қонуний хатти-харакатлар	22
6-§. Ҳуқуқбузарлик	26
7-§. Ҳуқуқий жавобгарлик	30
8-§. Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиб	34
9-§. Сиёсий тизим тушунчаси	39
10-§. Сиёсий тизимнинг асосий элементлари. Жамиятнинг сиёсий тизимида давлатнинг ўрни	44
2-боб. Қозоғистон Республикасида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ривожланиши	48
11-§. Қозоғистон Республикаси ҳуқуқий давлат сифатида	48
12-§. Ҳуқуқий давлат тамойилларини амалга ошириш (сиёсий ва ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш)	54
13-§. Қозоғистон Республикасида фуқаролик жамиятининг асосий вазифавий мақсади	59
14-§. Қозоғистон Республикасининг фуқаролик жамияти институтлари	63
3-боб. Қозоғистон Республикасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш	67
15-§. Қозоғистон Республикасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизми	67
16-§. Қозоғистон Республикасида ювенал адлия	72
17-§. Қозоғистон Республикасида имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми	75
18-§. Малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи	80
19-§. Инсон ҳуқуқлари ва жамиядаги низолар	84
20-§. Ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш усуллари	88
4-боб. Қозоғистон Республикасининг суд тизими	92
21-§. Ҳуқуқий давлатда суд ва адлия суд тизимининг таркибий қисмлари	92
22-§. Судьянинг ҳуқуқий мақоми ва унинг фаолиятининг кафолатлари	96
5-боб. Қозоғистон Республикасида фуқаролик ва сайловлар	101
23-§. Фуқаролик тушунчаси. Икки фуқаролик. Фуқароликка эга бўлиш ва уни тугатиш	101

II бўлим. ОММАВИЙ ҲУҚУҚ

24-§. Сайловлар. Сайлов ҳуқуқининг тамойиллари. Ҳуқуқий давлатдаги сайловларнинг тушунчаси ва аҳамияти	107
25-§. Сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқи тушунчаси. Сайловчиларнинг ва бошқа сайлов ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	110

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

Хұқуқий меъёрий хужжатлар

1. Конституция Республики Казахстан. Принята на республиканском референдуме 30 августа 1995 г. Изменения и дополнения внесены в 1998, 2007, 2011, 2017, 2019 гг. Алматы, 2019.
2. Конституционный закон “О выборах в Республике Казахстан”. Принят 28 сентября 1995 г.
3. Уголовный кодекс Республики Казахстан. Принят 3 июля 2014 г.
4. Кодекс Республики Казахстан “Об административных правонарушениях”. Принят 5 июля 2014 г.
5. Земельный кодекс Республики Казахстан. Принят 20 июня 2003 г.
6. Закон Республики Казахстан “Об адвокатской деятельности и юридической помощи”. Принят 5 июля 2018 г.
7. Закон Республики Казахстан “О противодействии коррупции”. Принят 18 ноября 2015 г.
8. Закон Республике Казахстан “О гражданстве Республики Казахстан”. Принят 20 декабря 1991 г.

Шарҳлар

1. Конституция Республики Казахстан. Научно-практический комментарий. Алматы, 2015. 355 с.
2. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Казахстан. Общая и Особенная части. — Алматы, 2015.

Илмий нашрлар

1. Ибраева А. С. и др. Теория государства и права. Учебное пособие. Алматы: Жеті жарғы, 2017. 424 с.
2. Зиманов С. З. Казахский суд биев — уникальная судебная система. Алматы, 2010. — 344 с.
3. Зиманов С. З. Древний мир права казахов и его истоки // Древний мир права казахов. Алматы: Жеті жарғы, 2001. Т. 1. С. 5—10.
4. Кашанина Т. В. Происхождение государства и права. Современные трактовки и новые подходы. М.: Юристъ, 1999. 344 с.
5. Культелеев Т. М. Уголовное обычное право казахов. — Алматы: Зерде, 2015. — 385 с.
6. Назарбаев Н. А. Взгляд в будущее: модернизация общественного сознания. Статья. 12 апреля 2017 г. // Казахстанская правда. 13 апреля 2017 г.
7. Назарбаев Н. Семь граней Великой степи. 21 ноября 2018. // Казахстанская правда. 22 ноября 2018 г.
8. Сапаргалиев Г. С. Конституционное право Республики Казахстан. Академический курс. Алматы, 2010. — 544 с.
9. Сартаев С. С. Слово перед совестью и эшафотом. Изд. 2. Алматы, 2003. — 480 с.



Учебное издание

Ибраева Алуа Саламатовна
Еркинбаева Лаззат Калымбековна
Назаркулова Ляззат Талгатовна
Ищенко Гульнар Тулемисовна
Бекишиев Асхат Кенжебекович
Турсынкулова Динара Ахановна
Гончаров Сергей Борисович
Баданова Анна Николаевна
Касымжанова Айнур Ахылбековна

ОСНОВЫ ПРАВА

Часть 1

Учебник для 11 классов общественно-гуманитарного
направления общеобразовательных школ
(на узбекском языке)

Мұхаррір М. Алимқұлова
Бадий мұхаррір Ж. Бұлатәев
Техник мұхаррір И. Тарапунец
Компьютерда сағыналған Г. Оразақынова

Нашриётта 7 июль 2003 йилда Қозогистон Республикаси Таълим ва фан
министрлигининг № 0000001 давлат лицензияси берилган

ИБ № 6250

Нашрға 27.08.20 рухсат этилди. Ҳажми 70·100¹/₁₅. Офсет қоғози. Ҳарф түри
«SchoolBook Kza». Офсет нашри. Шартлы босма табоги 16,77.
Шартлы бүёқ тамғаси 67,76. Нашр ҳисоб табоги 11,19.
Адади 3500 нұсха. Буюртма №

“Мектеп” нашриёти, 050009, Алмати шаҳри, Абай шоҳ кўчаси, 143-уй.

Факе: 8(727) 394-42-30, 394-37-58

Тел: 8(727) 394-42-34

E-mail: mekter@mail.ru

Web-site: www.mekter.kz

*Книга представлена исключительно в образовательных целях

согласно Приказа Министра образования и науки Республики Казахстан от 17 мая 2019 года № 217

6-бөб. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг турлари	114
26-§. Маъмурий ҳуқуқбузарлик. Маъмурий мажбурлаш. Маъмурий жавобгарлик	114
27-§. Жамоат тартибига ва ахлоққа тажовуз қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар	118
7-бөб. Ер ҳуқуқининг асослари	123
28-§. Ер ҳуқуқининг тушунчаси, тизими, тамойиллари ва манбалари	123
29-§. Ерга эгалик ҳуқуқи	127
30-§. Ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ҳуқукий тартибга солиши	131
31-§. Ер тұғрисидаги қонунларни бузганлик учун ҳуқукий жавобгарлик	135
8-бөб. Жиноий ҳуқуқбузарликларнинг турлари	138
32-§. Жиноий ҳуқуқбузарликларнинг таснифи	138
33-§. Жиноий ҳуқуқбузарликларнинг тоифасига қараб жиноятлар турлари. Тажовузнинг обьектига қараб жиноятлар турлари	143
34-§. Шахсга қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар	146
35-§. Оила ва вояга етмаганларга қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар	150
36-§. Инсон ва фуқаронинг конституциявий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда әркинликларига қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар	154
37-§. Конституциявий тузум асослари ва давлат хавфсизлигига қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар	158
38-§. Мулкка қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар	163
39-§. Иктисадий фаолият соҳасидаги жиноий ҳуқуқбузарликлар	166
40-§. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноий қаракатлар	170
41-§. Ахоли саломатлиги ва ахлоққа қарши жиноий ҳуқуқбузарликлар	174
9-бөб. Коррупция ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлик	178
42-§. Коррупция ҳуқуқбузарликлари тушунчаси ва белгилари	178
43-§. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг турлари	182
44-§. Коррупция билан боғлық ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарлик (жиноий, маъмурий, интизомий)	186
Якуний тестларнинг жавоблари	204
Тавсия этилған адабиётлар рүйхати	205
Ҳуқукий меъёрий ҳужжатлар	205